

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

С. В. Мамажонова

ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ

Ўқув –услубий мажмуа

5111000 – касб таълими: иқтисодиёт

Гулистон-2020

Ўқув-услубий мажмуада 5111000 - касб таълими: иқтисодиёт таълим йўналиши бўйича ўқиётган бакалаврларга танлов ва қўшимча фанлар доирасида ўқитишга мўлжалланган бўлиб, унда иқтисодий тарбиянинг ўзига хос томонлари, жамият ва иқтисодиёт орасидаги муносабатлар жараёнида келиб чиқаётган иқтисодий муаммолар иқтисодий тарбияни шакллантириш доирасида кенг ёритилган. Иқтисодий фанда олдин амал қилиб келинган ва ҳозир амал қилаётган алоҳида мактаб ва йўналишларнинг концепция ва назариялари, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда ўзига хос хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилган. Уларни ўрганиш иқтисодий билимларни мустаҳкамлашга ва чуқурлаштиришга, мамлакатимизда ва жаҳонда содир бўлаётган иқтисодий ҳодисаларни мустақил таҳлил қилишга, тўғри хулоса чиқаришга ёрдам беради.

Тақризчилар:

Бабабекова Д.Ш .- иқтисод фанлари номзоди, доцент

Сатторқулов О.Т. - иқтисод фанлари номзоди, доцент

1-MAB3Y. IQTISODIY TARBIYA NAZARIYASI FANINING PREDMETI, MAQSADI VA VAZIFALARI

Reja

1. Fanning vujudga kelishi, maqsadi va asosiy vazifalari
2. Ma'naviy va iqtisodiy hayot
3. Iqtisodiy tarbiya nazariyasining boshqa fanlar bilan uzviy bog'liqligi
4. Iqtisodiy tarbiya nazariyasi fani predmetini o'rganish metodlari

Asosiy tayanch tushunchalar va atamalar: Fan, ta'lim, Iqtisodiy tarbiya nazariyasi, Iqtisodiy tarbiya nazariyasining obekti, insonni «modellashtirish», to'la ratsionalizm, cheklangan ratsionalizm, organik ratsionalizm, opportunizm, dialektik metod, hermenevtika.

1. Fanning vujudga kelishi, maqsadi va asosiy vazifalari

Insonlar yashashi, har tomonlama kamol topishi uchun turli-tuman ehtiyojlarini qondirishi shart. Inson ana shu ehtiyojlarini qondirish, hayot kechirish uchun turli-tuman ne'matlarni yaratadi.

Ma'lumki, turli-tuman ne'matlarni ishlab chiqarish uchun zarur bo'lgan resurslar cheklangan. Ayniqsa, ularning takror ishlab chiqarib bo'lmaydigan qismi - kamyob tabiiy resurslar, ulardan asrab-avaylab foydalanishni taqozo qiladi.

Inson obektiv zarurat tufayli cheklangan resurslardan tejamkorlik bilan foydalanishning turli-tuman yo'llarini topishga harakat qilgan. Resurslar cheklanganligi insonni tabiatdagi tayyor ne'matlarni o'zlashtiruvchidan ishlab chiqaruvchiga aylantirdi. Shu paytdan boshlab uning mehnati sifat jihatdan yangi bosqichga, holatga ko'tarildi. Mehnat iqtisodiy jarayonga aylandi. Keyinchalik, inson resurslardan samarali foydalanishni mulkchilik munosabatlaridagi tub o'zgarish - xususiy mulkchilikni vujudga keltirish bilan yechdi.

Keyingi bosqichlarda inson resurslar cheklanganligi va ehtiyojlarning cheksizligi o'rtasidagi ziddiyatni mulkchilik shakllarining rivojlanishi, resurslardan tejamli

foydalanishni yangi usullarini kashf qilish yo‘li bilan hal qilib keldi.

Shunday qilib, jamiyat taraqqiyotining barcha bosqichlarida kamyob tabiiy resurslarning tugab borishi, ularni asrab-avaylab sarflash uchun qilinadigan xarajatlarning ham ko‘payib borishi bu muammoni yanada dolzarb qilib qo‘yadi. Natijada, doimiy diqqat cheklangan resurslar va imkoniyatlar sharoitida yaratilgan ne‘matni, ko‘paytirishi uchun ratsional¹ xo‘jalik yuritish qonunlarini nuzlashga qaratilgan. Bunda iqtisodiy tadqiqotlar yo‘nalishi, e‘tibor qaratiladigan masalalar o‘zgargan, lekin asosiy maqsad o‘zgarmagan.

Jamiyat taraqqiyoti, xo‘jalik yuritish shakllari va iqtisodiy aloqalarning kuchayishi, murakkablashuvi bilan yer yuzidagi aholining ko‘payishi bu muammoning dolzarbligini yanada oshirdi.

Ikkinchi tomondan, inson ne‘matlarni yaratuvchisi va iste‘molchisigina emas, aynan ana shu jarayonning barcha bosqichlarida yagona qaror qabul qiluvchi va uni amalga oshiruvchidir.

Shuning uchun ham XIX asrning oxiridan boshlab jamiyatni ijtimoiy tashkiliy shakliga, «iqtisodiy odam (homo economicus)»ning say-harakati, tanlovi, subektiv motivlarga alohida diqqat qaratila boshlandi.

Demak insonning qanday qaror qabul qilishi bunda u o‘z manfaatlari nuqtai nazardan masalaga qanday yondashishi katta ahamiyatga ega.

Mashhur faylasuflardan Demokrit shunday degan ekan: «Donishmandlikdan quyidagi, o‘ziga xos uch fazilat kelib chiqadi: eng to‘g‘ri qaror qabul qilish, bexato so‘zlash, bajarish lozim bo‘lgan ishni ijro etish».

Resurslarni qanday ishlatish haqida inson qaror chiqarar ekan, demak, ana shu qaror to‘g‘ri bo‘lishi, turli variantlardan eng to‘g‘risini tanlashi lozim. Buning uchun u iqtisodiy fikrlash, aql bilan qaror qabul qilishni o‘rganishi zarur.

Uchinchidan, ana shu bilim, malaka, ko‘nikmalarni yoshlarga o‘rgatish ularda iqtisodiy nuqtai nazardan fikrlashni, iqtisodiy tafakkurni tarbiyalash zarur.

To‘rtinchidan, yoshlarda iqtisodiy bilim, malaka, ko‘nikmani shakllantiradigan,

¹ Rationalis (lot.) - maqsadga muvofiq, oqillik bilan.

rivojlantiradigan ustozlar, pedagoglar zarur.

Ana shu zaruriyatlar tufayli pedagogikada yangi bir fan Iqtisodiy tarbiya nazariyasi shakllana boshladi.

Fan tushunchasiga — o‘zbek tilining izohli lug‘atida quyidagicha ta’rif beriladi: «Tabiat va jamiyatning taraqqiyot qonuniyatlarini ochib beruvchi hamda atrofdagi muhitga ta’sir ko‘rsatuvchi bilimlar sistemasi»².

Inson paydo bo‘libdiki, o‘zini qurshab turgan olamni, shu olamni tarkibiy qismi bo‘lgan o‘zini ham bilishga qiziqadi. Shu bilan birga inson yashar ekan, uning oldida turli-tuman qiyinchiliklar, to‘siqlar, yechish zarur bo‘lgan muammolar vujudga keladiki, ularni yechish uchun u izlanadi, mehnatini yengillatishga harakat qiladi. «Viktor Gyugoning fikricha «taraqqiyot tasodif emqas, balki zaruratdir». Men bu fikrga to‘liq qo‘shilaman, hozir rivojlanish har bir sohada izchil amalga oshirilmog‘i zarur. Aks holda bu sohalar zamon talabiga javob bera olmaydi»³.

Madaniyat beshigi hisoblangan Gretsiya, qadim Sharq, mamlakatlarida tabiat va jamiyat taraqqiyotini ko‘zatib, o‘rganib, uning qonunlarini ochib beruvchi kishilar, mutafakkirlar yetishib chiqdilar va tom ma’nosi bilan hozirgi zamon ilmu-faniga asos soldilar.

Ikkinchidan, fan ma’nosida o‘zbek tilida ilm so‘zi ham ishlatiladi. Ilm atamasi keng bo‘lib, u fan ma’nosidan tashqari, kishining o‘qish, o‘rganish va hayotiy tajriba orqasida orttirgan bilim, ma’lumot, donish ham tushuniladi.

Islom Sharqida «ilm» tushunchasi ham diniy, ham dunyoviy mazmun kasb etgan. Lekin ularning albatta o‘ziga xos jihatlari mavjud.

Har qanday fan ostida kishilarning olamni bilish uchun uni ko‘zatish, idrok qilishi jarayoni, uning natijasini umumlashtirish, xulosa chiqarishi yotadi, to‘plangan bilim va tajribalar asosida paydo bo‘ladi.

2. Ma’naviy va iqtisodiy hayot

Dunyo allomalari ichida ikkinchi muallim nomi bilan mashhur bo‘lgan buyuk

² O‘zbek tilining izohli lug‘ati. M.: “Rus tili” nashriyoti, 1981, 294-bet.

³ I.A.Karimov Barkamol avlod orzusi. T.: 1999, 10-bet.

ajdodimiz Abu Nasr Forobiy, mashhur bobokalonimiz Abu Rayhon Beruniylar ham fan kishilarning amaliy ehtiyoji tufayli vujudga kelishini ta'kidlashgan.

Shunday qilib, falsafiy, iqtisodiy fanlar bilan pedagogika fanlari kesishuvi nuqtasida ta'lim va tarbiyani o'rganuvchi fan shakllandi. Jamiyat taraqqiy etishi bilan kelajakda ma'naviy va iqtisodiy hayot ijodkorlik uchun katta imkoniyatlar vujudga keltiradi.

Mamlakatning kelajagi bevosita yoshlar, ularga ta'lim va tarbiya berish bilan bog'liq. Bu jarayonda iqtisodiy bilim va tarbiya berish muhim ahamiyatga ega, sababi, cheklangan resurslardan samarali foydalanish aynan insonlarning iqtisodiy tafakkuriga bog'liq bo'lib qoladi.

Iqtisodiy tarbiya nazariyasi fanining maqsadi iqtisodchi-pedagoglar tayyorlash va iqtisodiy ta'limning barcha bo'g'inlarida yoshlarda hozirgi zamon bozor iqtisodiyotiga xos iqtisodiy tafakkur va iqtisodiy madaniyatni shakllantirish, iqtisodiy fanlardan olgan bilimlarini mustahkamlash va iqtisodiy fanlarning uzviyligini ta'minlashdir. Iqtisodiy tarbiya nazariyasining maqsadini qisqacha ta'riflasak, «homo economicus - iqtisodiy odam»ni shakllantirishdir.

Iqtisodiy tarbiya nazariyasining predmeti. Iqtisodiy tarbiya nazariyasi ilmiy bilishning o'ziga xos sohasi sifatida shaxsni iqtisodiy nuqtai nazardan tarbiyalashni o'rganishdir.

Pedagogikaning o'zi tarbiya to'g'risidagi fan bo'lsa, Iqtisodiy tarbiya nazariyasi uning bir yo'nalishi sifatida insonda iqtisodiy fikrlash tarzini shakllantirishdir.

Iqtisodiy tarbiya nazariyasining obekti iqtisodiy jihatdan tarbiyalash atijasida iqtisodiy qarashlari rivojlanayotgan o'quvchi, talabalardir.

Iqtisodiy tarbiya nazariyasi, iqtisodiy ta'lim tarbiyaning asosiy vazifalari quyidagilarni o'z ichiga oladi:

1. Iqtisodiy fikr yuritish va iqtisodiy jihatdan dunyoqarashni shakllantirish.
2. Mulk egasi xo'jayinlik hissi, iqtisodiy madaniyatni tarbiyalash.
3. Sotsial-psixologik, axloqiy jihatlar: mehnatsevarlik, intizomlilik, tejamkorlik, ishbilarmonlik, tadbirkorlik tashkilotchilik, hisob-kitob olib borishga intilishni

tarbiyalash.

4. Uzluksiz ta'limni amalga oshirish, iqtisodiy ta'lim berishning hamma bo'g'inlari, bosqichlarida hamda iqtisodiy kadrlar tayyorlashda zamon talablariga javob beradigan, bozor iqtisodiyoti talablarini tushuna oladigan xo'jalik yurituvchi va mutaxassis sifatida malaka va ko'nikmaga ega bo'lgan mutaxassislar tayyorlash jarayonida tarixiy g'oyalar, an'analarni o'rganib, ulardan qaror qabul qilishda foydalanishni o'rganish.

5. Hayotda sodir bo'ladigan o'zgarishlarni to'g'ri hisobga olishni ularga moslashish, risk qilish, ehtiyojlarini to'laroq qondirish uchun oqilona tanlash fazilatlarini shakllantirishga ta'sir ko'rsatish.

6. Bozor iqtisodiyoti o'z qonunlari, tamoyillari va talablari bilan amal qilishini hisobga olgan holda bunday jamiyatda yashash, faoliyat yuritish uchun yangi bilimlarni, yangicha iqtisodiy fikrlashni shakllantirish.

7. Bozor islohotlarini chuqurlashtirish va iqtisodiyotni yanada erkinlashtirishni jadallashtirish davrida tamomila yangicha iqtisodiy fikrlashni shakllantirishning asosiy ustuvor vazifalarini amalga oshirish, yoshlar ongiga iqtisodiy jarayonlarni oddiy, sodda qilib singdirish, iqtisodiy bilim berish iqtisodiy savodxonlikni ta'minlash.

8. Yoshlarga ta'lim va madaniyatni tushunib olish, iqtisodiy tafakkur va iqtisodiy madaniyatni birlashtirish orqali inson omilini kuchaytirish va boshqalar.

3. Iqtisodiy tarbiya nazariyasining boshqa fanlar bilan uzviy bog'liqligi

Iqtisodiy tarbiya nazariyasi fanlar tizimida qator fanlar bilan uzviy aloqada bo'lib, buning sababi Iqtisodiy tarbiya nazariyasi fanining o'rganish obekti bilan bog'liq.

Ma'lumki, barcha fanlar obektiv borliq va uni o'rganish asosida vujudga kelgan. Shuning uchun ham fanlar bir-birini taqozo qiluvchi sifatida hamda fanlarning rivojlanishi natijasida yangi fanlarning vujudga kelishi tufayli bir-biri bilan uzviy bog'liqligi e'tirof etiladi. Shu nuqtai nazardan Iqtisodiy tarbiya nazariyasi ham deyarli barcha fanlar bilan uzviy aloqadadir.

Ayniqsa, bir obektning bir necha fanlarning oralig'ida o'rganilishi lozim bo'ladi. Demak, ma'lum bir fan boshqa tutash fanlarsiz to'laqonli muvaffaqiyatga erisha olmaydi.

Bizni qurshab turgan olam sistemali xususiyatga ega bo'lganidek olamning bir uzviy qismi bo'lgan insoniyat olami ham ma'lum bir sistemadir. Insoniyat olami eng avvalo, insonlar va ularning o'zaro munosabatidan tashkil topadi. Insoniyatni tashkil etgan inson o'zi alohida yashay olmaydi. Inson albatta boshqa inson bilan munosabatda yashaydi.

Shuning uchun ham xalqimizda «Yolg'izlik Xudoning o'ziga xos» degan naql bor. Insonlar kishilik jamiyatini tashkil etar ekan, ular o'rtasidagi munosabatlar ijtimoiy munosabatlar sanaladi. Insonlar o'rtasidagi turli-tuman munosabatlarni o'rganuvchi fanlar ijtimoiy fanlar hisoblanadi. Ijtimoiy fanlar bilan gumanitar fanlar o'rtasida chegara yo'q. Gumanitar fanlar ham inson va uning madaniyatini o'rganuvchi fanlar bo'lib, ular o'rtasida o'zaro chambarchas aloqa mavjud bo'lib, ularni ko'pincha bir-biridan ajratib bo'lmaydi. Shu boisdan har ikki tarmoq birlashtirilib ijtimoiy-gumanitar fanlar deb yuritiladi.

Iqtisodiy tarbiya nazariyasi ana shu fanlar jumlasiga kiruvchi falsafa, mantiq, tarix, adabiyot va qator boshqa fanlar bilan ikkinchi tomondan insonda iqtisodiy fikrlashni qarashlarni tarbiyalovchi fan sifatida iqtisodiy fanlar bilan bog'liq.

Lekin ma'lum bir shunday fanlar borki, Iqtisodiy tarbiya nazariyasining kelib chiqishi jamiyat taraqqiyoti va ana shu fanlarning rivojlanishi bilan bevosita bog'liq.

Bu fanlar qatoriga eng avvalo, falsafani qo'yamiz, chunki barcha fanlarning, ayniqsa, pedagogikaning metodologik asosi bu falsafadir. Ko'plab pedagogik konsepsiyalar va tarbiya tizimining asosi falsafiy nazariyalardir.

Hozirgi kunda pedagogikada keng tarqalgan pragmatizm, neopragmatizm, neopozitivizm, ekzistensializm, neotomizm, bixeviorizm va boshqalar ham aynan falsafadagi ana shu yo'nalishlar asosida vujudga kelgan va rivojlangan. Demak, Iqtisodiy tarbiya nazariyasini fan sifatida shakllanishi asosida falsafa turadi desak xato qilmaymiz.

Iqtisodiy tarbiya nazariyasining shakllanishi pedagogika fani bilan chambarchas bog‘langan. Chunki Iqtisodiy tarbiya nazariyasining predmeti, ilmiy bilishning alohida funksiyasi bo‘lgan iqtisodiy tarbiya bo‘lgani tufayli u eng avvalo, pedagogika faniga tayanadi.

Ma’lumki, pedagogika tarbiyalash munosabatlari haqidagi fan. Tarbiya munosabatlari esa tarbiyalash, ta’lim berish bilan birgalikda o‘z-o‘zini tarbiyalash, o‘z ustida ishlash, mustaqil bilim olish jarayonini bir butun qilib birlashtiradi. Pedagogikani insonni tarbiyalash, uni ma’naviy jihatdan boy, ijodiy faol shaxs bo‘lib shakllanishiga yordam beruvchi fan sifatida qarash mumkin.

Iqtisodiy tarbiya nazariyasini pedagogikaning bir metadologik yo‘nalishi sifatida iqtisodiy ta’lim shakllari, metodlari, prinsiplariga yondashuvlar, uning mazmunini ifodalovchi mezonlarni tanlash, ishlab chiqarishni o‘z ichiga oluvchi fan tarzida ko‘rish mumkin.

So‘zsiz pedagogikaning boshqa qator yo‘nalishlari, pedagogika tarixi, etnopedagogika, pedagogik antropologiya, ekologik pedagogika va boshqalar ham albatta Iqtisodiy tarbiya nazariyasining shakllanishi va rivojlanishiga ta’sir qiladi.

Iqtisodiy tarbiya nazariyasining kelib chiqishida muhim rol o‘ynagan fanlardan yana biri psixologiya, xususan psixologiya fanidir.

Ayniqsa XX asrning 90-yillaridan boshlab, ekologik va iqtisodiy psixologiya bo‘yicha olib borilgan tadqiqotlar fanni shakllanishida muhim ahamiyatga ega. Tadqiqotlar natijasida shaxsning iqtisodiy jihatdan fikr yuritishi, uni shakllanishi mexanizmini tushunib yetish, anglash xususiyatlarini aniqlashga yordam berdi. Iqtisodiy ta’limni pedagogik jarayon bilan iqtisodiy fikrlashni shakllanishi jarayonini psixologik jihatlarini to‘la muvofiq kelishini ko‘rsatib berdi. «Iqtisodiy odam»ni shakllanishiga alohida diqqat qaratildi.

Ma’lumki, inson hayotining biologik, sotsial, moddiy va ma’naviy tomonlari murakkab tarzda chatishib ketadi. Iqtisodiyot nazariyasi inson faoliyatining asosiy jabhasi cheklangan resurslar sharoitida hayotiy ne’matlarni ishlab chiqarish va ularni taqsimlashni tahlil etadi. Bu jarayonda shaxsiy va ijtimoiy manfaatlar turli-tuman

shakllarda realizatsiya qilinishiga diqqat qaratiladi.

Iqtisodiy nazariya kishilik jamiyati taraqqiyotini o'rganishga insonni bir vaqtning o'zida turli-tuman ne'matlarni ishlab chiqaruvchi hamda iste'mol qiluvchi sifatida yondashadi.

Bozor iqtisodiyotini oqilona individualizmga asoslanishi nazariy jihatdan tadqiqot qilinishi muhim rol o'ynaydi. Iqtisodiyotni nazariy jihatdan o'rganishda inson modeliga, ya'ni ma'lum sotsial-iqtisodiy tizimda insonning umumiy qiyofasi haqida uning faoliyatining turli-tuman motivlariga alohida ahamiyat beriladi.

Ma'lumki, har bir fan insonga o'z tadqiqot predmeti nuqtai nazaridan yondashadi hamda erishgan yutuqlari darajasi doirasida ta'riflaydi, ma'lumot beradi.

Iqtisodiy nazariya esa insonning iqtisodiy say-harakatini tushuntirib berishga diqqat qaratadi.

Insonni «modellashtirish»ning turli-tuman yo'nalishlarini shartli ravishda to'rt guruhga ajratish mumkin. Ular o'rtasidagi farq birinchidan, insonning shaxsiy fazilatlarini turli-tumanligidan, abstraksiyalanish darajasi jihatidan, ikkinchidan, kishilar faoliyati amalga oshiriladigan iqtisodiy, siyosiy, psixologik muhitni hisobga olinishi jihatidan aniqlanadi.

Birinchi yo'nalishga ingliz klassik maktabi, marjinalizm, neoklassik maktablari kiradi. Bu modelda asosiy diqqat inson egoist (o'z manfaatini ko'zlovchi) qilib yaratilganidan kelib chiqib, «iqtisodiy odam» harakati, faoliyatining bosh motivi, uni harakat qilishining asosi iqtisodiy manfaatlar, eng avvalo, pul ekanligiga asoslanadi. «homo economicus» modeliga ko'ra individ o'zini shunday tutadiki, natijada, u resurslar cheklanganligi, asosiysi pul daromadi cheklanganligi sharoitida nafllilikni, ya'ni farovonlikni maksimallashtirishga erishadi. XVIII asrda vujudga kelgan bu konsepsiya Hozirgi kunda yanada keng yoyildi.

Bu modelda insonlarning iqtisodiy say-harakatlari, tanlovi cheklangan resurslar sharoitida minimal xarajat qilib, maksimal natijaga erishish uchun intilishga qaratilgan. Bu yo'nalishning o'zi to'la, cheklangan, organik ratsionalizm konsepsiyalariga bo'linadiki, birinchisida odam faoliyat yuritishi uchun atroflicha axborotga ega va

undan o'z faoliyatida foydalanib, maksimum darajada natijaga erishadi deb qaraladi.

Ikkinchi — cheklangan ratsionallikda xo'jalik yuritish jarayonida qaror qabul qilish uchun axborotlar yetarli emas, cheklangan. Bunda turli qiyinchiliklar tufayli zarur axborotlarni to'play olmaslik, yetarli darajada tahlil qila olmaslik, qolaversa insonning bilish qobiliyati, iqtidori darajasi imkon bermasligi mumkin.

Organik (tabiiy, uzviy) ratsionallik, ya'ni ratsionallikning zaif shakli konsepsiyasida asosiy diqqat insonning o'zini tutishi, say-harakatlarida rasmiy va norasmiy qoidalarga rioya qilishiga qaratiladi. Tanlovning ratsional bo'lishiga yuridik taqiqlar yoki an'analar, axloqiy va boshqa shunga o'xshash taqiqlar ta'sir qilishi mumkin. Undai tashqari insonlar say-harakatiga noiqtisodiy omillar ta'sir qilish mumkin. Ular kishilik jamiyati taraqqiyoti bilan ortib boradi.

Ikkinchi yo'nalish ko'proq keynschilik va institusional maktablarini qamrab oladi. Ular ko'proq birinchi yo'nalishning ikkinchi «cheklangan ratsionalizm» konsepsiyasiga yaqinroq.

Ularning fikricha faqat shaxsiy foyda, naflikni haqida emas, balki o'zini-o'zi cheklash, boshqalarga yaxshilik qilish maqsadida o'z manfaatlaridan voz kechish kabi insoniy hislatlar tufayli individning tanlovi natijasiga tub o'zgarishlar kiritilishi mumkin.

Bu modelda jamiyat nisbatan murakkab tarkibga ega, ularni muvozanatda ushlab turish uchun davlatning iqtisodiy munosabatlarga aralashuvi talab etiladi.

Uchinchi yo'nalish hozirgi zamon realligini o'zida aks ettiruvchi «iqtisodiy odam» modelining prinsipial yangi turi bo'lib, unga ko'ra tanlovda moddiy jihatga qaraganda ma'naviy ehtiyojarni qondirish asosiy o'ringa chiqadi.

To'rtinchi yo'nalish alohida sobiq sotsialistik (sovet) jamiyatidagi «iqtisodiy odam» modeli – buyruqbozlikka asoslangan xo'jalik yuritish tizimiga xos ravishda insonning say-harakatlarini ifodalaydi. Bu model eng avvalo, insonning shaxsiy farovonligini ko'zlashi tufayli uning iqtisodiy say-harakati, tanlovini ikkiga ajralishi bilan karakterlanadi.

Bunda davlat uchun mehnat qattiq cheklashlar va mehnat natijasini davlat

tomonidan tekis taqsimlanishiga asoslanadi. Shuning uchun boqimandalik kayfiyati hukm suradi, davlat mulkini o'g'irlash, tashmachilik mavjud. Mehnatiga, ya'ni ish joyida bo'lishiga kam bo'lsa ham kafolatlangan haq oladi. Bunda 12ata12ialism12c say-harakat uchun qulay muhit yaratiladi. Opportunistik say-harakat, tanlov deganda iqtisodiy nazariyada iqtisodiy vijdotsizlik, ataylab axborotlarni bo'zib ko'rsatish yoki to'liq axborot bermaslik va boshqalar tushuniladi. Amerikalik iqtisodchi O. Uilyamson fikricha 12ata12ialism ou «shaxsiy manfaatlarni ko'zlab, tashkilotning manfaatlarini realizatsiya qilishga to'sqinlik qilish: axborotni yashirish, aldash, hiyla bilan to'g'ri yo'ldan urish» kabilar tushuniladi⁴.

Buyruqbozlik iqtisodiyotida 12ata12ialism insonlarni oqilona say-harakatini o'ziga xos shakli bo'lib, tizimning o'zi halollik, ochiqlik, aniqlik, iqtisodiy subektlarning kelajak faoliyatlarini o'zlari oldindan belgilab mustaqil ravishda faoliyat yuritishiga tizimning o'zi yo'l bermagan.

Ko'zga ko'ringan nemis olimi psixoanalitik Erix Fromm aytganidek «... aqlning funksiyasi yashash san'atiga xizmat qilishdan iborat»⁵. Davlat diktati, 12ata12 va xizmatlar defitsiti, taqchilligi odamlarni sharoitga moslashishga, yashash uchun turli yo'llarni o'ylab topishga majbur qilgan. Turli-tuman nobozor, bozor iqtisodiyotiga xos bo'lmagan aloqalar, boshqaruv institutlari va ularda qaror qabul qilishda shaxsiy mas'uliyat va tashabbuskorlikni zimmaga olishdan qo'rqish, sustkashlik, iqtisodiy nopoklik va boshqa illatlarga moyillikni kuchaytiradi.

Lekin shunga qaramay har bir shaxs minimal darajada sarf-xarajat qilib, maksimal natijaga erishishga harakat qilgan. Bu esa insonni doimo iqtisodiy ratsionallikka erishishga intilishini ko'rsatadi.

Bu prinsipning universalligi olimlarni uni iqtisodiyot nazariyasi doirasidagina emas, balki inson hayotining noiqtisodiy sohalarida ham uning harakati motivlarini tushuntirib berishga harakat qilishga olib keldi.

Ana shunday tadqiqotga nihoyatda 12ata hissa qo'shgan olim Gerri Bekker iqtisodiyot sohasida Nobel mukofotini olishga sazovor bo'lgan. U ratsional tanlov

⁴ Уильямсон О. Экономические институты капитализма. СПб. Лениздат, 1996, стр. 689.

⁵ Фромм Э. Анатомия человеческий деструктивности. М.: 1994, стр. 230.

muammosi bilan bog'liq holda oilada ixtiyor qilingan farzandlar soni, odamlar tomonidan jinoyat sodir qilish, - ta'lim olishni davom ettirish va boshqa shunga o'xshash hodisalarga qaror qabul qilish sabablarini original tarzda izohlab beradi⁶. Kishilar hayotining noiqtisodiy tomonlari tahliliga iqtisodiy jihatidan yondashishdan foydalanish nazariyada «iqtisodiy iqtisodizm» nomini olgan.

Umuman olganda xo'jalik yuritish jarayonida «inson omili»ga xos asosiy parametrlar ana shu modellarda umumiy tarzda o'z ifodasini topadi. Ularni bilish kishilik sivilizatsiyasining turli bochiqlarida iqtisodiyotda insonning rolini real baholabgina qolmay, iqtisodiy siyosat yuritishning optimal yo'nalishlarini shakllantirish, qabul qilingan u yoki bu iqtisodiy qarorlarning oqibati qanday bo'lishini yuksak darajada aniqlik bilan taxmin qilish imkonini beradi.

Shunday qilib, individual va jamoa tarzida to'g'ri qaror qabul qilishni o'rganish uchun iqtisodiyotni, iqtisodiy qarashlarni o'rganish zarur.

Kishilik jamiyati taraqqiyotida, iqtisodiy tizimi markazida insonning roli beqiyos. Demak, unga nafaqat iqtisodiy ta'lim, balki tarbiya berish zarur, unga ratsional qaror qabul qilish yo'llarini o'rgatish lozim. Bu vazifani aynan Iqtisodiy tarbiya nazariyasi bajaradi. Shunday qilib, iqtisodiyot nazariyasi fani Iqtisodiy tarbiya nazariyasi fanini nafaqat shakllanishi, balki rivojlanishiga ham iqtisodiy turtki beradi. Bozor iqtisodiyotida iqtisodiyotga subektiv-psixologik yondashuv asosiy o'ringa chiqadi. Ayniqsa, marjinal maktabning iste'molchilar ruxi, kayfiyatini o'rganish, aniq iqtisodiy vaziyatda, erkin raqobat kurashi sharoitida subektning o'zini tutishi, say- harakati iqtisodiy tanlov masalalari muhim ahamiyatga ega.

Shunday qilib Iqtisodiy tarbiya nazariyasi yangi fan sifatida falsafa, iqtisodiyot nazariyasi, pedagogika, psixologiya fanlarining o'ziga xos integratsiyasi sifatida kelib chiqadi deb ayta olamiz.

4. “Iqtisodiy tarbiya nazariyasi” fani predmetini o'rganish metodlari

Fanda erishilgan natijagina emas, balki unga erishish metodlari, ya'ni shu natijaga

⁶ Беккер Г. Экономический анализ и человеческое поведение THESIS. М.: 1993, т. I, вып. 1, стр. 24-40.

qanday qilib, qaysi yo'l bilan erishilgani hamda shu fanni qanday qilib o'rganish mumkinligi ham katta ahamiyatga ega.

Fanni fan sifatida uni o'zlashtirish va takomillashtirish metodlariga tayansagina tan olish mumkin. Chunki aynan metod fanga uning vazifalari, masalalarini yechish, o'z muammolarini ishlab chiqishga imkon beradi.

Iqtisodiy tarbiya nazariyasi fani ham o'z predmetini qator metodlar asosida o'rganadi. U eng avvalo, barcha fanlar uchun umumiy metod bo'lgan dialektikaga tayanadi. Dialektika - tabiat, jamiyat, tafakkur rivojlanishini eng umumiy qonuniyatlari haqidagi ta'limot bo'lib, uning asoschisi buyuk nemis faylasufi Georg Gegeldir (1770-1831). U dilektika tizimi nazariyasining markaziga qarama-qarshiliklarni qo'yadi. U qarama-qarshiliklar birligi va kurashi qonunini ifodalarkan, qarama-qarshilikni har qanday rivojlanishining «miqdori» sifatida baholaydi. Inkorni inkor qilish miqdor o'zgarishlariga, miqdor o'zgarishi sifat o'zgarishlariga olib kelishini asoslab beradi.

Dialektik metod faqat ziddiyatni emas, balki qarama-qarshiliklar birligini ham ifodalashi bir-biri bilan qarama-qarshi hodisalarni bir butun holda ko'rish imkonini beradi. Kishilik jamiyati taraqqiyotini iqtisodiy fikrlash tarzining o'zgarishini, insonlarni tarbiyalash jarayonini o'rganganimizda shu metoddan foydalanamiz.

Iqtisodiy tarbiya nazariyasini o'rganishda qo'llaniladigan metodlar ilmiy tadqiqot metodlaridir. Bu metodlarga ko'ra:

- insonni tarbiyalanuvchi va tarbiyachi sifatida tadqiq etish;
- insonni o'rganishning turli jabhalarini sintezlash;
- parallel ravishda ularni pedagogik jihatdan talqin qilish, amalga oshirish;
- tajriba va eksperimentlar orqali faktlarni o'rganish. Jarayonlar va omillarni alohida shaxs va jamoa misolida o'rganish, o'zgarishlarni aniqlash;
- deduktiv-gipotetik va induktiv-empirik modellar asosida asosiy g'oyalarni o'z predmeti doirasida tadqiq etish.

Iqtisodiy tarbiya nazariyasining muhim metodlaridan biri tarixiylik va mantiqiylik metodlari bo'lib, ular tahlil (analiz) va sintez metodlari bilan uzviy ravishda qo'shilib ketadi. Chunki tarixiy faktlar, ma'lumotlar o'rganilib tahlil qilinadi. Tarbiyaviy

jarayon bo'yicha dunyo miqyosidagi tajribalar o'rganiladi, ulardan foydalaniladi. Sababi, jamiyatni avvalgi taraqqiyot davrini o'rganmay, milliy an'analar ildizini bilmay hozirgi davr uchun mustahkam asos yaratib bo'lmaydi.

Aniq fanlarning inson haqidagi ma'lumotlari pedagogika fani tomonidan o'zlashtirilishi mumkin. Buning uchun ular sintez qilinadi va mantiqiy xulosa chiqariladi.

Bundan tashqari induksiya va deduksiya metodidan keng foydalaniladi. O'z predmeti nuqtai nazaridan yondashilgan holda boshqa fanlar bilan hamkorlikda tadqiqot olib boradi.

Iqtisodiy tarbiya nazariyasini o'rganishda adabiyotlar bilan ishlash metodi ham muhim o'rin tutadi. Iqtisodiy tarbiya nazariyasiga xos muammolarni tadqiq etish adabiyotlarni o'rganishdan boshlanadi. Bunda tarixiy pedagogik adabiyotlar, arxiv hujjatlari, maorif, ta'lim-tarbiyaga oid, huquqiy hujjatlarni o'rganish, boshqa mamlakatlarning tajribasini o'rganish amalga oshiriladi. Adabiyotlarni o'rganish orqali insoniyat tomonidan bu borada nimalarga erishilgani o'rganiladi, qanday hal etilmagan muammolar borligi aniqlanadi.

Fanni o'rganishda qo'llaniladigan yana bir metod germeneytika, ya'ni talqin qilish metodi hisoblanadi. Bu metod insonning tabiatini tushunishga yordam beradi.

Tarixdan o'rganish bu tarixni o'rganish emas, tarixni yodda saqlash emas, balki unga yoshlarga iqtisodiy jihatdan tarbiyalashda qanday foydalansa bo'ladi, degan nuqtai nazardan qarash tushuniladi.

Germeneytika fikrni, qarashlarni, yozilgan matnni sharhlash va uni talqin qilish prinsiplari haqidagi ta'limotdir. Talqin qilish - demak nimanidir mazmunini, mohiyatini ochib berishdir.

Pedagogik jihatdan — bu voqea, xodisa, jarayonni pedagogika uchun qanday ahamiyatga ega ekanligini tushuntirishni ifodalaydi. Nima sababdan pedagogik faoliyatda, ya'ni tarbiyada zarurligini asoslab beradi.

Bu metod insonni, uni inson sifatida shakllanishi, uni har tomonlama rivojlanishi qonunlarini ahamiyatini, mohiyatini o'rganishga, anglashga, tushunishga imkon

beradi.

Talqin qilish san'ati inson haqidaga boshqa fanlarda sinalgan, o'rganilgan bilimlardan pedagogik maqsadlarda foydalanishni ham o'z ichiga oladi.

Iqtisodiy tarbiya nazariyasida atrof-muhit ta'sirini o'rganish muhim ahamiyatga ega. Chunki bosh tarbiyachi-alohida pedagog emas, balki jamiyat, umuman olganda bir butun hayotdir. Shuning uchun ham buyuk alloma Abu Abdullo Rudakiyning

«Har kimki hayotdan olmasa ta'lim

Saboq bera olmas hech bir muallim» degani bejiz emas.

An'analar, axloqiy qoidalar, sotsial sharoit, siyosiy institut, diniy e'tiqodlar, tabiiy, tarbiya jarayoniga kirib, turmush tarzi ta'siri natijasida iqtisodiy tarbiya yuz beradi.

Jamiyat o'sayotgan insonga qadriyatlar tizimi orqali ta'sir ko'rsatadi. Bo'lar ona tili, hulq- odob, an'ana, udum va boshqalarni o'z ichiga oladi.

Undan tashqari oilada, jamiyatdagi mehnat taqsimoti kishilar mashg'uloti ham tarbiyaning tabiiy ravishdagi muhim omillari qatoriga kiradi. Eng muhim tarbiyaviy ta'sir etuvchi omil bu mehnat va an'analardir. Tarbiyaviy ta'sir din, huquq, iqtisodiyot, hukumat faoliyati orqali amalga oshiriladi.

Nazorat uchun savollar

1. "Iqtisodiy tarbiya nazariyasi" fani qanday tarzda shakllangan?
2. Fanning predmeti, maqsadi, obekti, vazifalarini ko'rsating va izohlang.
3. Iqtisodiy tarbiya nazariyasi qaysi fanlar asosida shakllangan?
4. Insonni «modellashtirish»ning qanday yo'nalishlari mavjud? Ularning farqlarini ko'rsata olasizmi?
5. Opportunizm nima bu borada siz amerikalik iqtisodchi O. Uilyamson fikriga qo'shilasizmi?
6. "Iqtisodiy tarbiya nazariyasi" fani o'z predmetini qaysi metodlar yordamida o'rganadi?

2-МАВЗУ. “АВЕСТО” АСАРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ

Режа:

1. Ўзбекистон- илк иқтисодий таълимотлар ватани.
2. Эзгулик ва иқтисодиёт бирлиги гоёси.
3. «Авесто» даги мулкӣ муносабатлар гоёси.
4. Кредит муносабатлари гоёси.
5. Яратувчилик (ишлаб чиқариш)-энг эзгу амал.
6. Меҳнат ва меҳнат тадсимоти гоёси.
7. Табиат-эҳтиёжларни қондиришнинг бош манбаи хақидаги гоё.

Таянч ибора ва тушунчалар: Авесто, Ахура Мазда, Ахроман, Сипийтмон Зардушт, Ер ва унинг хусусиятлари, Меҳнат тадсимоти, Дунёли булиш афзаллиги, «дасам» (шартнома, мажбурият)

1. Ўзбекистон- илк иқтисодий таълимотлар ватани.

Шу нарсa хам аёнки, «Авесто» хақида бутун дунё мидиёсида мингдан ортид турли шаклларда илмий ишлар эълон қилинган. Бироқ, улар асосан рус ва Европа халқлари тилларида нашр этилган булиб, уларда асосан бу ўлмас асарнинг фалсафий, маърифий, диний, этнографик, тиббиёт, табиат ва экология масалаларига эътибор даратилган эди.

«Авесто» асарининг бебахо қиймати ва ахамияти хақида Президентимиз И.Каримов узининг ушбу китоб яратилганлигининг 2700 йил тантаналарида сўзлаган нутдида шундай деган эди: «У бундан 30 аср муаддам мана шу муътабар заминда яшаган аجدодларимизнинг адл-заковати ва далб нури билан яратилган, икки минг терига тилла суви билан битилган бу ноёб тарихий ёдгорликдир.

Ушбу нодир китоб биз яшаб турган тупродда буюк давлат, буюк маданият,

буюк маънавият бўлганикан гувоҳлик берувчи бебаҳо тарихий хужжат булиб, минг йиллар, асрлар давомида аجدодларимиз учун маънавий рухий таянч, чексиз куч-дувват манбаи булиб келган». Айни чоғда «Авесто» нафадат Марказий Осиёда «балки бутун гарб оламида ҳам илму-фан ва фалсафий тафаккур ривожига бебаҳо, салмодли хисса душган асардир».

Ушбу асар бугунги кунда мамлакатимизда миллий гоё ва истидлол мафкурасини шакллантиришнинг жуда муҳим илмий-маърифий манбаи сифатида алоҳида аҳамият касб этмодда. Асарни «Иқтисодий таълимотлар тарихи» фани нуқтаи-назаридан таддид этиш ҳам долзарблик касб этади. Асарни урганиш асосида шундай хулосага келдикки, биринчидан, унда энг қадимги дунё иқтисодий таълимотлари мана шу бизнинг Ўзбекистонимиз заминида илк бор вужудга келганлигига тула ишонч ҳосил қилинди, иккинчидан, унда илгари сурилган гоёлар, гарчи уларнинг тарихи 3000 йилдан ҳам олдиродда бориб тадалсада, бугунги иқтисодий ислохотларимиз гоёлари билан, утказилаётган иқтисодий сиёсатимиз билан рамзий ҳамоҳанг эканлигига иймонимиз комил булди.

Дарҳақиқат «Авесто»да мамлакатимизда утказилаётган иқтисодий ислохотлар билан, умумий иқтисодий дадрийатларимиз билан ҳамоҳанг бўлган бир датор иқтисодий дарашлар баён этилган. Асарда уч эзгулик гоёси илгари сурилган булиб, уларнинг бирламчиси ҳалол ва унумли меҳнат қилиш, яратувчилик амали энг олийсидир. Китобда ижтимоий меҳнат тадсимооти гоёси илгари сурилиб, у қадимги дунёда ижтимоий меҳнат тадсимотининг реал ва самарали шакли «жамоа булиб ишлаш» эканлиги уқтирилади.

Китобда ёшларнинг касб-хунар эғалаш, оила дуриш ва унинг идтисоди гоёлари ҳам пишид-пукта ишланган иқтисодий таълимотлардан бири эканлигини алоҳида қайд этилишга лойиддир.

«Авесто» даги мулкдор бўлишлик, мулкдорлик масъулияти ва манфаати гоёси ҳам, айтиш мумкинки, фундаментал ишланган иқтисодий дарашлардандир. Асарда эҳтиёжлар масаласи, уларнинг дондирилиш воситалари ҳақидаги

дарашлар хам гоят димматлидир.

Бугунги энг долзарб илмий-услубий масалалардан бири «Авесто» даги манашу ва бошқа иқтисодий фикрларни маълум тизимга солиш, уларни «Иқтисодиёт назарияси», «Иқтисодий таълимотлар тарихи», «Меҳнат идтисоди» ва бошқа иқтисодиёт фанлари предметларига киритиш ёшларимизни «Авесто»даги иқтисодий гоялар билан тарбиялашдир. Бу бизнинг бозор иқтисодиётини барпо этиш соҳасидаги вазифаларимизни тезроқ ва мукамалроқ бажаришимизга ёрдам беради.

2. Эзгулик ва иқтисодиёт бирлиги ғояси

«Авесто» китобининг «Биринчи душигидаёқ (гоҳ) зардуштийлик динининг бош мантиғи, фалсафаси баён этилади, яъни одамзод ҳаёти яхшилик ва ёмонлик билан боғланганлиги, унинг қайси бирини танлаб, эътиқод қилиб яшаши унинг ҳар икки дунёсини белгилаб берувчи маънавий бир омил эканлиги ҳақида ёзилади; Китоб ана шу икки нарсанинг моҳиятини баён этишдан бошланади. «Эй, хушёрлар!» қулоқларингиз билан пухта эшитингиз энг эзгу каломларни ва ёруғ ният билан - ҳоҳ эр, ҳоҳ аёл- ҳар бирингиз назар ташлангиз, то буюқ ходиса руй бермасдан ва одамларимиз сўнгги манзилга етмасдан икки йўлдан бирини узингизга ихтиёр этингиз-да, бу каломларни узгаларга ҳам етказингиз!

Ибтидода бу икки тугушган-ҳамзодлар андиша, калом ва амалда бири-эзгулик, бири-ёмонлик узаро суҳбат қурдилар.

Бу иккидан бири-яъни эзгуликни ундан огоҳлар, ёмонликни эса ноогоҳлар танла қилар» («Авесто», 10 бет).

Эзгуликни, яхшиликни танлаган одамлар яратувчанлик билан, дехдончилик билан, чорва ҳайвонларини бодиш билан, ижодийлик билан, борлидни янада яшнатиш, гуллаштиш билан шугулланақилар; бундай одамлар узларининг ҳар икки дунёсини эзгулик билан бойитақилар, ҳар икки дунё саодатини топақилар.

Асарда дунёни яратувчи буюқ Зотга эришмод учун, унинг ҳурматини топмод учун ҳақидат, тинчлик ва фаровон ҳаётга интилом зарурлиги

удтирилади. Бунинг учун дехдончилик қилмод, ерни эъзозламод, унга ишлов бермод, уни зарарсизлантормод, чорва хайвонларини парваришламод, уларни купайтирмод лозим.

«Кимда-ким бугдой экса,-дейилади асарда,- у Ашахни (хақиқатни) экади. У Мазда динини яна ва яна кукартиради, у Мазда динини юзлаб хамду сано, назру-ниёз ва ун минглаб дурбонликлар билан дудратли қилади. қачонки эгатларда уруг етилса, девлар уринларидан купақилар қачонки бугдой гуркираб кукарса, девлар дахшатдан титрай бошлайқилар. қачонки бугдой ун берса, девлар нола чекақилар.ё қачонки бугдой хирмонга уюлса, девлар нобуд булақилар. дай бир бугдой бош чидарса, девлар у хонадондан узоқлашадаилар дай бир хонадонда бугдой омбори булса, гуё диздирилган темир девлар буйнини чирмаб ташлайди».(115-бет)

Бу лавхада девлар дейилганда вайронлик, ёмонлик, хонавайрон қилиш, боглидни тапташ, йудотиш, бадном қилиш тимсоли сифатидаги дахшатли куч тушунилади.

Кимки яхшиликка интилар экан унинг калбида эзгулик уруги унади, ундай инсон девларга (ёмонликка) карши курашади, ундай киши узидаги бор куч-кудрат, ирода билан, энг аввало, узидаги, калбидаги ёвуз кучни кувиб чикаради. Шунда бундай одамдан-бандадан Аллох рози булади (бу ерда Ахура Мазда хурсанд булиши назарда тутилади).

Асардаги Сипийтмон Зардушт образи буюк инсон, яратувчилик тимсоли, яхшилик, эзгу ишлар учун курашувчи шахс сифатида гавдалантирилган. Одамлар Ахура Маздадан «Заминни хаммадан кура купрок бахтиёр килган туртинчи шахс ким? деб сурашади. Шунда Ахура Мазда шундай жавоб қилади: «Эй, Сипийтмон Зардушт!

У хаммадан куп бугдой, гиёх, мевали дарахтлар эккан Зотдир! У курук ерларга сув чикарган ва сувли ерларни шудгор килган Зотдир». (114-бет)

Демак, дунёдаги энг улуг зот, инсон дехкончилик, сохибкорлик, богдорчилик, чорвачилик билан шугулланган зотдир; булар янги ерлар

узлаштирадиган, экинзорлар ва боғлар барпо этадиган, ернинг унумдорлигини муттасил ошириб бораётган кишилардир. Бошқача айтганда, одамларнинг энг улуглари иктисодиёт билан шугулланувчи инсонлардир.

«Авесто» ерни, табиатни, борликни улугловчи асар сифатида ҳам кадрланиб келган, ундан одамлар иктисодиёт сабоқларини олиб келганлар. Унда ернинг буюк неъмат эканлиги, унинг унумдорлик салоҳияти қайта-қайта уктирилади. Бирок, яна шу ҳақиқат таъкидланадики, агар ер ишлов олмаса, у угитланмаса, сув билан таъминланмаса, унга қаров бўлмаса, унинг яратувчилик қобилияти факат потенциаллигича (имконият тарзда) қолаверади. Аммо ернинг бебаҳо ва адабийлиги шундаки, у ҳар доим уз потенциаллик салоҳиятини сакдаб қолади, у узининг бу бебаҳо хусусиятини пинҳон сакдаб қолаолади.

Бошқача айтганда, ер шундай ишлаб чиқариш воситасики, у шундай табиий ресурсики, уни истёмоқ қилиш жараёнида эскирмайди, йўқ бўлиб кетмайди, балки унга тўғри муносабат бўлганда узининг такрор ишлаб чиқариш қобилиятини сакдаб қолади. Бугина эмас. Ер уз табиий унумдорлигини иктисодий унумдорлик орқали ошириб бораолади. Буни илғор агротехника ва деҳқончилик маданиятига асосланган мамлакатлар тажрибаси, хусусан янги технология қўллаш орқали уз шўхратини ошириб бораётган Андижон деҳқончилиги тажрибаси ҳам тасдиқлаб турибди.

Ер сувга, тадбиркорга етишгач уз имкониятини оча олади. Шу маънода қитобдаги қуйидаги фикрларни келтириш мумкин:

«Узоқ замон экилмаган ва омоч тегмаган замин бахтсиздир. У омочни орзу қилади. Бундай замин балогат палласига қирган соҳибжамол киздир. Бу киз фарзанд қуриит ва яхши ёстикдошга интиқдир» (114 бет)

Маълумки, биз узбекларда ер ва нонга алоҳида эҳтиром ва ҳурмат мавжуд. Бундай эъзоз бизга буюқ аجدодларимиздан, хусусан, бизнинг она-заминимизда яратилган «Авесто» дек буюқ қитобдан утган бўлиши табиийдир. Қитобни уқир эканмиз унда ерни худди кизни севгандек севиш, унга яхши серхосил уруғлар сепиш, уни мул-қул ҳосил берадиган онага айлантормок илохий қонун

эканлигини кайта-кайта илгаймиз. Бундай муносабатнинг илохийлиги шундаки, ер кадрили билмаган дехкон, жамоа, давлат хор булиши табиий холдир.

Асардаги қўйидаги сатрларни ўқиганимизда айтилганларга тула ишонч хосил қиламиз.

«Эй, Сипийтмон Зардушт!

Кимда-ким заминни чап ва унг қўл билан, унг қўл ва чап қўл билан шудгор қилса, замин унга фаровонлик бахш этади. У гузал ва покиза дизга ухшайди. Бу диз эр хонадонга кириб бориб, уз тушагида халол ёстиддошга фарзандлар туғиб беради. Замин ҳам мул-кул меваларни инъом этади» (Уша жойда, 114-115 бет).

Ер номидан унга ишлов берган зот учун шундай хитоб қилинади: «... Мен бу ерда хосилга кираман. Хар турлик хурак ва мул-кул бугдой етиштираман». (Уша жойда). Ерни шудгор қилмаган, унга жилов бермаган кишиларга нисбатан шундай хитоб қилинади: «... Сен бегоналар эшиги остонасидан нон истовчилар билан бирга булурсан. Кузларинг йўл куради. Улар сени эшиги остонасидан хайдаб юборадилар». (Уша жойда)

Шулардан хулоса қилиб айтиладики, Ахура Мазда динини фадат бугдой туйғизади. Шунинг учун Ахура Мазда одамларига Зардушт тимсолида шундай хитоб қилади: «Бугдой эқмоқ ва яна бугдой эқмоқ, керак» (таъкид бизники-муалл.). Дархақидат, одамлар, жамият, мамлакат таддири ва истидболида нонни урни ва ахамияти бедиёсдир. Шунинг учун Зардуштийлик таълимотида бу масала алохида ва муҳим урин тутади. Зеро, нон мустақилиги мамлакат, Ватан мустақиллиги билан бир даражадаги ахамиятли иқтисодий-ижтимоий масала эканлиги бежиз эмас. «Авесто»нинг нон масаласидаги гоёсининг нададар яшовчанлиги ва чуқур мазмунга эга эканлиги бизнинг Ўзбекистонимиз мустақиллигига эришишидаги дон (бугдой) мустақиллиги билан бир даражага қўйилганлигида яддол ифодаланмодда. Ўзбекистон Биринчи Президенти И.Каримов «Авесто»нинг 2700 йиллигига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуасининг очилиш маросимида сўзлаган нутқида унинг ана шу эзгулик билан сугорилган гоёларининг яшовчанлигига эътиборни даратган эди:

«Авесто» билан танишар эканмиз яна бир карра шунга идрор буламизки, бу мангу китобда ифода этилган буюк гоаялар, фалсафий хикматлар узининг хаётий мазмуни билан бизни бугун хам хайратта долдиради. Бу хадда гапирганда, мен, аввало «Авесто»нинг туб маъно мохиятини белгилаб берадиган «Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» деган тамойилда хозирги замон учун хам беҳат ибратли бўлган сабодлар борлигини алоҳида таъкидлаб утмодчиман. (И.Каримов «Эзгу фирк, эзгу сўз, эзгу амал» -«Ўзбектсон овози» 2001 й. 6 ноябрь, таъкид бизники-муалл.).

Шундан келиб чидаб айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг хадидий (иктисодий) мустақиллигини таъминлашнинг гоаят муҳим омили бўлган галла мустақиллиги иктисодий сиёсатимиз марказида турганлиги бежиз эмас. Бугунги кунда мамлакатимиз 1.3 млн. га. ер майдонида галла етиштирмодда. Одибатда мамлакатимизнинг дон мустақиллиги жуда тез шиддатларда таъминланди.

Ерга бўлган эътибор, уни дадрлаш, хар бир дарич ердан унумли фойдаланиш борасида утказилаётган аграр сиёсат одибатида галла хосилдорлиги муттасил ортиб бораётир. Бунга Андижон вилояти эришаётган ютудлар мисол булаолади. 2002 йилда вилоят дехдонлари хар гектар ердан уртача 76 центнердан хосил йигиб олқилар. Самарданд, Фаргона, Наманган, Тошкент вилоятларида хам галладан юқори хосил олишга харакат қилинмодда.

Аграр соҳадаги ислохотларни янада чудурлаштириш, тармоднинг самарадорлигини ошириб бориш, қишлоқ хужалиги корхоналари фаолиятини бозор талабларига мувофидлаштириш, уларнинг банкротлик холатидан иктисодий соғломлаштиришга даратилган «Санация тўғрисида»ги қонун мамлакатимизда ерга бўлган муносабат умуммиллий ахамиятдаги вазифа эканлигини тасдидлайди.

Демак, «Авесто»даги иктисодий гоаялар данқайдир мавҳум, дуруд фикрлар булмай, балки дудратли моддий кучга эгадир. Унинг иктисодий гоаялари асрлар оша уз замини-Ўзбекистонда реалликка айланмодда, республика Президенти ва

хукуматининг иқтисодий сиёсатида мужассамлашмоқда

3. «Авесто» даги мулкый муносабатлар гоёси

«Авесто» ҳақида гапирилар экан, у гоёт кенг дамровли, одамлар ҳаётининг барча жабхаларини дамраб олган асар эканлигини курсатиб ўтиш уринлидир. Асарда иқтисодий муносабатлар ҳақида ҳам ажойиб фикрлар, хусусан бизнинг бугунги бозор иқтисодиётига ўтиш даврига мос келувчи гоёлар ҳам уз ифодасини топганлиги, унинг Президентимиз И.Каримов айтганларидек «Мангу китоб» эканлигига ишончингиз комил булади. Унда хусусан мулкый муносабатлар ҳақидаги фикрлар хайратланарлидир. Унда мулкдор булишлик яхши фазилат эканлиги алоҳида курсатилган. Бу фикрни кўйидаги гоёлар тасдиқлайди: «Кимнинг уйи булса, у уйсиз бехонумон одамдан яхшироддир. Кимнинг дунёси булса, у ҳеч вадоси йўқ гадодан афзалдир» (таъкид бизники муалл.-даранг. «Авесто», 121-бет).

Гап шундаки, мулкдор одам туд булади, у душманларига дарши курашганда бардош бера олади, ёвуз кучларга дарши тураолади, уларни енгаолади. Хатто бундай одам «уз хукмдори амрига мутабид, ёмонликка дарши бош кутаради ва уни забун айлайди» (уша жойда 49-бет). Масаланинг мохияти шуки, мулкдор одамлар иқтисодий жихатдан шунчаки бадувват булмай, айна чогда улар иқтисодий эркиндир, улар уз фаолиятини узи мустақил белгилйди. Бошқаларга муте булмайди. Мулкдор одамнинг дудрати шундаки, унда мулкый манфаат ва мулкый масъулият уйгунлашади.

«Авесто»нинг бу иқтисодий гоёси кейинчалик жуда куп буюк аждодларимиз томонидан ривожлантирилди, бойитилди. Жумладан, Абу Наср Фаробий «Фозил кишилар шахри» (Т., 1991 й) асарида удтирадики, «Мулк ортиришда унчалик хавф йуд, аммо уни эҳтиёт қилиб сақламод керак. Агар бошқа бировлар хисобига мулк орттирганлар жазоланмасалар, у холда шаҳар ахолисидан инсоф ва шуҳрат йуқолади. Мулкни эҳтиёт қилиб сақлаб уз эҳтиёжи учун ишлатса, бу ёмон одат хисобланмайди». (47-бет). Фаробий давом этиб

ёзадики, «одамларнинг мулксиз булиб дашшод яшаганикан кура, мулкдор булиб бойрод булиб яшагани афзалроддир». Куруниб турибдики, Фаробий дарашлари «Авесто» гоёлари билан гоёт хамохангдир. Бу «Авесто» кейинчалик илм-фан ва тафаккурга қанчалик таъсир курсатганини тасдиқлайди.

«Авесто»нинг мулкый муносабатлари борасидаги гоёлари Ўзбекистонда утказиладиган иқтисодий ислохотлар мақадлари билан хамоханг эканлигини таъкидлашни истар эдик. Зеро бозор иқтисодиётига ўтиш - тук ва фаровон яшаш воситаси сифатида фукароларнинг мулкдор булишларини такозо этади. Президентимиз И.Каримов асарларида, хусусан, унинг «Ўзбекистон ХХІ асар бусагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт қафолатлари» (Т.,1997 й) асарининг ушбу масалага бағишланган «Бозор муносабатларининг қарор топиши ва мулкдорлар синфининг шаклланиши» номли қисмида шундай сатрлар мавжуд:

«... Аҳоли орасида ҳақиқий мулкдорлар урта қатламининг қупчиликни ташкил этиши мамалакатда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни орқага қайтариш имкониятларини бартараф этишнинг қафолати ҳисобланади. Шу сабабли биз иқтисодий узғаришлар жараёнини республикада урта мулкдорларнинг чинакам синфини шакллантиришдек долзарб вазифани ҳал қилиш билан боғламоқдамиз. Одам узини чинакамига мулкдор деб ҳис этмас экан, уз ҳуқуқлари учун, пировард натижалар ва ишлаб чиқариш самарадорлиги учун мулкдор сифатида қурашмайди. Жамиятда барқарорликни сақлаб қолиш ва ҳимоя қилишга интилмайди» (курсатилган асар, 196-197 бетлар).

Мулкдорликнинг нақадар улкан иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий аҳамиятга молик масала эканлиги ҳақидаги бу фикрларга бирор нарса қушиш қийин. Фақат шуни қайд этмоқчимизки, мулкдор одам ҳеч нарсага бефарқ, лоқайд қарамайди, уз мулкини, Ватанини ҳимоя қилади, адолат учун қурашади, ҳаётга очик қуз, манфаат билан қарайди. «Авесто» тили билан айтганда, мулкдор одам адолатсиз ҳуқумдорга, адолатсиз тақсимот механизмига, ёмонликка қарши бош қутаради. Мулкдор булишлик гоёсининг гоёт чуқур фалсафий-маънавий

мазмуни ана шундай юритганликлари бу мангу асарда уз ифодасини топган. Бизнинг «Авесто» асари устида олиб борган таддидотларимиз ана шундай фикрга келишимизга асос булди. Асарни тахлил қилар эканмиз уша дадим замонларда бизнинг аждодларимиз уртасида иқтисодий фаолият билан шугулланишда дарз бериш ва дарз олиш билан боғлид муносабатлар бўлганлигига шубҳа долдирмайди.

«Авесто»да дарз бериш ва дарз олиш одамлар уртасидаги хаётий муносабат эканини удтирилиб, олинган дарзга хиёнат қилмаслиги айтилади. Асарда айтиладики «хеч ким уз душнисидан олган омонатидан тониб, ёлгон сўзламасин» (121 бет).

Китобда одамларнинг бир-бирлари олдидаги мажбуриятлари, шартнома, ахдномалари мудаддас хисобланиб «дасам» билан мустахкамланган. дасамлар бир-биридан масъулиятлирод, мустахкамрод булиб, уларнинг хар бирининг бузилиши узига хос қийматга (бахога) эга, яъни дасамни бузганлик иқтисодий жихатдан маълум иқтисодий тоvon (жарима) билан жазоланиши белгилаб қўйилган. қўйида ана шу дасамларни айнан келтирамиз:

«Ахура Мазда жавоб беради:-Менинг қасамларим олтита: биринчи-сўз қасами; иккинчи-қўл қасами; учинчи- қўй қасами; туртинчи- сигир қасами; бешинчи- одам қасами; олтинчи- экин қасами, энг яхши, энг обод, энг серхосил заминдаги экин» (Уша жойда, 117 бет)

Савол туғилади: нима учун бунчалик дарз мажбуриятларининг (дасамларнинг, дарз олишда берилаётган иқтисодий кафолатларнинг) тури куп яъни олтита? Г ап шундаки, қадимги замонларда олинган дарзларни (кредитни) ёзма равишда баён қилиш, уни хозиргидек нотариус идоралари томонидан тасдидлаб унга худўқий мадам бериш одат булмаган. Дастлаб, дарз олган томон билан сўз қасами орқали ахдлашилган булса керак, чунки зардуштийлик динида одамларнинг қўл бериб ахдлашуви хам мудаддас хисобланган, дарз олган томон уз мажбурияти олдида, Ахура Мазда олдида гунохга ботишдан дурддан.

Кейинчалик қўл қасами, яъни қўл беришиб ахдлашув одатга кирган булса

ажабмас. Сўз ва қўл дасамларни томонлар бузиши ҳолатлари вужудга келгач, кредит қафолати моддий асосга кучирилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. дарз қафолатининг, мажбуриятининг моддийлашуви, табиийки одамларда масъулиятни оширган, зеро «мулк аччиги жон азоби» деган халқ мадоли бежиз пайдо бўлмаган бўлса керак.

Бунда қўй қасамининг баҳоси битта қўй қийматига тенг бўлган; қўл қасамининг маъноси томонларнинг қўл дисиши билан шартлашилганлигини билдирган. Куруниб турибдики, дасамлар таркибида энг катта дасам-экин қасамидир, бу шунчаки моддий дасам эмас, балки «энг яхши, энг серхосил заминдаги экин» қасамидир. Бундай дасам ш а р т н о м а маъносини билдиради, томонларнинг узларига олган мажбуриятларини акс эттиради. Уз аҳдини бузган томон «энг серхосил заминдаги экин» қиймати даражасида тавон тулаган. Экин қасамини бузиш туққиз юз қамчин аснахих-ашантра билан, «туққиз юз қамчин саравуш-чарана билан савалаш» орқали жазоланиши қатъий белгилаб қўйилган.

Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, дасамларнинг энг зури, масъулияти, иқтисодий жазоси кучлироғи «экин қасамидир». Албатта, бунда Ахура Мазда томонидан илгари сурилган илохий маъно бор. Бу маъно шуки, дехдончилик махсулоти, дехдончилик меҳнати барча меҳнат турлари ичида мутабаррод, улугроод, илохийроод эканлигидир.

Маълумки, шартнома маълум иқтисодий вазифаларни, мажбуриятларни уз зиммасига олишни билдиради. Зардуштийлик динида инсон лабзи, унинг бир - бирига берган аҳди (қасами) яратганнинг олдидаги данқайдир фарз амалидек кучга эга бўлган. Бизнинг ислом адабиётларимизда, хусусан «Мухтасар» асарида ижара муносабатлари хусусида гап борганда худди юқоридагидек масъулият юклатилган. Масалан, «Мухтасар» асарида ёзилишича, ижара муносабатлари дарз мажбурияти-кредит бериш маъносини билдиради, яъни «ижара олувчига ижара ҳадини уша захотиёд бермод вожиб эмас...» деган илохий қоида ёзилган. Албатта, бундай иқтисодий муносабат-ижара туловини маълум муддатга кечиктирилиши кредит олувчининг иқтисодий-ижтимоий ахволини

енгиллаштирган. Яна шу нарсa мухимки, исломий қоидага мувофид мулк ижарага олинган бўлса-ю, ундан фойдаланилмаса ҳам ёки ижара хади даражасида ҳам ундан самара олинолмаган бўлинса ҳам ижара хадини тулаш, мулкни бут-бутун дайтариш мажбурияти юкланган. («Мухтасар» Т., 1994 й. 189 бет).

Зардуштийлик динида олинган дарз мажбуриятини бажармаслик шунчаки иқтисодий жазога лойид иш эмас, балки шартномани бузганлик жуда ҳам катта гуноҳ ҳисобланган, бундай одам Ахура Мазда назаридан долган. Айни чоғда бундай илохий мажбурият дарз олган томонга куч-дувват ҳам берган, шартномани бузмасликка ундаган, мажбур этган.

Шартнома-дасам маълум дарздорлик муносабатини билдириб, омонат юзасидан олинган мажбуриятни ифодалайди, омонатга хиёнат қилиш, дайтарилишини уйламаслик, уни узиники қилиб олиб узлаштириб олиш «угриланган билан баробардир» дейилади, яъни бебурдлик қилиш угирлик билан бир даражага қуйилади. Угирлик қилиш эса Зардуштийликда катта жиноят, гуноҳ ҳисобланган.

«Авесто» китобини умуминсоний дадриятлар ҳақидаги дасида дейиш мумкин. Унда одамлар уртасидаги меҳр-одибат, биродарлик, дустлик, узаро ёрдам ва мадад бериш гоյлари, билим олиш, утмиш донишмандлар, алломалар билимларини эгаллаш каби комил инсон бўлишга хос умумбашарий қоидалар, уларга асосланиб яшаш лозимлиги удтирилади. Масалан, асарнинг 4 фаргарди, иккинчи дисмда ёзиладики, одамлар ҳеч қачон бир-бирларидан ҳеч нарсани дариг тутмасликлари, дизганмасликлари лозим. Хусусан, моддий мадад беришни, дин илмини, умуман илм олишни, касб-хунар эгаллашни биродарига беминнат ургатиши зарур, деган курсатма берилган.

Бирод, одамлар уз илохий ва дунёвий вазифаларини бажаришлари учун табиат неъматларидан, узлари ишлаб чидарган нарсалардан истеъмол қилишлари, дам олишлари, роҳатланмодлари ҳам зарур. Зеро, дам олиш, роҳатланиш, маънавий озид олиш тирикчилик билан, иқтисодий фаолият билан

шугулланиш учун куч-дувват беради. Буларнинг заминида «шиддат билан билим олиш» ётади. («Авесто», 121- бет).

1. Яратувчилик (ишлаб чиқариш)-энг эзгу амал

«Авесто» муаллифи бўлган буюк олим Зардушт рухонийларга, илм-маърифатли кишиларга курсатма берадики, одамларга моддий неъматлар яратиш асосларини (мудаддас ишларни) ургатсинлар, зеро моддий олам ва бутун жонли мавжудод емак-ичмак билан тирикдир. Китобдан ўқиймиз: «Хеч ким хураксиз (емак-ичмаксиз-муалл.) Ашах қонунларига амал қилиш дудратига эга эмас. Омоч дудратига эга эмас. Фарзандлар дунёга келтириш дудратига эга эмас.

Моддий оламда халқ қилинган ҳар бир мавжудод емак билан тирикдир, емаксиз уликдир» (115 бет). Емак учун истёмоқ қийматларини, моддий неъматларни ишлаб чиқармод даркор. Асарда таъкидланадики, моддий неъматларининг яратилиш манбаи ердир. Ерни ишлаш, унинг унумдорлигини ошириш, тирикликни абадийлаштириш эса гоят улуг ибодатдир, бу иш Аллоҳ олдидаги вазифадир. Ана шу вазифадан келиб чиқиб хитоб қилинади: «Кимда-ким заминни шудгор қилиб, уни меҳрибонлик ва пархезкорлик билан бир Ашаванга (Ашаван-тўғрилик, ростгуйлик, ҳақиқат, қонун, тартиб маъносини беради) топширса, Сипандормаз уни замин даърида, хасрат ва паришонлик оламида, тубанлик ва шурбахтлик сарзаминида, девлар макони-дузах тубига улодтириб ташламайди» (Уша жойда).

«Авесто»да яхшилик ва ёмонлик уртасидаги кураш, яхшиликка, эзгуликка эришиш йўллари, одамларнинг бахтли-саодатли яшаши воситалари ҳақидаги умумбашарий гоялар илгари сурилган. Асарнинг «Вандидод» номли иккинчи дисмида «дахратон совуд» ёмонлик, борлидни йудотувчи куч сифатида ифодаланиб, бу куч кези келганда барча жонли мавжудодни бадном этади. Бундай офатни олдини олиш Ахура Мазда томонидан буюк илохий сиймолардан бири бўлган ЖАМга юклатилади.

«Эй Жам, -деб хитоб қилинади, - хар бирининг турт томони асприйс⁷ узунлигида бўлган вар⁸, бино қил. қўйлар, туялар, одамлар, итлар, паррандалар ва куйдиргувчи дизил олов уругларини у ерга олиб бор.

Сунгра-сен, Эй, ЖАМ!-одамларнинг яшамоги учун хар бирининг турт томони асприйс узунлигида бўлган вар бино қил. Сигирлар ва қўйлар учун хар бирининг турт томони асприйс узунлигида бўлган вар бино қил».

«...У ерда хаамиша ям-яшил ва хуррам, хаамиша егулик қут-баракали яйловлар яратгин. ...У ерда кенг ва баланд уйлардур». (111- бет)

Келтирилган сатрлардан билиш мумкинки, «Авесто» инсоният хаётининг абадий эканлиги, бирод бу абадий хаёт доимо хавфсиз булавермаслиги, унга тажовуз қилиб турувчи хар хил ёвуз кучлар хам булиши, уларга дарши мустахкам замин-неъматлар яратиш, уйлар, иншоотлар дуриш, чорва хайвонларини асраш ва шу билан хаётнинг давомийлигини сақлаб долиш мумкинлиги тушунтирилади.

Курилган варларга (иншоотларга) «Хушбуй усимликларнинг уругларини олиб бориш, ер юзидаги энг емишли, энг ёкимли ва хушбуй таомларнинг уругларини олиб бориш», хайвонлар ва одамларнинг йук булиб кетмаслиги учун «уларни жуфт-жуфт қилиш» лозимлиги хам уктирилади. қдзиги шундаки, инсоният, хайвонот ва табиат оламини соғлом ва мусаффолиги хаётнинг абадийлик гарови эканлиги хақидаги гоё асарнинг марказий урнида туради. Айтиладики, одамлар ва хайвонларга фақат «ёкимли ва хушбуй таомлар» берилиши даркор.

Ахура Мазда Жамга курсатма бериб «зинхор у ерга (варларга) букрилар, пуштензлар, гуллар, дуясана, дайвак, касвиш, визбориш, суйлок тишли, пес, умуман Ахраман уз догини колдирган бирор кимсани кирита курма» дейди. (Уша жойда, 111 бет).

Бизнингча, бундан шундай хулоса қилишимиз мумкин: инсоният хаёти уз-

⁷ Асприйс-узунлик улчови

⁸ Вар-одамлар ва хайвонларни совуддан садланувчи ер ости иншооти

узича, стихияли тарзда кечмаслиги даркор, унга аралашмок яъни хаётнинг мусаффолиги учун курашмок, жамиятнинг баркарор ривожланиб бормоги учун одамлар онгли равишда уз билимлари, кучлари, тажрибаларини сафарбар килишлари керак. Бунинг учун илм-фан ютукларини ижтимоий-иктисодий турмуш мусаффолиги ва равнаки йўлида тадбик этиш лозим.

«Авесто»нинг инсоният хаётини масоффалаштириш борасидаги гоялари нақадар хаётбахш эканлигини бугунги цивилизациялашган дунё англаб етмоқда. Хдётни саклаб қолиш учун одамларга мусаффо тоза табиий мухит билан бирга экологик соф махсулотлар ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш зарурати бутун дунё миқёсида муаммо сифатида кун тартибига қуйилаётгани бежиз эмас. Зеро, инсоният хаётининг давомийлиги экологик соф махсулот ишлаб чиқаришни ер қуррасининг барча мамлакатларда амалда йўлга қуйиш лозим. Чунки, бугунги дунёда халқаро иқтисодий ва бошқа муносабатлар шу қадар ривожланиб, мамлакатлар иқтисодиёти интеграциялашиб бормоқдаки, дунёнинг бирор бир мамлакатадаги хаётни захарловчи неъматлар бошқаларга етиб келмаслигига қафолат деярли йук.

Демак, «Авесто»да билим олиш, дунёвий ва илохий билимларни эгаллаш инсон фаолиятининг барча жиҳатлари учун гоят муҳим эканлиги уқтирилади. Хдқдқатда, билим олиш, билимли булишнинг хосияти жуда каттадир. Илм олишнинг, билимли булишнинг хосияти ҳақида бизнинг Шарқ ривоятларида ҳам ажойиб фикрлар мавжуд. қадимда Ануширвон деган бир подшоҳ утган булиб, у узининг гоят билимдан, зукко, донишманд вазирига суяниб иш юритган ва адашмаган. У бир куни вазиридан «яхши одамни қандай билса булади?» деган саволни беради. Шунда, зукко вазир яхши одамнинг уч фазилати булади: биринчиси, у илм олишга, билимли булишга интилади, олимлар, уқимишли одамлар даврасида булишга интилади; иккинчиси, у уз ишларини илмга асосланган ҳолда қилади; учинчиси, унинг юзи чиройли, ёқимли булади, ундан нур ёғилиб туради, деб жавоб берган экан.

«Авесто»нинг «илмни шиддат билан урганиш» ҳақидаги гояси кейинчалик

кенг тарғиб килинди. Бунинг оқибатида бизнинг Мавоуннахрда, Марказий Осиёда илм-фаннинг ривожига улкан хисса қўшган, жаҳон фани бешигини тебратган улуг олимлар Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Улугбек, Навоийдек фан даргалари, Ал-Бухорий, Ат. Термизий, Мотурўқий, Маргиноний, Накшбанд, Замахшарий каби исломий олимлар етишиб чидишига сабаб бўлган бўлса ажаб эмас.

«Авесто»да илм олишга даъват қилишнинг маъноси шуки, илм- маърифатли кишининг меҳнат унуми юқори бўлади, жамиятда фаровонлик бўлишига энг кўп хисса қўшилган бўлади. Демак, илм олишлик иқтисодий фаолият самарадорлигини оширишга, яратувчанлик салоҳиятини кутаришга хизмат қилар экан.

2. Меҳнат ва меҳнат таксимооти ҳақи

«Авесто»ни том маънода меҳнат ва яратувчилик мадҳи ҳақидаги, уни одамлар ва жамият ҳаётидаги беҳтарлик урни ва аҳамияти ҳақидаги тенги йўл асар дейиш мумкин. Унда ёзилишича, тинч ва осойишта меҳнат, яратувчилик фаолияти, табиатга, унинг неъматларига меҳрли бўлиши, тежамкорлик инсон танасидаги барча иллатларини, нопоқликларни қўлади, унга ҳақидий роҳатбахшлик ва осойишталик бахш этади, унга шодлик, дувонч, фаровонлик олиб келади жамиятда, ҳар бир хонадонда, шахсий ҳаётда тинчлик, адолат, барқарорлик фадат меҳнат (яратувчилик) туфайли қарор топади.

Ҳақиқатда ҳам тинч ва ҳалол меҳнат билан банд бўлган одам ҳеч қандай бузгунчиликни, беқарорликни истамайди, у ўз меҳнати маҳсулини олишни қўзғайди, пировард юқори ва унумли самара бўлишини қўлади, ўз меҳнати натижалари ордасидан фаровон яшашни орзу қилади. «Авесто»даги бундай эзгу гоялар бизнинг цивилизациялашган давримиз учун ҳам беғона эмас. Зеро, зардуштийлик дини инсон руҳини яратувчанликка -меҳнатга тайёрлашга қаратилганлиги учун яъни инсон руҳи ва моҳиятига айнан меҳнат монандлигини асослаш билан минг йиллар давомида одамлар қалбини забот этиб келди, ҳозир

хам у ана шундай эзгуликни таргиб этиб келаётир.

Одам умри жуда қиска, ана шу қиска муддатда у яхшилик ва эзгулик қилишга улгуриши ва бу билан хар икки дунё саодатини топиши лозим. Эзгулик ва яхшилик қилиш учун киши меҳнат қилиши, уз қўллари билан моддий неъматлар барпо этиши даркор. Асарда меҳнат қилмайдиган одам дораланиб, бундай одамнинг уйида олов доимо ёнмайди, хайвонлар ем-хашакка туймайди, уйида ноз-неъматлар етишмайди, хотин ва фарзандлари фаровон яшамайди, уйида хотиржамлик ва барқарорлик булмайди, деб курсатилади. Китобда меҳнат қилмайдиган, дангаса одамга нисбатан шундай хитоб қилинади:

«...Меҳнат қилмайдиган одам! Сен ҳақиқатдан хам тиланчилар қаторида, ёт эшикларга таъзим қилиб, абақўл-абад бош эгиб туражаксан. Ҳақиқатдан хам сенинг ёнингдан турли хил зироатларни олиб утақилар, бу ноз-неъматларнинг барчаси меҳнат қилаётган, тўқ ва фаровон яшаётган хонадонга насиб қилади. Абақўл-абад шундай булажак!» (даранг. Узбек педагогикаси антологияси 1-жилд. Т., 1995, 36-бет).

«Авесто»да қайд этилишича, меҳнатни севмайдиган, меҳнат қилмайдиган одамда, унинг хонадонида еб-ичиш учун озид-овқатлар булмайди. Демак, бундай одам Аллохга таоат ибодат қилишса хам кучи-мадори булмайди, эр- хотинлик вазифасини хам уддалай олмайди, соғлом фарзандлар бундай оилада тугилмайди. Меҳнаткаш одам оиласида эса унинг туд ва фаровонлиги боис ахлод-одоб, инсоф-иймон ҳукм суради, илохий сўзлар янграйди, оила баддуват ва барҳаёт булади.

Маълумки, меҳнат ва унинг самарадорлиги одамларнинг биргаликдаги баҳамжихат фаолияти билан боглиддир. «Авесто» асарининг муҳим, бебаҳо гояларидан бири хам айнан, одамларни бирликка, яхлитликка, якқилликка, баҳамжихатликка, ҳалолликка, жамоа булиб яшашга даъват этишидир. Унда индивидуализм, айримлик, худбинлик, яккалик даттид дораланади. Хуш, бундай улугвор умуминсоний гоянинг объектив замини нимада? Бизнингча, биринчидан, қадимги дунё шароитида меҳнат дуролларининг гоят оддийлиги

(примитивлик), бунинг устига уларнинг камлиги (етишмаслиги) яъни хар бир ишловчига етарли таъминланмаганлиги одамларни биргалашиб ишлашга, жамоа булиб, унинг хамма аъзолари манфаатларини кузлаб ҳаракат қилишни тадозо этган бўлса, уларнинг табиат кучлари олдида ожизлигидан келиб чиддан бўлса, иккинчидан, фадат жамоа булиб, биргалашиб ҳаракат қилишларида барака бўлган, меҳнат унумдорлиги юқори бўлган, одамлар меҳнат тарбияси ва куникмаларини олишган, тажриба туплаган ва алмашишган. Гап шундаки, зардуштийлик дини меҳнатнинг ижтимоийлигини илохийлаштириш асносида инсон салоҳияти ҳам, хусусан унинг меҳнат яратувчилигини ҳам илохийлаштирган. Шундай маънодаги инсон фаолияти уни илохий кучга яқинлаштирган (Ахура Маздага яқинлаштирган).

Маълумки, бизнинг Ислом динимизда ҳам меҳнат бундан-да улугланади, у ибодат даражасига айлантирилган, ҳалол меҳнат инсонни улуглайди, унинг ҳар икки дунёсини ёритади, жаннат остонасига етаклайди. «Авесто»даги меҳнат мадҳи деҳдончилик меҳнати тимсолида қўйланади. Бунинг сабаби уша қадимги дунёда деҳдончилик моддий ишлаб чиқаришнинг асоси, инсон эҳтиёжларини дондиришнинг бош манбаи эканлиги билан ҳам изоҳланади, албатта. Бирод, айти чогда, инсоннинг деҳдончилик соҳасидаги уз ҳалол меҳнати яратувчиликнинг илк босдичи-дастлабкисидир. Зеро, деҳқончилик меҳнати ерга уруг дадашдан бошланиб, бу уругнинг ердан-энг улуг неъматдан униб чидиши билан давом этади. Дарҳақиқат, деҳдончилик меҳнати ҳалоллик, поклик фаолият рамзидир, бундай меҳнат яхшилик рамзидир. Шу маънода китобда қўйидаги ажойиб маърифий гоя илгари сурилади: дон эккан киши тадводорлик уругини экади, у яратганга ихлосмандлик эътидодини илгари суради, у уз яратган неъматлари билан иймонни озиклантириб туради, бундай одамдан фақат эзгулик келади.

«Авесто»да яхшилик идеали деҳқон ва унинг ҳалол меҳнати тимсолида баён этилиши бежиз эмас. Бунда илохийлик бор, жаннатга дахлдорлик яширинган; асарда яратувчилик билан шугулланувчилар қўйланади, айти чогда, унда барча

ноз-неъматларни, Аллох яратган табиатни мудаддас билиш, илохий қонун сифатида собитдадамлик билан удтирилиб борилади. Асарда таъкидланишича, кимки шу ҳаётий дунёда ҳалол ва пок меҳнат фаолияти билан шугулланса Ахура Мазда даргоҳида булади, унинг назарини топади. Ана шу илохий ҳақиқат бир мисол тимсолида баён этилади:

«Бир гуруҳ одамлар бир ерда гиламлар устида бир-бирига жипс булиб ёстидларга бош қўйиб ухлаб долганлари...» чоғида «нагоҳон уларнинг орасидан бирови улиб долса, улимлар жисмини булгагувчи насв деви уларнинг неча нафарини ёмонлик ва палидлик булғайди?» деган савол қуйилиб, унга шундай жавоб берилади. Бунда «насв деви ун биринчи кишининг жисмига кириб, ун нафарини булғайди», «агар марҳум дехкон булса, мурда жисмини булгагувчи насв деви шитоб билан етиб келади ва туккизинчи кишининг жисмига кириб саккиз нафарни булғайди»

Куриниб турибдики, бу ерда дехкон бошқа касб эгаларига нисбатан Аллох олдида муътабарроқ эканлиги таъкидланмокда; унинг ҳурмати туфайли бир неча киши булганишдан, нопок булиб қолишдан, ёмонлик ва палидликдан сакланиб қолади. Ҳдкикатдан ҳам дехкончилик, у билан шугулланган кишилар улугдир, улар жамиятда жуда катта обру-эътиборга созавор булақилар, улар бутун тириклик мавжудодни едириб-кийинтиришади. Бу ҳақида буюк аждодимиз Юсуф Хос Ҳожиб «кутадгу билиг» асарида, даҳо шоиримиз Алишер Навоий «Махбуб-ул қулуб» номли китобида дехконларга алоҳида боблар бағишланганликларини айтиб ўтиш уринлидир.

«Авесто» асарини меҳнат тақсимои нуктаи назаридан урганиш шуни тасдиқлайдики, бизнинг аجدодларимиз бундан 3000 йиллар илгариёқ ибтидоий, яъни табиий меҳнат тақсимои даражасидан аллақачон чиқиб кетишган, улар ижтимоий меҳнат тақсимои асосида иқтисодиётни ташкил этиш ва олиб боришга ўтишган.

Меҳнат тақсимои дастлаб йирик ижтимоий меҳнат тақсимои асосида ривожланиб борган, яъни аҳоли чорвачилик дехкончилик, хунармандчилик,

савдо ишлари, ип йигириш, тукимачилик ва тикувчилик, овчилик каби меҳнат турлари билан шугулланишга ихтисослашишган. Масалан, чорвачилик билан шугулланувчи қабилаларда қизларга юнгдан ип йигириш, урчук ва чархда ишлаш, ҳар хил матолар туқиш, либослар тикиш каби ҳунарлар ургатилган бўлса, угил болаларга мол боқиш, ургатиш, чорвани йирткич ҳайвонлардан ва қароқчилардан ҳимоя қилиш, ҳарбий ҳунарларни эгаллаш асосида аҳоли тинчлигини муҳофаза қилиш юклатилган.

«Авесто»даги маълумотларга қура, балогат ёшига етган усмирлар алоҳида имтиҳон қилиниб ундан муваффақиятли утганлар рузгор юритиш, оила қуриш, оила бошлиғи ёки уй бекаси бўлишлик ҳуқуқи берилган. Йигитлар ичидан энг иқтидорлилари ажратиб олиниб, ҳарбий машқларга сафарбар қилинган. Айни чоғда аҳоли фаолиятини бошқариб туриш учун махсус кишилар тайинланган. Бундай меҳнат тақсимоли иқтисодиётнинг ривож топиб боришига, ижтимоий ва сиёсий барқарорлик ҳукм суришига олиб келган.

Уша даврнинг ижтимоий меҳнат турлари ичида дехқончилик, хусусан дон эқиш ва галла етиштириш энг афзал ҳисобланган. Асарда «олам гузаллиғи дехқончиликдан» деган умумбашарий гоё илғари сурилган бўлиб, «қимқи ерга уруг қадабди, у одамийликка иймон келтирибди, ягона шу йўлгина ҳақиқатдир, қолганлари савобдир» дейилади.

Зардуштийлик динида ерларга ишлов бериш, экин экиладиган майдонларни қенгайтириш, ерни асраб-авайлаш, уни муқаддас деб билиш, унга сажда қилиш илоҳий қонун деб баҳоланади. Дарҳақиқат бу динда у дунё ҳаловатиға, Аҳура Мазда розилиғига эришмоқ учун бу дунё ишларини сидқиқилдан бажариш, фаровон ҳаёт учун интилиб яшаш зарурлиғи таъкидланади. Бундай иноятга эришадиган инсон ерни улуглаши, уй-жой қуриши, уни олов билан таъминлаши, уй ҳайвонлари бодиши, мева-чева етиштириш, ҳонадонини емод- ичмод неъматлари билан мул-қул қилиши, уйланиши, бола-чадали бўлиши лозим.

Ана шундай инобатлар бор қиладиган макон борми, деб суралади Аҳура Маздадан. У хитоб қилиб айтадики: «Бундай жой Ашаван уй тиклаган макондир.

Уша уйда мубад рузгор тебратилади. Сигирлар галаси ва уй бекаси, фарзандлар ва сурувлар яшайди бу уйда. Сигирлар галаси яхши парвариш қилинади. Тевалар хураки фаровон, яхши итларнинг ризки сероб. Уй бекаси бахтиёр. Фарзандлар шодмон. Хдмиша олов гуруллаб туради. Тирикликнинг гузал хар бир ходисаси яхшиликка довушади..» (Уша асар 112 бет)

«Авесто»даги ана шу гоёлар асрлар оша бизнинг узбек заминимизда туладонлик сақланиб долганига иймон келтирамиз. Зеро, узбек халқи доимо уз ерини буш куймасликка, унинг хар бир даричидан унумли фойдаланишга, уз риздини ердан ундириб олишга сиддиқилдан урганган миллатдир. Буни бугун бутун дунё хамжамияти эътироф этаётгани бежиз эмас.

3. Табиат-эҳтиёжларни кондирининг бош манбаи хақидаги гоё

Эҳтиёжлар фадат одамлар билан боғлид ижтимоий-иқтисодий категориядир, тушунчадир. Зеро, инсоният пайдо булибдики, унинг эҳтиёжлари вужудга келди, уларни дондириш учун харакат одамлар онгли фаолиятининг асосига айланди. Эҳтиёжларни туларод ва яхширод дондириш масаласи хар қандай ижтимоий тузумнинг долзарб масаласи булиб келди ва шундай булиб долаётир. Фадат ана шу эҳтиёжларни дондиришнинг омиллари, манбалари, усуллари такомиллашиб борди. Замонлар ўтиши билан, цивилизация таъсирида эҳтиёжлар таркиби ва уларнинг нисбати узгариб борди. Масалан, ривожланган мамлакатларда моддий (иқтисодий) эҳтиёжларнинг эҳтиёжлар таркибидаги нисбати маънавий-социал эҳтиёжларга нисбатан пасайиб бориши иқтисодий қонуниятга айланиб бормодда.

Жамият хаётининг зардуштийлик даври қарор топган замонларда моддий неъматлар ва уларга бўлган эҳтиёжларни дондириш учун харакат инсоннинг комиллик сари интилиши рамзига айланган эди. Бундай зарурат одамларни ушиб бораётган эҳтиёжларни дондириш (уша давр имкониятлари даражасида) уларни бир-бирига яқинлашишини, меҳнат тадсимоти асосида ишлашни хаётий хақидатга айлантирди. Одамлар эҳтиёжининг бир дисми узлари ишлаб чидараётган неъматлар билан дондиришга утилаётган булса хам она-табиат

эҳтиёжларини дондиришнинг асосий омили, бош манбаи бўлиб долмодда эдики, бу бутун табиат оламини, табиий борлидни севиш ва эъзозлашни илохий қонуниятлар даражасига кутарган эди.

«Авесто»нинг бош гояларидан бири ҳам табиий мухитни асраб-авайлаш, хавони, сувни, ерни мусаффо сақлашдир. Бу гоя китобнинг деярли барча дисмларида, барча саҳифаларида сингдирилиб юборилган. Шу маънода «Авесто»да Ахура Мазда яратувчилик, яхшилик, борлидни сақлаш ва яшнатиш тимсоли, Ахира Ману эса вайроналик, яхшиликни дупориш, табиатни булгаш, бузиш, ёмонлик келтириш тимсоли сифатида тараннум этилади.

Биринчи Президент Ислом Каримов «Авесто»нинг 2700 йиллиги тантаналарида сўзлаган нутқида асарнинг минг йиллар оша сақланиб келаётган юқоридаги гоялари бугун ҳам биз учун гоят дадрли эканлигини таъкидлаб шундай деган эди: «Айнидса, бу китоб аجدодларимизнинг табиатга, еру сувга, дуёш ва хавога бўлган меҳр-мухаббатини, уз ерини кимлардан, қандай хавф-хатардан химоя қилиб, жамоа бўлиб яшаганини-барча-барчасини мукаммал ёритиб бергани билан қимматлидир» («Ўзбекистон овози», 2001 йил, 6 ноябрь).

Зардуштийлик дини таълимотига кура комил инсон, бегунох банда шундай шахски, унинг «сув одиб утадиган бир булак ери, айвонли ховлиси, 15 ёшли хотини булади». Унинг хавли жойида олов ёниб туради, хотини ва фарзандлари булади, у уз меҳнати билан оиласини бемалол бодаолади, ерини яхши парвариш қилади, молларига яхши дарайди, уларни асраб-авайлайди, купайтиради. Дархақидат, тинч осойишта хаёт, куп бола-чада булиши, озид- овқатларнинг мол-кул булиши учун эса у пок инсон бўлиб халол ва унумли меҳнат қилиши керак.

Юқорида таъкидлангандек, табиат барча эҳтиёжларни дондириш манбаи бўлганли учун табиатни асраб авайлаш инсон комиллигининг, Аллох томонидан уни комилликда курилишининг асоси деб даралган. Буни китобнинг «Ясна дафтари» деб аталган дисмида яддол сезиш мумкин.

Фикримиз исботи учун қўйидагиларни келтирамиз:

«Сувлар, заминлар ва гиёхларни олқишлаймиз.

Манзиллар, қишлоқлар, яйловлар, хонумонлар,

Сувлоқларни олқишлаймиз. қишлоқ сохиби

Ахура Маздани олдишлаймиз».

«Хушвақтлик боғишлагувчи сувни олқишлаймиз

Рад ашаван, одамларга фарогат ва кенглик

боғишлагувчи қудратли Суришни

олқишлаймиз. Утин ва тутунни олдиқлаймиз .

Китобда сувлар, ер, гиёхлар, яйловлар ва умуман табиий бойлик олдишланади, яъни мадх этилади. Бошқача айтганда, Аллох яратган, инсонларга уз меҳнатлари, адл-идроклари билан уз ҳаётий тирикчилигини утказишлари учун бериб қўйилган бутун борлид олдишланади, яъни уларнинг шукронасини қилишга даъват этилади, ундалади. Асарда бутун табиий борлидни яратучи Аллох Ахура Мазда тимсолида тасвирланган.

Инсонларнинг яратганга миннатдорчилиги, шукроналиги рамзи сифатида билдирилган қўйидаги тулдинлантирувчи гоёлар яна ҳам мазмунли, теран фалсафий фикрларга бой, тафаккур учун материалдир:

«Мен сени уз бағрида устирган серхосил ва кенг заминни олдишлайман.

Мен сени гиёхлар пахловони, хушбуй, олижаноб Мазда гиёҳи қилиб устирган сарзаминни олдишлайман» (Уша жойда, 53 бет).

«Нихоят сувларни олдишлаймиз.

қўйи одгувчи, йигилувчи, равон одувчи, эзгу ниятли охуравий сувларни мадх этамиз.

-Эй сувлар!

Сизлар яхшилик билан равонасиз. Хилдатни ювиб пок этасиз ва икки жаҳон саодатига сазоворсиз

Биз Сизларни эъзозлаймиз» (Уша жойда, 77-бет).

Буюк аждодларимизнинг, зардуштийлик сохибларининг сувга, ҳавога, гиёхларга, бутун табиий борликка бу қадар катта эътибори, меҳр муҳаббати биз

авлодлар учун ибратли булиши лозим. Афсуски, бугун турли сабабларга кура, биринчи навбатда, узимизнинг, купчилигимизнинг табиатга, бизни бокувчи она заминга муносабатимиз салбий томонга узгарди.

Шахарларимиздан, кишлокларимиздан, хатто дала-даштларимиздан окиб утаётган сувларни бевосита истеъмол килишга яроксиз килиб куйдик, сувларга турли чикинқиларни ташлаб уни ифлослантормокдамиз. Окибатда узимизни экологик офат, экологик хавф даражасига келтириб куйилди.

Бу хакида Президентимиз И.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бусагасида: хавфсизликка тахдид баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари» номли асарида илмий асосланган фикрлар илгари сурилган:

«Сув захираларининг сифати энг мухим муаммолардан биридир... Дарё сувларининг ифлосланиши гигиена ва санитария-эпидемиологик вазиятни, айнеикса, дарёларнинг куйи окимларида ёмонлаштирилмокда. Иккинчи томондан, дарё сувлари таркибида тузларнинг мавжудлиги Амударё, Сирдарё, Зарафшон ва бошка дарёларнинг дельталарида тупрокнинг шурланишини кучайтирмокда...»

«Мутахассисларнинг маълумотларига кораланди, хар йили республиканинг атмосфера хавосига 4 миллион тоннага якин зарарли моддалар кушилмокда. Шуларнинг ярми углерод оксидига тўғри келади, 15 фоизини углеводород чикинқилари, 14 фоизини олтингургут куш оксиди, 9 фоизини азот оксиди, 8 фоизини каттик моддалар ташкил этади ва 4 фоизига якини узига хос уткир захарли моддаларга тўғри келади» (123 ва 129 бетлар)

Тўғри, сувларни тозалаб берувчи иншоотлар курилмокда, ер остидан тоза ичимлик суви чикариш ва уларни узатиш трубалари оркали хонадонларимизга етказиб берилаётган бутун бир тизим яратилди. Аммо бу сувларнинг бутунлай мусаффо эканлигига, улар барча зарарли химикатлар, микроблардан батамом тозаланганлигига ким кафолат беради. Демак, уз хаётимиз, канчалик умр куришимиз, соглом яшаб ўтишимиз бизни ураб турган табиат мусаффолигига хамон боглик эканини идрок килишимиз учун имконият бор. Буни «Авесто»

китобида эслатма сифатида илгари сурилган гоялардан билиб олишимиз даркор. Зеро, бизнинг эhtiёжларимиз ҳамон тухтовсиз усиб бораётган экан, уларнинг кондиришнинг бирдан-бир омили табиат ва унинг неъматлари экан, уни аждодларимиз каби эъзозлашга, асраб-авайлашга юз буришимиз айна хакикат ва муддаодир.

Шу маънода Президентимиз И.Каримовнинг куйидаги сўзларини келтириш уринлидир: ««Авесто»да мужассам топган гоя ва фикрлар хакида гапирар эканмиз, уларнинг нақадар чуқур мазмунга эгалиги ва узининг абадийлиги билан, табиатга хурмат туйғуси, борлик оламнинг яхлитлиги ва бир бутунлиги, табиат ва инсон уйғунлиги, атроф муҳитни сақлаш ва асраш одамзоднинг энг асосий вазифаси эканини тасвирлаб ва асослаб берилгани билан бугунги кунда ҳам ҳар қандай одамни хайратда қолдиради» («Ўзбекистон овози», 2001 й., 6 ноябрь)

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР:

- 1.«Авесто» китобида таъкидланган «уч эзгулик гояси» нимадан иборат?
- 2.Нима учун дехдонни «заминини энг бахтиёр қилган шахс» деб улуғлайди?
- 3.«Авесто»даги ер билан боғлиқ муносабатлар гоясининг мустақил юртимизда утқазилаётган аграр ислохотлар билан боғлиқлик жихатини Сиз қандай таърифлайсиз?
- 4.Мулкдор бўлишлик буюқ фазилат, улуг неъмат эканлиги гояси Ўзбекистонда мулкдорлар синфини шакллантириш зарурлиги хақидаги И.Каримов таълимоти билан боғлиқлигини нимада қурасиз?
5. «Авесто»да табиат қандай эъзозланади?

3-МАВЗУ. ҚАДИМГИ ДУНЁДАГИ ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ

Режа:

1. Қадимги Мисрдаги иқтисодий гоялар.

2. Қадимги Х,индистон иқтисодий гоёлар.

3. Қадимги Хитой иқтисодий гоёлар.

Таянч ибора тушунчалар: «Гераклеполик шохнинг уз углига насихатлари», Артхашастра, Конфуций гоёлари, Легистлар, Даоцизм

Бу даврда махсулот олишнинг асосий усули жамоага бирлашган деҳдонларни эксплуатация қилиш йўли билан рента-солид олиш булса, қўлларни беайов ишлатиш билан ҳам катта бойлик ортирилган. Шарқда давлатнинг иқтисодиётга аралашуви даражасига дараб айрим «эркин» аҳолининг ахволи қўлларникидан фарқ қилмаган. Лекин айрим олимларнинг фикрича, Шарқда қўлдорлик классик шаклда ривож топмаган, патриархал, яъни уй хужалигидан устун бўлган.

Шарқ, жумладан Урта Осиё мамлакатларидаги хужалик фаолиятида нисбатан эркин одамлар иштирок этган. Масалан, деҳдончилик, хунадмандчилик, дурилиш соҳасида қўллар меҳнатидан фойдаланилмаган. Антик дунё (гарбий Европа) даги айрим худудларда халқаро савдони олиб бориш билан боглид равишда товар пул муносабатлари ҳам анчагина ривожланган. Шу асосда қўлчиликка асосланган хусусий мулкчилик асос топди. Уз махсулотини сотишга мулжалаб ишлаб чидарган қўлчилик хужаликлари эксплуатацияни кучайтиришни талаб этган. Одибатда классик ёки антик қўлчилик юзага келди.

Қадимги Шарқнинг иқтисодий таълимоти асосан давлатни бошқариш тўғрисидаги илм қонунларига оид эди. Жамиятнинг иқтисодий хаётида амалда бутунлай натурал хужалик фаолият қилар эди. қадимги Шарқнинг ёдгорликларида давлатнинг бошқариш санъати буйича қоида ва қонунлар туплами ҳамда иқтисодий гоёлари сақланиб долган. Бизгача бўлган биринчи ёдгорлик «Гераклеполик шохнинг уз углига насихатлари» эсталиклари (қадимги Миср, эр.авв. XXII аср) жуда ҳам қадимги манбалардан хисобланади. Муаллифнинг таъкидлашича «насихатларда» эътиборни бошқарув апарати фаолиятини самарали юритиш зарурати ва дайсики Фиравнлар (қадимги Миср

подшоҳларининг номи ёки унвони) ва аҳоли уртасида буладиган муносабатлар курсатилган. Бу даврда синфий ажралиш тула шаклланмаган бўлиб, бошқарув ишига ишбилармонларни таклиф этиш (юқори табадали ёки оддий аҳолидан) керак дейилган.

Васиятномада муаллиф асосий эътиборни подшоҳ билан халқ уртасида турувчи бошқарув апаратига қандай муомала қилиш кераклиги ҳақида ёзилади. Унда шундай дейиладики, «бошқарув апарати ягона отряд қаби иш олиб бориши керак, бунинг учун эса подшоҳ уз амалдорлари ҳақида доимо ғамхурлик қилиши ва модий рағбатлантириб бориши керак, шундагина улар сенинг қонунинг билан яшайди».

Сақланиб қолган ёдгорликларда ва ёзма қонунларда иқтисодий-сиёсий ҳолатлар мавжуд бўлган, унда мустақил ишлаб чиқарувчининг ҳудудларини ҳимоя қилиш, тартибга солиш ҳамда ишлаб чиқарувчилар қўлларини емирилишини тўхтатишга қарши муҳим фикрлар берилган эди. Айтилса, эрамайдан аввалги XVIII асрда Бобилда подшоҳлик қилган Хаммурапининг қонунлар тўплами (кодекси) машҳурдир. Бу тўплам 1901-1902 йилда Сўза шаҳри қўлдларини археологик қўлиш пайтида топилган. Қўшга қўйиб ёзилган муҳим ва қадимий, тарихий ҳужжатни таҳлил қилиш шунини қўрсатдики, мавжуд давлат синфий ва ижтимоий ҳолатдан анча муқамал қўрилганлиги билан ажралиб туради. Бу қонунларнинг асосий мазмунини қайсики «қўчли қўчсизли» шўрини остида қўчлилар қўмонидан қўчсизларни қўтунлай қамситиши ҳимоя қилган эди. қўрз эвазига қўл қилиш қўкат уч йилгагина қўхсат этилган эди. Лекин бу қўгаралаш бўлса, ҳам ҳўсўсий мўлкчилиқ ҳам қўнун билан расмийлаштирилган эди. Қўсўсий мўлкчилиқ ҳўкукий битимларда ҳимоя қилинар, агар ижарачи зарурий ишларни маълум бир сабабларга асўсан бажара олмаса турли ҳил имтиёзлар бериларди. Қўсўсий мўлкчиликка сўиқасд қилинишига иқтисодий жавобгарлик жўрий этилди.

Хаммурапи кодексининг яратилиши қадимги Вавилон жамиятининг бирлашиши учун муҳим омил бўлади. Хаммурапи кодекси иқтисодий ҳаётни

хукукий нормалар билан бошқаришга килинган биринчи ҳаракат эди.

2. Қадимги Хиндистондаги иқтисодий Ғоялар

Қадимги Хиндистоннинг «Ману қонунлари»да (э.ав. IV-III асрлар) ижтимоий меҳнат тақсимотини ҳуқуқронлиги ва бўйсиниш институтларининг мавжудлиги айтилади.

Қадимги дунё олимлари томонидан сиёсий-иқтисодий ёзилган биринчи асрларидан бири «Артхашастра» хинд иқтисод илмининг биринчи намунасидир. Бу аср Шох Чандрагутаининг (э.ав. IV-III асрлар орлигида) бош маслаҳатчиси Каутилье томонидан ёзилган. Хиндча «артха» сўзи фойда, моддий манфаат, «шастра» эса илм, илмий асар маъносини англатиб, асар моддий манфаат тўғрисидаги илм маъносини англатади.

Бу асарда, биринчи навбатда, шу давлатда яшаётган халқлар ва гуруҳлар ҳақида маълумот берилади. Хинд халқи 4 та қастага (табақага) бўлиниб брахманлар, қасрийлар, вайшийлар ва шудраларга бўлинади. Каутилье ёзади: «жаҳоннинг ривожланиши қасталарнинг уз қонунлари асосида яшашига боғлиқдир. Подшоҳ ҳеч қачон қасталарни аралашиб кетишига йўл қўймаслиги керак», дейди. Бу асарда ёзилишича, брахманлар ва шатрийлар барча имтиёзларга эга бўлиб, бошқариш ишлари билан шугулланқилар, вайшийлар ва шудралар ерни ишлаш, ҳунармандчилик ва савдо билан шугулланганлар. Бу асарда қуллар, уларни сотиш, сотиб олиш ҳақида маълумотлар берилиши билан бирга, қулларни ҳам хусусий мулки бўлиши ва унинг дахлсизлигини қонун йўли билан таъминланишини таъкидланади.

Бу асарда деҳқончилик ҳақида қуйидаги фикрлар билдирилади: Ер бойлик манбаи бўлиб, ундан тўғри фойдаланмоқлик, қимда қим ерга ишлов бермаса, маданийлашган ерларни тортиб олиш, ишлов талаб қилинадиган ва маданийлашган экин майдонларидан фойдаланиб деҳқончилик қилганларга ёрдам қўйиш ва имтиёзлар бериш уқтирилган.

Асарда савдо ҳақида, савдо бу ҳужалик юритишнинг асосий бугини

сифатида каралади. Хазинанинг ортишига асосий йўл савдо деб каралади. Савдони назорат килувчининг олдида катор талаблар куйилади, аввало у товарлар хакида каердан, канча келади, маълумотга эга булиш бахоларини аник билиш ва товарни сотиши ва канча фойда олишини билиши шарт дейилади. Савдо фойдаси хакида гапирилиб, агар бу фойда подшоҳга халкни катта зарари асосида келтирилса керак эмас дейилади, хеч дачон фойда келтирилмаса хам халкни бирламчи истеъмол товарларини тупланиб долишига хоким йўл қўймаслиги керак деб ёзилади. Масалан, тарозилар хар 4 ойда албатта текширилиб турилиши керак дейилади. Хазинага олинадиган солидлар хадида қўйидагилар ёзилади: Улчов (метрга ухшаш) билан сотиладиган товарлардан тушадиган даромаднинг 1/16, тарзида сотиладиган товарларнинг даромадидан 1/11 олинади, деб ёзилади.

Махсулотнинг бозор бахоси билан унинг табиий қиймати уртасидаги фарқ айтилган; товарга бўлган эҳтиёж ортганда унинг бахоси қийматидан ошиб кетиши мумкин дейилган. Савдо билан шуғулланувчиларга алохида урғу берилган булиб, фойда масаласи кутарилган, фойданинг миддори товар бахосига душилиб, маҳаллий махсулот учун % фоиз, четдан келган товарлар учун 10 фоиз қилиб белгиланган. Умуман «Артхашастра» да биз савдо, бахолар хадидаги маълумотларни урганиш билан Хиндистоннинг уша даврдаги хужалик ҳолатини бошқарилишини тушуниб олишимиз мумкин.

3. Қадимги Хитойдаги иқтисодий ғоялар

Қадимги Хитойдаги илмий иқтисодий дарашларнинг авж олган даври эр.ав. VI-III асрларга туғри келади. Бу мамлакатдаги дастлабки қўлдорлик давлатлари эр.ав. II минг йилликда пайдо бўлган. «Иқтисодий таълимотлар тарихи»да Хитойда Конфуций таълимоти жуда катта рол уйнади. Бу таълимотнинг асосчиси Конфуций (илмий асарларда шундай ёзилади) ёки Кун- Цзи (эр.ав. 551-479 й) дир. Унинг асосий илмий дарашлари «Лунь-юй» («Сухбат ва муҳокама») туплами булиб, :^f^ длари томонидан тулангандир. Унинг даврида йирик

зодагонларнинг таъсири анча камайиб жамиятда парокандалик ҳукм сурмодда эи. Бу ҳолатдан чидиш учун эса у келажакни поклаш учун утмишни яхшироод урганишга чадирди. Ана шу даврда обруси пасайган зодагонларнинг манфаатини химоя қилади. Конфуций мамлакатнинг келажакини эмас, утмиш^{ни}ни кура билишни, узининг ижтимоий олий мақсади деб билди. У уруғдонлик, аслзодалик позициясини химоя қилди. Ижтимоий- иқтисодий ҳолатни яхшилаш учун у инсонни маънавий покланиш дастурини илгари сурди. Чунки уша давр Хитойда темирни дайта ишлаш кучайиб, товар- пул муносабатлари ривожланди, натижада савдо ва савдогарларни жамиятга таъсири ортди. Хукмрон синф ичида синфий булиниш вужудга келдики, йирик авлоддан-авлодга утувчи аристократия билан ёш янги аристократия уртасида адолат кучайди. Шу даврда бу дарамадаршилиқни бартараф этишга ҳаракат қилувчи мафкура (идеалогия) сифатида ҳам конфуцийчилик майдонга келди. Бу таълимот қўлдорлик тузумини химоя қилиб «табиий ҳудуд» ғ оясини илгари сурди. Бу таълимотга кура, Худо оламни яратувчидир. Аммо ижтимоий ҳаётга аралашмайди, чунки жамият табиий қонунлар асосида ривожланади. Уни билиб олиш эса Худо берган адлга боғлид, у эса фуқаролик қонунлари билан химояланади. Бу таълимот асрлар давомида Хитойда урганилиб келинмодда.

Ёшларнинг дарияларга ҳурмати, уларга дарши чидмаслик ғояси асос қилиб олинган. Давлат бу «катта оила», подшо эса «халқлар отаси»дир, бойлиқлар нисбатан текис тадсимланиши керак, солидларни меъёрида сақлаш, ер ишларини яхши бажариш, ҳамманинг уз вазифаларини бажониқил адо этиши зарур дейилади.

У қулдорлиқни химоя қилиш билан бирга йирик қулдорларни бойиб кетишларидан чучийди ва урта хол хизматчи қўлдорларни химоя қилади. Бу билан ижтимоий «тенгликка» эришишга ҳаракат қилади. Конфуций мулкни икки турини куради:

1. «буюк жамоа мулки»-коллектив мулкчилик яъни дехдонлар жамоасининг мулки

2. «хусусий мулкчилик» -қўлдорларнинг мулки

Унинг таълимотида баъзи қарама-қаршиликларни ҳам куриш мумкин. Масалан, ички қарама-қаршиликларга хусусий мулк сабабчи деб ҳам ёзди, лекин бир вақтда қўлдорларнинг хусусий мулкини химоя қилди. У инсонларни табадаланишини табиат ва худо томонидан аалга оширилган ҳақиқатдир деб ёзади. Энг муҳим иқтисодий хулосаси унинг шуки-бойликнинг, манбаи меҳнатдир, деб таъкидлади, лекин шу билан бирга қўлдорларни давлат бойлигини кучайтириш учун қўлларни кўпроқ ишлатиб, камроқ егизига чадиради.

Конфуций таълимотининг давомчиларидан бири Мен-Цзи (э.ав. 372-289) эди. Унинг дарахларида жамият аниқ бошқарувчи ва бошқарилувчиларга бўлиниб, халқ бошқарувчилари учун ишламоғи керак дейди. У жамиятни классик тадсимланиши, тарафдори, адлий ва жисмоний меҳнат уртасидаги дарама-қаршиликни химоя қилади. қадимги Хитойда Конфуций таълимотининг иккинчи энг йирик номоёндаси Сюн-Цзи (э.ав. 313-238 й.) эди. У давлатнинг иқтисодий жихатдан кучайиши тарафдори эди. Инсонларни бойлик ортиришга бўлган ҳаракатларини одлайди, лекин бу ҳаракатлар қонунлар доирасидан четга чиқмаслигини курсатади. Лекин одамларни бирданига ҳамма ҳунарлар билан шугулланишга қилган ҳаракатларини доралайди. Инсон бир вақтнинг узида куп касб эгаси бўла олмайди, деган фикр илгари сурилади. Натижада, у биринчилардан бўлиб, меҳнат тадсимоти таълимотини илгари сурди (бу жуда муҳимдир). Унинг таълимотига кура, одамлар бойлар ва камбағалларга ва турли тоифага бўлинишини табиий деб дараб, турлича кийим бошқа юришларини таъкидлайди. Унинг фикрича, давлатнинг иқтисодий сиёсати асосан учта асосий тамойилларга асосланиши керак:

1. ҳаракатларини идтисод қилиш, яъни тежаб-теграб сарфлаш;
2. халқ тудлигини тула таъминлаш;
3. ортидча маҳсулотларни сақлаш зарурлиги.

Унинг фикрича, давлатда тадсимот мавжуд табадаланишга мос келмоғи

даркор. Етарлича таъминот таъмойили инсоннинг жамиятдаги урнига боғлид холда белгиланган. Экспулатация қўллаб-дувватланади, жамиятда хамманинг уз урни булиши керак дейилган, яъни хукмдорга, тобелик, отага, угилни бошқариш маълум қонун асосида эмас, балки оддий одат буйича булиши, огир солид ва мажбуриятлар булмаслиги таъкидланади.

Эр.авв. VI-III асрларда Конфуцийчилик мафкурасига дарши мухолифлар легистлар («қонуний» дегани) одими пайдо булади, улар бошқаришни аниқ қонунлар асосида (оддий одатга дарши) олиб бориш тарафдори экилар. Бу одим номаёндалари Цзи-Чан, Ли-Куй таълимотида марказий давлат ва кучли мамлакат ягона бирлашган булишини куллаб-кувватлашга ундайқилар.

Легистлар мактабининг вакили Хитой тарихида машхур бўлган Шам-Ян (эр.ав. 390-338 й.) узининг «Шан вилояти хукмдори» китобини ёзди. Унинг кишлок хужалиги концепциясида дехкончилик, дончилик (галла) ривожлантиришга алохида эътибор берган. галла масаласини хал этиш бош масала деб билган. Давлат олдига амалдорларни бокиш ва боскинчилик урушларини юритиш учун жуда катта озик-овкат захираларини жамгариш вазифаси юклатилди. Шан-Ян курсатишича иккита манба ёрдами билан давлат гуллаб ривожланади: дон ва уруш (атрофдаги ерларни босиб олиш). Дехконлар руйхатини утказиш, қонун йўли билан йигилган дон микдорига боғлиқ ягона солиқ тизимини киритиш таклиф этилади. қонун йўли билан турли «ишёкмасликлар»ни «ерга кайтариш», яъни дехкончилик билан шугулланишга, яъни меҳнат килинга мажбур этилади.

Чегарада ва бозорда тезлик билан туловларни ошириш кераклиги, натижада савдо-сотик билан шугулланувчилар даромадлари камайиши хисобига улар ҳам тез қонлар ичида дехконга айланади, деб таклиф килди.

Қадимги Хитой иктисодий таълимотлари «Гуан-Цзи» (эр.ав. IV аср) асарида (трактати) жуда катта урин тутди. Унда уша давр учун хужаликни давлат томонидан бошқаришнинг бутун бир тизими талкин килинади. Бу асарни муаллифлар жамоаси тайёрлаган булиб, олдинги таълимотлардан энг асосий

фарк шундаки, унда товар-пул муносабатларини яхши урганиш асосида хужаликни бошқаришни унумли йўлга ўтишига даъват этилган эди. Халқ хужалигини барқарор саклаш учун товарлар баҳоларини ушлаб туриш гоёси илгари сурилади. Давлат нон ва пул металини тартибга солиш йўлини кулида сакласа, мамлакат ривожини нисбатан текис боради, дейилган. Бу асарда ҳам аграр соҳа, айниқса дехкончиликка алоҳида ургу берилган. Агар легистлар хунурмандчилик, айниқса савдони бефойда соҳа деб ҳисоблаган бўлсалар, бу асарда эса уша соҳаларга ҳам ижобий баҳо берилган.

Асарда иқтисодий бозор стихиясидан ҳимоялаш масаласи ҳам кенг уртага ташланиб, бунинг учун эса баҳо механизmidан фойдаланиш кераклиги айтилиб, бундай ёзилади: «Бозор бу шундай нарсаси, унга қараб жамиятда тартиб ёки тартибсизлик ҳукм суришини билиб олиш мумкин».

«Ерни бошқариш» учун давлат ернинг табиий хусусиятларини яхши билиши керак. Ер майдонларини нисбатан текис тақсимланиши зарур дехконларни иш қизиган даврда бошқа юмушларга жалб этмаслик, солиқ тизими шароитига қараб (ер унумига боғлиқ равишда) бўлиши тақлиф этилган. Бу ерда гап Ер кадастрини тузиш тўғрисида боради, яъни бу ишда ҳисоб-китоб бўлиши қайд этилади. Асарда ер ва сувларни давлат ихтиёрига ўтказиш ва уларни даромад топиш йўлида фойдаланиш баҳоларни тартибга солиш йўли ва бошқа қўлгана иқтисодий гоёлар илгари сурилади. Бу гоёлар амалда ҳам қўлланилади ва яхши самара беради.

Қадимги Хитой ижтимоий ҳаётида Даоцизм (айнан-йўл) гоёлари алоҳида ўринни эгаллайди, унинг асосчиси Лю-Цзи бўлиб, Конфуций даврида яшаб, ижод этган (э.р.ав. IV-III асрлар). У таққловчи қонунларга амал қилмасликни тақлиф этди; қонунлар қўплиги туфайли «халқ қамбағалланмоқда» деган эди. Даоцизм гоёлари қонфуцийликка дарама-дарши бўлиб, инсоният аввалги мажбуриятлардан воз қечиши, оддий табиий ҳаётга дайтиши керак, деган фикрни илгари суради. Бу гоёга қўра, инсон ибтидоий даврга дайтиши, янги меҳнат дурулларидан фойдаланмаслиги керак. Қўриниб турибдики, унда

реакционерлик элементлари бор, аммо бу гояда ҳам маълум маъно бор эди. Зеро уша даврларда цивилизация ютудлари эксплуатация манфаатларига ҳам хизмат қилаётган эди.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Нима учун илк иқтисодий таълимотлар айнан Шарқда пайдо бўлган?
2. «Хаммурапи қонунлари»нинг асосий қоидалари.
3. «Артхашастра» асаридаги иқтисодий тушунчалар
4. Қадимги Хиндистонда савдонинг урни ва ахамияти қандай бўлган?
5. Қадимги Хитойда мулкчиликнинг неча хил шакли булишлиги курсатилган?
6. Қадимги Хитойдаги Конфуций иқтисодий таълимотида давлатнинг иқтисодий сиёсати нечта тамойилга асосланган?
7. Қадимги Хитойдаги иқтисодий гоялар «Цан-Цзи» трактатида қандай тасвирланган?

4-МАВЗУ. ИСЛОМ ДИНИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ

Режа:

- 1.«Куръони Карим» иқтисодий дадриятлари.
- 2.«Хадислар»даги идисодий дадриятлар.
- 3.«Мухтасар» асарининг иқтисодий гојлари.

Таянч ибора ва тушунчвлар: Мехнат, илм олиш ва ургатиш, исломда мулк тушунчаси, оиладаги мулкый муносабатлар, поклик ва иқтисодий раvнад, ижара масаласи, бунак.

Мамлакатимиз эришган улуг неъмат-мустақиллик туфайли халқимиз узининг мудаадас дини булмиш ислом маънавиятига эришди, унга эмин-эркин эътидод қилиш, уни урганиш ва ундаги буюк инсонпарвар илохий гојларни далбларга жойлаб маънавий покланиш имкониятига эришди. Бугунги кунда бу улуг динимиз миллий мафкурамизнинг маънавий диний илдизи сифатида инсон онги ва рухиятини поклаш, эзгу сўз, эзгу амал, эзгу фикрга интилиш, илм ва хунар эгаллаш ордали халол яшаш ва ишлаш, уз мудаадас Ватани раvнади учун фидоий булиш воситасига айланди.

Ватанимиз тараққиётининг хозирги ҒОят мураккаб босдиқида ота-боболаримиз динининг мохиятини, унинг мудаадас китобларидаги, ПайҒамбаримиз Муҳаммад Мутафо Саллоллоху Алайхивассалам хадисларидаги ҒОядарни, хусусан иқтисодий фикрларни ёшларимиз онгига етказиш жуда долзарб вазифалардан бирига айланган. Гап шундаки, Президентимиз Ш, Мирзиёев уқтириб келаётганикек, динимиз халқимиз маънавиятининг юксалишига доимо муносиб хисса душиб келган ва бундан буён хам ана шундай манба булиб миллий мафкурамизни шакллантириш ва сингдириб боришда муҳим ахамият касб этади. «Биз,-деб ёзади Ислом Каримов узининг машхур асарларидан бирида, - мусулмончиликнинг улуҒ маданий дадриятлари худўқини дайта тикладик. Бинобарин, қалбимиз бу бебахо хазинани чуқурроқ идрок қила боргани сайин, халқнинг хаётига маънавий жихатдан бойрод ва ахлодий жихатдан покизарод була беради».

Иқтисодий тараққиётнинг турли босдиқлари ва усулларни таҳлил қилиш шуни курсатдики, моддий неъматларни ишлаб чиқаришда ва уларни истеъмол қилишда одамларни дай даражада иштирок этишига дин, одамларнинг иймон-эътидоди катта таъсир этиб келган. «Кухна тарихимизнинг дайси даврини эсламайлик, уни хар доим одамларни уз-узини идора этишга, яхши хислатларни купайтириб, ёмонларидан халос булишга чорлаган. Хар бир алохида инсонга, оила, жамоа, минтада, бир сўз билан айтганда, умумхалқда рахнамо бўлган. Уни Оғир синовларга бордош беришга, ёруғ кунларга интилиб яшашга давлат қилган, ишонтирган. Бундай даъват, уз навбатида, одамларга куч дувват бағишлаган, иродасини мустадам қилган, бир-бирига меҳру одибатини оширган⁹».

Диний таълимот таркибида иқтисодий тафаккурнинг урни ҳам катта, бу тафаккур исломининг мудардас китобларида тарғиб қилиниб келинди.

«Қуръони Карим» иқтисодий қадриятлари

Исломнинг асосий манбаи-«Қуръони Карим» дир. Унинг хар бир ояти бандаларни покликка, иймонга чорлайди. Унинг 293 та ояти бевосита иқтисодий тафаккурга бағишланган. Бошқа жуда куп оятларда ҳам дисман иқтисодиётига оид фикрлар берилган. «Қуръони Карим» инсонларни халол меҳнат қилишга, тежамли ҳаёт шундай неъматки, у инсонга фадат бир марта берилади.

Демак, уни шундай утказиш керакки, у одамларга бу дунёда бахт-саодат келтирсин, охиратда хисоб-китобни осон қилсин. Бунинг учун одам ҳаёт вақтида умрини бемаъни утказмай, яхши амалларга сарфлаши керак.

Халол меҳнат қилиш бу дунё ва у дунёда бахт-саодатни қафолатлайдиган амалдир. Зеро, «дурони Карим»нинг бир қанча оятларида меҳнат хар томонлама улуғланган, у зарур ибодат эканлиги таъкидланган.

⁹ И.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чудурлаштириш йулида, Т., 1995, 151-бет

Парвардигори олам одамзодни яратиш билан унга нафсни бериб қуйди. Одамлар яшаш учун истеъмол қилишлари, озик-овқат ейишлари, қийим-кечак қийишлари, маълум турар-жой шароитларига эга бўлишлари керак. Одамлар учун керак бўлган бу истеъмол буюмлари табиатда тайёр ҳолда мавжуд бўлмайди. Оллоҳ таоло моддий неъматларнинг манбаларини бунёд этди ва уларни истеъмол учун керак бўлган нарсаларга айлантира олиш учун одамларга қуч-қувват, ақл-идрок берди. Ақл-идрокни ишга солиб, касб-корни эгаллаб, Оллоҳ яратган имкониятлардан ўз ризқини териб ейишни инсонлар зиммасига юклади.

«Қуръони Карим»нинг бир қанча оятларида ўз меҳнати билан Парвардигор яратиб қуйган ризқини териб ейиш зарурлигига даъват қилинган. «Таборақ» (Мулк) сурасининг 15-оятида «Хуваллазий жаъла лақумул арза залулан ва илайхиннушуур», дейилган. Маъноси: «У (Оллоҳ) сизлар учун Ерни ҳокисор-буйсингувчи қилиб қуйилган зотдир. Бас, у (Ер)нинг ҳар томонида юраверинглар ва (Оллоҳнинг берган) ризқ-рузидан енглар. Ёлғиз унинг ҳузурига тирилиб чиқиш-қайтиш бордир».

Уламоларимиз ушбу ояти қариманинг тафсирини исломда меҳнатга қорлашга далил қилиб келтирақилар. Дарҳақиқат, Оллоҳ таоло ерни яратиб, уни инсонга буйсундириб қўйиш билан бирга, инсонларга бу улуг неъматдан унумли фойдаланиш учун қанғасалиқ, ишқемалиқ қилмасдан, қасб-қорни қухта эгаллаб, ризқни ундириб ейишга ундаган. Бу ерда гап бағоят улуг неъмат-Ер тўғрисида қетса ҳам, уни қенг маънода Оллоҳ таоло барча имқониятлар тўғрисида айтмоқда, деб тушуниласа уринлироқ бўлади.

Мана шундай Оллоҳ яратган имқониятлар ва улардан ақл-идрок билан қасб-қорни эгаллаб, ўз ризқини териб ейишлари бандаларнинг бурқлари эканлиғи тўғрисидаги даъватни биз «қуръони Қарим»нинг «Бақара» сурасининг 3,22,25,33,57, «Наҳл» сурасининг 11,12,114, «қасас» сурасининг 76,77, «Анкабут» сурасининг 17,62, «Сажда» сурасининг 27, «Ёсин» сурасининг 34,35, «Ва-ссафот» сурасининг 41-44, «Сод» сурасининг 50-51, «Зумар» сурасининг

21-оятларида ҳам кўрамиз. Оллох таоло ўз каломида бандаларини ўзи берган неъматларига шукур килиб, тоат-ибодат килишга, бу неъматлардан тўғри фойдаланишга чакиради. Оллохга иймон келтириш, ундан куркиш инсонни яхши, хайрли ишларга йуналтиради. У иқтисодга адолат, омонат, ҳалоллик маъноларини бериб, очкузлик, ҳаром ва адолатсизликлардан четлатади. Демак, иймонли одам дангасалик, ишёкмаслик қилмасдан, гайратли бўлиши, бирор касб-хунарни эгаллаб, ҳалол меҳнат қилиши керак.

Инсоннинг меҳнати, саъй-ҳаракати фақат дунё неъматларидан купрок баҳраманд бўлиши учунгина эмас, балки охиратдаги ҳисоб-китоб учун зарурдир.

Пайгамбаримиз Мухаммад саллаллоху алайҳи васаллам марҳамат қилиб айтақиларки, «Оллох таоло уз бандалари ичида гайратлисини ёктиради». Ҳадиси шарифлардан бирида: «Эй Парвардигор, мен сендан, ғам-ташвишдан, ҳафалиқдан, ожизликдан, дангасалиқдан, бахилликдан, куркокликдан, қарздорликдан ва хорликдан паноҳ тилайман!» дейилган.

Инсоният босиб ўтган узундан-узук йўл меҳнат жараёнидан иборатдир. Шу боисдан кишилар меҳнатни кадрлашлари, улуглашлари, ёшларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашлари керак. Шунинг учун ҳам халқ мадолларида меҳнат ва меҳнатсеварлик гоёларига алоҳида эътибор берилган. «Меҳнат, меҳнатнинг тағи-роҳат», «Ўзаллик ҳуснда эмас-меҳнатда», «Дарё сувини баҳор тоширар, одам дадрини меҳнат оширар», «Меҳнатдан дуст ортар, гийбатдан душман» каби унлаб мадоллар шулар жумласидандир.

Меҳнатсеварлик инсоннинг бутун ҳаёти ва фаолиятида амалга оширадиган ҳислатидир. Ҳалол меҳнат киши ҳаётининг мазмуни ташкил этади.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов Республикаимизнинг бозор иқтисодиётига ўтишга шароит яратадиган хусусиятлари тўғрисида гапириб, «Ўзбекистоннинг меҳмондуст, меҳнатсевар халқи унинг чинакам бойлигидир», деб бежиз айтмаганлар.

Меҳнатсеварлик киши қамолотининг асосий омилларидан биридир

У муҳтожликдан, зериктишдан, ахлодий бузилишдан одамни қайтайдир.

Мехнатсеварлик туфайли обру-эътибор ортади, кишидан яхши ном долади, унинг хаёти сермазмун, сержило, баракали булади. Зеро, Пайгамбаримиз Мухаммад саллаллоху алайхи васаллам уз хадисларидан бирида: «Одамларнинг яхшиси одамларга манфаат келтирганларидир», деб бежиз айтмаганлар. «Қуръони Карим» да ҳам бу борада алохида таъкидланади. Яхши, солих-хайрли ишни бажарувилар, халқига манфаат келтирувчи кишилар Оллохнинг йўлида курашувчилар билан тенглаштирилади ва уларга охиратда остидан анхорлар одиб турувчи жаннат ваъда қилинади.

Одамнинг меҳнатсевар булиши унга болалигидан бериладиган тарбияга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ҳозир мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини ислох қилишга катта эътибор берилмодда. Таълим ҳадидаги миллий Дастурда меҳнат тарбияси, касб-кор бериш масаласи устувор қилиб қўйилганлиги бежиз эмас.

Меҳнат ҳам намоз, руза, закот, ҳаж каби ибодатдир. Меҳнатнинг энг олийси- илмдир.

Зеро, «Қуръони Карим»да . «Мужодала» сурасининг оятида «Оллох таоло сизлардан иймон келтирганларни ва илмли бўлганларнинг даражасини кутаради», дейилган. «Зумар» сурасининг 9-оятида айтиладики,: «Айтинг: «Биладиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар бўлурми?! Дарҳақиқат, фақат ақл эгаларигина панд-насилхат олурлар», деган калималарини ўқиймиз. Бу ояти карималарда илмли кишиларнинг ҳурмати Оллохнинг ҳузурида нақадар юқори эканлиги курсатилади.

Пайгамбаримиз Мухаммад саллаллоху алайхи васаллам уз ҳадиси муборакларидан бирида: «Толиби илм қилиш фарздир. Толиби илмга ҳар бир нарса истиғфор айтади, ҳатто денгиздаги балидлар ҳам», деб огохлантирганлар. Шунинг учун ҳам: «Бир соат илм урганиш кечаси билан намоз ўқиб чидишдан афзалдир. Бир кун илм урганиш уч ой руза тутгандан яхшироқдир», деб удтирақилар. Пайгамбаримиз уз умматларига бешиқдан то лаҳадгача илм олишга интилишни маслаҳат берганлар.

Мусулмонларнинг мудардас китоби «Қуръони Карим» ва Пайгамбаримиз Мухаммад Алайхивассалам хадисларида илм олмоқ ва бермодликнинг хикматлари баён қилинган:

-Эй Мухаммад, яратган зот булмиш Парвардигорингиз номи билан ўқинг! («Алад» сураси биринчи оят). Демак, ўқиш ва урганиш Исломнинг бизга биринчи хитоби;

-илм талаб қилишлик (ургатишлик) ҳар бир мусулмон учун фарздир;

-бир соат илм ургатиш (урганиш) бир кечалик ибодатдан, бир кунлик дарс бериш эса, уч ойлик нафл рузадан афзалроқдир;

-бешиқдан то тобутгача илм урган;

илмни урганиб, сунг уни бошқаларга ургатмаслик, гуёки мол дунёни йитиб, уни сарф қилмай кумиб юбориш билан баробардир;

-илм ургатиб шотир д долдирган, илм қилиб китоб долдирган олим сададаю-жория сохибидур, шотир длар шотир д долдиргай, китоблардан китоб пайдо булгай, бас шундай экан-ул олим абадий савобга дохилдир;

-шайтон учун бир фадих, яъни олим одамни чалтитишдан кура, минг обид (омий) одамни чалтитиш осонроқдир;

-кишининг илм соҳасидан бир булагини урганишлиги, дунё ва ундаги нарсаларга эга булишдан кура яхшироқдир;

-Жаноби Хад тупродни ёмтир билан жонлаштиргани каби, улик далбларни илм билан тирилтиради.

Утган замондаги ислом уламолари ҳар бир илмга астойқил ёпишганлар. Илм ва фан соясида исломият тараққий қилди, маданият тардалди, иқтисодиёт ривожланди.

Модомики, биз ҳам ҳозирги кунда порлод истидбол сари дадам ташлар эканмиз, илмга суянмотимиз зарур. Чунки, Президентимиз И. А. Каримов айтганларидек:

«Бугун биз мустақил давлат дурамиз. Истидболимиз, тараққиётимиз куп жихатдан фан даргохларида ишлаётган олимларнинг изланишларига, уларнинг

жасоратига, фидойи эканига, юксак илмий салохиятлари ва оқилона тавсияларига ботлидир.

Исломда мулк масаласи. Иқтисодиёт назариясида мулк, мулкый муносабатлар масаласи асосий уринни эгаллайди. Зеро, ҳар қандай ҷамият иқтисодий тизимининг асосини мулкчилик ташкил этади. Мулкчилик — кишилар уртасида ишлаб чидариш воситалари ва меҳнат маҳсулини узлаштириш юзасидан пайдо бўлган ва тарихий аниқ бир шаклда намоён булувчи иқтисодий муносабатдир. Мулк эгаси булиш ва булмаслигига дараб кишиларнинг ҷамиятдаги маъқеи, уларнинг ижтимоий мадоми юзага келади.

Исломда мулк тушунчаси, унинг моҳияти одамлар қўлидаги бойлик — бу Оллохнинг бойлиги, одамлар-эса фадат унинг ердаги бошқарувчилари эканлигини тан олишдан иборат.

«Қуръони Карим»нинг «Таборақ» сурасининг 1-оятда «Таборақаллазий биядихил мулку ва хува аълаа қўлли шайъин додир», дейилган. Маъноси: "қўлида мулк бўлган зот (Оллох) улут, мудаддас булди. У барча нарсага додирдир».

Ижтимоий манфаатлар уртасидаги келишув, унинг асосини мулк-сармоя ташкил этади. Ислом шахсий манфаат ижтимоий манфаатга зарар келтирса, уни (шахсий манфаатни) маъкулламайди. Шунинг учун ҳам уларнинг келишувини ёқлайди. Сармоя ижтимоий вазифани бажариши, иқтисодиёт ва ҷамиятга фойда келтириши учун доимо ҳаракатда (оборотда) булиши керак.

Хусусий ва ижтимоий мулк маълум ижтимоий манфаатларга хизмат килади. Хусусий мулкнинг ҳар қандай шакли ҷамият томонидан назорат килиниши ва ҷамият манфаатларига хизмат килиши керак. Демак, Исломда хусусий мулк ижтимоий вазифани бажаради.

Ижтимоий бойлик—ҷамият эҳтиёжлари учун зарур бўлган табиий бойликлардир. Бу бойликлардан ҷамиятнинг барча аъзолари фойдаланишлари мумкин, лекин уларга танҳо ҳукмронлик килиш ва гаразли мақсадда фойдаланиш катъиян тақиқланади. «қуръони Карим»нинг бир канча оятларида

биронинг хакига хиёнат килиш кораланади. «Бакара» сурасининг 188-оятида "Мол-дунёларингизни ораларингизда ноҳак — харом йўллар билан емангиз, яъни бир-бирингизнинг ҳақкингизни еманг. Ва (гуноҳ килаётганингизни) билиб туриб, одамларнинг молларидан бир қисмини харом йўл билан ейиш учун молларингизни пора килиб ҳокимларга узатманг», дейилган. Бу ояти қаримада Оллоҳ мусулмонларга бир-бирининг молини ботил — харом йўл билан емокдан қайтармокда.

Шариат қонунлари тўғрисидаги «Мухтасар» номли китобда мусулмончиликда мулкӣ муносабатлар қандай бўлиши кераклиги батафсил баён этилган.

Оиланинг мулкӣ муносабатлари. Жамиятнинг мустаҳкам бўлиши ҳар жиҳатдан оиланинг мустаҳкам бўлишига боғлиқдир.

Шунинг учун Ислом оиладаги мулкӣ муносабатларга катта эътибор беради.

«Қуръони Қарим»нинг "Нисо" сурасида янги исломӣ жамият қуришга бўлган интилиш уз аксини топган. Жумладан, етимларнинг ҳақларига риоя қилиш, кичик ёшдаги болалар, заиф кишилар ва аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Шунингдек, бу сурада аёллардан жабр ва зулмни қутариб, уларга ҳақиқӣ инсонӣ муносабатда бўлиш йўлга қуйилган. Сурада махр масаласи кенг баён қилинган.

Исломдан илгари турмушга чиқариладиган хотин-қизларнинг маҳрини уларнинг отаси, ака-укаси ёки бошқа қариндоши қуёв томони билан савдолашиб олишар ва узлари тасарруф қилишарди. Ислом бу номаъқул олди- бердини харом қилди. Маҳрни келинга берилиши фарз бўлган ҳақга айлантирди. Маҳр келиннинг шахсий мулкига айланди. Келин маҳрнинг тулақонли эгаси сифатида нима қилса узи билади.

Оила ичидаги мулкӣ муносабатларда нафақа ҳам катта урин тутати: «Парвардигоро, бизлар Сенга иймон келтирганмиз, бас, «Гуноҳларимизни марфират айла ва бизни жаҳаннам азобидан асра!» дейдиган сабр-қаноатли,

иймонларига содик, ибодат-итоатли, инфок-эхсонли бўлган, сахарларда Оллохдан марфират тилайдиган бандаларини куриб тургувчидир». («Олий Имрон» сурасининг 17-оятига қаранг.)

Ислом шариати қонунларида эрнинг хотинига, фарзандларига, ота-она, бобо-момоларига, яқин дариндошларига берадиган нафадалари, уларниш миддори ва шартлари аниқ баён этилган.

Оила ичидаги мулкӣ муносабатларда мероснинг урни катта. Мерос деб ворис долдирувчиларга тегишли бўлган мулкӣ ва шахсий ҳудуд ҳамда мажбуриятлар йигиндисига айтилади. Мерос вафот қилган одамнинг мол-мулкни хаддор оила аъзолари уртасида тадсимланишини узида ифодалайди. Мероснинг тўғри тадсимланиши оила аъзолари уртасидаги тотувликни таъминласа, нотўғри тадсимланиши уриш-жанжалларни келтириб чидариши мумкин.

Бизда собид тузум даврида мерос тадсимотиға эътибор берилмаслиги натижасида куп оилавий можаролар, ака-ука, опа-сингилларнинг умрбод бир-бирлари билан тескари бўлган ҳоллари куп бўлган. Энди истидлол туфайли мусаффолашаётган шардий, янги миллий маънавиятимиз мерос масаласида исломий адолатни урнатиш имконини бермодда.

«Қуръони Карим»да, Х,адиси тариф ва шариатнинг фикх китобларида мерос хадида етарли маълумотлар берилган. "Нисо" сурасида мерос оила аъзолари уртасида қандай тадсимланиши аниқ курсатилган. Пайгамбаримиз узининг бир қанча хадисларида «Қуръони Карим» таълимотидаги меросға оид фикрларни кенг шарҳлаб берганлар. Исломий фидх китобларида мерос тўғрисида анча чудур маълумотлар берилган. "Мухтасар"да таъкидланишича, агар вафот этувчи тириклигида мол-мулкни ворисларига васият қилиб долдирмаган булса, долган мол-мулкидан аввал вафот қилувчининг дарзи туланиши, долган мол-мулкни эса меросхурларига «Қуръони Карим»да белгиланган тартибда тадсимланиши курсатилган.

Поклик-иқтисодиётни ривожлантириш омили. Жамиятда одамлар,

жамоалар, минтадалар ва давлатлар ижтимоий махсулотни ишлаб чидариш, тадсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнларида узаро иқтисодий муносабатда булақилар. Бу муносабатлар қанча халол булса, муносабатда бўлган томонлар ундан шунча куп наф курақилар. Аксинча, муносабатларга нопоклик, бир- бирини алдаш, даллоблик аралашса, уларда бир-бирига ишончсизлик пайдо булади, узаро иқтисодий алодалар бузилади. Бир-бирига шартлашилган махсулотларни уз вақтида сифатли қилиб етказиб бермаслиги натижасида ишлаб чидариш жараёни ишдан чидади, истеъмол буюмларининг такчиллиги вужудга келади, ишсизлик купаяди.

Шунинг учун ривожланган мамлакатлар узаро иқтисодий муносабатларнинг халол булишига катта эътибор берақилар.

Мамлакатда иқтисодий мустақилликни таъминлаш ва бозор иқтисодиётига ўтиш учун айтиб утилган иллатлардан тезрод дутулиш зарур. Президентимиз Ш. Мирзиёевнинг айтишича: «Бозор муносабатларига ўтиш хаётий етуклик ва сабр-матонатни синовдан утказувчи узига хос имтихондир. Бунда маънавий бушлидни ёки кунглига келган ишни қила берилишга мутлақо йўл қўйиб булмайди. Шу сабабли биз маънавий-рухий тикланиш ва покланиш муносабатларига алохида ахамият беряпмиз».

Маънавий-рухий тикланиш ва покланишда мусулмончилик йўл-йуридлири катта роль уйнайди. Иймон, эътидод бандаларнинг қилини пок қилади. Қили пок киши хар қандай гунохни қилишдан дурдади. Ёлтон сўзлаш, одамларни алдаш, утирлик, порахурлик қилиш, фохишабозлик, ичкиликбозликдан узини тияди. Қили билан сезиб турадики, у нима қилса, худо куриб туради. Бундай одам иқтисодий муносабатларда хеч даллобликка йўл қўймайди.

Одамнинг қили покланиши учун у «Қуръони Карим»нинг оятлари, Пайтамбаримизнинг хадислари, илохиётчи олимларининг халоллик, поклик тутрисидаги панд-насихатлари билан таниш булишлари керак. Зеро, Ислон поклик дини, "Қуръони Карим" поклик китобидир.

«Қуръони Карим»нинг жуда куп оятларида мусулмонлар поклик ва

халолликка даъват этилади. «Бакара» сурасининг 2—3-оятларида «...хеч қандай шак-шубҳа булмаган ушбу китоб тойибга ишонадиган, намозни туқис адо этадиган ва биз ризд қилиб берган нарсалардан инфод-эхсон қиладиган тавволи кишилар учун рахбар — йўлбошчидир», дейилган. Купгина оятларда далб поклиги, дидорлик ва хидоятда юришдан ризднинг муллиги, фаровонлик ва серобчилик келиб чидиши таъкидланган. Жумладан, «Аъроф» сурасида: «...сиймоларцдан таниб олган кишиларига (яъни дузахиларга) нидо қилиб дейқилар: «Туплаган молу дунёингиз ва қилган кибру хавойингиз сизларга асдатмабди-ку», дейилган. Шунга ухшаш оятлар «Моида», «Худ» ва бошқа сураларда ҳам бор.

Демак, қайси халқ Оллохдан дурдса, яхши амалларни қилса, адолат ва омонликни жорий қилса, Оллох у халқни ер юзида пешдадам қилиб дуяди. У халқ, фаровонлик, тараққиёт ва бахтли хаётга эришади.

«ТаҒобун» сурасида шу нарса огохлантириладики, мол-мулк киши учун синовдир. қўлига мол-дунё келганда ҳам ховлидмасдан, тутри йўлда сарфласа, ибодатини вақтида қилса, улкан савобларга эга булади. Аммо дунёга берилиб йўлдан адашса, харом-хариш ишларни қилса, мол топиш учун гуноҳ йўлларга ҳам кираверса, унда синовдан ута олмаган булади ва гуноҳига яраша жазосини олади.

«Куръони Карим» да огохлантирилишича, одам узининг хавои нафсига қўл булиб долиши ҳам мумкин. Бундай одамларни "Нафс бандаси" ҳам дейилади. Бундай холда у зикр этилган нарсаларга эришиш учун хеч қандай йўлдан, хеч қандай гуноҳдан дайтмайди. Пайтамбаримиз уз хадисларидан бирида: «Динор ва дирхам бандаси бадбахтликдир», деганлар.

«Куръони Карим» назарида, бойлик- бу дунё хаётининг уткинчи хою хавасларига, бойликка, уйин-кулгига эмас, балки Оллохнинг матфиратига ва жаннатга элтувчи яхши амалларга даратилиши керак. Зеро, Пайтамбаримиз айтганларидек, «Оллох таоло сизларнинг ташқи куринишларингиз ёки молу дунёларингизга эмас, балки қилларингизга ва қилаётган амалларингизга дараб

баҳо беради».

Ижтимоий химоя масалалари. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг муаммоларидан бири аҳолининг табақаланиши, одамлар уртасида турмуш даражаларида фарк (баъзан кескин фарк) вужудга келишидир. Бу муаммони хал қилиш учун мухтож кишиларни жамият томонидан ижтимоий химоя қилиш тизимини вужудга келтириш зарур. Ижтимоий химоя қилиш тизими уз-уздан гайриихтиёрий тарзда амал қиладиган иқтисодий механизм, давлат томонидан ижтимоий химоя қилиш сиёсати ва ислом шариати амалларидан иборат бўлади.

Аҳолининг мухтож қисмини ижтимоий химоя қилиш куп жихатдан бу ишларга бойларнинг эътиборини жалб этиш, уларни фақир-мискинлар, етим-есирлар, бева-бечораларга садака, хайри эҳсон қилишга сафарбар этишга боғлиқ. Бу мақсадга эса уларни мажбур қилиш йўли билан эришиб бўлмайди. Бунинг учун аҳолининг бадавлат қисмини «қуръони Карим» оятлари ва Пайгамбаримизнинг бу тўғридаги уғитлари билан таништириш зарур.

«Қуръони Карим»нинг жуда куп оятларида мусулмонларни, айникса, бойларни етим-есирлар, бечора-мискинларга хайри эҳсон қилиб, уларнинг ҳолидан хабар олиб туришга чақирилади. «Моъувн» сурасининг 2—3-оятларида: «Бас, бу етим-есирни хайдаб соладиган ва мискин-бечорага таом беришга тарғиб қилмайдиган кимсадир», деб таъкидланади. Мусулмонлар эса мухтожларга доим ёрдам берақилар, дейилади. Бу сурада узлари ёлғиз бўлганларида намоз ўқишни унутиб қуядиган ва факат эл курсинга намозхон бўлган ҳамда қуни-қушни, ҳамсоғалардан одатда уртада ишлатиладиган энг арзимас рузгор буюмларини ҳам аяйдиган риёкор ва ҳасис кимсалар ҳақида дуойибад қилинади ва бу билан етим-бечораларга мудом ёрдам қилини қузадиган, тоат-ибодатни ёлғиз Яратганнинг ризолигини қулаб бориб қиладиган хайр-саховатли зотларгина ҳақиқий мумин мусулмонлар эканлиги таъкидланади.

Айтилишича, одамларнинг бир қисми бойлик қелганда узини йукотиб қуйишади, хаддан ошишади, кекқайиб бошқаларни, айникса, камбағалларни назар-писанд қилмай қуйишади. Бойликка уч одам ҳамма нарсани пул билан

улчайдиган булиб колади. Х,атто «Пулим мени дунёда абадий саклаб колади», деган эътикодга ҳам олиб келади. Улар мол-мулкини тез-тез санаб, хузур килақилар.

«Қуръони Карим»да бундай одамларни тезда эс-хушини йигиб олиб, ҳақиқатни тўғри тушунишга чакиради. Мол-дунё инсон учун абадий эмаслиги, ундан тўғри, уринли фойдаланиш зарурлиги, ортикча хою хавасларга берилмай, кераксиз дабдабаларга сарфламай, ундан узининг ҳақиқий манфаати учун, яъни бу дунёдаги вақтинчалик айш-ишратларидан кура, охиратда узига манфаат етказадиган ишларга, хайру эҳсонларга сарфлаши лозимлиги уқтирилади, сарфларининг ичида энг аълоси Оллохга бериладиган қарз эканлиги, бу «яхши қарз» эканлиги таъкидланади. «Яхши қарз» деганда камбағал-мухтожларга бериладиган қарз, яъни қарз эвазига устама талаб қилмай бериладиган қарз, яна бошқа ерда эса етим-есирларга қилинадиган эҳсон эканлиги тушунтирилади. Бундай қарзни Оллох узига берилган қарз деб ҳисоблайди. Бундай қарз берганларга бу дунёда қарзини бир неча баробар ошириб (ун ва етти юз мартагача қупайтириб) қайтаришга, у дунёда эса (охиратда) жуда катта ажри-изимлар берилишига ваъда қилинади.

Х,адиси кудсийда Оллохи таоло: "Эй одам фарзанди, Узим берган мол-дунёдан ҳақимга закот ажратиб фарзимни адо этмасанг, фақир ва мискинлар ҳадини ушлаб турадиган булсанг, билгинки, мажбуран мол-дунёнингни тортиб оладиган золимларни юборурман. Улар қўлига утиб кетган молинг учун ҳеч дачон ҳеч қандай савоб ололмайсан», дейди.

Зеро, узини мусулмон, худонинг бандасиман, дейдиган киши эсхушини йигиб, фойда ва зарарни ажратиши, зарарли мол-дунё қўли булишдан фойдали саховат йўлига кириши керак.

Пайгамбаримизнинг «Қуръони Карим»га асосланган жуда қуп ҳадисларида камбағалларга, мискинларга, етим-есирларга инъом-эҳсон қилиш мумин-мусулмонларнинг бурчи эканлиги дайта-дайта таърифланган. Бир ҳақисқа: "Ҳар бир нарсанинг қалити бор. Жаннатнинг қалити камбағал-бечораларни яхши

курмодликдир», дейилган. Яна бир ҳақисқа: «Нудсонсиз була туриб камтарин, узини ута мискин тутмаган холда паст тутувчи, ҳалол йўл билан туплаган молларидан эҳсон қилувчи, илму хикмат билан аралашиб юрадиган, мискин ва бечораларга разулу шафдат қиладиган одамга куп яхшиликлар булур», дейилса, яна бир ҳақисқа: «Оллох таолонинг давми яхши курган нарсаларингиздан эҳсон қилмагунингизча харгиз хайриятга эришмагайсиз ва Оллох нимаики эҳсон қилсангиз, уни билиб тургай», дейилган.

Ислом таълимотига оид куп манбаларда садада, эҳсонларнинг самарали булиши; ундан куп савоб олиш учун уларни хужакурсинга бойларга, тудларга эмас, балки мухтожларга берилиши зарурлиги уртирилади. Бундай хайру эҳсонларнинг турлари куп. Улар тўғрисида «Қуръони Карим» оятларида ҳам, Хадиси шарифларда ҳам, шариат қонунларида ҳам куп гапирилган. Закот, фитр сададаси, ушур, нафл садада, назр ва акика, курбонликлар тўғрисида батафсил тушунча берилган.

Юқорида баён этилганлардан куришиб турибдики, Ислом динида бева-бечора, етим-есир, фадир-мискинларга бой, узига туд одамлар томонидан хайр-эҳсон қилиб турилиши зарурлигига жуда катта эътибор берилган. Бу заруриятни қилга жо далган хар бир мусулмон киши уз бойлигидан Ислом қоидаларида белгиланган миддорда ажратиб, закот, ушур, фитр, фидя, назр, адида ва сададларни мухтожларга бериб турса, уларнинг турмуши анча яхшиланган, эҳсон қилувчилар эса қанча савобга эга булиб, гуноҳлардан холи булар эди.

Исрофгарчилик-гуноҳи азим. «Қуръони Карим»нинг бир қанча оятларида исрофгарчиликка йўл қўймай, Оллох берган неъматлардан унумли фойдаланишга чадирилади. «Аъроф» сурасида: «Эй, Одам болалари, хар бир сажда чоғда зийнатланингиз ҳамда еб-ичаверинглар, фадат исроф қилманглар. Зотан, У (Оллох) исроф қилгувчи кимсаларни севмас». «Айтинг: Оллох бандалари учун чидарган безак ва ҳалол-пок риздларни ким харом қилди?!. Айтинг: Улар ҳаёти — дунёда иймон эгалари учун диёмат кунида эса фадат узларига хосдир», дейилган. (31—32-оятлар.)

Хадиси Кудсийда Оллох таоло бандаларига хитоб қилиб, «Эй одам фарзанди, дачонки сенга мол-дунё мул-кул кела бошласа, уни исроф қилмасдан яхши йўлларга сарф қил. Улимни эслаб, харомдан садлан», дейди. Яна: «Эй одам фарзанди, билгилки, бу дунёда туплаган бойлигинг меросхурларингга долади. Ундан емод, ва хузурини курмод купинча бошқаларга насиб булур. Унинг хисоб-китоби ва надомати эса сенинг буйнингга тушгай. дабрда сенга фадат хаётлик вақтингда қилган яхши амалларинггина ёрдам бергай», деб удгирилади.

Имом Исмоил ал-Бухорий келтирган бир ҳақисқа Расулulloх:

«Сизларнинг учта ишингиз учун Оллох таоло рози ва учта ишингиз учун тазаблик булади: биринчиси, ибодатни Оллохнинг узигагина қилиб, ибодатга бошқа нарсаларни унга шерик қилмаслигингизга, иккинчиси, Оллох таолонинг динига—Қуръонига эътдод қилмогингизга, учинчиси, Оллох таоло сизга бошлиқ қилиб қўйган кишига хайрихоҳ булмотингизга рози булса, булар- булмас гапни надл қилиб юрмотингизга, куп суриштиравермаслик ёки сурашлик (гадойлик қилиш) ва молни ноурин ерларга сарф қилиб зое қилмотингизга тазабланади», — деқилар.

Юқорида баён этилганлардан куруниб турибдики, «Қуръони Карим» оятлари ва Пайтамбаримизнинг ҳадисларида тежамкорликнинг фойдаси ва исрофгарчиликнинг зарари тутрисида куп угитлар берилган. Ислонда хар қандай исрофгарчилик—увол саналиб, увол қилганлар гунохкор хисобланганлар. Пайтамбаримиз уз ҳадисларидан бирида: «Исроф қилувчилар шайтонни биродарлари (дустлари)дир», деганлар.

Исрофнинг баъзи турлари фикх китобларида шундай баён қилинади:

1. Пешона тери тукиб етиштирилган хар қандай неъматни эҳтиёжингизга яраша истеъмол қилинг. қорнингиз туйдими, ортиқча еган лукма хам исрофдир.

2. Овқат қилган идишингизнинг тагида бирор қошиқ овқат қолса — у катта исроф, хатто идиш тагида долган ёт ёки юди хам исроф, яланг, идишни тозалаб қўйинг. Хар гал идишнинг тагида овқат қолдириш мутакаббирлар ишидир.

3. Дастурхонга тукилган бир дона нон ушоти хам исрофдир. Олиб еб

қўйинг.

4. Маросимларда ортидча нон-ош тортишлар, ейилмай долса тукиб юборишлар жуда катта гунохларга сабаб буладиган исрофгарчиликдир. Жавобгарлик уша издхон-маросимларнинг мутасадқилари зиммасига тушади.

5. Кибр-хавога берилиб, «Одамлар мени мақтасин», деган мақсадда қилинган ҳамма харажатлар ҳам исрофдир.

6. Узига ортидча зеб бериш мақсадида ута диммат-баҳо харир либослар ва тадинчодлар сотиб олиб, кийиб-тадиб юришлар ҳам исрофгарчиликдир.

Пайтамбаримиз Муҳаммад саллаллоху алайҳивасаллам уз ҳадиси муборакларидан бирида, «Оллох, таоло молни ноурин ерларга сарф қилиб, зое қилмотингизга тазабланади», — дейилган. Ислонда ҳар қандай исрофгарчилик увол ҳисобланиб, увол қилганлар гунохкор булади, деб удтирилади.

Ҳозир ҳалқимиз иқтисодий мустақилликка эришиш, бозор иқтисодиётига ўтиш йўли билан фаровонликка эришиш учун курашмоддалар. Бу вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишнинг асосини икки манба: бойликларни купайтириш ва улардан оқилона фойдаланиш ташкил этади. Бу нарса жамиятга, меҳнат жамоасига ва ҳар бир оилага тааллуслидир. Бундан шундай ҳулоса келиб чидадики, модомики ҳалқимизнинг фаровон яшаши учун зарур бўлган неъматларни Оллох таоло томонидан берилган ризд деб ҳисоблар эканмиз, улардан Худони узи буюрганикек фойдаланишимиз, уни исроф қилмаслигимиз, ҳалолни ҳаромга чидармаслигимиз керак. Бунинг учун ҳаммамизда иймон, эътидод бўлиши керак.

Раҳбарликда ҳалол бўлишлик масаласи. | Иқтисодиёт тизимида раҳбарлик (бошқарув) катта урин тутди. Бошқарувнинг тўғри ташкил этилиши иқтисодиётни соғломлаштириш, унинг самарадорлигини ошириш, тараккиётини тезлаштиришини таъминлайди. Бунинг учун иқтисодиётни бошқаришда истеъдодли, билимдон кадрларга таяниш керак. Улар ҳалол-пок, масъулиятли, инсофли, виждонли, уз манфаатини ҳалқ манфаатидан, жамият манфаатидан юкори куймовчи бўлишлари керак.

Исломда давлатнинг хужалик турмушини тартибга солишдаги ролига катта аҳамият берилади. Унда давлат табиий бойликларнинг таксимотчиси сифатида ҳам, иктисодий камчиликлардан ва табиий бойликларга монополиялардан асровчи сифатида ҳам, ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи сифатида ҳам, уларнинг эгаси сифатида ҳам майдонга чиқади.

«Куръони Карим»да раҳбарларнинг масъулияти ва ҳалол-поқ бўлишлари тўғрисида қўй гапирилган. «куръон»да қўйилган ана шу йўлдан одамларни бошлаб бориш учун раҳбарлар иймон-эътиқодли, ҳалол-поқ бўлишлари керак. Бу борада бобомиз Соҳибқирон Амир Темурнинг барча ишларида «куръон»га суянгани раҳбарлар учун ибратлидир.

«Бақара» сурасининг 213-оятда айтиладики: «...Одамлар бир миллат эдилар. Сўнг (ораларида қелишмовчиликлар пайдо бўлган), Оллоҳ, (муминларга) ҳушхабар элтувчи ва (қўғирларни жаҳанном азобидан) қўқитувчи пайғамбарларини юборди ва уларга қўшиб одамлар орасида қўққан тортишувларга ҳакам бўлсин, деб Х,ақ Қитобни (Таврот, Инжилни) нозил қилди. Энди очик оятлар қелганидан кейин, фақат шу Қитоб берилган қимсалар ҳадларидан ошиб, талашиб-қўқшқилар. Сўнгра Оллоҳ Ўз изни билан муминларни улар (Қитоб берилган қимсалар) ихтилоф қилган ҳақ йўлга йўллади. Оллоҳ, Ўзи истаган қишларни Тўғри Йўлга ҳидоят қилади».

Одамлар уртасида қелиб қўқадиган ихтилоф ва қелишмовчиликларни қўқараф қилиб, уларни тўғри йўлга бошлаш учун Оллоҳ таоло ер юзига Пайғамбарларни юборган, одамларнинг айримларини уларга қўшлик (раҳбар) қилиб қўйган. Уларга қўқуриламал бўлиши учун «куръони Қарим»ни нозил этган. Шу «куръон»да қўқилган йўлдан одамларни бошлаб бориш учун раҳбарлар иймон-эътиқодли, ҳалол-поқ бўлишлари керак.

Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларидан бирида: «Қўқшқларингиз яқши одамлардан, қўқшқларингиз саҳий ва ишларингиз эрқаклар билан қамаслаҳат бўлса, Сизлар учун ернинг остидан қўра усти афзалдир. Ақс қолда ернинг устидан оқмон афзалдир», дейилган.

Дархакикат, рахбарлар золим, меҳрсиз, адолатсиз, порахур кишилардан булса, фукаронинг холига вой. Бундай рахбарларга карши Пайгамбаримиз: ... «Эй Парвардигор, умматларимнинг бирор ишига ҳоким бўлган киши уларга жабр килса, сен ҳам жабр кил. Агар у уларга яхши муомалада булса, сен ҳам унда шундай (яхши муомалада) бул», дейди.

«Кобуснома»да давлат хизматида банд бўлган мансабдорларнинг сифатлари, вазифалари, масъулиятларига катта эътибор берилган. Уларга карата, «Давлатга, неъматга молик бўлганиндан сунг халойикка наф еткурғил, саховатни халқдин дариг қилмағил», дея насхат қилади. Давлат ишида ҳамиша барқарор бўлишнинг шарти сифатида Расул алайҳиссаломнинг катта амакиси ҳазрати Аббоснинг уз угли Абқўллохга айтган қўйидаги насиҳатларини эслатади: «Эй фарзанд, билгинким, бу киши, яъни Умар сенга эътидод қилди ва барча халқдин илғари тутди. Энди, агар (сенга) душман голиб булмасин десанг, беш хислатни маҳкам тутғил, шунда сен ҳамиша иймонли булғайсан. Биринчиси шуки, харғиз ёлгон сўзламағил, иккинчиси, подшоҳ олдида ҳеч кишининг айбини айтмағил, учинчиси, подшоҳга ҳеч вақт хиёнат қилмағил, туртинчиси, подшоҳнинг фармониға ҳилоф иш қилмағил, бешинчиси, подшоҳнинг сири, ҳасрати, кучсизлигини ҳеч бир одамға айтмағил, не учун - ким, киши бу беш хислат била уз мақсадига етса булур».

Давлатни бошқаришда бобокалонимиз Амир Темурнинг «Тузуқлари» ҳам катта қўлланмадир. «Темур тузуқлари» подшоҳларнинг туриш-турмуши ва ахлод-одоб нормаларини белгиловчи рисоладир. Амир Темур «Тузуқлари» да давлатни идора қилишда кимларға таяниш, тожу тахт эгаларининг тутуми ва вазифалари, вазир ва душин бошликларини садлаш, сипохийларнинг маоши, мамлакатларни бошқариш тартиби, давлат арбоблари ва душин бошликларининг бурч ва вазифалари, амирлар, вазирлар ва бошқа мансабдорларнинг тожу тахт олдида курсатган алоҳида хизматларини таддирлаш тартиби ва бошқалар хусусида гап боради. Амир Темур «Тузуқлари» да солид ва жарималар ҳадида ҳам эътиборға молик маълумотлар бор.

Ислохотларнинг дай даражада амалга ошиши рахбарларнинг дунёдарашига, халол ва пок, тадбиркор ва ташаббускор булишига боғлиқдир. «Рахбарлик— лавозим, мансаб эмас, аввало одамларга хизмат қилиш масъулияти эканини барча тўғри тушуниб олмоғи зарур. Рахбар дегани ҳаммадан кўпроқ ишлаб, фуқаролар саодати ва юрти равнади учун елиб- югурадиган фидойи инсон булиши керак», деган эди Президентимиз И. А. Каримов. (Халоллик ва фидойилик — фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин». 1994. 24-бет.)

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бизга Оллох қўйган талаб битта — иймонли булиш, халол яшаш ва халол меҳнат қилиш. Хар дайси инсон даерда бўлмасин ва дайси вазифани бажармасин, у вилоят рахбарими, туман хокимими, хужалик ёки корхона рахбарими, оддий косиб ёки оддий дехдонми мартабаси ва касбидан датъи назар, узини харом-хариш ишлардан тийиши, хар бир инсон юртимизни обод қилишга улуш қўшиб, шу обод юртда савоб ишлари билан узидан яхши ном ва яхши из долдириб, Оллох ва эл-юрт олдидаги мудафдас бурчини адо этиши шартдир.

«Хадислар»даги иқтисодий кадриятлар

«Иқтисодий таълимотлар тарихи»ни урганишда ислом иқтисодий дадриятлари энг йирик манбаларидан бири "Қуръони Карим" бўлса, кейингиси Хадиси шарифдир. Ушбу манбалар узининг хаётийлиги билан фадатгина Уйғониш даври Урта Осиёдаги, Амир Темур ва темурийлар даври, XX аср бошларидаги узбек иқтисодий таълимотларидагина эмас, балки Ўзбекистонни бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги иқтисодий таълимотларни яратишда ҳам эътиборга олинаётгани Хақисқаги иқтисодий дадриятлар катга хаётий ахамиятга эга эканлигини курсатади.

Хадисларнинг яратилишига ҳам даставвал «Қуръони Карим»ни яратишни тадозо этган шарт-шароитлар сабабчи бўлган. Ислом динининг яратилиши, уни қисқа давр ичида катга худудларга, турли тилларда сўзлашадиган, хар хил миллатга мансуб бўлган халқлар томонидан дабул қилингани ва улар сафининг тобора кенгайиб бо-риши натижасида улар урф-одатлари ва яшаш шароитларида

катта фарқ борлиги, уларнинг баъзиларини бошқаларидан «афзал» булишига йўл қўймаслик, лекин хаммани адолатли ва тенг яшашини таъминлаш, ҳар хил жанжал ва уришлар булишига йўл қўймаслик, ҳуллас, бир тартибга солиш мақсадида яратилган. Хадис оятларини юксак савияда узлаштириб олган мазҳаблар пайдо бўлиб, улар уз даврининг буюк олимлари сифатида кишиларга хадис далиллари асосида ҳидоят йўлини курсатиб берқилар.

Хадис ислом динининг «Қуръони Карим»дан кейинги асосий эътидодлик манбаларидан бўлиб, у Пайтамбаримизнинг айнан айтган сўзларининг узгинасидан ёки бажарган ишларининг саҳобалар томонларидан уз кузлари билан куриб бизгача етказган атамаларидан иборатдир. Хадиси шариф «Қуръони Карим» оятларини изохлаш ва уларнинг том маъноларини англаш, диний ва дунёвий ишларимизни тутри, шариатга биноан амалга оширмод учун гуёки шамчироддир. Ислом оламида Хадиси шариф жам этилган олти китобни, уни сихохи ситта ҳам деб атайқилар, муътабар китоб, деб юритақилар. Уларнинг мусаннифлари: Имом Малик бин Анаса, Имом Исмоил ал-Бухорий, Имом Муслим бин-Ал Хажжож, Имом Абу Довуд, Имом Ахмад бин Шуайб Ан-Насаи, Абу Исо Ат-Термизийлардир (Оллох уларнинг барчаларини уз раҳматига олсин). Биз қўйида Пайтамбаримиз ҳадисларида баён қилинган айрим иқтисодий тафсилотлар намуналаридан келтиришни лозим топдик.

Бозордаги муносабатлар ҳадида. Бозорда ҳар хил истеъмол неъматлари сотилади. Бирод, айнан бир хил истеъмол буюмлари ҳам алмашиши мумкин. Пайтамбаримиз қимматбаҳо металллар савдоси мисолида буни тушунтиради.

Бу ерда шунга эътибор бериш керакки, олтинни олтинга сотиш мумкин, лекин қандай қуринишда, отирликда, бунда бирор томон афзалликка эгами? Кумушни олтинга, олтинни кумушга сотиш мумкинми?

«Олтинни олтинга (улар танга ёки бирор буюм шаклида буладими ёхуд қўйма буладими, бундан датъи назар) бир-бирига тенг отирликда сотингизлар, бирини иккинчисидан афзал қилмангизлар. Кумушни кумушга ҳам айнан шу тарифа сотингизлар! Савдолашиб турган ерингиздан жилмай туриб, бир-

бирингизни молингизни қўлга олингизлар!" (Хадис, Т., 1997, 2-том.)

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, сотувчи ҳам уз молинг айбини яширмаслиги, харид қилувчи ҳам пул беришда тирромлик қилмаслиги лозим, фадат шундагина савдода барака булади, агар хар иккала томон ҳам бир-бирини алдаса, тирромлик қилса, бу савдо халол савдо эмас. Савдо халолликни ёдтиради ва шунинг учун сотувчи ҳам, олувчи ҳам рост гапириши шарт.

Савдо-сотиддаги халолликда дастлаб сотувчининг уз молига адолатли, инсофли, хар иккала томонга ҳам манзур буларли даражада нарх қўйиши билан бошланади. Чунки сотувчи мол эгаси бўлгани учун дастлабки нархни харидорга биринчи булиб таклиф этишга ҳадлидир.

Сотувчи билан харидор молнинг узлари ихтиёр қилган нархнини савдолашиб турган жойларини тарк қилгунларига қадар бир-бирларига таклиф қилмоклари лозимдур. Хар иккала томон уртасида савдо ихтиёрий булиши керак. Савдо-сотикдаги ихтиёрийликнинг асоси деб савдолашиб турилган жойдан бир кадам бошқа жойга жилмай туриб савдо шартларини аниқ келишиб олишни ва шу ернинг узида олди-сотди муносабатларини бевосита содир бўлгани деб тушунмоғимиз лозим. Демак, савдо-сотик қилиш тўғрисида сотувчи билан харидор аниқ бир белгиланган жойда (бозор ёки бошқа бир узаро келишил-ган жойда) содир булишининг зарурлигини ҳаётнинг узи азалдан такозо этган.

Сотувчи билан харидорнинг ихтиёрий равишда савдо-сотик ишида бир-биридан рози булиши савдони халол ва хар иккала томон учун ҳам адолатли бўлганлигини билдиради. Харидор талаби билан сотувчининг таклифи мувофик келиш жараёни (буни талаб ва таклиф мувозанати деб тушуниш мумкин) хар иккала томоннинг розилигини ифодаловчи пировард келишуви билан содир этилган булади. Битишаётган жойдан жилмай харидор сотувчига «Мен таклиф қилган нархни ихтиёр қилсанг, сот!» — демоги ёхуд сотувчи харидорга: «Мен таклиф қилган нархни ихтиёр қилсанг, ол!» — деб айтмоги керак. Агар сотувчи билан харидор уртасида молнинг узлари ихтиёр қилган нархни бир-бирларига таклиф қилмасалар олди-сотди муносабатининг амалга ошиши мумкин эмас.

Шунинг учун агар сотувчи билан харидордан кайси бири узаро савдолашгандан сунг, иккинчисининг мол нархи хусусидаги таклифи қабул килинган жараёнда савдо амалга ошган ҳисобланади. Буни янада аниқроқ изоҳлаш лозим бўлса, айтиш мумкинки, бири иккинчисининг мол нархи хусусидаги таклифни қабул қилгач, ҳар иккаласи савдолашиб, келишиб турган жойларини тарқ қилса, савдо амалга ошган ҳисобланади. Бу хусусда 44-бобда: «Сотувчи билан харидор молнинг узлари ихтиёр қилган нархини бир-бирларига уч бор таклиф қилмоқлари даркор»лиги курсатилиб, «Агар сотувчи билан харидор узаро ҳалоллик қилсалар қилган савдолари баракали бўлур ва агар уз фойдаларини қузлаб, бир-бирларига гирромлик қилсалар савдоларидан барака қутарилур», деб таъкидлаб утилади. Олиб сотишнинг уз чегараси бор ёки гуноҳи азимдир.

Савдо-сотик ишида баъзан харидор бирор нарсани сотиб олиши биланок шу захоти уни сотувчининг қузи олдида, агар у лозим топса, бошқа бир одамга ҳадя қилиб юбориши ҳам мумкин бўлади. Бундай ҳолатда: «Агар харидор сотувчини муайян бир нархга қундириб, ундан бирор мол сотиб олса-ю, сунг уни узга қишига сотиб юборса, жоиздур, (чунки) ул мол узининг мулки бўлиб, фойдаси ҳам узиникидир»(45-боб).

Ҳадисларда бир жойдан мол олиб, шу ернинг узида уни бошқаларга сотган олибсотарларнинг қилмишлари қораланади. Бу борада "Бозорлар хусусида" деган 45-бобда шундай ривоят қилинади: «Одамлар бозорга мол олиб келаётганларни тухтатиб, улардан егуликлар сотиб олишар (ва ушал ернинг узида уларни қайта сотишар эрди). Шу боисдан Жаноб Расулуллоҳ ул олибсотарларга одам юбориб, таомни сотиб олинган ернинг узида сотиш^{ни} маън қилқилар ва уни таом сотиладургон жойга олиб бориб сотишни амр қилқилар». Шундай қилиб, олинган озик-овкатлари бирмунча вақт узида ушлаб турмай ва сотиб олинган еридан булак жойга олиб бормай дайта сотиш ман қилинади.

Озик-овкат маҳсулотларини сотиш ва олибсотарлик ҳадидаги ҳақиққа озик-овкат маҳсулотларини қутарасига сотиб олгач, уларни қўлларига олмай (ҳамда жойидан ҳам дузратмай) туриб, уша ернинг узида бошқа одамларга сотган

одамларни калтаклангани ёзилади. Бу ерда кимки таом (озик-овқат махсулотлари) сотиб олса, уни ушламай ва жойидан ҳам жилдирмай туриб бошқа кишиларга сотиш мумкин булмаганлиги курсатиб утилади. Шунингдек, ушбу бобда бундай шароитда молни сотиш мумкин эмаслиги, бундай савдода дирхамни дирхамга (пулни пулга) сотилгандек булур, чунки сотилаётган озид-овқат махсулоти қўлдан қўлга утмаётганлиги боисидан савдода иштирок қилмаётгани асосий сабаб қилиб курсатиб берилади.

Хақисқаги ривоятларда: «Кимки бирор озид-овқат махсулотини кутара сотиб олган булса, уни уловига ортмай (яъни сотиб олинган еридан булак жойга олиб бормай) туриб дайта сотиб юбормаслиги керак, чунки тижорат одоби шуни тадозо қилур» (54-боб), дейилади. Амалда тижоратнинг бундай одобига даттид амал қилинган, одобсизлик қилганларни эса калтаклаганлар.

Халол савдо қилиш хосияти. Савдо-сотид ишларида амал қилинадиган шартлардан яна бири савдогар бошқа савдогарнинг савдосини бузмаслигидир. Бир савдогар бошқа савдогарнинг савдосига: биринчидан, токи узи рухсат бермагунча ва иккинчидан эса у одам савдони тарк этмагунча аралашмаслиги ва учинчидан эса, бирор молни сотиб олиш учун унинг савдосини айнитмаслиги лозим. Пайгамбаримиз: «Бирортангиз биродарингиз савдосини устига савдо қилмангиз!» (56-боб) деганлар. Бу гапдан бошқалар молини олиб қолиб димматрод нархда сотиш, алдаш мақсадида нархни атайлаб ошириш, савдогар савдоси устига савдо қилишга йўл қўймаслик каби мазмунлар ётади.

Савдо-сотид ишида судхурлик дораланади, 22-бобда: «Судхур бўлган кимсалар диёмат куни жин чалган мажнун каби турақилар», дейилиб, судхурлар учун у дунёда ҳам жазо борлиги айтилади. 23-бобда судхур хусусида гап кетиб, «Эй муминлар, Оллохдан дурдингиз ва агар чиндан ҳам мумин булсангиз, судхурликни тарк қилингиз! Агар (фармонимизни) бажармасангиз, у холда Оллох ва унинг Расули томонидан (сизларга) уруш эълон қилинур. Агар тавба қилсангиз, сармоянгиз узингизга — золим ҳам, мазлум ҳам булмас. Агар (дарздор) ночор булса, бойигунча кутингиз. Агар билсангизлар, (берган

дарзингизни) садада қилиб юборишингиз узингиз учун яхшидир. Ва (барчангиз) Оллохга дайтариладиган кундан дурдингиз! Сунгра, хар бир жонга қилган амалига яраша тула жазо берилур ва хеч кимга зулм қилинмас», дейилади.

Судхурликдан олинган фойда халол фойда эмас ва шунинг учун унинг баракаси хам булмайди. «**ОЛЛОХ**, судхурликдан орттирилган фойдани йуд қилиб (яъни, судхурга юдтирмай), сададаларни (яъни, уларнинг савобини) зиёда қилур. Оллох хеч бир курнамак (судхур) гунохкорни севмас». Савдодаги (ёлгон) дасам, гарчи молнинг бозорини қилсада, баракани йуд қилур.

гирромлик қилиш хам судхурликнинг бир куриниши сифатида дораланади.

Купинча савдода алданган кишилар шикоят қилганларида: «Пайгамбаримиз уларга: «Хар сафар савдо қилаётганингда: савдода алдов йуд, деб қўй», деб савдо қилиш кераклигини маслахат берганлар» (46-боб).

Бунак (аванс) -хадисий қоида. Хақисқа бунак бериб мол олиш хадида хаммаси булиб 8 та бобдан иборат бўлган кичик китоб хам берилган булиб, унда бунак (аванс) бериб мол олишда кафолат бериш, молнинг бир дисмини маълум муддатда узиш шарти билан мол олиш каби холатларни адолатли хал этиш усуллари курсатиб берилган.

Китобнинг 2-бобида Пайтамбаримизнинг Мадинага келиши хусусида гап кетганда, одамлар бунак (аванс) бериб, долган хадини бир-икки йил ичида уз шарти билан самар (дон-дун, мева-чева ва сабзавот) бериш одати мавжуд бўлгани ёзилади. Пайтамбаримиз одамларга янада қўлайроқ булиши ва масалани адолатлироқ хал этиш мақсадида: «Кимки бунак (аванс) бериб, долган хадини эрса маълум муддатда узиш шарти билан хурмо (ва ундан булак нарсалар) оладирган булса, улчанадирганини улчаб, тортиладирганини тортиб олсин», деб уз маслахатини беради (48-бет). Шунингдек, ушбу китоб Пайтамбаримиз даврларида одамлар бунак (аванс) бериб, долган хадини маълум муддатда узиш шарти билан махсулотларини улчаб, тарозида тортиб олингани, насиёга таом сотиб олишда долган хаднинг кафолати учун темир совутлар гаровга долдирилгани каби ривоятлар бор. Булардан шундай хулосага келиш мумкинки,

хозирги пайтда хам кишилар уртасида маълум муддатни келишиб олиб, бир-бирларига ер ёки пул дарз бериб, унинг эвазига ёки бир дисмига қишлоқ хужалик махсулотлари, хайвон ёки бошқа товар олиш одати жуда дадимдан мавжуд бўлган ва у кундалик ҳаёт тадозо этган талаблар асосида тобора такомиллашиб бормода.

Хадисларда жуфъа китоби хам берилган бўлиб, ундаги учта бобда жуфъанинг мохияти ва аҳамияти курсатиб берилган. Унда тадсимланган, хали чегараси аниқ белгиланмаган умумий мулкда жуфъа худўқи борлиги, лекин улар тадсимланиб, чегаралари аниқ белгиланиб, унинг эгаси аниқ булса, бу ҳудуднинг бархам топиши хусусидаги фикр талдин этилган.

Жуфъа иқтисодий ва худўқий аснода ерлари туташ бўлган душнилари бир-бирларининг уй ва ерларини хамда бирор мулкка шерик ёхуд бирор мулкда улуши (насибаси) бор кишиларнинг бир-бирларининг улуш насибаларини биринчи бўлиб сотиб олиш ҳудудларини билдиради (50-бет). Бу ерда биринчи бўлиб улушни ким сотиб олиш худўқига эга эканлигига эътиборни даратиш лозим ва бундай фикрга китобнинг 2 ва 3-бобларида берилган ривоятларда янада аниқлик юритилиб, душнисининг ижозатисиз уз уйи ва ерини, шеригининг рухсатисиз уз улуши (насибаси)ни сотолмаслиги, сотганда хам агар иккита душнининг дай бирининг эшиги узингга яқинроқ булса, фадат унга бошқаларга дараганда арзонроқ нархда сотиш лозимлиги курсатилган. Бунда Пайтамбаримизнинг: «душни душнига уй-жойларининг туташлиги бирлан бошқалардан кура ҳадлироддур», деган маслахатлари ҳеч қандай жамоага тегишли булмаган, тадсимланмаган умумий мулкка нисбатан жуфъа худўқига асос қилиб олинганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Ҳақиққа баён этилган ривоятлар ҳозирги пайтда хам уз аҳамиятини йудотгани йуд. Ҳозирги иқтисодий муносабатларда хам, маҳалла куйларда удум бўлиб утказилиб келинаётган турли хил расм-русумлар ва тадбирларда хам душничилик муносабатларидаги ахил-иноклик, иқтисодий ночор оилаларни душнилари томонидан моддий ва маънавий қўллаб-дувватлаш, маҳалла

кумиталари томонидан берилаётган турли ёрдамлар, ҳадисларда илгари сурилган иктисодий фикрлар ҳозирги пайтда ҳам уз ифодасини йукотмаган.

«Мухтасар» асарининг иктисодий ғоялари

"Мухтасар" мусулмон оламининг энг машхур асарларидан бири булиб, у Али ибн Абу Бакр Маргилонийнинг каламига мансубдир. Бу китоб дастлаб «Хидоя» деб аталар эди, унга жуда куплаб шархлар ёзилган. Шулардан бири Убайқуллох ибн Масъуд томонидан ёзилган шарх булиб, у «Мухтасарул виқоя» деб номланган. У бизнинг улкамизда кенг таркалган булиб, утган аср охирида Санкт-Петербургда, асримиз бошида Тошкентда ва бошқа жойларда туркий тилда босилиб чиккан. Ушбу асар Шаҳобиддин ибн Абқўлазиз томонидан туркий тилга таржима килинган ва у ҳозир «Мухтасар» (Ихчам) номи билан босмадан чиқарилди.

Бу асарнинг аҳамияти аввало шундаки, унда ислом қоидаларига мувофиқ қонун-қоидалар, шу жумладан, иктисодий муносабатлар ҳам ихчам шаклда баён килинган. Ушбу китоб Шарқ иктисодий таълимотини билиб олишимиз, урганишимиз, ундан ҳозирги замон иктисодий муносабатларини урганиш ва иктисодий тафаккуримизни ислом иктисодий қарашлари билан бойитиб боришимиз учун гоят қимматли дастуриламалдир. Шу билан бирга унинг қуп қоидалари мамлакатимизда олиб борилаётган иктисодий ислохотлар билан, йўлга қуйилаётган иктисодий таълим соҳасидаги ишларимиз билан ҳамоҳангдир.

Асарнинг энг қимматбаҳо томонларидан бири, унда ижара муносабатлари гоят кенг, муқаммал баён килинганиқадир. Китобда ижаранинг ҳужалиқ фаолиятини ташкил этиш, иктисодий фаолиятни йўлга қуйиб олиш, фойдаланилмай ёки вақтинча фойдаланилмай ётган мол-мулкни ҳар икки томон учун ҳам узаро манфаатли шаклда ҳаракатга келтириш, ижарани ҳар икки томоннинг рози-ризалиги асосида шартнома билан тасдиқлатиб олиш қабил бир қанча қоидалар уз ифодасини топган.

Қуйида китобдаги ижаранинг моҳияти, асосий тамойиллари, шартлари, қоидаларига оид айрим жиҳатларини уқувчимизга ҳавола қиламиз:

Биринчидан, ижарага берганда ёки ижарага олганда мулкдан келадиган фойданинг кандай миқдори берилишини ва кандай муддатда ижара муддати тугашини курсатиб қуйиш лозимлиги уқтирилади. («Мухтасар», Т., 1994 й., 189-бет.) Ёзиладики, «Ижарага олувчи нарса билан фойдаланишнинг муддатини айтиб билдирмок жоиз, гарчи узок муддатга булсада...» (Уша жойда.)

Иккинчидан, ижаранинг мазмуни шуки, ижара хакини уша замони берилмайди, бу эса ижара олувчи ахволини, табиийки, енгиллаштиради. Бу ҳақда «Ижара олувчига ижара хакини ушал захотиёк бермок, вожиб эмас... » деган исломий қоида ёзилган.

Учинчидан, мулкни ижарага олинган булса-ю, ундан фойдаланилмаса ҳам ижара хакини тулашлик шарт эканлиги уқтирилади. Бу ҳақда қуйидаги қоида ни уқиймиз:

«Ижарага олинган булса-ю, гарчи уйда у турмаса ҳам ижара ҳадини тулаш жоиздир»(уша жойда). Бу исломий қоида ижара муносабатларида бизнинг шароитимизда бузилиб турилиши ҳеч кимга сир эмас. Масалан, ерни ижарага олақилар-да, ундан ижара ҳадини тулайдиган даражада ҳосил олмайқилар. Йил охирида ҳосил булмаганлиги рукач этилиб, ижара ҳадини тулаш борасида турли баҳоналар қилинади, ҳатто ижара ҳадини тулашдан буйин товлашгача борилади. Бу гапни ижарага олинган бошқа ишлаб чидариш воситалари юзасидан ҳам айтиш мумкин.

Туртинчидан, қитобда ижарага олинаётган мол-мулкни қандай мақадда олинаётганини аниқ курсатиб олинисига эътибор даратилган. Бу ҳақда қуйидаги қоида ни ўқиймиз: «Ерни уй дуриш, дарахт экиш учун ваъда тайин қилиб ижарага олиш дуруст. Муддати утгач, ижарага олувчи ерни уйлардан, ёғочлардан бушатиб топшируб ёки ер эгаси ерларнинг, ёғочларнинг ер устидан олингоч сугурилган туратургон ёғочларининг ҳадларни бериб, (ижарага олувчи гарчи долдиришга ризо булмасада) узига олиб долур, агарда биноларни кучириб, ёғочларни сугурган таддирда ерни бузиб зарар келтирарлик булса, аммо ерни бузмаслик учун уйлар, бинолар ҳужаси-ла савдолашиб ул ризо булгон баҳсга

олиб доллар»(191-бет). Ушбу қоидалар замонавий иқтисодий муносабатлар талдинида: «Ер ижараси туғрисидаги қонун»имизда узифодасини топган. Шундан қуринадики, Шард, иқтисодий гојлари воделик, ҳаётийлик, адолатлилик, демократик асосларга қуйилган экан.

Бешинчидан, ижара ҳадини тулаш қоидалари баён қилинган. Айтиладики, «Ижара ҳадини тулаш ижара шарти айтилган вақтдан бошланур» (132-бет). Демак, ижара шартларига қатъий риоя қилишлик вожиб амаллардандир.

Олтинчидан, асарда ижарани бузиш ва ижарага олинган омонатни (яхши) садлаш ҳадида алоҳида курсатмалар мавжуд. Ижаранинг бузилиши датор сабаблар билан борлид. Масалан, «Ижарага олинган нарсада аввалги айби бўлганлиги сабабли ижара айби бузулур, агарда бу аввалги айби нарса била фойдаланурга зарар бермагудек булса...»(194-бет.) Омонатни садлаш, унга зарар етказмаслик қоидалари китобнинг алоҳида бобида баён этилади. Унда омонат олувчи (ижарага нарса олувчи) омонат дуовчининг (ижарага нарса берувчининг) барча шартлари ва қоидаларига сўзсиз риоя этиш дайд этилган.

«Мухтасар» китоби яна шу билан димматли аҳамиятга эгаки, унда «Қуръони Карим» оятлари, Пайгамбаримиз Мухаммад саллаллоху алайхи васалламнинг ҳадисларида баён этилган қоидалар оддий одамларнинг тушуниб етишларига қумаклашиш мақсади ётади. Зеро, бу улуг китоб ва ҳадислар мазмуни шу дадар чудурки, уларни мукамал тушуниб етиш учун ҳар кимнинг ҳам идтидори етмайди. Худди ана шу мақсадда ҳам бу китоб бебаходир.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР:

1. «Қуръони Карим»да инсон эҳтиёжи ва уни дондириш воситалари ҳадида.
2. «Қуръони Карим»да меҳнатнинг ҳар икки оламдаги аҳамияти талдини.
3. «Меҳнат ҳам ибодатдир» деган қаломнинг мазмуни тавсифи.
4. «Қуръони Карим»да мулк ва мулкый муносабатлар тавсифи.
5. Хусусий мулкнинг ижтимоий вазифаси «Қуръони Карим»да қандай изоҳланади?

6. «Қуръони Карим»да махр масаласи. Махр нима?
7. Маънавий-рухий покланши иймон-барака омилидир, деган дараш мазмуни.
8. «Қуръони Карим»да ижтимоий химоя масалалари.
9. Закот, унинг мохияти, зарурлиги ва ахамияти.
10. «Қуръони Карим»да рахбарликда халоллик хадида.
11. Хадисларда бозор муносабатларидаги халолликларга қандай эътибор берилган?
12. Хақисқа аванс (бунак) қандай тушунтирилган?
13. Хақисқа мулкӣ муносабатлар таснифи.
14. Ижара муносабатлари «Мухтасар»да қандай урин тутади?
15. «Мухтасар» ислом иқтисодий тоялари хадидаги асар эканини изохлаб курунг!
16. «Мухтасар» асаридаги ижара муносабатлари ва уларнинг хозирги давр билан ҳамоҳанглиги.
17. «Мухтасар» асарида ижара тамойиллари, шартлари ва қоидалари.

5-МАВЗУ. УЙҒОНИШ ДАВРИ ЎРТА ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИ АСАРЛАРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ

Режа:

1. Абу Наср Форобийнинг иқтисодий тоялари.
2. Абу Али ибн Синонинг иқтисодий тоялари.
3. Абу Райхон Берунийнинг иқтисодий ихтироси.
4. Юсуф Хос Хожибнинг иқтисодий тоялари.
5. Низомулмулкнинг иқтисодий дарашлари.

Таянч ибора тушунчалар: Эҳтиёжлар, мулкӣ муносабатлар, тақсимот, пул муомаласини тартибга солиш, хирож, бозор, сарф- харажатлар.

1. Абу Наср Форобийнинг иктисодий ғоялари

Абу Наср Форобий буюк аждодларимиздан биридир. У илм-фан тарихига Шарднинг буюк файласуфи, Шард Арастуси, Шард Афлотуни каби машхур номлар билан мухрланган. Унинг иктисодий ва бошқа ижтимоий дарашлари Арасту ва Афлотун асарларини тушунтиришга даратилган бир қанча асарларида баён этилган, жумладан, унинг иктисодий дунёкараши «Фозил кишилар шахри» (Т., 1993 и.) асарида ҳам уз ифодасини топган.

Мутафаккир Афлотун карашлари хакида гапирар экан, «мулкка эга булиш ёмон одат эмаслигини, кашшокликда (мулксиз) яшагандан кура, бадавлат яшамок афзалдир», деган фикрни айтади. Факат «мулкни бефойда жамгаришдан сакланиш зарур», деган фикрни илгари суради. Фикрини давом эттириб ёзадики, «одамларга, авлодга зарар келтирмайдиган мол-мулк орттириш фойдали ишдир; бунда конунлар ёрдамида рух ва баданни эъозланишига сазовор киладиган тарбия мухим ахамиятга эга. Факат бошқалар учун зарар келтирадиган бойлик туплаш, мол-мулкка эга булиш ёмон одатдир» (Уша асар, 38-бет).

Олим Афлотун фалсафасини шархлар экан, одамларни мулкый конунлар асосида тарбиялаш масаласига алохида эътибор беради. «Агар шаҳар ахолиси маърифатсиз, тажрибасиз одамлар ва болалардан иборат булса, у холда улар конун урнатган тартиб ва бошқарув усулини қабул қилмайқилар». (Уша жойда, 39-бет.) қайд этиладики, конунлар асосида, яъни ҳукукий тарбия ижтимоий - иктисодий ҳаётда гоят мухим ахамиятга эга. Ҳукукдй тарбия нафакат узини эмас балки бошқаларни ҳам уйлаб яшаш ва ишлашга хизмат қилади, мулкни, манбаларни тўғри тасарруф этиш, ундан яхши натижалар олишга олиб келади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизнинг Таълим тўғрисидаги Дастури ва конунида ҳукукий тарбияга, мулкый тарбияга катта урин ажратилади. Форобий уқтирадики, «Мулк орттиришда унчалик хавф йук, аммо уни эҳтиёт қилиб саклаш керак. Агар бошқа бировлар ҳисобига мулк орттирганлар жазоланмасалар, у холда шаҳар ахолисидан инсоф ва шухрат йуқолади. Мулкни

эхтиёт килиб саклаб, уз эхтиёжи учун ишлатса, бу ёмон иш -хисобланмайди... »
(Уша асар, 47-бет.)

Бу курсатмаларнинг ахамияти бугунги кунда жуда хам катта. Зеро, одамлар энди, мустакиллик ва демократия туфайли мулкдор булмокдалар. Бирок мулкдор булиш бошка-ю, мулкни эхтиёт килиб, узи ва жамияти учун самарали фойдаланиш ундан хам мухим. Шуни хам айтиш керакки, хали мамлакатимиз фукарolari мулкни тасарруф этиш ва уни тўғри, фойдали ишлатиш тажрибасига, куникмасига эга эмаслар.

Ишлаб чиқариш ва истеъмол учун харажат килиш муайян заруратдир. Ишлаб чиқариш ва ҳаётнинг самараси купинча ана шу харажатлар миқдори, тартиби ва мезонларига хам боғлиқдир. Олим ҳисоблайдики, яшаш учун эга булинган маблағларни, маҳсулотлар ва мулкни тўғри тақсимланмаса, меъёри билан харажат қилинмаса, бундай ишда «номақбулчилик руй беради». «Бу — бошқарилиши энг кийин бўлган ишдир, кимда-ким уз ихтиёрида бўлган мулкни фойда чиқариш учун муомалага қуймаса, уни фақат узи учунгина жамгарса, жуда катта зарар келтиради» (уша асар, 42-бет).

Фаробий қарашларида тақсимот масаласи жуда кенг ва узига хос усулда талқин этилади. У жамият ва одамлар йўлидаги мулк ва ноз-неъматларни тўғри тақсимлаш давлат қурилишида асосий масаладир, деган фикрни билдиради. Демак, жамият ҳаётида энг мухим муаммолардан бири мулкни, маҳсулотларни керакли мақсадларга тўғри, самарали тақсимланишидир. Тақсимот иши мақадга мувофиқ йўлга қўйилмас экан, қупчилик одамлар бачканалашиб кетади, одамлар фадир ахволга тушиб долади.

Тақсимот мавжуд мулк, маҳсулот, бойликлар ҳисобини тўғри йўлга қўйишдан бошланади. Худди ана шу фикр Фаробий томонидан илгари уринга чиқарилади. «Аввало, — дейди олим, — ер ва жойларнинг миқдори, кейин уларнинг эгалари ва тутган уринлари, сунгра ниҳоятда зарур нарсалар бўлган озид-овдатлар, эқиладиган ерлар, сарой ва шахсий уйларнинг миқдори ҳисобга олиниши зарур» (уша асар, 37-бет). Фаробий Афлотуннинг қўйидаги

фикрларини алохида ажратиб келтиради: «Тадсимотнинг иши жуда қийин, лекин жуда зарар ишдир». Буюк даҳоларнинг тадсимот ва мулкни тасарруф этиш масалаларига бу дадар чудур дарашлари бежиз эмас.

Албатта, тадсимот мавжуд нарсалар тадсимотидир, у ишлаб чидаришга нисбатан вақт жихатидан кейинги уринда туради, ишлаб чидариш муносабатларидаги иккинчи бугиндир. Бирод шуни унутмаслик керакки, тадсимот ишлаб чидаришнинг бошқа томони, аслида унинг давоми ва такрорланишидир. Бунинг маъноси шуки, тўғри ва адолатли тадсимот тизими яратилган шароитдагина ишлаб чидариш натижалари шунчалик яхши булади. Бу ерда гап фадат макроиқтисодий даражадаги тадсимот устидагина бораётгани йуд, бу хулоса микроиқтисодиётнинг барча бугинлари учун ҳам баб-баравар аҳамиятга эга. Форобийнинг иқтисодий дарашларида жамият ҳаётининг энг муҳим масалалари кутарилгани булиб, улар бизни бу масалаларга дарашларимизни янада зийраклаштиришга хизмат қилади.

Шарқ фалсафасида эҳтиёжлар масаласи умуман одамлар эҳтиёжлари ва уларнинг дондириш воситаларини дидириш эмас, балки ҳар бир одамнинг шахс сифатидаги зарурий эҳтиёжларни таддид қилиш ва уларни дондириш муаммолари муҳим аҳамият касб этади. Ана шу эҳтиёжлар тизимида одамнинг шундай физиологик эҳтиёжлари мавжудки, улар фадат ҳаракат қилиш, меҳнат ва яратувчанлик (ишлаб чидариш) билан дондирилади. Демак, инсон эҳтиёжларининг энг муҳими меҳнат қилиш (яратувчанлик) эҳтиёжидир, барча эҳтиёжларни дидириш ҳам худди ана шу меҳнатга бўлган эҳтиёжни дондириш ордали эришилади. Шард иқтисодий тафаккури марказида инсон ва унинг эҳтиёжлари, уларни дондириш масаласининг туриши бежиз эмас.

Ижтимоий-иқтисодий тафаккурнинг ана шу энг долзарб масаласи Шардринг буюк фарзанди, файласуф Абу Наср Форобий асарларида асосий урин олганлиги фикримизнинг далилидир. Шард Арастуסי номи билан машҳур бўлган аллома Арасту фалсафаси таҳлилига баришланган асарида иқтисодиёт фанининг муҳим категорияси (тушунчаси) бўлган эҳтиёжлар масаласига алохида эътибор бериб,

эҳтиёжларни дондириш инсон ҳаракатининг марказида туражагини курсатди. У инсон эҳтиёжларини дондиришда меҳнат ва меҳнат дуролларининг урни беҳиёс эканлигини удтириб утади.

2. Абу Али ибн Синонинг иқтисодий ғоялари

Абу Али ибн Сино шу нарсани чудур тушуниб етадики, одамлар уз эҳтиёжларини дондиришда бир-бирлари билан боғланишлари, алода ва ҳамкорликда булишлари керак, яъни улар иқтисодий муносабатларга киришишлари лозим. Чунки ҳар бир одам алоҳида ҳолда ишлаганда, у қанчалик кучли ва салоҳиятли бўлмасин, ҳатто уз эҳтиёжларини ҳам дондира оладиган маҳсулотни яратишга дурби етмайди. Шунинг учун одамлар узаро иқтисодий келишувга келишга, яъни меҳнат тадсимоти асосида фаолият қилишга интилақилар. Бунинг иқтисодий назария нуқтаи назаридан маъноси шуки, ишлаб чидариш муносабатлари ҳақиқатдир, табиий заруратдир, муайян ҳолатдир.

Ибн Сино одам ҷамиятдан ташдарида яшай олмаслигини, у ҷамоат муҳитидагина ижтимоий ботлид була олишини дайд этган. Улар узаро иқтисодий ҳамкорлик ордали уз ҳаётларини курақилар, узларининг ҳаётий эҳтиёжларини кондирақилар. Бирод, одамларнинг узаро муносабатлари адолат доирасида бўлмоти даркор, адолатни эса фанни (ҳақиқатни) севадиган давлат урнатиши мумкин, ҳолос. Агар қонун чидарувчи давлат адолатсиз бўлса ҷамият унга дарши кутарилади ҳам.

Ибн Сино фикрича, давлат ҳар бир одамнинг ҷамиятдаги урнини (иш жойинн) аниқ белгилаб бериши, қандай фаолият қилишини ташкил қилиб бериши керак, айнидса, давлатда текинхурлар, бошқалар ҳисобига кун курувчилар булишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Давлат бундай такомилга фадат фанни ривожлантириш ордали эришади.

Ибн Сино савдо муносабатларининг ҷамият тараққиётида катга роль уйнашини ҳам удтирган. У савдо алодалари шаҳарлар (мамлакатдар, халқлар) уртасида йўлга қўйилиши лозимлигини удтиради, чунки шундагина ижтимоий

тараққиёт юз беради, одамлар уртасида тушуниш вужудга келади. Юқоридаги қоидаларга хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, ибн Сино илмий ижодида иқтисодий муносабатлар масаласи ҳам, унинг муаммолари ва уларни такомиллаштиришга оид таддидотлар ҳам салмодли урин тутати.

Абу Али ибн Сино "Тиббиёт достони"да ёзадики, агар хайвонлар табиат неъматларига даноат қилиб яшасалар, одамларга бу неъматлар озлик қилади, улар озид-овдат, кийим-кечак, уй-жойга бўлган эҳтиёжларини дондиришлари лозим. Унинг таъкидлашича, агар хайвонлар тайёр табиат неъматларини узлаштириб олсалар, одамлар уз меҳнатлари билан узларига овдат, кийим-бош, уй-жой яратақилар, улар ана шу мақадда дехдончилик, хунаремандчилик, чорвачилик билан шутулланақилар. Шунинг учун аллома одамларни ижтимоий фойдали меҳнатга чорлайди.

3. Абу Райхон Берунийнинг иқтисодий ихтироси

Пул пайдо бўлган даврдан бошлаб, айнидса, танга шаклларида турли металллардан пул зарб этиш бошланган даврлардан бошлаб иқтисодий тафаккур даҳоларининг фикру зикри турли минерал хом ашёлар хажми ва отирлигида мужассамлашган қимматбаҳо металллар — олтин, кумуш, мис ва бошқалар хиссасини аниқлаш услуби ва асбобини яратиш муаммоси қўйилиб келинган. Айнидса, бу масала X—XI асрларда — халқаро савдо тез ривожлана бошлагач, заргарлик буюмлари яшаш кучаяверган, натижада, бу фан ва амалиётнинг энг долзарб муаммосига айланди. Ахвол X асрда Мовароуннахр ва Хуросонда жуда катта миддорда тула қийматга эга булмаган тангалар зарб этиш авжга чиддач яна ҳам отирлашди. Масалан, муомалада бўлган «Исмоилий» дирхамлари ёнига қимматга эга булмаган металллардан зарб килинган Бухоро дирхами — «гитрифий» кабилар ёки паст сифатли кумушдан ясалган «мухаммадий» тангалар муомалага чиқарилди. Бундай хол турли хил каллобликларнинг, алдашларнинг кучайишига қулай шароит яратди. Бунинг оқибатида олтин динорлар ҳам муомалада катнашмай қолишига олиб келдики, натижада олтин

тангалар оддий товарлар каби тортиб бериладиган вазият вужудга келди.

Маълумки, Абу Райхон Беруний минералогия ва металшунослик буйича уз даврининг энг етук олими эди. Шунинг учун хам у иктисодий тараккиётга путур етказаётган бундай ахволга караб тура олмас эди. У жуда катта тадқиқотлар, изланишлар, амалий тажрибалар утказиб, минераллар таркибидаги кимматбаҳо металллар хиссасини топиш услубини яратди. Бу усулни амалда куллаш учун махсус улчов асбоби яратиш хам керак эди. Шундай асбоб Беруний томонидан яратилди, бу эса пул муносабатлари тарихида, унинг ривожланишида бебаҳо аҳамиятга эга булди. Беруний узи ясаган асбобнинг тузилишини, унинг кандай механизмлардан ва кандай килиб ясаганини «Минералогия» номли асарида бир-бир баён қилган. Бу асбоб ёрдамида турли металллардан ясалган тангалар таркибидаги кимматбаҳо металлларнинг ҳақиқий миқдорини улчаш мумкин булди. Бундай асбобнинг яратилиши пуллар уртасидаги ҳақиқий нисбатларни аниқлаш, уларни узаро алмаштиришнинг адолатли асосларига эга булиш имкониятини берди. Шунингдек, бу усул ёрдамида пул яшашдаги мавжуд қаллобликларни бартараф қилиш ва ана шундай ноҳушликларнинг олдини олиш мумкин булиб қолди. Буюк бобоқалонимизнинг бундан 1000 йилдан зиёдрок аввал ишлаб чиққан усуллари ҳозиргача хам уз аҳамиятини йукотмагани мамнуният билан қайд этилмоқда (қаранг: Беруни. Сборник статей к 1000 летию со дня рождения. Т., «Фан», 1973, стр. 121—130).

4. Юсуф Хос Хожибнинг иктисодий ғоялари

“Қутадғу билиг” — қутга, яъни бахт-саодатга эриштирувчи билим, деган маънони беради. Уни мутафаккир шоир 1069 йилда ёзиб тамомлаган. Муаллиф бундай улкан тарбиявий, маънавий, иктисодий тафаккур манбаи бўлган асарни ёзиш учун узок тайёргарлик куради, у қуплаб улкаларга саёҳат қилади, қуплаб маданий-адабий манбаларни урганади, тадқиқ этади, у деярли барча туркий халқлар яшайдиган улкаларда (Хитой, Туркистон, Эрон ва Турон) булади.

Асар уша даврнинг подшоҳи Тавғочхон ҳузурига келтирилади. Хон бу асар

билан танишиб чиккач, унинг бадий, илмий, тарихий, маънавий ахамиятини хакконий такдирлаб, шоирга Хос Хожиб унвони берилади. Ушбу асар XV аср урталарида Х,ирот шахрида кайта кучирилади. Маълумки, бу давр Хиротда сўз мулкининг Атоий, Саккокий, Лутфий каби дахолари ижод этар экилар. Шундай бир мухитда китобга берилган эътибор асарнинг хакикатда ҳам жуда юкори кийматидан далолат берар эди.

«Кутадгу билиг» биз учун гоят мухим иктисодий гоьлар илгари сурилган асар сифатида илмий ахамият касб этади. Асардаги иктисодий муносабатларнинг турли жихатлари тўғрисидаги иктисодий фикрлар, айникса, кимматлидир. Асарда меҳнатга тўғри ҳақ тулаш, бошқалар меҳнати тўғри таддирилаш, кадрига етиш, моддий манфаатдорлик, касб-хунар эгаллаш, кучли ижтимоий химоя масалаларига катта урин берилган. Асарда муаллиф тадсимот муносабатларига, уларнинг рағбатлантирувчи ахамиятига эътиборни даратади, зеро, рағбатлантириш кучига эга бўлган тадсимот муносабати ишлаб чидаришни кучайтиради, жамият ва халқ бойлигини орттиради. Юсуф Хос Хожиб ёзади: «Хизмат аҳли уз меҳнати натижасидан умидвор туради. Умидини топмаган ходим кунгли синади».

«Аммо хизмат қилувчиларни ҳаммаси ҳам бир хил эмас. Улар турли-туман тоифаларга булинади. Ходимларнинг наф келтирувчилари бор, шунингдек, нафи йуги ҳам анча. Наф келтирувчи кишига хизматига лойид равишда тортидлар бериш керак. Хизматига лойид таддир курган ходимнинг боши кукка етади. Инсон дегани, ахир, хайвон тенги эмас. Ана шуни билиб, унга амал қилинса, барча иш кунгилдагидек булади...» («Кутадгу билиг». Т., 1991. 63-бет.)

Куришиб турибдики, аллома текис тадсимотни, барчани баб-баробар таъминлаш тизимини тандид қилмодда. Хар бир ходим уз меҳнатига, ҳаракатига, иш унумига, келтирган нафига дараб таддириланса, ҳамма иш кунгилдагидек булади. Шу билан бирга хар бир соҳибкор, иш берувчи унга ёлланган ходимнинг меҳнати тўғри дадрилашга чадирилади. Бу, бир томондан, ишнинг самарали булишига олиб келса, иккинчи томондан, «Бошқалар меҳнатининг кадрига етиш

инсонийликнинг энг йирик аломатидир» (уша жойда). Шуни дайд этиш керакки, собид социалистик тузум» хар кимга меҳнатиға яраша» деган шиорни уртаға ташлаган булсада, аслида меҳнат қилган кишилар том маънода рушнолик курган эмас. Меҳнаткашларнинг меҳнати тўғри таддирланмаганлиги туфайли ҳам жамият чудур таназзулга юз тутди. Буюк олим ушбу асарда давлат билан (юрт бошлиги) меҳнаткаш ходим уртасидаги бир сирни очади. Бунга кура, давлатнинг буюк булиши, унинг бойиши, эл бошлигининг эса довруги оламға ёйилиши учун халқ бойиши, ишлайдиган одамлар меҳнатиға мувофид рағбатлантирилиши лозим. Юрт бошлиги (давлат) одамларни уз меҳнати натижаларидан манфаатдорлигини таъминласа, юрт учун фидойи булақилар, уз жонини ҳам аямайқилар, деб таъкидлайди Юсуф Хос Хожиб. У давлат раҳбарини халқини туд ва фаровон қилишға ундайди (уша асар, 64-бет). Инсон ҳаётининг даражаси узи қилаётган меҳнатға, унинг сифатиға ва миддориға боғлид эмас экан («хизматиға яраша» — Юсуф Хос Хожиб), ҳеч қандай иқтисодий ислохот кузланган натижани бермайди.

Маълумки, инсонлар узларининг хар бир ҳаракатидан манфаат ахтаради, зеро, манфаат катта ҳаракатлантирувчи кучдир. Ушбу ҳақиқатни Юсуф Хос Хожиб қўйидаги фикр билан тасдиқлайди: «Аслида бутун димирлаган жон наф ва эзгуликни уйлаб ҳаракатланади. Шу нафи булмаганиқа эди овчи ҳам уйдан чидмас эди» (Уша асар, 64 -бет). Бу фикр кейинчалик «Сиёсий идтисод» дарсликларида бошқалар тилидан, «хар қандай ҳаракат заминида манфаат ётади»-деган ибора билан ифодалаб келинди.

Мулк ва мулкӣ муносабатлар ҳҳақида. Иқтисодий муносабатлар марказида мулк ва унга нисбатан вужудға келадиган одамлар дарашлари туради. Мулкӣ муносабатлар ишлаб чидариш муносабатларининг моддий асосидир. Иқтисодиёт назариясининг ана шу адолатли ҳулосаси мамлакатимизда олиб борилаётган, тобора чудурлаштирилиб борилаётган иқтисодий ислохотларға ҳам сингдирилмодда. Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бусатасида...» номли асарида одамларни мулкдор қилиш, урта мулкдорлар синфини вужудға

келтириш кечиктирилмас вазифа эканлиги удтирилди. Бундай хулосалар улут шоиримиз Юсуф Хос Хожибнинг қўйидаги иқтисодий тоясига асосланилган булса ажаб эмас:- «Моли булса киши билим урганади, барча эзгуликка қўл чузади. Бу мол билан киши тилак тиласа (мехнат қилса -муаллиф), мол-дунёси бир йўлак яъни восита булиб, юқорига кутарилади» (Уша асар, 85-бет). Дархақиқат хусусий мулк, умуман мулкдорлик хисси жуда улут неъматдир. Зеро, уз мулкини садлаб долишга, унинг самарали тасарруф этишга, ундан узи ва бошқаларнинг ҳам манфаат куришига, истидболда фаровон хаёт кечиришга куч-дувват ҳам чудур масъуллик хис этади. Шунинг учун ҳам шоир давом этиб ёзадики, «кишининг моли булмаса, барча эзгуликларга ҳам унинг қўли қисқалик қилади» (Уша асар, 85-86 бетлар). Ана шу иқтисодий фикрлар неча асрлар оша бизнинг бахтимиздир, уларнинг бизнинг бугунги харакатимизда намоён булаётгани айни муддаодир. Хақиқатан ҳам одамларни мулкдор қилиш ордалигина «хар бир кишига уз мехнاتини сарфлаш сохасини ва шаклларини мустақил белгилаш имконини бериш мумкин» (И.каримов, уша асар, 18 бет). Айнан шундай фикрлар Президент И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бусатасида: хавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарида ҳам дайта-дайта удтирилиб утилди.

«Кутадту билиг» асарининг иқтисодий тоялар дамрови жуда кенг ва нуфузлидир. Унда бошқарув илмига оид, элни, юртни идора қилишга оид фикрлар ҳам ифодааланган. Масалан, китобда «Элни яшнатиш, уни бошқариш, идора қилишга, шунингдек, оламни обод қилишга беклар бунёд бўлган. Бу ишлар урф-одат, расму-қоидалар билан амалга ошади...». Билимли, ўқув-идрокли бўлган халқ бошчиси хадида яхши айтган: «Оламни тўтиш учун адлли ва юракли булиши керак»-деган фикрларни ўқиймиз (86-бет). Бу фикрлар бир ижтимоий-иқтисодий тизимдан бошқасига ўтиш даврида жамиятга ана шундай рахбар келиши заруриятини англаб ёзилганга ухшайди. Улут бобокалонимиз орзу қилган ана шундай юрт бошқарувчиси тарих тадозоси билан бизнинг Ўзбекистонимизга насиб этди. Мамлакатимиз халқи узининг доно, билимдон,

адлли ва довюрак рахбари-Ислом Каримов билан хадли равишда фахрланади. У узининг донишмандлиги, тарихнинг бурилиши даврида куп миллатли халқни янги демократик фукаролик жамияти томон дақил етаклаб бораётганлиги халкимизнинг бахт-саодати ва омадидир.

Юсуф Хос Хожиб хар бир инсонни хунар урганишга, хунарли булишга чакиради. У «турли-туман хунарларни урганмаслик тубанлик белгисидир»- деган фикрни илгари суради. Бу фикр кейинчалик Шарк халкларининг умуммиллий коидасига айланиб кетди. Маълумки, бу гоё улуг донишманд Бахоуддин Накшбанд томонидан «кулингиз ишда булсин, калбингиз Оллохда булсин» - ибораси билан ривожлантирилди. Бу билан у мумин-мусулмонларни хунар урганишга даъват этди. Бугунги кунда янги фаровон жамият курар эканмиз, юкоридаги даъватларга эътибор кдлмогимиз даркор. Ана шу улуг угитлардан келиб чикиб мамлакатимиз ёшларини касб-хунарли килиш, уларни Ўзбекистоннинг чинакам бунёдкорлари килиб тарбиялаш максатида «Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури» ва «таълим тўғрисида» янги конун кабул килинди. Бу дастуруламал хужжатларда ота-боболаримизнинг азалий касбларини кайтадан тиклаш, ёшларни замонавий касбларга йуналтириш борасидаги улугвор вазифалар илгари сурилган. «кутадгу билиг» асарида аллома дехконлар, савдогарлар, чорвадорлар, турли-туман хунар сохиблари хусусида алохида-алохида боблар зикр этилган. Масалан, дехконларга багишланган бобда куйидаги мисралар бор:

Кимирлаган жонга наф берар улар,
Ейишу-ичишга жон берган шулар
Нафас олган бутун тирик жонвор
Дехкондан булмоги керак
миннатдор.

(Уша асар, 95 бет).

Бирок «дехкон миннатдор» булмоги учун унга унумли ишлаши, уз меҳнати

натижаларидан бархаманд булиши учун кулай иктисодий-ижтимоий шарт-шароитлар яратиб бермоги керак. Шоир тили билан айтганда, «уларга доим яхши сўзлаш, очик юз билан бокиш лозим». Алломанинг ана шундай гоялари мустакиллик туфайли бизнинг мамлакатимизда хакикатга айланадиган, хаёт юзини курадиган булди.

Юртимизда утказилаётган ислохотларни чуқурлаштириш мақсадида дехконларга хужалик юритишнинг ширкат, кооператив, дехкон хужалиги, хусусий хужалик, оила пудрати, ижара каби хужалик юритишнинг замонавий шакллари, хусусан, хозирги самарасиз ишлаётган кишлок хужалик корхоналарини пайчилик асосида ишлайдиган ёпик хиссадорлик мулкчилик шакли оркали урта мулкдорга айлантириш ҳукуки берилади, бу дехконнинг ерга ва бошка ишлаб чиқариш воситаларига, жумладан, уз меҳнати маҳсулотларига эгалик хиссини орттиради, манфаатдорлигини оширади.

Асарда ноз-неъмат яратувчиларнинг яна бир тоифаси-чорвадорлар хакида ҳам жуда илк фиклар баён килинган. Бу касб эгаларига ҳам яхши меҳнат ва рағбатлантириш шароитлари яратиб берилиши кераклиги уқтирилади.

Куриниб турибдики, Юсуф Хос Хожиб жуда куп иктисодий фикрларни илгари сурган. Бу гояларнинг мантикан чуқурлиги ва хаётийлиги шундаки, улар асрлар оша бизнинг давримизгача келиб ҳам уз ахамиятини нафакат садлаб долмодда, балки у бизни иқтисодий натижаларга эришиш томон ундамодда, улар мустақил, эркин иқтисодий тизимни яратишга ёрдамлашмодда.

5. Низомулмулкнинг иқтисодий қарашлари

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг ташаббуси ва бевосита иштироки билан яратилган миллий гоя ва миллий мафкура заминиди халқимизнинг, узбек миллатининг куп асрлик тарихи, маданияти, ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги эришган ютудлари, буюк аждодларимиз долдириб кетган бебаҳо маънавий дадриятларимиз ётади. Улар шу дадар сердирра ва бойки, уларда фалсафий, диний, бадий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий гоялар,

таълимотлар жамулжамдир. Уларни урганар эканмиз далбимиз гурурга, фахрифтихорга тулади, шундай миллатга дахлдор эканлигимиздан чексиз дувнасан киши. Миллий тарихимизга узининг ижоди ва фаолияти, долдирган миллий мероси билан учмас из долдирган буюк бобокалонларимиздан бири Низомулмулкдир.

Шард тарихий иқтисодий таълимотлари тизимида Абу Али ибн Али Тусий-Низомулмулкнинг бутун дунёга машхур «Сиёсатнома» (ёки «Сияр ул-Мулк») асарида илгари сурган иқтисодий гоёлари узига хос уринга ва узига хос ахамиятга эга. Низомулмулк узод йиллар давомида салжўқий шохлар Алпарслон (1063-1072 йиллар) ва Маликшоҳ (1078-1092 йиллар) саройида вазирлик лавоизимларида хизмат қилган. У уз замонасининг гоёт билимдан, тадбиркор, уз лавозимига жуда хам мос тушган, сиддиқилдан хизмат қилувчи вазири сифатида донг таратди. Шунинг учун хам у Низомулмулк яъни мулкнинг низоми, тартиби номи билан машхур булиб кетади. У давлатнинг деярли барча ишларини узи олиб боради ва юксак ташкилотчилик махоратини курсатади. Уз навбатида у мамлакатда фан ва маданиятни ривожлантиришга ҳаракат қилади, уз даврининг илм-фан кишиларини саройида ишлашга таклиф этиб, улар хадида гамхурлик курсатади. Низомулмулк даврида Шарднинг машхур олими ва файласуфи Умар Хайём саройида илм-фан билан шугулланади, унга обсерватория дуриб берилади.

Маликшоҳнинг узи хам илм-фанга, давлатни бошқариш санъатига қизиқдан султонлардан бўлганлиги «Сиёсатнома» асарида дайта-дайта таъкидланади. Маликшоҳ саройида фаолият курсатаётган фозилу олимларга мурожаат қилиб давлатни бошқариш қоидалари, тартиби, усуллари хадида бир китоб ёзилишини, асарда утган шохлар тарихи ва хаётий тажрибалари умумлаштирилишини топширади. Шох фикрича бу китоб давлатни бошқариш ишининг дастурамали булишлигини хам удтиради. Табиийки, ушбу ижодий ишда етук олимлар датнашақилар. Улар ичида Низомулмулк хам датнашиб «Сиёсатнома» рисоласи таддим этади.

Низомулмулкнинг ушбу асари утган асрлар давомида шохлар, султонлар,

олимлар, тарихчилар эътиборини тортади. Бу китоб салжўқийлар тарихини урганувчилар учунгина, Шард тарихини таддид этиш жихатидангина эмас, уша Уйғониш даврининг иқтисодий муносабатлари тарихи хадида ҳам бой илмий манба булиб хизмат қилиб келмодда. Буюк Сохибдирон Амир Темур ҳам узининг «Тузуклари»да Низомул-мулкнинг давлатни бошқаришдаги махоратини вазирлар учун тарихий намуна сифатида эътироф этади ва уни юксак хурмат билан тилга олади.

«Сиёсатнома»ни мутолаа қилар эканмиз унинг мавзу жихатидан тоят кенг дамровли ва мазмун жихатидан пурмаъно асар экани маълум булади. Асарда иқтисодий масалаларга - хазина, уни бойитиш ва сарфланиши, озид-овдат ва бошқа давлат барқарорлиги учун зарур захиралар ташкил этиш, хизматчиларга маош белгилаш, адолатли тадсимот, солид ва хирож, закот, молия ва хужалик масалаларига доир бир қанча курсатмалар уз ифодасини топади.

«Сиёсатнома»ги қизиқиш шу дадар катта булдики, у махсус таддидодлар объекти булди, унинг хадида бир қанча таддидодлар эълон қилинди, бир неча жахон тилларида, жумладан инглиз, француз, немис тилларида нашр этилди.

Биз буюк аллома аждоди- Низомул-мулкнинг авлодлари мустақиллик туфайли унинг меросини урганиш, ундаги тояларни халқимизга таддим этиш шарофига муяссар булдик. «Сиёсатнома»ни уз ана тилимизда ўқиш, урганиш бахтига муяссар булдик («Сиёсатнома», Тошкент, «Адолат» нашриёти, 1997 й.).

Асарда илгари сурилган иқтисодий тоялар шунинг учун ҳам урганишга моликни, улар бизнинг хозирги давримиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиз водейликлари билан, утказилаётган иқтисодий ислохотлар билан, бозор иқтисодиёти муносабатларини дарор топтириш вазифалари билан ҳамохангдир. Шу билан бирга ундаги иқтисодий тоялар халқимизда, ёшларимизда «Иқтисодий таълимотлар тарихи»мизни урганиш ва шу асосда иқтисодий тафаккур ҳосил қилиш вазифасига хизмат қилишлиги билан ҳам ахамиятлидир.

Китобнинг дастлабки саҳифасиданод муаллиф давлатни идора қилиш ва мамлакатда иқтисодий барқарорликни таъминлаш учун қилиниши лозим бўлган

иқтисодий тадбирлар хадида фикр юритади. Бунинг учун «четдан дорез дазиб сув келтириш, дишлоту далалар ободонлиги учун катта аридлар дазиш, далъалар дуриш, шаҳарлар бино этиш, зебо бинолару кенг кучалар, работлар дурдиришдир» лозим деб ёзади (17-бет). Дарҳақиқат, улут бабокалонимиз курсатмаси бугунги кунда Президентимиз раҳнамолигида руёбга чидаётганиқан водифмиз. Мамлакатимизда иқтисодиёт ривож топмодда, улкан иншоотлар йўллар, миллатимиз тарихига мухрланиб доладиган бинолар йирик корхоналар барпо этилаётир. Бундай ишлар,-дейилади китобда- «тарихда долади ва олдинги маликлар хаётини безатади.» (Уша жойда).

Асарда аҳолидан хирож олишнинг йўл-йуриқдари баён этилган. Солидлар одамларга малол келмайдиган булиши, уларга азоб-удубат етказмаслиги, солид тулаш имконияти йудларни мажбур қилинмаслик каби қоидалар таклиф этилади. Китобда ёзиладики, «Хирожни ҳам у (солид йитувчи-муалл.) шундай йўл билан талаб қилсинки, одамларга зиён етмасин. Солид уз вақтидан олдин олинса, раиятга ранжу азоб етади, улар мажбурликдан мол-давлатларни ярим баҳода сотиб, уй жойларини ташлаб, овора ва сарсонликда тарибликка мубтало булақилар» (28-бет). Бошқача айтганда, солид солиш ва ундириш ишини одамийлаштириш (гуманизм рухи) лозимлиги удтирилади. Давлатнинг мана бундай солид сиёсати подшоҳга, одибатда эл-юртга нададар фойдали эканлиги бир неча хикоятлар (тарихий водеаликлар) мисолида ишонарли қилиб тушунтирилади.

Ривоят килинадики, кадимда бир подшоҳ ёмон вазир маслахатига кура бой-бадавлат одамларнинг бойлигини тортиб олган, узларини бадном этган. Бунинг окибатида подшоҳлик ҳам, мамлакат ҳам хароб бўлган. Адолатли ва инсофли солик тизими эса, аксинча ижтимоий-иқтисодий равнатка рағбат беради.

Асар муаллифи бозорлардаги олди-сотди ишларини кандай тартибга солиш хакида ҳам тавсия беради. Зеро, бозорда тартиб урнатилса мамлакатда осойишталик қарор топади. Бунинг учун «хар бир шаҳарда тарози ва нархларни тартибга соладиган, олди-сотди ишларини биладиган энг олим ва доно

кишилардан мухтасиб куйиши керак. Ва атрофдан олиб келиб сотиладиган хар бир молни бозорда сотиш учун ва харидорларни алдамаслик учун улар устидан назорат булиши шарт. Тарози тошларини тўғри тутиб амри маъруф ва нахйи мункар килишлари лозим» (50-бет).

Асарда хизматчиларга маош бериш тартиби хакида ҳам тавсия берилган. Масалан, давлат мол-мулкини муҳофаза килувчи ашрофлик лавозимидаги хизматчилар «уз мартабаси ва билимларига кура маош олишлари зарур. Уларнинг ойлик харажат ва маошларини раият хисобидан эмас, балки хазинадан берилиши керак. Шунда халк бошига ранжу азоб тушмайди...» деб таъкидланади (68-69 бетлар). Бу ерда биз иккита тамойилни кураимиз: биринчиси- иш хаки хизматчиларнинг уз лавозими ва билим-тажрибасига караб табакалаштирилиши зарурлиги булса, иккинчиси-уларнинг иш хаки ва оилавий моддий хаёти одамларга малол келмаслиги. Бу хол давлат хизматчиларга нисбатан халк норозилигига сабаб булмаслигига ва уларнинг халолу пок хизмат вазифаларини бажарилишига сабаб булади. Бу фикр ҳам бугунги кунда накадар ахамиятли экани тушунарлидир.

Китобда давлат солик хизмати ходимларининг аҳолидан солик йиғишдаги узбошимчалиги ёмон окибатларга олиб келиши мумкинлиги айтилади. Шунинг учун улар фаолиятини давлат томонидан конуний йўллар билан назорат килиб туришлик хакида курсатма баён килинган. Агар солик хизматчиси давлат белгилаганиқан куп солик олса, «Халк бундан камбагаллашади», одамларга куп азоб етади, куп моллар талон-тарож этилади»(79 бет). Бу ерда узбошимчалик билан, давлат буйругисиз ҳам солик йиғувчилар фаолияти чеклаш зарурлиги хакида гап боради.

Асарда тарихий хикоятлар асосида купчиликка намуна булувчи ва катта тарбиявий ахамиятга молик бўлган воқеаликлардан мисоллар келтиради. Улардан бирида айтилишича, яратувчилик билан, бог-рог барпо этиш иши билан шугулланувчилар рағбатлантирилиши лозим. Бундай рағбат тадбиркорларни яна ҳам катта ишлар килишга ундайди (130-бет). Шунингдек, хикоятлардан бирида

Маъмуншоҳ узига моддий ёрдам сураб мурожаат қилган «бир кишининг хожатини чиқаришга курсатма берганлигини хикоя қилинади, чунки у бу дунё ҳаракатидадир» (130-бет). Муаллиф имконияти бор ҳар бир одам мухтожларга уз вақтида ёрдам курсатмоғи кераклигига даъват этади. Зеро, бойлик ҳар доим ҳам киши қулида туравермайди, уни уз вақтида савобли ишларга сарфламок жоиз.

Юқоридаги ибратли мисоллар миллий тарихимиздан олинган. Демак, халқимизда азалдан мурават пешалик мужассам. Миллий давлатчилигимиз қайтадан барпо этилаётган ҳозирги мустақиллик давримизда ана шу мурувватпешалик фазилатларимиз ҳозирги бойларимизга, тадбиркорларимизга «юдиб» бораётганлиги бизни дувонтирмодда. Миллатимизнинг бир қанча олийжаноб, инсонпарвар сайий кишилари уз сармоясидан мактаблар, болалар богчалари, душма корхоналар, кичик ва урта мулкчиликни ривожлантиришга йуналтираётганлари ҳадида маълумотлар анчагина бор.

Низомул-мулк уз тажрибасидан ва тарихий тажрибалародан келиб чидиб шундай насихат қиладики, олинган ҳар бир даромадни, албатта харажатга сарфлаш керак эмас, «Ҳар бир нарса уз вақти ва уз жойида харж бўлиши керак» (228-бет). Шундагина «одамлар роҳатда яшайди, бирор киши мол-мулки жихатидан азоб чекмайди» (Уша жойда). Демак, юқорида келтирилган фикрдан ҳулоса шуки, ҳазинага (давлат ёки оила бюджетига) келган даромадни обдон уйлаб, керакли мақадларга, энг зарурий эҳтиёжларга сарф этилмоғи даркор. Шундагина фаровон ва тинч яшаш имконияти вужудга келади.

Муаллиф уз фикрларини мукаммал, тушунарли ва ишонарли қилиши учун хикоят ва ривоятлардан усталик билан фойдаланади. Унинг фикрича, мамлакатда тараққиёт ва тинч-осойишта ҳаёт ҳукм сурмоғи учун подшоҳдан тортиб барча раҳбарлар амалдорларгача инсофли, оқил бўлишлари, ёмон ва нотўғри ишлардан қўл тортишлари керак. (230-233- бетлар). Китобда шох Ануширвоннинг угли бир савдогарнинг мол-мулкани тортиб олиб бермай қўйганлиги учун уз угли қўлини кесиб ташлаганлиги ва савдогарнинг барча нарсалари тулалигича дайтариб берилганлиги хикоя қилинади. Муаллиф бундай

мисолни шунинг учун келтирадики, унинг замонасида бировлар мол- мулкни тортиб олганлари, одам улдирганлар, пул олиб ҳам хожат чидармайдиганлар купайиб бораётган эди. Бундай ҳолат бизнинг ҳозирги ҳаётимизда ҳам такрорланмаётир, деб айтишимиз қийин. Президентимиз томонидан порахурлик, тажовузкорлик, хиёнаткорликка дарши қанчалик ҳаракат қилинаётганлигига дарамай, бошқалар мулки ва ҳаётига тажовуз қилаётганлар йуд эмас. Бу мисол уларга бир эслатмадир.

Китобнинг сунги 50 фаслида гоят ажойиб, ибратли иқтисодий гоя илгари сурилган. Муаллиф ёзадики «... Бехуда харж ҳам исроф ва ифратга ҳам йўл бермаслик керак, одамлар идтисодни тежамсизлик деб билмасин.

Саховат ҳам кишига мос бўлсин, ҳазинадан нафада оладиганларга ҳад берсин: куп оладиганга куп, кам оладиганга кам. Шунда хар бир одам уз дадрини тушунади» (234-бет).

Муаллиф «идтисод» деган категорияга амалдорларнинг иш- хужалик юритиш тартибларини (хужалик фаолияти ташкил этиш) даромадлар, бойлик, мол-мулкни садлаш, зарур захиралар шакллантириш, ҳазина бошқариш, тўғри сарф-харажатлар қилиш каби тушунчаларни киритадики, бу унинг иқтисодий дунёдараши қанчалик кенг дамровли эканиқан далолат беради. Бу ерда «идтисод» тушунчасини тежамсизлик, бахиллик деб тушунувчи идтисод илмидан беҳабар кишиларга эслатма ҳам англанилган. Ҳақиқатда ҳам одамларимиз орасида «идтисодни урганиш» деганда гуё зидналик, дизгончилик, бахиллик деб билувчи кишилар ҳам йуд эмас. Бундай ноилмий дарашларни садланиб долаётганини гуё Низомул-мулк пайдагандек туюлади бизга. Юқоридаги иқтисодий фикрда нафада оладиганлар ҳам уз меҳнатига дарб нафада олишлари лозимлигига эътибор берилган. Зеро, давлат ҳазинасидан одамларнинг ижтимоий ҳимояланиши ҳам текислик тамойилига эмас, аксинча нотекислик (табадалантириш) тамойилига асосланиши лозим. Фадат «шундагина хар бир одам уз дадрини тушунади». Ушбу фикрда жуда катта иқтисодий тафаккур яширинган, унда одамларни иқтисодий тарбиялаш масаласи ётади.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАРИ:

1. Абу Наср Форобий мулк ва мулкдор булишнинг хосияти хадида тоялари.
2. Тадсимот муносабатларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги аҳамияти хакида Абу Наср Форобий даражлари.
3. Абу Наср Фаробий ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлар, хусусан меҳнат эҳтиёжи хусусида.
4. Абу али ибн Сино ижтимоий меҳнат тадсимои хадида қандай тояни илгари сурган
5. Абу Али ибн Сино давлатнинг иқтисодиётни бошқариш хадидаги фикрлари қандай эди.
6. Абу Али ибн Сино меҳнатнинг одамлар ҳаётидаги аҳамияти хадида.
7. Абу Райхон Беруний нима сабабдан пулларнинг (метал тангалар) таркибини урганди ва бу оламшумул ихтиронинг пул муомаласи барқарорлиги учун қандай аҳамияти нимада булади?
8. Юсуф Хос Хожибнинг «дутаду билиг» асари тарихан юқори баҳоланганлиги сабаби нимада?
9. Юсуф Хос Хожиб меҳнатни тутри ратбатлантиришнинг аҳамияти хадидаги тоясининг тарихий аҳамияти тушунтиринг.
10. Низомул-мулкнинг «Сиёсатнома» асари хадида қандай фикрдасиз
11. Нимомул-мулк давлатни идора қилиш ва мамлакатда иқтисодий барқарорликка эришиш учун қандай тадбирларни тавсия этган
12. Низомул-мулкнинг бозорларни тартибга солиш масаласидаги фикрлари

6-МАВЗУ. АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ҒОЯЛАР

Режа:

1. Амир Темурнинг иқтисодий тафаккури.
2. Мирзо Улугбекнинг иқтисодий ислохотлари.
3. Алишер Навоийнинг иқтисодий ғоялари.
4. Захириддин Муҳаммад Бобурнинг иқтисодий ғоялари.
5. Ибн Халдуннинг иқтисодий карашлари.

Таянч ибора тушунлар: Амир Темурнинг солиқ тизими, миллий валюта, хизматга яраша тақдирлаш, савдогар, фойда, тадбиркор, хирож, кушимча маҳсулот, киймат назарияси.

1. Амир Темурнинг иқтисодий тафаккури

Шарқ иқтисодий тафаккурининг ривожланишида улуг бобокалонимиз, соҳибкирон, буюк саркарда Амир Темур иқтисодий ғоялари, у ишлаб чиққан ва амалда юритган иқтисодий сиёсат мисолсиз аҳамиятга эга. Амир Темур иқтисодий ғояларининг узига хос улугворлиги шундаки, улар ҳаёлий эмас, балки реал ҳаётдан келиб чиққан ва унда узифодасини топган. Шунинг учун ҳам бу ғоялар илгари сурилганига, мана, 600 йилдан ошганига қарамай, узининг амалий ҳаётий аҳамиятини йуккотмай келаётир.

Амир Темурнинг иқтисодий ғоялари «Темур тузуклари» асарида баён этилган. Унда Соҳибкироннинг мамлакатни бошқариш, уни ривожлантириб бориш қоидалари, тамойиллари, йўл-йуриқлари узифодасини топган. Бу асарда иқтисодиётни ташкил этиш, барқарорлаштириш, тартибга солиб бориш, уни барқарор суръатлар билан юксалтириб боришга оид қимматли иқтисодий тавсиялар жамланган.

Соҳибкироннинг иқтисодий ғоялари ва сиёсати замирида инсон, унинг манфаати, фаровон ва тинч ҳаёт кечивириши ташвишлари ётади. У одамларга қасб-

хунар бериш, иш билан таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти билан ва тижорат ишлари билан машгул булувчиларга етарли сармоя бериш, етарли уй-жойлар куриб бериш хакида кайгуради. «Темур тузуклари»да куйидагиларни укиймиз:

«Касб-хунар ва маърифат ахлларига салтанат корхоналаридан улуш берилсин», «билагиди кучи бор факир-мискинлар эса уз ахволи ва касби корига караб йўл тутсинлар», «сармояси кулидан кетиб колган савдогарга уз сармоясини кайтадан тиклаб олиши учун хазинадан етарли микдорда олтин берилсин», «кучи етмайдиган дехконларга экин-тикин учун уруглик ва асбоб-ускуналар тайёрлаб берилсин», «фукаралардан уй-жойи бузилиб. тузатишга курби етмаганларга керакли нарсаларни етказиб бериб, уларга ёрдам берилсин» («Темур тузуклари», 1., 1993, 67-бет). Сохибкйроннинг юкоридаги иктисодий коидалари янги, бозор иктисодиётини куриш, янгича иктисодий тарбияни йўлга куйиш ишларида биз учун мухим йўлланма, тарихий йўл-йурик булиб хизмат килади. кизиги шундаки, бундай иктисодий коидалар гарбдан 300—400 йил илгари баён эталди, хаётий тажрибадан утди.

Амир Темур иктисодий карашлари тизимида солик масаласи марказий тутади. Чунки солик тизими оркали иктисодиет ташкил этилган, бошкарилган, мамлакат иктисодий ва харбий хаёти тартибга солинган. Сохибкйрон уз солик сиёсатида хам халкнинг манфаати устуворлигидан келиб чикади. У агар ахоли солид тизими ордали камбагаллашиб кетса, давлат хам одибатда камбагаллашиб боради, ахолининг бой-бадавлат яшамоги учун адолатли солид тизими зарур, деб хисоблаган.

Амир Темур таъкидлайдики, ахолидан олинадиган солидлар уларнинг ишлаб топган даромадларига дараб белгиланиши, уларнинг дайси бирлари эл-юрт ободончилиги йўлида уз мол-мулки ва сармоясини аямай сарфласа, уларга давлат солид тулашда имтиёз бериши керак (даранг: «Темур тузуклари», 95—96-бетлар). Шу билан бирга у солидлар одамларни меҳнатга, яратувчиликка, тадбиркорликка, сохибкорликка рағбатлантириши зарурлигини удтиради. «Амр қилдимки, — дейилади асарда, — ахолидан мол-хирож йигишда уларни огир

ахволга солишдан ёки мамлакатни дашшодликка тушириб қўйишдан садланиш керак. Негаки, аҳолини хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашувига олиб келади» (уша асар, 98-бет).

Амир Темур аҳолининг узи юргизаётган иқтисодий сиёсатдан, хусусан, молиявий муносабатлардан, пул муомаласи ва солид тизимидан хабардор булишини, яъни, иқтисодий саводхон булишини талаб қиларди. У аҳоли иқтисодий саводхон булса, мамлакат иқтисодий жихатдан равнод топади, деб хисобларди.

Сохибдирон солидлар хусусида яна қўйидагиларни ёзади: «Агар аҳоли руйхатга олинган ерлардан бериладиган солидни надд адча (пул) билан тулашга рози булса...», уларга имтиёз берилиши керак (даранг: уша асар, 98-бет). Бу ерда гап солидни надд пул билан туловчилар надд пулсиз (махсулот йўли билан) туловчилар олдида енгилликлар олиши устида боради.

Амир Темур колдирган иқтисодий мерос бизгача етиб келганлиги жуда мухим водеадир. Унинг вориси бўлган бугунги узбек халқи уз мустақил давлати иқтисодий тизимини яратаётган хозирги даврда буюк Сохибдироннинг маслахатларига суянмодда. Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов Амир Темур таваллўқининг 660 йиллигини нишонлаш хадидаги фармонида халқимизни улуг аждодимиз мероси, тамойиллари, қоидалари рухида тарбиялашга чадирди. Шубха йудки, улуг бобокалонимиз иқтисодий гоёлари яна куплаб авлодларни иқтисодий тарбиялашда бебахо манба булиб хизмат қилади.

Маълумки, хозирги ислохотлар иккинчи босдичининг устувор вазифаларидан бири миллий валютамининг дадр-димматини ошириш, уни мустахкамлаш, мамлакатнинг ички ва ташдарисида эркин алмаша олишга эришишдир. Бунга иқтисодиётни ривожлантириш, буш пул ресурсларини аҳоли ихтиёрида муомаладан ташдарида долмаслиги чораларини куриш, пулнинг реал муомалада юриши ордали эришилади. Ана шу умумий қоидалар Амир Темур иқтисодий сиёсатида уз ифодасини топган. У надд пул билан давлат солидларини тулаганларга маълум имтиёзлар берган. Бу билан аҳолининг буш пулларини муомалага киритиш, хазинани тулдириш (бизнинг хозирги ифодамиз буйича давлат бюджети даромадларини купайтирамиз), иқтисодиётимизда пул

такчиллигини келтириб чидармаслик, пул эмиссиясини кераксиз амалга оширмаслик, яъни пулнинг дадрсизланмаслигининг гоят пухта уйланган иқтисодий воситаси топилган.

Шунингдек, у солид ислохотига катта эътибор берган, ишлаб чидарувчиларга солид тулашда имтиёзлар берган. Бу мамлакат ва ишлаб чидарувчилар манфаатига ҳам ижобий таъсир этишини яхши тушунган Президентимиз иқтисодий ислохотлар муҳим бугини булмиш солид ислохоти хадида гапириб, бундан буён солидларни фойдадан олиш ва солид, юкини корхоналардан камайтириб бориш каби тамойилларни илгари сурганиқа Сохибдирон курсатмаларига асосланган булса ажаб эмас. Бундай тартиб ишлаб чидарувчиларда купрок даромад топиш, камайтирилган солид, хисобидан ишлаб чидаришнинг моддий базасини мустахкамлаш, замонавий технология сотиб олиш, одамларни рағбатлантириш имкониятида тугилади.

Амир Темур утказган иқтисодий ислохотлар тизимида дехдонлардан олинадиган тушумларни табадалаштириш тамойили ҳам алохида урин тутди. У тушумлар миддори ер ва иқтисодий шароитларга дараб белгиланишини талаб қилган. Масалан, янги ер узлаштирилиб, дехдончилик қилаётган кишилардан 1—2 йил солид олмаслик, кейинги йилларда эса у сарфлаган сармояси допланишини эътиборга олиб солид солиш, ернинг табиий унумдорлигига дараб хосилнинг $\frac{1}{4}$, $\frac{1}{3}$, $\frac{1}{2}$ каби нисбатларда тайинланиши каби табадалаштирувчи солидлар жорий этди. Айни вақтда янги ерлар узлаштириш, сув чидариш ва мелиорация ишлари юкини давлат зиммасига олиш кабилар муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодий назария фаниқа (илгари «Сиёсий идтисод») аграр муносабатлар, уларнинг мавзуи бўлган ер рентаси таълимоти мавзуси алохида урин тутди. Бу таълимот марказида ер рентаси, унинг мутлад (абстракт), дифференциаллашган (табадали), монопол шакллари масалалари ётади. Бирод бу таълимот асосчилари деб В.Петти, А. Смит, Д. Рикардо ва бошқаларнинг номлари тан олинарди. Аслида дифференциал рента таълимотининг асосчиси, карвонбошиси бизнинг Сохибдирон Амир Темур эканлигини исботлашга хожат йуд. Тўғри, Амир Темур рента гоёси тўғрисида махсус асар ёзган эмас. Бирод унинг солидларни ер шароитлари ва бошқа мавжуд бўлган шароитларига дараб белгилаш тизими

илмий асосланганлигига ҳеч қандай шубҳа йуд.

Мамлакатимиз қишлоқ хужалиги тизимида янги хужаликларни шакллантириш (дехдон, фермер, якка, шахсий хужаликлар) ва уларга нисбатан юргизилаётган солид сиёсатидаги имтиёз ва табадали ёндашувлар сўзсиз Амир Темур иқтисодий сиёсатига боғланганлиги табиийдир.

2. Мирзо Улуғбекнинг иқтисодий ислохотлари.

Мирзо Улуғбек узининг подшолик, олимлик, мутафаккирлик фаолиятида улуг бобоси Амир Темур васиятларига, унинг курсатмаларига тула асосланди. Натижада унинг 40 йиллик ҳукмронлиги даврида мамлакатда барқарорлик, тинчлик, ҳамжихатлик, иқтисодий раванд катта ижодкорлик ҳукм сурди. Мирзо Улуғбек уз фаолиятида идтисод илмига, иқтисодиётни ривожлантириш ва барқарорликни таъминлашга катта эътибор берди. У шундай иқтисодий узғаришлар (ислохотлар) қилдики, булар одибатида иқтисодий инқирозларнинг олдини олди, давлат дудратини юксак даражага кутарди.

Унинг солидларни тартибга солиш ва пул муомаласини барқарорлаштириш, пулнинг дадрсизланишига йўл қўймаслик учун курган чора-тадбирлари тарихий ахамиятга эга булди. Масалан, у хирожнинг миддорини белгилашда табадалаштириш йўлини тутди, яъни хирожни ернинг шарт-шароити, унумдорлиги, бозорларга яқин-узодлиги каби омилларга дараб белгилади. Идтисод илмининг ҳозирги тушунчаси билан айтганда, ер рентаси таълимотини асослашга ҳаракат қилди. У солидларни пул шаклида тулашни афзал деб билди ва шундай солид шаклини ижтимоий адолатга хизмат қилади, деб билди.

Мирзо Улуғбек иқтисодий дунёдарошида пул ислохоти алоҳида урин тутади. У шу мақадда пул зарб қилувчи корхона дурдирди. дизити шуки, пул бирликларининг номини ана шу корхона жойлашган шаҳар — Бухоро халқ атамаси билан аташни лозим топди (масалан, донаки адлия, нилдонаки адлия, дудонаки адлия каби). Пул бирлигининг вазни пул қийматига дараб 2,3—8,6 грамм отирликда белгиланган. Бундай иқтисодий тадбир мамлакатда товар-пул муносабатларининг ривожланишига, халқаро савдо равнадига, миллий мулкнинг барқарор булишига хизмат қилади. Улут бобокалонимиз Мирзо Улуғбекнинг пул

ислохоти борасидаги тажрибаси изсиз долмади. Мустакил Ўзбекистонимиз ҳам уз миллий валютасини муомалага чидаришда ана шу тарихий меросга асосланмодда. Мамлакатимиз миллий сумни чидарадиган уз корхонасига эга. Эндиги вазифа иқтисодий идрок кучи билан иш тутиб, иқтисодий ислохотларни чудурлаштириш, пул дадрини ошириш, иқтисодиётни бозор изига тушириб юборишдан иборат.

Табиий равишда шундай саволлар турилади: нима учун Мирзо Улутбек салтанатида узод йиллар иқтисодий ва сиёсий барқарорлик хукм сурди ?

Нима учун Мирзо Улутбек мамлакат учун алохида пул зарб этувчи корхона дурдирди, пулни бошқа мамлакатда чидариб келтирса ҳам булар эди-ку?

Мирзо Улутбек иқтисодий дунёдараши аслида улут бобокалони Амир Темурга асосланади, яъни мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини таъминлаш унинг учун бош вазифа эди. Иқтисодий мустақилляк иқтисодий ислохотлар ордали таъминланади. Ислохотлар тизимида миллий валютанинг мустахкамлигини таъминлаш ҳам ётади. Агар мамлакат уз пул зарб қилиш корхонасига эга булса, бу муомалада ортидча пул ресурсларининг тупланишига, яъни пул дадрсизланишига йўл қўйилмайди, пул чидариб келтириш учун ортидча харажатлардан халос булинади, мамлакат мустақиллиги мустахкамланади. Худди ана шу асослар мамлакатимизда чудур иқтисодий узгаришлар қилишга ва уз пул чидарувчи корхонамиз булишига туртки булди. Бу хамдустлик мамлакатлари ичида узимизга хос урин олишимизга хизмат қилмодда.

3. Алишер Навоийнинг иқтисодий ҒОялари.

Ўзбек халқининг маънавий меросида, унинг маданияти халқаро мидёс касб этишида улут шоиримиз, фахр-ифтихоримиз, маънавий дохиймиз буюк Алишер Навоийнинг урни, унинг хизматлари бедиёсдир. Хозирга дадар халқимиз, хусусан, ёшларимиз уни шеърият мулкининг султони деб таниб келқилар. Бирод Алишер Навоий илмий мероси шу дадар бой ва кенг дирралиги, унда иқтисодиёт масалаларига доир купгина димматли тоялар ҳам уз ифодасини топган. Буюк мутафаккиримизнинг иқтисодий дарашлари унинг бир умрлик

китоби бўлган «Махбуб ул-қўлуб» («далб севгилиси») асарида баён қилинган.

Хеч кимга сир эмаски, инсоният доимо ижтимоий адолат тамойиллари урнатилган адолатли демократик жамият дуришни орзу қилиб келади. Бутун мустақиллик учун кураш мақсади ҳам худди ана шу эзгу мақсадни руёбга чиқаришга қаратилган. Буюк шоиримиз Алишер Навоий ҳам узининг бугун онгли фаолиятини мазкур умуминсоний мақсадга қаратган эди. Асарда тақсимот муносабатларига, уларнинг адолатли ташкил этилишига эътиборни қаратди, хусусан, хизматга яраша тақдирлаш (ҳақ тулаш) масаласи диққат марказида турди. У ясовул мисолида шундай дейди: «Агар у хизматига яраша ҳақ олиши ҳаёлида бўлса, у ота мероси ва она сути қаби ҳалолдир» («Махбуб ул-қўлуб», I, 1983, 21-бет).

Бу ерда Алишер Навоий иккита иқтисодий гоёни илгари суради: биринчидан, меҳнатнинг миқдори ва сифатига мувофиқ тақдирланиш фикри бўлса, иккинчидан, меҳнатига яраша ҳақ олиш «она сутидек ҳалол» эканлиги ҳақидаги фикр уқтирилган. Айтиб ўтишимиз керакки, ҳозирги даврда ҳам бу масала долзарб бўлиб қолмоқда.

Қурилиб турибдики, бу гоё «қандай қилиб бўлмасин, тирикчилик утқазилса бўлдида» қабилидаги фикрга тамомила зиддир. Ёшларда, барча фуқароларда иқтисодий тарбия масаласи илгари сурилатган бир вақтда буюк шоиримизнинг юқоридаги гоёси нақадар аҳамиятли эканлиги тушунарлидир.

Шу нарса маълумки, Алишер Навоий феодализм муносабатлари ҳукмрон бўлган бир даврда яшаб ижод этди. «Махбуб ул-қўлуб» асарида Алишер Навоий жамиятнинг бойишида савдо-сотик тижорат ишлари муҳим роль уйнаши ҳақидаги иқтисодий гоёни маркантилистлардан бир аср илгариёқ асослаб берган экан. «Савдогар, — деб ёзади буюк алломаимиз, — ёлғиз фойдани ният қилмаслиги», «савдо қилиб фойда топаман, деб ортиқча кема сурмаслиги», «мол ва пул қупайтираман, деб жонсарақ бўлмаслиги керак». «Савдогар бож-хирож бериш урнига уз молини яшириб, уз обрусини тукмаса ёки топган-тутганини меросхурлари сотиб совуриши учун туплаб қуймаса ёки бирор ёмон ходиса кузлаш учун сарфламаса, жамгармаса яхши бўлади» (уша асар, 33-бет).

Алишер Навоийнинг савдогарлар тўғрисидаги ушбу фикрлари худди бугун

бизнинг савдогарлар ва тижоратчилар учун айтилаётгандек туюлади. Асарда баён этилган юкоридаги иктисодий фикрлардан куйидаги иктисодий хулосаларга келиш мумкин: биринчидан, савдо, бозор, тижорат, муомала жараёни (олдидан) иктисодиётни ри-вожлантиришда етакчи ахамият касб этади. Зеро, улар товар-лар такчиллигини тугатишга хизмат килади. Иккинчидан, савдо давлат бюджета даромадини манбаи, мамлакат иктисодий кудратининг таянчларидан биридир, зеро, савдогарлар давлат хазинасига бож-хирож тулаб туриш билан молиявий муносабатларда мухим роль уйнайқилар. Учинчидан, алломамиз савдогарларни инсофга, диёнатга чакиради, улардан факат уз фойдасини кузлаб иш тутмасликни талаб килади.

Маълумки, мазкур даврда (хатто энг тараккий этган мамлакатларда ҳам) асосий ишлаб чиқарувчи куч дехконлар бўлган, жамиятнинг иктисодий ахволи, келажак тараккиёти, одамлар фаровонлиги ҳам уларга борлик бўлган. Алишер Навоий уз дахоси билан дехконларнинг моддий неъматлар яратувчи асосий куч эканини, жамиятнинг ижтимоий-иктисодий тақдири уларга боғлиқ эканини кура билди. У ёздики, «Оламнинг ободонлиги дехкондан, меҳнат тут шодон, улар шодон». «Дехкон қандай экин экишга қилса ҳаракат — элга ҳам озик-овқат етказар, ҳам баракат»(уша асар, 36-бет).

Келтирилган фикрлардан, Алишер Навоий моддий неъмат яратувчи бошқа кишилар гуруҳини (хунармандлар, майда товар ишлаб чиқарувчилар), уларнинг иктисодий ахамиятини камситган, деган фикр келиб чиқмайди. Алишер Навоийнинг машҳур «Фарход ва Ширин» достонида хунарнинг, хунармандчиликнинг катта иктисодий-ижтимоий ахамияти курсатиб берилганлигини ҳамма яхши билади.

Бу ерда шуни айтиб ўтиш лозимки, узбек адабиётида то Алишер Навоийга қадар ҳеч ким, ҳеч қачон оддий яратувчи одамларни бу қадар самимият, қудур ҳурмат ва эҳтиром, қудур инсонпарварлик руҳи билан шарафламаган. Буюк мутафаккиримизнинг дехдонлар хусусидаги иктисодий гоялари бугунги мустақил Ўзбекистон давлати иктисодий сиёсатининг устувор йўналишларини ишлаб чиқишда, бозор иктисодиётига ўтишда, тўғри аграр сиёсат белгилашда илмий манба бўлиб хизмат қилмоқда. Президентимиз И. Каримовнинг «Дехдон

туд булса, юрт туд булади, дехдон бой булса, давлат бой булади», деган сўзлари буюк шоиримиз иқтисодий гояларига ҳамоҳангдир.

Иқтисодиёт тарихидан биламизки, кишилиқ ҷамияти тараққиётининг ҳамма босдиқларида, давлат ордали иҷтамоий-иқтисодий ҳаётни бошқариб бориш йўлга қўйилган даврлардан бошлаб солид тулаш масаласи бош иқтисодий масала бўлиб келмодда. Айнидса, бозор иқтисодиётига утган мамлакатларда солид масаласи, унинг тизими, тулаш тартиблари ва бошқа шу билан боғлиқ масалалар янада долзарблиқ касб этади. Алишер Навоий ҳам уз даврида вазир ва давлат арбоби сифатида бу муаммо билан куп туднаш келганлиги, у билан бевосита шугулланганлиги тарихий манбалардан маълум. ҳикоят қилишларича, у давлат томонидан аҳолига солинган солидларни ҳатто уз ҳисобидан тулаб юборган, бу билан ҳалқ аҳволини бир оз енгиллаштирган.

Табиийки, у вазир ҳамда амир сифатида солид назарияси ва амалиётидан ҳабардор бўлган. Ана шу нуқтаи назардан Алишер Навоий асарларида солид масаласи уз ифодасини топганлигига таажжубланмаса ҳам булади. Айнаи вақтда у оддий одамларга «солидни тулашдан бош тортмаслиқни маслаҳат беради, зеро бундай ҳатти-ҳаракат «уз шерикларига жафо қилишлиқ» билан баробардир», дейди. Алишер Навоийнинг солид ҳадидаги, бож-хирож тулаш ҳадидаги фикрлари мустақил давлатимиз солид тизими ҳадидаги билимларимизнинг тарихий асосларини билиб олишга ёрдам бериши табиийдир.

Алишер Навоийнинг “Махбуб ул-қўлуб” асарида “қиймат” категорияси ҳам маълум маънода уз ифодасини топган. Албатта, мазкур асарда бу мураккаб иқтисодий тушунча (қийматнинг таърифи берилган) тула ҳолда илмий асослаб берилмаган. Алишер Навоийнинг қиймат ҳақидаги фикри чинни идиш мисолида (уша даврларда чинни идиш тайёрлаш гоёт огир, куп меҳнат талаб қилувчи ҳунар бўлган) шундай таърифланади: «Чинни идишнинг — уни тайёрлашдаги қийинчилигига ярашлиги биландир; уни асрашда ҳам қийматга аҳамият берилади. қиймати оз нарсанинг — ҳурмати оз» (уша асар, 7 8-бет). Бу ерда биз учун аҳамиятли бир ҳулоса шуки, ҳали гарб адабиётларида қиймат тушунчаси учрамаган бир даврда бизнинг буюк бобокалонимиз Алишер Навоий қийматнинг миддорий жихатини тушуниб етди ва уни уз асарида

таърифлади.

Алишер Навоий одамларни хунарли булишга, доимо ҳаракат билан яшашга, тадбиркорлик, тежамкорлик хислатларини эгаллашга ундайди. Алишер Навоий бу ҳадда шундай дейди: «Хар бир ишдан фойда курганингда бажар, уни бажаришда қийинчиликлар ва иккиланишлар пайдо булса, машаддати озрод томонига куч бер, қийинчилигидан эринмаслик чорасини кур» (уша асар, 71-бет). Куруниб турибдики, бу тояларда тадбиркорликнинг мазмуни, хосияти чудур мантидийлик билан баён қилинган, уларда инсон адл-заковат билан иш юритишга даъват этилган.

Алишер Навоий иқтисодиётнинг муҳим жихати бўлган мулк масаласига эътиборни даратади. У мулкни тутри тасарруф этиш, ресурслар, иқтисодий шарт-шароитлардан унумли фойдаланиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик керак, дейди. Ана шунда одамлар туд ва фаровон яшашлари мумкинлиги хадидаги иқтисодий дарашни илгари суради. «Исроф қилиш сохийлик эмас, уринсиз совуришни адлли одамлар сахийлик демас. Халол молни қўйдирганни девона, дейқилар, ёрут жойда шам ёдданни адлдан бегона, дейқилар», — деб ёзади (уша асар, 69-бет).

Бизнинг илмий-техник тараққиёт давримизда мамлакатимиз бойликларини исроф қилмай ишлатиш, уларни келажак авлодларга ҳам мерос қилиб долдириш зарурати кундан-кун ортмодда. Бунинг устига мавжуд манбалардан самарали фойдаланишни бозор иқтисодиёти ҳам талаб қилаётир. Бундай шароитда улут шоиримизнинг юқоридаги маслахатларига асосланиб хужалик юритишни одат қилсак, келажакимиз фаровон, юртимиз бой, Ватанимиз буюк булишига эришамиз.

Буюк ёзувчимиз Ойбекнинг шох асари булмиш «Навоий» романиқа ҳам шоирнинг иқтисодий тафаккури иқтисодий муносабатлар билан бевосита шутулланиши, уша даврнинг иқтисодий ва ижтимоий муаммоларига ечим топишга додир бўлган буюк аллома ва тадбиркор, инсонпарвар давлат арбоби эканлиги каби бир датор фазилатларини очиб беради.

Асарда ёзилишича, Алишер Навоий мулозимлар (узига дарашли ерларда дехдончилик ишларини бошқарувчилар) билан тез-тез учрашиб туради, улар

билан суҳбатлар дуради, душ ва экинлар хадида, дехдонларнинг ахволи, тирикчилик утказиши, истеъмол буюмларининг нарх-наволари билан қизиқади, улар билан мулодотлар уюштиради. У уз хужалигида иш юритувчиларга омборларда долган утган йилги талланинг бир дисмини мамлакат душинларига ажратишни ва бир дисмини бева-бечораларга эхсон сифатида улашиб беришларини топширади. Айни чотда бундай хайрли ишга тездан тайёргарлик дуришни буюради. Куриниб турибдики, улут бобокалонимиз узига тегишли бўлган мол-мулкни давлат хавфсизлигини таъминлаш, одамларга тинч меҳнат шароити яратиб бериш, дийналиб долган одамларга моддий ёрдам бериб туриш каби олижаноблик хислатларини узида мухассамлаштирган буюк инсон эди.

Шоир мамлакатда илм-фаннинг ривожланишига, мадрасаларда замонасининг етук мутахассисларини тайёрлаш ишига уз шахсий ёрдамини аямайди. У мадрасаларда булиб, толиби илмларнинг нафадалари туттрисида тамхурлик қилади. Хирот ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида юзларча истеъдодли шоирларни халқда танитишга барча имкониятни сафарбар қилади.

Ойбек берган маълумотларда буюк инсон—Алишер Навоий даромадлардан хайри эхсон учун килинаётган чикимларни текширтиради, уларни уз йуналишлари буйича сарфланиши билан тез-тез кизикиб, назорат килиб туради. У тез-тез Хирот кучаларини пиёда кезиб, пойтахтда курилаётган тарихий биноларни, жойларни кузатиб турган, шаҳарнинг хуснини очиш учун яна нималар килиш кераклиги тўғрисида уйланади ва ечим топишга бор кучгайратини, хатто узининг шахсий бойлигини ҳам аямади.

Х,а, биз ана шундай буюк даҳолар авлодлариданмиз. Бу билан хар канча фахрлансак арзийди. Айни чоғда, уларга содик муносиб булиб колиш биз учун ҳам фарз, ҳам карздир.

4. Захириддин Мухаммад Бобурнинг иктисодий ҒОялари.

Бобур уз киска хаёти давомида ижтимоий, сиёсий, иктисодий ва маданий-маърифий хаётнинг жуда куп муаммоларига ечим топишга ҳаракат килди. Унинг илмий дунёкараши машхур «Бобурнома» асарида баён этилди. Бу асар узининг хар жихатдан мукамаллиги, турли соҳаларга оид тадқиқотларнинг маҳсули эканлиги, жуда куп фанларга оид бебаҳо материалларга бойлиги билан илмий

жамоатчиликнинг хайрат ва таксинига сазовор булди, шу билан бирга тарихимизни билиш, узлигимизни англаш учун бебахо манба сифатида ҳам ахамиятлидир. Унда адабиётшунослик, манбашунослик, жугрофия, тилшуносликка оид ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳаётга оид гоёлар ва қарашлар мужассамлашган, бу асарни мутолаа қилар эканмиз, ундан мамлакатимизнинг бугунги ҳаётида рўй бераётган ўзгаришларни таҳлил қилиш, улардан ҳулосалар қилиш ва қилаётган ишларимизда фойдаланиш учун фикрлар топамиз. Айниқса, иқтисодиётга оид, унинг умумий асосларига (ишлаб чиқариш, унинг инсоният ҳаётидаги аҳамияти) оид, савдо ва тижоратга бўрлик илмий қарашлар бизни тулқинлантиради.

Ғарчи бизнинг кулимизда Бобурнинг давлатни бошқариш, ишлаб чиқариш ва савдони ташкил этишга оид алоҳида асари ёки унинг уша даврларда юритган иқтисодий сиёсатига доир манбалар бўлмаса ҳам, илмий умумлашма қучи билан шундай ҳулосага қелиш мумкинки, у иқтисодий муносабатларнинг, иқтисодий қонунларнинг моҳиятини, қонунларнинг ҷамият тараккиётидаги аҳамиятини чуқур тушунган, яхши ва адолатли қонунлар ва фармонлар қабул қилган, адолатли иқтисодий сиёсат юритган бўлса қеракки, унинг даврида давлатда осойишталик, ҳамжихатлик, тараккиёт қарор топган, у асос солган салтанат бир неча аср яшаган.

«Бобурнома» узок йиллар «Буюк ипақ йўли» бўйлаб қилинган саёҳат ва қузатишлар тафсири берилган асардир. Бу йўлдан қанча-қанча савдоқарлар, тожирлар (тижоратчилар, дуқондорлар) уз молларини дунёнинг турли минтақалари ва мамлакатларига етқазиб берганлар. Улар уз ишлари билан савдо — иқтисодий фаолиятнигина эмас, айнаи чоғда, халқлар уртасида дуствлик, тинчлик ва узаро манфаатдорлик ришталарини ҳам боғлаганлар. Маълумотларга қараганда, ҳатто урушлар, узаро қелишмовчиликлар ҳуқм сураётган даврларда ҳам савдоқар-тижоратчиларнинг мол-мулкини талаш, босқинчилик қилиш, зиён етқазиб қаттиқ қораланган. Агар мозийга назар қолинса, уша даврларда давлатлар, қонлар, подшоҳлар уруш-жанжаллари асосан қулай савдо йўллари, бозорлари, дунё бозорларига қидиш мақадларида олиб қорилган. Буюк Амир Темур ва унинг муносиб қориси бўлган Бобур ҳам мамлакатлар, халқлар

уртасида халол савдо-сотид ҳамкорлик, тинчлик, ижтимоий-идисодий тараққиёт учун курашганлар.

«Бобурнома»да асар муаллифининг узи тугилиб усган юрт, Ватани, унинг табиий, иқтисодий, маънавий ресурслари, ажойиб меҳнаткаш, яратувчи халқи тўғрисида тулдинланиб ёзган сатрларини хаяжонсиз ўқиш қийин. Мана унинг жонажон Андижони хадидаги фикри: «...Фаргона вилоятининг пойтахтидур. Ошлиги вофур, меваси фаровон, довун ва узуми яхши булар. Ковун махалида полиз бошида довун сотмод, расм эмас...» (3. М. Бобур. «Бобурнома», Т., 1989, 5—6-бетлар); добул хадида: «Хиндистон била Хуросонга восита бу вилоятдур. Бисер яхши саводхондир. Савдогарлар Хитойга ва Румга борсалар, ушмунча — уд савдо қилгайлар... қўйи Хиндистондир, ун-ун беш-йигирма минг уйлуд, корвон добулга келур... Хуросон ва Ирод, Рум ва Чин матои добулда топилур... Найшакарни келтуруб, эктуруб эдим. Чилгузани Нижровдин келтурурлар» (уша жойда, 117—118-бет). Ёки Самарданд тўғрисида шундай ёзади: «Самарданд шаҳри ажаб ораста шаҳардур, бу шаҳарда бир хусусият борким, узга кам шаҳарда андок, булгай. Хар хирфагарнинг бир бошқа бозори бор, бир-бирларига махлут эмастур, товар расмедур. Хуп нонволидлари ва ошпазликлари бордур. Оламда яхши доғоз Самарданддан чидар. Жувози доғазлар суйи томом Коничилдин келадур...» (уша жойда, 46-бет).

Юқоридаги фикрларнинг ахамиятли томони шундаки, биринчидан, уларда иқтисодий фикрлар, дарашлар ифодаланган булса, иккинчидан, уларда Бобурнинг яратувчилик, ишлаб чидаришга қизиқишлари баён этилгандир. Моддий неъматларнинг узод-узодларга етиб бориши ва машхур булиб кетиши уша давр иқтисодий ва ижтимоий сиёсатининг натижаси булса, бошқа томондан, улар савдогарларнинг олийжаноб хизматлари туфайлидир. «Бобурнома»да бир юрт молларининг бошқа юртларга олиб борилиши, алмашуви, аҳоли эҳтиёжларининг дондирилиши ва уларнинг ахамияти марод, билан хикоя қилинади.

Бобур савдо-сотиднинг халқлар уртасидаги бебаҳо ахамиятини жуда чудур тушунар эди. Шунинг учун ҳам у савдо карвонларини йўлларда талаш, босдинчилик қилиш, мол-мулкига зиён етказиш каби салбий иллатларга шахсан

узи ҳам катъий дарши чидади. Бунга мисол қилиб қўйидаги сўзларни келтириш мумкин: «Калотга етганда, далин Хиндустон савдогариким, Каботга савдо қилгали келган экандурлар, доча олмақилар, черик эли алар устига — уд етиб борди. Аксар бирин булқиларким шундод ёғийлик махалида ёғий вилоятига келатугонларни таламод керак, мен рози булмадим, савдогарларнинг не гунохи бор...» (уша асар, 187-бет).

Узгалар мулкига хиёнат қилмаслик, уларнинг мулкани мудаддас билиш, эл-юрт фаровонлиги йўлида тиниб-тинчимай ишлаётган одамларни дадрлаш, уларни химоя қилиш каби умумбашарий кадриятлар Бобурга бобоси Амир Темурдан мерос булиб келган. Отасининг ана шундай олийжаноб хислатини эслаб қўйидагиларни ёзган эди: «Адолатла шу мартабада эдиким, Хитой Карвони келатургонда, Андижоннинг шардий тарафидаги тоғларнинг тубида минг уйлик карвонни дор бостиким, икки киши кутурди. Хабар топиб мухассиллар йибориб, карвоннинг жамиъ жихотини забт килди. Х,ар чандонким, вориси хозир йук эди, бовужўқи эхтиёт саклаб, бир-икки йилдан сунгра Самарканд ва Хуросондан ворисларини тилаб келтуриб, молларини солим топширди» (уша асар, 10-бет).

Бобур тузган давлатнинг бир неча асрлар яшнаб, равнак топиб боргани, унинг муборак номи асрлар оша яшаётгани унда ижтимоий адолат жуда юкори эканлиги туфайли ҳамдир. Шунингдек, Бобур бизга колдирган маънавий ва иктисодий тафаккур мероси, у юргазган иктисодий сиёсат мустакиллимиз учун курашимизда кудратли таянч булиб хизмат килмокда.

Албатта, Бобур иктисодий дунёкарашини урганиш, унинг иктисодиётга оид карашларини тадқиқ этиш навбатдаги долзарб вазифалардан биридир. Биз юкорида келтирган фикрлар ушбу эзгу ишдаги дастлабки ҳаракат махсулидир, холос.

«Куръони Карим» ва ислом шариати коидалари асосида солиқ ҳақида таълимот— Исломдаги фарзлардан бири — закотдир, у солиқ маъносида кулланилади. Закот пул ва савдо йигими турларида туланган. Бобур гоят адолатли, инсонпарвар инсон бўлганлигидан унинг солиқ ҳақидаги карашлари ҳам умуминсоният кадриятларини акс эттирган. У солиқни ҳисоблаш учун солиқ мавзуининг «ҳисоби»ни ҳисоблаш, яъни мол-мулкнинг солиқ солишга

лаёкатли микдори аниқлаш зарур, деб билган. Солиқ ҳосилга, яъни олинаётган даромадга қараб белгиланган.

Бобур иқтисодий таълимотида «хироҷ», яъни ер солиғи масаласи алоҳида урин тутати. У ер солиғини икки тоифага бўлади, яъни «муқассам ва муваззар». Биринчиси, олинган ҳосилнинг микдориға борлиқ бўлган, яъни ҳосилнинг $\frac{1}{3}$ дан $\frac{1}{2}$ гача микдорда белгиланган; иккинчиси, экилаётган ер майдониға боғлиқ қилиб қўйилган. Сугориладиган ерларға белгиланадиган солиқ микдори ҳам алоҳида ҳисобланган. Сув солиғи ҳосилнинг $\frac{1}{10}$ нинг ярми микдорида тайинланган. Шу билан бирга чорва ҳайвонларига ҳам уларнинг турлари ва сонига қараб табақалаштирилган тарзда солиқ белгиланган. Масалан, 40 та қўйдан биттаси, 120 та қўйдан иккитаси, 201 та қўйдан учтаси, қўйлар сони 400 тадан ортган тақдирда ҳар 100 тасидан биттадан қўй зақот (солиқ) сифатида тулаши фарз қилинган.

Феодализм даври иқтисодиётида савдонинг аҳамияти, унинг иқтисодиётдаги салмоғи юқори эканлиғи маълум. Бобур савдогарларнинг мамлакат ҳаётидаги урнини яхши тушунганлиғи туфайли улар даромадидан ҳам солиқ тулашнинг алоҳида (узиға ҳос) тартибини тақлиф этган. Масалан, савдогарларнинг савдо йиғимининг ҳар 20 мисқоли — олтиндан бир мисқоли савдо йиғими тарзида олинган. Аҳамиятли томони шундаки, биринчидан, солиқ ҳиссаси савдодаги олинадиган даромад ҳиссасига нисбатан қамайиб борилиши қўрсатилган, бу эса савдогарларни рағбатлантирувчи воситаға айланган; иккинчидан, агар савдогарлар Ислом мамлакатларидан келган бўлса, даромаднинг $\frac{1}{20}$ қисми микдорида солиқ, белгиланган. Яна шу қоида бирқитилиб қўйилганки, мусулмон савдогарлардан олинган солиқ, уларнинг уз мамлакатларидаги солиқ, микдори даражасида бўлиши қўзда тутилган.

Бобур ишлаб чиққан солиқ, сиёсати узок йиллар мусулмон мамлакатларда қўлланилган. Бу эса Бобур иқтисодий тафаккур олами жуда узокни қўзловчи илмий асосларға суянганиқан далолат беради. Бундай салоҳият унинг

ворислари, хамюртлари далбида унга нисбатан янада чудур хурмат ва фахрланиш хиссини туйдиради.

5. Ибн Халдуннинг иқтисодий карашлари.

Ибн Халдун Шарднинг буюк файласуфи, тарихчиси, сиёсатшунос олим, давлат арбоби ва йирик идтисодчи сифатида уз даврида катта обру ва шон-шухрат донган тарихий шахсдир. У 1332 йилда Шимолий Африканинг Тунис шаҳрида таваллуд топди. Унинг аждодлари бир неча аср давомида обрули давлат лавозимларида фаолият курсатганлар. Унинг отаси эса сиёсий ҳаётдан кетиб фаннинг турли соҳаларида таддидодлар олиб борган, узини фанга батишлаган киши эди. Табиийки, бундай муҳитда фарзанднинг тарбиясига қўлай шарт-шароит яратилган, отаси раҳбарлигида ислом ҳудўқи, тил ва адабиёт, сиёсат ва идтисод фанларини чудур эгаллади. Айни чотда Ибн Халдун уз даврининг етук давлат арбоби даражасига кутарилди, бир қанча давлатларнинг сиёсий ҳаётида фаол датнашди. Унинг ҳаётдаги муҳим водеалардан бири умрининг охирларида буюк соҳибдирод Амир Темур билан учрашгани, унинг иззат-эҳтиромини донган, Темурнинг идтисод ва бошқа масалалар буйича маслахатчиси булиб хизмат қилганлигидир.

Ибн Халдун бир қанча йирик асарлар ёзди. У кўпроқ фалсафа ва сиёсатшуносликка оид китоблар битди. Унинг иқтисодий дарашлари ҳам жаҳон илм аҳли томонидан эътироф этилди. Унинг иқтисодий дарашлари «Кириш» деб аталган асарида баён қилинган.

Ибн Халдун меҳнат ва меҳнат таксимооти ҳақида.

Ибн Халдун тарихни одамларнинг узлари яратади, уларнинг ҳаракати ва манфаатларини руёбга чидариш жараёнида тариз юзага келади деган фикрдан келиб чидиб, одамларнинг меҳнат фаолиятлари ва бу жараёнда уларнинг бир-бирларига ҳамкорлиги, мадади ёрдам беришлари масаласига катта эътибор берди. Унинг фикрига кура, одамларнинг ишлаб чидариш фаолияти жамятнинг яшаш ва ривожланиш шартидир, бу эса уларнинг моддий эҳтиёжларидан келиб чидади. Бирод эҳтиёжларни алоҳида ажралган ҳолда дондириш ҳеч кимнинг қўлидан келмайди, унинг эҳтиёжини фадат бошқалар билан биргаликда ишлаш

мехнат турларини добилиятларига дараб булишиб олиб ишлаш асосидагина дондириш мумкин. Демак, одамларнинг хаётий эхтиёжлари фадат биргаликдаги харакати билангина дондирилади.

Ибн Халдун табиий-жутрофик мухит одамлар хаётига, уларнинг яшаш тарзига, иқтисодий фаолиятига кучли таъсир курсатишини айтиб, бирод у кишилик жамияти тараққиётини таъминловчи бош омил була олмаслигини удтирган. Бундай бош омил одамларнинг мехнат тадсимооти асосида уюштирилган иқтисодий фаолият булиши мумкин. Бирод, одамлар бир-бирлари билан яшаш шароитларини, воситаларини яратиш мақсадидагина ботланақилар, узаро ёрдамлашақилар.

У индустриал, яъни мехнат ташкил этишнинг шахар шаклини юқори бахолайди, уни ишлаб чидаришни ривожлантиришнинг олий босдичи деб атайди. Чунки шахар ишлаб чидариш шароитида моддий ва маънавий неъматларни яратиш усуллари такомиллашади, инсон эса ижтимоий равад топишининг юқорирод погонасига кутарилади, шахар хаёт тарзи хунармандчилик ривожланишига хамда унинг кенг тардалишига асос булади. Шуларга асосланиб олим дайди етадики, мехнат дуролларининг ишлаб чидарилиши ва ижтимоий мехнат тадсимооти, табиий равишда махсулот алмашинувини кенгайтиради. Алмашув жараёнида эса истеъмол ривожланади, одамлар онги, тафаккури усади ва даромадлар асосида яшаш тарзи шаклланади.

Ибн Халдун-кушимча махсулот ва мехнат таксмоти таълимотининг асосчиси

Ибн Халдун халқлар ва давлатларнинг хадирий бойлиги пулда эмас, балки мехнатда ва мехнат махсулотларида эканини пайдади. Унинг фикрича, жамиятнинг фаровонлиги ва унинг ривожланиши мамлакат ахолисининг купайиши, иш кучларининг шахарларда тупланувчи, яъни «мехнат миддорининг усиши»га боглиддир. Бирод, жамият фадат зарурий махсулот ишлаб чидариш билан чегараланса, у дашшодлик ва долодликдан чида олмайди. Жамиятнинг ривожланиши, ахоли турмуш даражасининг ортиши фадат «ортидча махсулот», кўшимча махсулот ишлаб чидара олганикагина таъминланади. Демак, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти асосини кўшимча махсулот ишлаб

чидариш ташкил этади. Гап шундаки, қўшимча махсулот, унинг мохияти, ахамияти, тараққиётнинг бирдан-бир моддий асоси эканлиги тўғрисидаги тушунчага гарб идтисодчиларидан камида 350-400 йил илгарирод келган эди.

Одамларнинг меҳнат тадсимои асосида ишлаши уларнинг меҳнати унумдорлигини оширади. Яъни зарурий эҳтиёжларни доплаб қўшимча махсулот яратиш имкониятини тугдиради. Олим ёзадики, жамоага, гуруҳга бирлашган одамларнинг бир-бирига таъсири, ургатиши, ёрдами, натижасида уларнинг узлари истеъмол қиладиган махсулотдан кўпроқ махсулот ишлаб чидарилади яъни, қўшимча махсулот яратилади. Гап шундаки, одам якка холда хатто узини бодишга ҳам етмайдиган махсулот яратиши мумкин, агар улар купчилик булиб биргалашиб ишласалар, яъни меҳнат тадсимои асосида фаолият қилсалар, уларнинг хаммаси уз эҳтиёжларидан кўпроқ неъматлар яратақилар.

Мутафаккир удтирадики, шаҳарнинг ёки вилоятнинг бир дисм ахолиси меҳнат тадсимои асосида ишлаб зарурий махсулот яратсалар, ахолининг бошқа дисми ортидча меҳнат билан қўшимча махсулот яратади. Бу махсулот ёрдамида бошқа эҳтиёжларни дондириш мумкин булади. Эҳтиёжларни дондириш махсулотларни қиймати буйича алмаштириш ордали таъминланади. Демак, қўшимча меҳнат ва қўшимча махсулот алмашувини бозорларни вужудга келтиради, эҳтиёжлар таркибини кенгайтиради, уларга эришиш эса интилишни кучайтиради.

Ибн Халдун яна шуни асослаб бердики, қўшимча махсулот жамият аъзоларининг меҳнат тадсимои асосида бирлашган меҳнатининг натижасидир, бу махсулот одамларнинг қанчалик тупланиб ишлашларига, уларнинг меҳнат тадсимои асосида бирлашиб ҳаракат қилишларига бевосита боғлиқдир. Хулоса шуки, жамиятдаги меҳнат тадсимои шароитида ҳар бир одам қўшимча махсулотнинг купайишидан бевосита манфаатдордир, чунки у уларнинг ҳар бирининг ва хаммасининг фаровонлигига хизмат қиладди. Жамиятнинг дашшошлик ва долошликдан чидиши ҳам ишловчилар сонига ва улар меҳнат тадсимои асосида бир иш кучи сифатида биргалашиб ишлашига ботлидир. Иқтисодиёт ана шундай асосларда ташкил этилса, истеъмол қилинадиган неъматлар купаяди ва уларнинг баҳолари паст булади.

Ибн Халдун шаҳарларнинг жамият тараққиётида ва қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришда бош омил эканлигига эътиборни тотади. Унинг фикрича, шаҳарлар қанча катта бўлса, улар қанча куч бўлса, уларда одамлар, иш кучи қанчалик тупланса, тараққиёт ва жамият тараққиёти шунчалик юқори бўлади. У шаҳарлар пайдо бўлгач, одамлар ҳам очлик, дашшодликдан, далодликдан дутила борақилар деб исботлайди.

Хуш, одамларни тупланиб ишлашга шаҳарлар барпо этишга меҳнат тадсимои асосида фаолиятларини мувофиқлаштиришга нима мажбур этди? Бу саволга унинг узи уйидагича жавоб беради: «Бунга одамларнинг осойишта, хотиржам ва бадавлат яшашга бўлган интилишлари сабабдир». Демак, жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучи меҳнат тадсимои асосида тупланиб меҳнат қилишларидир. Бутун тарих ҳақиқати, саноат шаҳарлари тарихи Ибн Халдун тояларининг нададар асосли эканлигини исботлаб турибди.

Ибн Халдуннинг фан оламидаги буюк хизматларидан бири инсоният жамиятнинг ривожланиш концепциясини яратганига ҳамдир. Бу таълимотга кура жамият қўйи фазадан юқори фазага томон прогрессив равишда ривожланиб боради. Бу ривожланиш кучи жамиятнинг узидадир, яъни одамларнинг шаҳарларда тупланиб кооперацияга уюшиб, меҳнат тадсимои асосида уюшган фаолият қилишларидир. Бу тоянинг аҳамияти шундаки, унга жамият тараққиёти қандайдир ташқи куч таъсирида бўлади деган дараш ҳукмрон эди. Албатта, «Ташқи куч» тояси жамиятни тараққиётга ратбатлантирмас эди. Ана шундай шароитда Ибн Халдун таълимоти ҳаракатлантирувчи аҳамиятга эга бўлди.

Ибн Халдуннинг қиймат назарияси

Маълумки, қиймат назарияси иқтисодиёт фанига энг мураккаб, қийин тушиниладиган, таҳлили қийин кечадиган иқтисодий муносабатлардан биридир. қиймат категориясини тушуниш ва у ҳақида илмий фикр илгари суриш уша тарихий шароит нуқтаи-назаридан дараганда ҳар кимнинг ҳам қўлидан келадиган иш эмаслиги аниқ. Шундай бўлса-да, биз Ибн Халдун илмий дунёдарашида қиймат категориясини тушунишга уни тушунтиришга дастлабки, биринчи

ҳаракатни курамир.

Ибн Халдуннинг буюк хизматларидан бири шуки, у меҳнатнинг қиймат яратувчанлик ролини курсатиб берди, товарлар алмашинуви асосида уларга сарфланган ижтимоий меҳнат ётишини асослади, яъни у қиймат субстанциясини тушунишга интилки. қиймат субстанциясининг асосини ижтимоий меҳнат ташкил ётиши ҳадидаги фикр уз даври учун тоят димматли ёди, чунки бу масалада Шард олими Арастудан илгарилаб кетган ёди. Арасту ёса қиймат деганда алмаштириши мумкин бўлган ҳар қандай нарсани тушунган ёди.

Ибн Халдун икки нарсанинг узаро бир-бири билан алмашинуви асосида нима, қандай иктисодий асос ётишини тушунишга ҳаракат килади. Унинг қарашига кура қиймат ижтимоий меҳнатнинг намоён бўлиши ёки ифодаланишидир, унингсиз кишлок ҳужалиги ҳам ҳунармандчилик ҳам амал қилмайди.

Шуниси аҳамиятли ва қувонарлики, Шарк мутафаккири қиймат тўғрисидаги уз қарашларини гарб иктисодчиларидан 300-400 йил илгари сурган ёди. Бирок, Шарқда кейинчалик иктисод илмига ётиборсизлик, олим қарашларининг жаҳон миқёсида тарқалиши ва унинг қиймат назарияси бўйича асосчи бўлиб танилишига таъсир ётди.

Ибн Халдун мулкчилик ва мулкдорлик ҳақида

Ибн Халдун иктисодий таълимотида мулкчилик муносабати ва одамларнинг мулкдор бўлишлик масаласи алоҳида мавзўқир. Унинг фикрича инсон шунда қамолотга ёришадики, агар унинг тимсолида ишлаб қикарувчилик фаолияти билан мулкдор бўлишлик муштараклик қасб ётса.

«Мулкдор бўлишлик инсоннинг энг муқаддас ҳуқуқи, - дейди у, - инсоният жамятининг вужудга қелиши ҳам одамларнинг мулкдор бўлишига интилишларидандир». Демак, мулкдор бўлиш, ҳусусий мулкка ёғалик қилиш инсоннинг қонуний, объектив ва ҳуқуқий заруратидир. Шунинг учун давлат муносабатлари нафакат бошқаришга балки уларни бошқаришни тартибга солиб туришга мажбурдир.

Агар Ибн Халдуннинг мулкдорлик, ҳусусий мулкчилик ҳақидаги қарашлари бугунги қивилизация нуқтаи-назаридан қараб таҳлил ётилса, шу ҳақиқат аён

буладики, иктисодий эркинлик инсон учун ёт нарса эмас, уни мулкдорлик ҳукукидан махрум этувчи сиёсий кучларгина бу умуминсоний ҳақиқатни инкор этганлар ва ҳатто уни паймол этишган. Инсон ҳукуклари Декларациясида, барча демократик давлатлар Конституцияларида қайд этилган одамларнинг хусусий мулкдорлик ҳукуки ҳақидаги қоидалар Ибн Халдун таълимоти асосида қонунлаштирилган бўлса ажаб эмас. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Конституциясида, Президентимиз И.Каримовнинг асарларида одамларни мулкдор қилмай туриб иктисодий ва сиёсий ислохотлар уз максадига эриша олмаслиги тўғрисидаги хулосалар улуг бобоқалонимиз, Шарқ иктисоди илмининг даҳоси Ибн Халдун қарашлари билан ҳамбар-час боғлиқдир.

Ибн Халдуннинг ҷамият билан унинг аъзоси уртасидаги иктисодий муносабат фалсафаси

Ибн Халдуннинг фалсафий ва иктисодий қарашларида ҷамият билан унинг аъзоси бўлган инсон муносабати масаласи алоҳида аҳамият қасб этади. Унинг таълимотига қура, ҷамиятнинг ҳолати унинг бойиши, раванки, истикболи, унинг аъзоларининг иктисодий ҳаракатларига яшаш воситаларини яратишга бўлган интилишга боғлиқдир. Агар одамлар яшаш воситаларини топишга интильмасалар, ҳаракат қилмасалар, ғамхурлик қилишмаса, бозорларда товарлар сотилмай қолади, бозорлар бўм-бўш бўлиб, хувиллаб қолади.

Бундай шароитда одамлар ҳар томонга узга юртларга тардалиб кетди, мамлакат аҳолиси қамайиб кетади, одибатда давлат ҳароб бўлади. Иқтисодий таназзулга гирифтор бўлади. Демак, у давлат ҳокимияти ва хусусий мулкчиликини, ҷамият билан унинг аъзолари уртасидаги муносабатларни ҷамият нормал ҳаётининг асослари деган тушунчани асослайди, улар генетик ҷихатдан диалектик боғлиқ муносабатлардир.

Ибн Халдун пул ва бойлик ҳусусида

Ибн Халдун феодал олими бўлганлиги учун пулни бойлик деб тушунди, ҷамиятнинг асл бойлиги пулдир, ҷамиятда пул қанча қуп бўлса, у шунча бойдир деган фалсафага асосланди. Бундай фикрларни олим онгига сингиши

бежиз эмас, албатта. Зеро, у моддий буюмлардан олтин ва кумушгина қийматни ёки махсулотдаги бутун меҳнатни мужассамлаштиради. Унинг бундай чекланган илмий даражи яна шундан келиб чидадики, у хали товар қиймати одамлар уртасидаги бозор субъектлари уртасидаги ишлаб чидариш муносабати эканини тушуниб етмаган эди. Шунинг учун ҳам қиймат ва пул мохияти хадида чекланган даражлар билан кифояланди.

Ибн Халдун фойда категорияси хадида фикр юритиб, унинг манбаи қўшимча махсулот эканини тушуниш даражасига кутарилмади. У савдогар оладиган фойдани товарларни уз қийматидан арзон олиб, қиймат баҳосида сотишдан келади, фойда бойлар томонидан одамлар меҳнاتини тўғри таддирланмасликдан келиб чидади деб тушунди.

Гарчи Ибн Халдуннинг иқтисодий даражларида айрим нудсонлар булса ҳам улар бизнинг «Иқтисодий таълимотлар тарихи» тўғрисидаги билимларимизни янада чудурлаштиришга иқтисодий тафаккуримизни шакллантиришимизга ёрдам беради. Энг мухими, датор иқтисодий категориялар мохияти тўғрисидаги илмий асосланган даражларни иқтисодиёт тарихида биринчи булиб илгари сурганлиги, Шард иқтисодий тафаккури гарб иқтисодий даражларидан тарихан анча асрлар илгари шаклланганлиги билан бизнинг маънавий гуруримизни кутаради.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАРИ:

1. «Темур тузуклари» асарининг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий-маърифий ахамияти.
2. Амир Темурнинг ахоли ночор датламларини ижтимоий химоя қилиш сиёсати.
3. Амир Темур иқтисодий даражларининг хозирги вақтда Ўзбекистонда утказилаётган ислохотлар билан хамоханглигини Сиз қандай изохлайсиз?
4. Амир Темурнинг солид тизими ва унинг ижтимоий адолат сиёсатидаги урни.
5. Нима учун Сохибдирон солид ва туловларни надд пул билан тулашда имтиёзлар жорий қилган?

6. Мирзо Улугбек пул ислохотларини нима учун утказди ва унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти нимада эди?
7. Алишер Навоийнинг иқтисодий даҳосини Сиз кандай изоҳлайсиз?
8. Алишер Навоий савдо ва тижорат ишларига кандай баҳо берди?
9. Алишер Навоий кандай солиқ сиёсати тизимини таклиф этди?
10. Алишер Навоий уз мулки ва бойликларини кандай тасарруф этди?
11. «Бобурнома» асаридаги иқтисодий гоёлар нималардан иборат?
12. Бобурнинг «Закот тўғрисидаги китоби»да кандай иқтисодий қарашлар илғари сурилган?
13. Бобур савдо-сотикнинг иқтисодий-ижтимоий тараккиётдаги ролига кандай баҳо берди?
14. Ибн Халдун қушимча. маҳсулот ва меҳнат тақсимооти ҳақида
15. Сиз Ибн Халдуннинг қиймат назариясини кандай тушундингиз
16. Ибн Халдуннинг мулкӣ муносабатлар хусусидаги қарашлари кандай?

7-МАВЗУ.ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ ҚОНУНИЯТЛАРИ,ТАМОЙИЛЛАРИ ВА МЕТОДЛАРИ

Режа

1. Инкироз шароитида тарбия қонунлари.
2. Иқтисодий тарбия қонуниятлари.
3. Иқтисодий тарбия тамойиллари ва методлари.

Таянч ибора ва тушунчалар: Шахс, субъект, жараён, мудардас, узлуксизлик, психологик методлар, адлий, ахлодий тарбия.

1. Инкироз шароитида тарбия қонунлари


Инкироз шароитида шахс тарбияси унга бўлган ёндошувлар бир мунча узгарди. Шахс тушунчаси инсон тушунчасидан фаркланиб, маълум маънавий хусусиятларга эга бўлган, узи яшаётган жамиятнинг талабларига жавоб бера оладиган инсонга айтилади. Демак, шахс факат жамиятнинг ичида шакллана олади. Жамият ривожланган сари унинг талаблари узгариб, мураккаблашиб

боради. Шунинг учун ҳам педагогика фани имкон борича янги талабларни аниклаши, сунгра уларга жавоб бера оладиган шахсни тарбиялашга ҳаракат қилиши керак. Шахсни тарбиялаш учун унга таъсир этувчи омилларни аниқлаб олишимиз керак.

Педагогика фани ҳозирги кунда қуйидаги фикрларни илгари сурмокда: Шахснинг шаклланишида икки омил уз урнига эга.

1. Ички омиллар (унга наслдан-наслга утадиган хусусиятлар, қобилият, темперамент қабилар қиради).

2. Ташқи омиллар (унга жамиятнинг тузилиш структураси, таълим-тарбия жараёни, муҳит қабилар қиради).



ички и
үрганишд
аги

Тарбиявий ишлар методикасини
янгилашмаслиги (Эски
методлардан фойдаланиш)

Ҳаётда тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши айти муддао. Сукрот: «Тарбия қийин иш ва тарбия шарт-шароитларини яхшилаш ҳар қандай

кишининг ҳам мукаддас бурчларидан биридир; зеро узини ва теварак-атрофдагиларни маълумотли қилишдан ҳам кура мухимроқ иш йук», - деган эди. Турмушда тарбияли шахс билан мулоқотда булсанг хузур қиласан киши. Хар доим тарбияли, олийжаноб шахслар билан бирга булишга интиласан ва ана шундай кишиларни кумсайсан. Бу борада рус олими Н.И.Пирогов: «Менинг фикримча, барча мутафаккирлар тарбияни йургақдан бошлаш керак, деган хулосага келганлар», - деб аниқ ва тўғри таърифлаган. Инсонни тарбиялаш энг буюк ва шу билан бирга нихоятда мураккаб ишдир. Тарбиянинг катта-кичиги булмаганикек, тарбия масаласида майда-чуйда нарса ҳам йуд. Фарзанднинг энг тарбиясизи - ота-онасининг сўзига кирмагани. Оила дуришда йигит тарбияли дизни топиш ниятида булади ва аксинча, диз ҳам тарбия курган йигитни излайди. Бу яхши, албатта.

Шундай қилиб, шахс тушунчаси ва унинг тарбия субъекти эканлиги, тарбия жараёни, унинг мазмуни ҳамда мақсади билан узвий боғлиддир.

2. Иқтисодий тарбия қонуниятлари

Иқтисодиёт назарияси фани иқтисодий муносабатларда амал қиладиган иқтисодий қонунларни ҳам урганади.

Иқтисодий қонунлар иқтисодий ҳаётнинг турли томонлари, иқтисодий ходиса ва жараёнлар уртасидаги доимий, такрорланиб турадиган, барқарор сабаб-одибат алодаларини, уларнинг узаро боғлидлигини ифодалайди.

Иқтисодий қонунлар объектив хусусиятга эга булиб, уларнинг келиб чидиши, амал қилиши, ривожланиши ва бархам топиши алоҳида кишиларнинг онгига, уларнинг хохиш-иродасига боғлид эмас.

«Иқтисодиёт назарияси» фани иқтисодий қонунларни қўйидаги гуруҳларга туркумлайди:

1. Умумий иқтисодий қонунлар - кишилиқ жамияти ривожланишининг барча босдиқларида амал қилади. Масалан, вақтни тежаш қонуни, эҳтиёжларнинг тез усиб бориш қонуни, такрор ишлаб чидариш қонуни, ишлаб чидариш муносабатларининг ишлаб чидарувчи кучлар хусусияти ва ривожланиш даражаси мос келиши қонуни ва бошқалар.

2. Хусусий ёки даврий иктисодий қонунлар - инсоният жамияти тараққиётининг маълум босдиҷларида амал қилади. Масалан, талаб қонуни, тақлиф қонуни ва диймат қонуни.

3. Махсус, узиға хос иктисодий қонунлар - алоҳида олинган иктисодий тизим шароитида амал қилади. Масалан, қўшимча диймат қонуни.

Иктисодий қонунлар билан бир қаторда иктисодиёт назарияси фани иктисодий жараёнларининг алоҳида томонларини тавсифлайдиган иктисодий категорияларни (илмий тушунчаларни) ҳам таърифлаб, уларнинг мазмунини очиб беради.

Иктисодий категориялар - доимо такрорланиб турадиган, иктисодий жараёнлар ва реал ходисаларнинг айрим томонларини ифода этувчи илмий-назарий тушунчадир.

Иктисодий категориялар (илмий тушунчалар) кишилар томонидан уйлаб топилмаган балки, реал иктисодий ходисаларни ифода этадиган илмий тушунча булиб, илмий фикрлаш махсулидир. Масалан, бозор, капитал, ишчи кучи, иктисодий мувозанат, молия, кредит ва бошқалар шулар жумласидандир. Иктисодий қонунлар билан иктисодий категорияларнинг фарқи шундаки, биринчиси иктисодиётнинг турли бугинлари, соҳалари, булаклари орасидаги боғлиқликни, уларнинг бири узгарса, албатта иккинчиси ҳам узгариши мумкинлигини курсатади. Иктисодий категория - илмий тушунчалар эса, иктисодий ходисаларнинг бир томонини, унинг мазмунини ифода этади. Масалан, нарх, талаб деган тушунчалар орқали биз энг аввало бу тушунчаларнинг иктисодий мазмунини тушуниб оламиз. Талаб қонуни орқали эса, талаб ҳажми билан нарх уртасидаги алоқадорликни билиб оламиз.

Умуман олганда, иктисодий қонунлар ва категориялар бир-бирлари билан боғлиқ булиб, улар бир-бирини тулдиради. Улар биргаликда иктисодий тараққиёт жараёнларини акс эттиради

3. Иктисодий тарбия тамойиллари ва методлари

Тарбия жараёни куп омилли жараёндир, чунки бу жараёнга оламдаги



хамма нарсалар, ходисалар, одамлар, табиат таъсир курсатади. Лекин ташки таъсир курсатувчиларининг ичида энг катта таъсир этувчилари бу - ота-оналар ва педагоглардир. Тарбия жараёнининг энг асосий тамойиллари:

Тарбия жараёнининг асосий тамойиллари

Сўз ва иш
бирлиги

Тарбия
жараёнининг
узлуксизлиги
и

Тарбия
жараёнининг
г
иқ
ТОМОН
ЛИ

Тарбия жараёни маълум қонуниятлар асосида ва илмий асосда олиб борилсада, қўпчанча бу жараёнинг натижаси турлича бўлади, чунки бу жараёни куйидаги омиллар қийинлаштиради:

1. Тарбияланувчига бўлган таъсирнинг турлилиги (мактаб, оила, куча таъсирларини ва талабаларнинг орасидаги фарқи).
2. Шаклланиб бўлган қарашлар ва одатлар (ноўғри шаклланиб қолган дастурлар, тушунчалар).
3. Тарбияланувчининг ички муҳитини урганишдаги қийинчиликлар.
4. Тарбиявий ишлар методикасини янгилашмаслиги (Эски методлардан фойдаланиш).

Иқтисодий тарбияда шахс иқтисодий ҳулкини шакллантиришга қаратилган усуллардан фойдаланилади. Бунинг учун қуйидаги методлардан фойдаланиш мумкин:

1. Онғи шакллантирувчи методлар (суҳбат, маъруза, насихат), яъни талабаларда шу методдан фойдаланиб, иқтисодий билим, иқтисодий қарашларни қўқудга қелтириш.
2. Одатлантириш методи (тежамқорликка одатлантириш, ижодқорликка одатлантириш).
3. Жазолаш методи (исрофқарчиликни имқонияти қорича жазолаб

туриш).

4. Янгиликка бўлган интилишни рағбатлантириш ва бошқалар.

Иқтисодий тарбия ҳақидаги фикр ва мулохазаларимизни янада муфассалроқ этиб, давом эттиришимиз, қуйида асосий эътиборни иқтисодий тарбия назариясига даратамиз. Инсоннинг фаоллигини энг асосий сабаби - бу эҳтиёждир. Ана шу эҳтиёж инсоннинг атроф-муҳитга ва одамларга нисбатан бўлган муносабатини келтириб чидаради. Ана шу эҳтиёж тарбия жараёнида ҳам иштирок этади ва тарбияланувчига ривожлантирувчи куч сифатида таъсир қилади. Тарбия жараёнида ҳар бир талабанинг ички индивидуал эҳтиёжини урганиш айнидса муҳим. Ҳрзирги бозор иқтисодиёти шароитида буйруд бериб тарбиялаш эмас, балки дунёдарашни шакллантириш ордали хатти-ҳаракат ва фаолиятни узгартириш, инсоннинг ички дунёсини поклаш, бойитиш ордали олиб бориш лозим. Англаш -бу биринчи босдич булса, ана шу анланган программани фаолиятга айлантириш - бу иккинчи босдичдир. Учинчи босдичда эса ана шу хатти- ҳаракатни дайта такрорлаш ордали одатларни келтириб чидаришдир.

Назорат учун саволлар:

1. Шахс тушунчаси ва тарбия субъекти нима?
2. Тарбия жараёни ва унинг мазмуни, мақсади нималардан иборат?
3. Шахснинг шаклланишидаги омиллар нималардан иборат?
4. Тарбия жараёни нима учун куп омилли?
5. Тарбия жараёнининг энг асосий тамойилларини сўзлаб беринг.
6. Шахс уз-узини тарбиялашда қандай усуллардан фойдаланади?

8-МАВЗУ.БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ

Режа:

- 1.Бозор иқтисодиёти шароитида демократик турмуш тарзининг иқтисодий тарбия билан узвий боғлидлиги.
- 2.Иқтисодий муносабатларга талабаларни тайёрлаш - фаол ҳаётий позицияларни шакллантиришнинг зарурий шароити.

3. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий тарбияга таъсир этувчи омиллар

Таянч ибора ва тушунчалар: демократик турмуш тарзининг иқтисодий тарбия билан узвий боғликлиги, иқтисодий муносабатлар, фаол ҳаётининг позициялар.

1. **Бозор иқтисодиёти шароитида демократик турмуш тарзининг иқтисодий тарбия билан узвий боғликлиги**

Биз кўпроқ ақлий ва ахлоқий тарбияга эътибор берамиз-у, лекин иқтисодий тарбияга иккинчи даражали эътибор беришга одатланиб қолган эдик. Маълумки, ривожланган давлатларда иқтисодий тарбия масаласига эътибор кучли бўлган. Масалан, Германияда иқтисодий тарбияга катта эътибор бериб, тежамкорликка, ҳисоб-китобга кучли эътибор қаратилади. Аҳолининг иқтисодий тарбияси маълум даражада шаклланиб бўлган, бунинг натижасида қайта ишлаш, айланма ҳаракат (яъни, бир шиша тараси қамада 30 марта истеъмолчи ва ишлаб чиқариш қорхонаси орасида айланади). АҚШда 50 фоиз қозғалар макулатурадан олинади. Бунда ҳам ишчи қўйдан, ҳам табиий ресурсларни, ҳам маблағни тежаш имконияти вужудга келади. Демак, тежамкорликка урганишнинг ўзи ҳам катта даромад манбаи экан. Тежамкорликни тарбиялаш иқтисодий тарбияда бош масала ҳисобланади. Тежамкорликка урганиш учун ҳисоб-китобга ургатиш лозим. Тежамкорлик одат тусига қилиши ва турмуш тарзига айланиши зарур. Бундан ташқари талабалар иқтисодий организм бир бутун яхлит организм эканлигини ҳис этиш даражасига етиши керак. Юксак иқтисодий маданият буни тақозо этади. Агар бирор иқтисодчи фақат биргина кичик тармок учун, унинг равнақи учун ишлайман, деб фикр қўйса, демак унинг иқтисодий тарбияси керакли даражада шаклланиб бўлади. У ўз тармоғини маълум даражада ривожлантириши мумкин, аммо пировард натижа ижобий бўлиши қийин. Масалан, 1991 йилда Ўзбекистонда қўшма маҳсулотнинг саноатининг омборхоналарида 12 минг тонна захарли моддалар йиғилиб қолган, ишлатиш муддати ўтиб кетган, яроқсиз бўлиб қолган қимматий препаратларни энциликда зарарсизлантириш

чоралари курилиши лозим. Демак, факат битта тармок ривожу учун ишлаш эмас, балки яхлит иктисодни ривожланиши учун ишлаш керак. Биз кураётган чора-тадбирлар автоном хусусиятга эмас, балки бутун иктисодни ривожлантиришга каратилган булиши керак. Бунинг учун иктисодий тарбияни шакллантиришда биз яхлитлик хиссини хам шакллантиришга эътибор беришимиз лозим. Яхлитлик хиссини шакллантириш натижасида, биз инсонда пировард натижа учун ишлаш хусусиятини такомиллаштирамиз.

Иктисодий тарбияни шакллантиришда биринчи галда талабаларда энг содда малакалар хосил килишдан бошлаш керак. Иктисодий фикрлаш, иктисодий тушунчалар, иктисодий хис-туйгулар аввал оилада, сунгра богча-мактабда, кейинчалик олий укув даргохларида шаклланади. Бозор иктисодиёти шароитида яшар эканмиз, янгича иктисодий фикрлашга урганишимиз зарур. Иктисодий конунлар узининг янги талабларини хар бир инсон олдига куяди. Шунинг учун хам бугунги кунда иктисодий таълим ва иктисодий тарбияга алохида эътибор каратишга мажбурмиз. Айникса, иктисодий тарбия масаласи бозор муносабатлари даврида янада кучлирок булиши - бу давр талабидир. Бу масалага собик Совет даврида етарли эътибор берилмаган, иктисод фанининг асослари мактабларда урганилмас эди. Иктисод сохасида иш олиб борувчи кадрларгина иктисодий билим эгаллаш имкониятига эга бўлганлар холос. Аммо, энқиликда Ўзбекистон Республикаси узининг мустикал ривожланиш йўлини танлаб олгач, иктисодий тарбия масаласи энг мухим, долзарб масалалардан бири булиб колди. Чунки ривожланган давлатларнинг иктисодий ривожланиш даражасига етиш учун биз иктисодни ривожланишини таъминловчи шахслар - кадрларга эга булишимиз табиий булиб колди.

2. Иктисодий муносабатларга талабаларни тайёрлаш - фаол хаётий позицияларни шакллантиришнинг зарурий шароити

Иктисодни ривожлантирувчи асосий куч - бу инсон. Демак, бугунги кунда талабалар иктисодий билимларга эга булмоги, иктисодий тарбияга эга

бўлган, етук шахслар шакллантирилиши зарур. Иқтисодий билим уз ичига иқтисодий тушунчалар, иқтисодий қонуниятлар ва иқтисодий структураларни дамраб олса, иқтисодий тарбия ана шу иқтисодий ҳаётга бўлган муносабатларни шакллантиришга даратилган булади.

Хозирги инқироз шароитида талабаларни фаол ҳаётий позицияларни шакллантиришнинг зарурий шароитларидан бири бу иқтисодий билим ва малакаларга эга булишларини таъминлашдир. Агар собид Иттифод тизимида инсон юқоридан келган буйрудни бажариш, сўзсиз итоат этиш ордали меҳнат қилган бўлса, энқиликда ҳар бир инсон узи иқтисодни ривожланишда ижодкорлик билан иштирок этиши талаб қилинади. Меҳнат қилаётган ҳар бир инсон узи муаммони ҳал қилиши ва ечимини топиши, иқтисодий вазиятни ижодкорона, тадбиркорлик билан иқтисодий ривожланиш йўлига хизмат қилишини таъминлаши лозим. Бунинг учун инсонда тадбиркорлик, меҳнатга ижодий ёндашишни тарбиялаш зарур.

Бозор иқтисодиёти рақобат ҳолатини вужудга келтиради. Бундай вазиятда ҳар бир инсон радобатбардош маҳсулот ишлаб чидаришга мажбур. Демак, ҳар бир инсон уз устида доимо, тинмай ишлашни урганиши керак. У доимо ривожланишда, юксалиш сари интилмоғи даркор. Бунинг учун доимо унда янгиликка интилишдек хусусиятни тарбиялашимиз керак. Ҳар бир инсон, у моддий соҳада ёки маънавий соҳада ишлашидан қатъий назар, у узи ишида янгиланиш ҳосил қилиб бориши шарт, акс ҳолда у рақобатбардош бўла олмайди.

Умуман иқтисодий тарбиянинг мақсади иқтисодий маданиятни инсонда шакллантиришдан иборатдир. Бу мақадга эришиш учун тежамкорлик, тадбиркорлик, ҳисоб-китоб, янгиликларга интилиш, иқтисодий яхлитликни ҳис қилиш каби хусусиятларни вужудга келтириш ва ривожлантириш зарур. Аслида уз-узини тарбиялаш шахс шаклланишининг энг юқори даражаси ҳисобланади. Уз-узини тарбиялаш эҳтиёжи айнидса, усмирлик даврида кучаяди. Бу даврда таддослаш ҳолида иш юритилади. Уз-узини тарбиялаш усуллариға:

1. Масъулиятни хис этиш.
2. Узига хисобот бериш.
3. Уз хатти-харакатини тахлил қилиш.
4. Узини назорат қила билиш.
5. Узига баҳо бериш ва бошқалар киради.

Шундай қилиб, тарбия жараёни нихоятда мураккаб ва қийиндир. Педагогика жараёнида тарбия энг мухим жараён хисобланади.

3. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий тарбияга таъсир этувчи омиллар

Бозор иқтисодиёти шароити иқтисодий билим ва малакаларни шаклланишида амалий боғлиқликни талаб этадиган жараён бўлиб, бу ҳар бир машғулотларда иқтисодий воқеликни тахлил қилишни тақозо этади. Шу билан биргаликда бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий тарбияга меҳнатни моҳиятини тула англашилиши ҳам таъсир этади. Меҳнат фаолияти - моддий ва маънавий бойликларнинг манбаи бўлиб, меҳнат фаолияти жараёнида инсон табиатни гузаллаштирибгина қолмай, ўзи ҳам ўзгара боради. Меҳнат фаолияти шахснинг ахлокий фазилатларини шакллантиришга, унинг табиат ва жамиятга қарашлари тизимига жиддий таъсир қурсатади. Меҳнат инсонни ақлий қобилиятларининг ривожланишига таъсир қилади. Меҳнат тўғрисида инсоннинг маънавий муносабатлари шаклланади, у жисмоний жиҳатдан қамол топиб, ўз меҳнат қуникмаларини ривожлантириб боради.

Аммо, ҳар қандай меҳнат ҳам шахсни ҳар томонлама тарбиялаш ва қамол топтириш омили бўлавермайди. Эксплуатация ва зуравонликдан ҳоли бўлган меҳнатгина инсонга ижобий таъсир қурсатади. Меҳнат тарбиясининг асосий мақсади меҳнатга нисбатан тўғри муносабатни, яъни меҳрни шакллантиришдир. Меҳнатга меҳр билан, хоҳиш ва ижодий ёндаша олиш, малака ва қуникмаларни шакллантириши лозим. Инсонни меҳнат қилиб, ўз меҳнатидан баҳра олишга, лаззатланишга ургатиш зарур.

Мехнатда тарбиялаш тулаконли булиши учун, у бир катор шартларга жавоб бериши керак:

1. Бола мехнатга канчалик барвакт жалб килинса, унинг мехнат тарбияси шунчалик муваффакиятли утади.


2. Мехнат фаолияти ижодий ахамиятга ва чуқур маънавий асосга эга булиши шарт.

3. Чарчок ва хориш хиссини тугдирувчи мехнатгина кувонч хиссини багишлайди. На жисмоний, на аклий, на иродавий кучни талаб киладиган енгил мехнат ижобий тарбиявий самара курсатмайди.

4. Катталарнинг болалар мехнатини назорат килиши одоб доирасидан чикмаслиги, боладаги уз кучига ишончи куллаб-кувватлаши зарур. Агар бола мехнат топширигини бажаргандан сунг муваффакиятдан кувонса, килган иши билан фахрланса, у узини бахтли хис эта бошлайди.

5. Мехнат дам олиш билан алмаштирилиб турилиши керак. Мехнат турларининг навбат билан бажарилиши ҳам чарчокни босади.

6. Ҳар кандай мехнат топшириги фойдали ва имкон кадар яккол натижа билан тугалланиши лозим. Умуман мехнатда боланинг шахсий манфаатдорлигини ҳам рад этиш керак эмас.



Назорат учун саволлар

1. Бозор иқтисодиёти шароитида демократик турмуш тарзининг иқтисодий тарбия билан узвий боғликлиги нимада?
2. Иқтисодий муносабатларга талабаларни тайёрлаш - фаол ҳаётий позицияларни шакллантиришнинг зарурий шароитини изохланг.
3. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий тарбияга таъсир этувчи омиллар қайсилар?

9-МАВЗУ. МУЛКИЙ ТАРБИЯ –ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯНИНГ АСОСИ ЭКАНЛИГИ

Режа:

1. Мулкий тарбиянинг моҳияти ва аҳамияти.
2. Мулкий тарбия - иқтисодий тарбиянинг асоси сифатида.

Таянч ибора ва тушунчалар: Мулкий тарбиянинг аҳамияти, мазмуни, мулкчилик, давлат мулки, хусусий мулкчилик, шахс, комил инсон, биологик омил, ижтимоий омил.

1. Мулкий тарбиянинг моҳияти ва аҳамияти

Иқтисодий тарбия назариясида мулкий тарбия - инсоннинг идтисод билимларининг сир-синоатларини урганишда ва уни такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, кишилик ҷамияти тарихида мулк шакллари нихоятда турлитуман бўлиб, улардан энг купрод аҳамиятлиси бу давлат ҳамда хусусий мулкчилик ҳисобланади.

Мулк нима? Ҳар қандай ҷамиятнинг иқтисодий тизими мулкчиликдан бошланади. Ҳамиша инсонлар меҳнати яратган ва табиат инъом этган бойликлар мулк бўлиб келган. Мулк эгаси бўлиш ёки бўлмаслигига дараб, кишиларнинг ҷамиятдаги мавдеи, аниқроғи уларнинг социал мадоми юзага келади. Мулкий муносабатларга асосланмаган иқтисодиёт бўлиши асло мумкин эмас. Ишлаб чидариш ресурслари бирорта мулк бўлиб ҳаракатга келади. Яратилган маҳсулотлар ҳам муайян мулк доирасида узлаштирилади.

Мулкчиликни узлаштириш борасидаги муносабат булар экан, у эгалик этиш худўки, ундан фойдаланиш ва уни садлашнинг яхлитлигини ифода этади. Мана шу уч жихат мулкчиликнинг ажралмас бутунлигини англатади.

Мулкий муносабатлар турли тип, шакл ва турдаги мулкни уз ичига олади. Биз бу ерда фадат мулкнинг икки шакли хадида фикр юритамиз холос.

Хозирги даврда хусусий мулкчилик бозор иқтисодиёти муносабатларининг асоси булиб, улар айрим шахслар ёки индивидуал хусусий мулк тушунчасини ифодалайди. Жахон тажрибаси хам шуни таъкидлайдики, бозор иқтисодиётининг ривожланиши, маданийлашган - тараққий этган бозор иқтисодиёти мулкчиликнинг турли-туманлигига асосланади.

Давлат мулкчилиги нима? Жахонда бирор мамлакат топилмайдик, у ерда хужалик фаолияти билан фаол шугулланмаган давлатнинг узи йуд, албатта. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар ялпи миллий махсулотнинг учдан бир дисми (А^Ш ва Японияда), 50 фоиздан юқориси (Швецияда) солидлар ёрдамида марказлаштирилади ва давлат томонидан тадсимланади. Давлат мулкчилиги шаклининг асосида идтисодни шундай шакли мавжудки, дайсики тўғридан-тўғри марказлашган бошқариш объекти равишда талаб катта, давлат инвестицияларини амалга ошириш, бундай йуналиш самарадорлигини етарли даражада купайтириб, жамият манфаатлари учун хизмат қилади.

«Хусусий мулкчилик» тарихан давлат мулкчилигининг бошқа мулкларидан ажралиши заруриятидан пайдо бўлган. Шунинг учун хам барча нодавлат мулклари хусусийдир.

Хозирги даврда «давлат» мулки булмаган жуда катта турли шакллардаги мулклар фадат айрим фукаро мулки булиб долмай, балки кооперативлар, ассоциациялар, халқ корхоналари, шунга мос холда /арбнинг иқтисодий назарияси ва амалиётида хусусий мулк - бу давлат мулки булмаган хар қандай мулк тушунилади.

Мулкчиликни реализация қилишнинг иқтисодий шакли жуда катта амалий ахамиятга эга. Улар:

- а) фойда куринишидаги даромадлар, рента, иш хаки ва фоизлар;
- б) иктисодий манфаатлар тизими;
- в) халқ хужалигининг пировард натижалари (жамият аъзоларининг эҳтиёжларини кондирish, аҳоли турмуш фаровонлигининг усиши).

Шундай килиб, мулкый тарбия иктисодчиларни етук билимдон булиши, иктисоднинг тарбия назарияси ва амалиётини пухта, мукаммал урганишлари, мулк турларидан катъий назар, мулкка бўлган муносабатларни муносиб суръатда такомиллаштириб боришларини давр такозо этади. Мулкый тарбиянинг ахамияти ва унинг мохияти инсонни, айниқса булажак иктисодчиларни мулкка, мулкчиликка бўлган самимий муносабатларида яккол намоён булади. «Иктисодий тарбия назарияси» курсида мулкый тарбия унинг мохияти жихатдан «юраги» булиб хисобланади.

2. Мулкый тарбия - иктисодий тарбиянинг асоси сифатида

Жахон тажрибасидан маълумки, инсонларда мулкый тарбияни шакллантириш умуман ҳар бир шахс - фуқаро учун муҳим рол уйнайди. Ҳар бир оила учун иктисодий тарбияда мулкый тарбия асоси булиб қолмаслиги керак. Ёш авлодга ёшлигидан бошлаб, ҳатто кичик жажжи болаларимизга мулкый тарбиянинг алифболаридан бошлаб, то уй-рузгордаги буюмларга ҳам яхши муносабатда булишлари учун авваламбор, ота-оналар, оиладаги катталар эътиборли булишлари - тарбия асоси булиб хизмат қилишига. ҳеч қандай шакл-шубҳа йук.

«Урғони Қарим» жахон маданиятининг улкан ва бебаҳо бойлиги, барча мусулмонларнинг муқаддас қитоби, қишиларни тенгликка, биродарликка, тинч-тотув яшашга, эзгуликка қорлайди. Шунга қура, у қатта ахлоқий қийматга эга. Ахлоқий қиймати - бу инсоннинг маънавий қамолотга етишида қай қаражада муҳим уринга эга эканлиги шубҳасиздир. Шунингдек, «Урғони Қарим» да ширинсўзлик инсоннинг муомала маданиятига эга эканлигини қурсатади, обрусини орттиради, ҳурматга сазовор қилади. Шунга қура, ҳар бир инсон ширин сўз булиши, агар мулоқатдагилар узаро ширин сўзли бўлмаса, душманлик содир булиши таъқидланади. Жумладан, «Бақара» сураси, 53-оятда

«Кишиларга чиройли сўзлар сўзлангиз», сўзлаганда очик юзли булиш, куполлик килмаслик, хушмуомалали булиш одоблари хаётга тинчлик ва бахт-саодатга эришишда ёруғ йўл сифатида талкин этилади.

Хуллас, бу «Куръони Карим» дан келтирилган мулохазалар инсонни тарбиялашда, айникса, шахсни ҳар томонлама тарбияланишида, етук ва зукко булиб шакллантиришга чорлайди.

Шу уринда иктисодий тарбияга оид бўлган бир ривоятни келтириш мақсадга мувофиқ булур эди, деб хикояни Сизларга хавола этамиз.

Ривоят баёнига биноан, XVIII асрда Андижонда кучли зилзила содир булади. Бу табиий офатдан Андижон шаҳри ва унинг атрофлари анча зарар куради. Андижон ҳокими Фаргона вилояти шаҳарлари ҳокимларига, жумладан, Тошкент шаҳри ҳокимига чопар-элчиларини юборади.

Тошкентга ташриф буюрган Андижонлик элчилар, шаҳар ҳокими маслаҳати буйича, эски шаҳарда тухтаб, Кукалдош мадрасасида кимларга учрашлари ва уларга кимлар хайрихоҳ билдириши мумкин эканлигини айтишади. Масжидга келган элчиларга Тошкентда машҳур бўлган учта бойларга учрашишларини тавсия қилади. Андижонлик элчилар дастлаб Кукча даҳасидаги Косимбой отага учрашақилар. Бой уларни яхши кутиб олади ва бўлган воқеадан хабардорлиги учун, зилзиладан зарар курган андижонликларга 400 сум пул ҳадя этади. (Уша давр пулининг дийматига кура 200 та қўй сотиб олиш мумкин бўлган). Сунгра улар - андижонликлар Самарданд дарвозаси даҳасидаги Олимбой отага учрайқилар. Ушбу бой андижонликларга 600 сум хайрия совга қилиб, уларга айтади: «Энди сизлар Беш-Ёғочдаги Салим бойваччага боринглар, у «жанас», яъни дизганчид бой деб таърифланади».

Андижонлик меҳмонлар кечки одшом пайти Беш-Ёғочга келиб, бойнинг дарвозасини тадқиқлаштишади. Бойнинг ховлиси уша даврда худди ҳозирги Беш-Ёғоч бозори урнида бўлган. Элчилар дарвоза «ёругидан» дараб турсалар, бойнинг узи бир дона гугурт чупи билан 8 дона чиродларни ёдиб бераётганининг гувоҳи булақилар. Шунда Андижонлик элчидан бири, бой чиддунга дадар юқорида Самарданд дарвозасидаги бойнинг гапини эсга олиб,

хақиқатан ҳам Беш-Ёғоч бойи дизганчид эканини исботлаб турган пайтда, бой дарвозасини очиб, меҳмонлар билан очид чехрада саломлашади ва уларга «Келинлар меҳмонлар», деб уйига-меҳмонхонасига таклиф қилади.

Меҳмондорчиликдан сунг бой уларга «Хуш, хизмат угилларим», - деб самимий мурожаат қилади. Шунда андижонликлар: «Бой ота, Сизга маълумки, бизга Оллохнинг инояти булсинким, зилзиладан курган талофатимизга баҳоли дудрат мурувват этсангиз», - деб жавоб қилақилар. Бой гапни эшитиб булибод, энг кенжа угли Зокирга: «Боринг углим, халиги дутидаги боғлам пулни олиб келинг», - деб буюради. Угли пулни олиб келиб бойга беради, бой уни меҳмонларнинг каттасига тухфа қилиб: «Иншооллох, яхшиликларингга буюрсин», - деб фатво ўқийди. Сунгра, бой уларга: «Мархамат, энди дам олинлар, эртага нонуштада учрашамиз», деб, меҳмонларни тарк этди. Кечаси улар пулни санаб куришса, 800 сум экан. Меҳмонлар нихоятда хурсанд эқилар. Шунда андижонлик меҳмонлардан бири таажжублар булсинки, бойни «дизганчид» деганлари нима булди-ю, бу нечун, деб мулохаза юритқилар. Хуллас, эртаси нонушта тугаб, улар бой билан хайрлашишга отланқилар. Шунда дарвоза ёнида бойга дараб меҳмонлардан бири бойга мурожаат этади: «Бой ота, агар малол келмаса, Сиздан бир нарсa сурамодчи эдик», - дейди. Бой шунда «Мархамат угилларим», деб таъзим бажо жавоб қилади. Меҳмонлардан бири «Бой ота кечдурун бизлар дарвозангизни тадқиллатганимизда Сиз келинларингиз ва болаларингизга бир чуп гугурт донаси билан 8 та чиродни ёдиб бердингиз», десалар, бой: «Йуд. Мен туддизта чиродни ёдиб бердим», - деб жавоб беради ва уларга: «Мен Сизларнинг саволларингизга тушундим. Нима учун бой була туриб гугуртни тежадингиз?, демодчисизларда», деди ва бой гапида давом этиб, «Угилларим, Сизларга шуни айтмодчиманки, эсларингизда булсинким, «Хадиси Шариф» да шундай ривоят бор, у ҳам булса, «Нимани хор қилсанг, ушанга зор буласан», - деб таъкидлаган. Ана шу «Хадиси Шариф» га мен ва менинг оилам амал қилишларини Оллохдан хар доим сурайман», - деб, сўзини тугатиб, меҳмонлар билан самимий хайрлашади.

Мухтарам ўқувчилар! Юқорида келтирилган бу ривоятдан хулоса шуки,

мулкий тарбия бойнинг оиласида, уйида хукмрон, энг мухими бойнинг узи оила аъзоларига намуна бўлгани эди. Юкорида биз айтганимиздек, «кдзганчик» бой кдзганчик эмас, балки унинг мулкка бўлган тежамли муносабати эди. Ота-боболаримиздан колган бой меросга амал килиб, тарбия курган бой, пири бадавлат бўлгани маълум эди.

Такрорлаш учун саволлар

1. Мулкий тарбиянинг мохияти нималардан иборат?
2. Нима учун мулкий тарбия иктисодий тарбиянинг асоси хисобланади?
3. Мулкчилик нима? Унинг турлари хакида кискача тушунча беринг.
4. Куръони Карим ва Хадиси шарифларда мулк хакидаги ривоятларни биласизми?
5. Иктисодий билимдонлик - иктисодий тарбиянинг асоси эканлиги.
6. Иктисодий юксалиш тарихи ва унинг шахсни шаклланишига таъсири.

10-МАВЗУ. ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН ВА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИДА ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ

Режа

1. Миллий кадрлар тайёрлаш дастури.
2. Миллий кадрлар тайёрлаш дастурини амалга оширишда шахс, оила, жамият ва давлатнинг урни ва роли.

Таянч ибора ва тушунчалар: Миллий кадрлар тайёрлаш дастури, дастурни амалга оширишда шахс, оила, жамият, давлатнинг урни ва роли, уқитувчи, билим, меҳнат, ахборот таъминоти, таълим-тарбия йуналиши, социал йуналиш, аккредитация, илмий тадқиқот, таълимни бошқариш, узлуксиз таълим, таълимнинг узвийлиги.

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури.

XX асрнинг охирида саноати ва интеллектуал салоҳияти ривожланган мамлакатлар уртасидаги иктисодий мусобака фан, техника ва технология соҳасига кучли, чунки ракобатбардош кадрлар тайёрламасдан туриб, ракобатбардош иктисод бўлиши мумкин эмас. Бу режа бўйича Ўзбекистон Республикасида Миллий дастур базасида ракобатбардош кадрлар билан таъминлаш мамлакатимиз ва хорижий давлатлар фани, техника, технология ва иктисод ривожини ҳисобга олган ҳолда юқори даражага эришиш назарда тутилган. Янги авлод ракобатбардош гармоник ривожланган кадрлар қобилият эгаси бўлиб, келажакда юқори маданий тафаккур ва мустакил равишда илмий-техника ва ижтимоий-сиёсий ахборотлар йуналтирилган вазифаларни ҳал қилишлари зарур. Ана шундай кадрларни тайёрлаш учун Миллий дастур янги модел компонентларини қуйидагича назарда тутди:

1. шахс - кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти бўлиб, таълим хизматларининг ишлаб чиқарувчиси ва истеъмолчисидир;
2. узлуксиз таълим - бу малакали кадрлар тайёрлаш тизимида укув-илмий ишлаб чиқариш ва тарбия базасидир;
3. давлат ва жамият - юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг бош қанолати эканлиги;
4. фан - бу юқори малакали кадрлар ишлаб чиқувчиси ва истеъмолчиси эканлиги;
5. иктисодиёт - бу кадрлар буюртмасининг асоси бўлиб, уларни сифатли тайёрлигини баҳолайди, кадрлар тайёрлаш тизимини моддий-техник таъминоти ва эквивалентли молиялашни амалга оширади.

Ушбу моделнинг асосий учта йуналиши мавжуд:

Биринчи йуналиш - шахс узлуксиз таълим тизимида узининг фуқаролик мажбуриятини билим бериш ва ишлатиш бўйича максимал даражада амалга оширади.

Иккинчи йуналиш - давлат ва жамият шахсининг фуқаролик бурчини самарали амалга ошириш ва иктисодни малакали кадрлар билан таъминлаш

буйича миллий вазифаларни хал этади.

Учинчи йуналиш - бу иктисодни ташкил килиб, давлат бюджети ёки контракт буйича зарур бўлган кадрлар тайёрлаш учун молиялаштириш ва моддий-техника базасини таъминлайди.

Миллий дастур социал-иктисодий, ҳукукий, ташкилий, психологик-педагогик ва бошқа шароитларни яратиш, кадрлар тайёрлаш тизими буйича курсатилган йуналишлар уртасидаги якин ҳамкорликни таъмин этишни назарда тутди.

Укиётган шахснинг социал ва профессионал режада алоҳида эътибор талаб қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлис IX-сессиясида таъкидлаганларидек: «Бизлар уқитувчилар ва тарбиячиларнинг ҳаётий талабларини таъминлаб, уларни меҳнатини рағбатлантириб, уларни касбий мавқеини кутарамиз». Бу масалаларни хал этиш учун дастурнинг «Ижтимоий ҳимоя», «Илмий ва педагогик кадрлар», «Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш», «[^]ишлок мактабларини ривожлантириш» га қаратилган. Миллий дастурда айниқса, иккинчи йуналишга - малакали кадрлар тайёрлаш тизими ва узлуксиз таълимни такомиллаштириш қафолатига, рақобатбардош хизматлар курсатишга қобилиятли таъсир қилиш ва рақобатбардош маҳсулотлар яратишга алоҳида урин ажратилган.

Давлат ва жамият қафолати асосан қуйидагиларда уз аксини топган:

Биринчидан, фуқароларнинг таълим олиш ҳуқуқини, профессионал касби ва малакасини оширишни амалга ошириш;

Иккинчидан, сифатсиз таълимдан ҳимоя қилиш;

Учинчидан, давлат таълим муассасаларининг молиялаштириш;

Туртинчидан, уқиш, яшаш ва дам олиш шароитларини таъминлашда уз-узини бошқариш вазифаларини хал қилиш;

Бешинчидан, педагогик кадрлар ва уқитувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш;

Олтинчидан, соғлиғи ночор шахсларни профессионал таълим олишини таъминлаш;

Еттинчидан, укувчилар, ота-оналар ва педагоглар консултацияси ва тиббий-социал ёрдам ҳамда психологик педагогик марказлар шахобчаларини яратиш.

Хар икки йуналиш уртасидаги (шахс-давлат-жамият) - иктисод хисобланади. Бир томондан иктисодиёт соҳасига кадрлар тайёрлаш тизими учун базис хисобланса, иккинчи томондан - кадрларга бўлган эҳтиёж, айниқса малакали кадрларга бўлган талабни ифодалайди. Кадрлар тайёрлаш тизимининг куп йуналишдалиги - «Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастурини умумий конун этади».

Унинг натижалари шахснинг фукаролик етуклиги, жамият ва давлатнинг кафолат даражаси, бозор иктисодининг тараккиёт даражасига богликдир.

Миллий дастурнинг максад ва вазифаси, унинг асосланганлиги, мохияти ва хал этиш йўли мустахкам илмий фундаментга асосланган.

Биринчидан, миллий дастур негизида тизимли ёндашув мавжудлиги. Ракобатбардош кадрлар тайёрлаш муаммоси ва унинг хал килиниши барча омилларнинг узаро богликлик йигиндиси ҳамда кадрлар тайёрлаш тизимининг ялпи самарали ишларига таъсири курсатади.

Дастурга тизимли ёндашиш натижалари куйидаги йуналишларни камраб олади:

1. Таълим-тарбия йуналиши буйича:

- 1 ракобатбардош ва сифатли кадрлар тайёрлаш;
- 2 маънавият ва маърифат;
- 3 профессионал таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви;
- 4 иктидорли болалар ва талантли ёшлар;
- 5 илмий ва педагогик кадрлар;
- 6 кадрларни кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- 7 кишлоқ мактабларини ривожлантириш.

2. Ахборот-информацион йуналишлар:

- 1 таълим ва информацион технологиянинг ахбороти;
- 2 укув жараёнини ахборотлар билан таъмин этилиши ва XX1 асрда

кутубхоналар;

3 кадрлар тайёрлаш прогнозининг мониторинг тизими ва профессионал олий таълим ҳолатини баҳолаш.

3. Социал йуналишлар буйича:

1 болалар ва ўқувчи ёшлар миллий дастурнинг соғломлаштиришни ҳимоя қилиш;

2 махсус таълим (ўқиш ва тарбияга муҳтож болалар);

3 социал ҳимоялашнинг биринчи босдида (1997-2001 й.й.) кадрлар тайёрлаш тизимидаги салоҳиятини садлаш билан боғлид бўлган, уларнинг худўқий, норматив, илмий-методик ва моддий-молиявий юксалишлари учун шароитлар яратиш.

Миллий дастурнинг иккинчи босдида (2001-2005 й.й.) дастур буйича мулжалланган барча белгиланган вазифаларни тула амалга оширилиши назарда тутилган.

Миллий дастурнинг учинчи босдида XXI асрда радобатбардош кадрлар тайёрлаш тизимининг яққил ривожланиши янада такомиллаштирилиши мулжалланган.

2. Миллий кадрлар тайёрлаш дастурини амалга оширишда

шахс, оила, жамият ва давлатнинг урни ва роли

Узлуксиз таълим тизимида - кадрлар тайёрлаш тизимининг узлуксиз таълим фундаменти асосида шахс узининг ҳаёт йўлида танлаган, профессионал добилиятини такомиллаштириш ва имкониятларини амалга ошириш ҳисобланади. Буларни ҳисобга олган ҳолда миллий дастур узлуксиз таълим тизимининг мазмуни ва таркибини ислох қилиш мулжалланган. Бу шахс, жамият ва давлатнинг ривожланаётган бозор муносабатлари талабига жавоб бериши зарур.

Узлуксиз таълим тизимининг ислох этиши узига қўйидагиларни душади:

1. Аккредитация ва лицензия этилган турли таълим муассасаларнинг ташкилий-худўқий шакллари, типлари ва қурилишлари.

2. Илмий таддидот ва амалиёт функцияларини бажарувчи ҳамда таълим

тизимини ривожлантираётган муассасалар, ташкилотлар ва корхоналар.

3. Таълимни бошқариш ташкилот тизимларининг барча даражадаги, шунингдек улар дарамогидagi ташкилотлар, муассасалар ва корхоналар.

4. Таълим тизимини ривожлантираётган ва унинг амалий функциясига кумаклашаётган ижтимоий ва илмий ташкилотлар, бирлашмалар.

Узлуксиз таълим тизимининг функциясини бажараётган тамойиллари:

1. Таълимнинг обриси - унинг биринчи навбатда ривожланиш характери, таълимга, билимга ва интеллектуалга жамиятнинг янги муносабати.

2. Таълимнинг демократлашуви - ўқиш ва тарбия методларини танлашда ўқув юртларини автоматлашуви, таълимни бошқариш давлат-ижтимоий тизимига ўтиши, унда шахс, жамият, ва давлат тенг ҳудудли субъекти булади.

3. Таълимнинг инсонпарвар булиши - инсонни энг олий социал дадрини исботланиши, унинг добилиятини очилиши ва таълимнинг турли эҳтиёжларини дондирилиши, умуминсоний дадрийатларни обрули булишини таъминлаш, атроф-муҳитга инсон муносабати.

4. Таълимнинг инсонпарвар булиши - ўқувчиларда дунёнинг яхлитлигини, юқори маънавиятни, маданий ва умумбашарий тафаккурни шакллантириш.

5. Таълимнинг миллий йуналиши ва унинг миллий тарихи билан, халкни анъаналари ва урф-одатлари, Ўзбекистон халқларининг маданий бойлиги ва сакланишини узида мужассамлаштирган, таълимнинг энг муҳим инструменти бўлган миллий юксалишга ва бошқа миллатлар тарихи ва маданиятига ҳурмат билан муносабатда булиш ва тан олиш.

6. Таълим ва тарбиянинг узвийлиги, бу жараёнга ҳар томонлама ривожланган шахснинг яққил шаклланишига итоат килиши.

7. Таълимнинг куп кирралиги - унинг барча босқичларини давомийлиги, таълимнинг кенг танлов шакллари имкониятини яратиш, укув-тарбия юртлари, таълим ва урганиш усуллари, шахснинг қобилиятлари ва талабларига мос келиши, укув-тарбия жараёнини дифференциация ҳамда индивидуаллашини таъминлаш.

8. Оммавий таълимни хар бир босқичида иктидорли, талантли ёшларни топиш, фундаментал ва махсус билимларни энг юкори даражада маълумотли булиши учун шароитлар яратиш, шунингдек юкори ривожланган илгор укув юртлари ва хорижий мамлакатларда билим олишини таъминлаш.

9. Узлуксиз таълимни - умумтаълим ва профессионал тайёрлашни доимий равишда чукурлаштириш ва янгилаш, таълим ва тарбияда давомийликка эришиш, амалдаги кадрларни янги технология асосида профессионаллигини ошириш.

Узлуксиз таълим тизимининг янги модели куйидаги таркибларга эга:

Умумий таълимга:

Мактабгача маълумот олиш;

Бошлангич таълим(БЎ синфлар);

Умум урта маълумот олиш(1-1X синфлар);

Уч йиллик махсус ва профессионал таълим.

Умумий таълим тизимида укитиш 6-7 ёшдан бошланади. Умумий таълим мажбурий хисобланади. Олий профессионал таълим коидага биноан 17 ёшдан бошланади ва давлат таълим стандарти доирасида 4 йилдан кам булмайди. Олий профессионал таълим бакалавриат ва магистратурага булинади. Олий таълимдан сунг жамият эхтиёжларини кондириш максидида илмий ва илмий-педагогик кадрлар шахсларнинг кизикишларини кондиришга каратилган ишга йўлланма олақилар. Олий таълимдан сунг олий укув юртлари ва илмий муассасалага (аспирантура, илмий изланувчи, докторантура ва бошкаларга) йўллаш амалга оширилади.

Назорат учун саволлар

1. Миллий кадрлар тайёрлаш дастурининг мохияти нималардан иборат?
2. Миллий кадрлар тайёрлаш дастурини амалга оширишда шахс, оила, жамият ва давлатнинг урни ва роли.
3. Миллий даструни амалга оширишда давлат ва жамият кафолати нималардан иборат?
4. Таълим-тарбия йуналиши буйича қандай вазифалар амалга

оширилиши назарда тутилган?

5. Ахборот-информацион йуналишда амалга ошириладиган вазифалар нималардан иборат?
6. Социал йуналишлар буйича амалга ошириладиган вазифаларни шархлаб беринг.
7. Узлуксиз таълим тизимини ислох қилишда нималар назарда тутилган?

11- МАВЗУ. ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ МЕЗОНЛАРИ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

Режа

1. Иқтисодий билимдонлик даражаси ва унинг курсаткичлари.
2. Гуруҳ ва алохида талабанинг иқтисодий билимдонлик даражасини белгилашнинг методик асослари.
3. Иқтисодий олийгохлардаги талабаларнинг билимдонлик даражасини белгилаш жараёнига рахбарлик қилиш.

Таянч ибора тушунчалар: Иқтисодий билимдонлик даражаси, курсаткичлари, мезонлари, услублари, гуруҳ ва алохида талабанинг иқтисодий билимдонлик даражасини аниқлашнинг методик асослари, иқтисодий олийгохдаги талабаларга рахбарлик қилиш, дидактика воситаларининг мураккаблиги, муаммоли ўқитиш, ўқитиш мақсадини белгилаш.

1. Иқтисодий билимдонлик даражаси ва унинг курсаткичлари

Талабанинг иқтисодий билимдонлик даражаси урганиш муваффақиятига боғлид. Маълумки, урганиш муваффақияти урганиш мақсадининг тўғри белгиланиши ва урганиш мазмунига боғлидлиги, шунингдек мақадларга эришиш методларига, яъни урганиш методларига ҳам боғлиддир. Педагогик мақадларни урганишни амалга оширишни таъминлаш, ўқитувчилар билан

талабалар уртасидаги узаро ҳаракатларни мақадга йуналтирилган тизими урганиш методини тадозо этади. Мухим муносабатлар билан мақадларни урганиш - педагогик таъсир воситаси ва унинг натижалари - педагогик назариясининг муҳим вазифаларидан биридир.

А.Авлоний буни таъкидлаб, куйидаги умум тан олинган ҳолатларни курсатган:

- 1 конкрет шароитларга боғлиқ бўлган ҳолда ҳар бир педагогик восита фойдали ёки зарарли, суғ ёки ҳаракатчан бўлиши мумкин;
- 2 педагогик мақсадларни амалга оширишда педагогик тизим воситалари хизмат қилади ва у бир марта ҳамда ҳар доим бўлмай; у ўзгаради ва ривожланади;
- 3 барча педагогик иш қуйилган мақсадга эришиш учун фаол, ҳаракатчан ва ҳал этишга интилади;
- 4 агарда хусусий мақсад бош масала билан қелиша олмаса, иккинчи даражалисидан воз кечиб, асосан ва ҳал қилувчи томонга интилиш.

Қўлаб техника олий ўқув юртлири ўқитувчилари таълим методлари, аҳамиятига етарли эътибор бермайқилар, уларга талабалар учун предметлар соҳаси бўйича, «фанлар тула етарли булар эмиш». Ҳаёт шуни такозо этадики, техника олий ўқув юртлири ўқитувчилари ҳозирги замон таълим методларини яхши билишлари ва унинг хусусияти ҳамда шартларини самарали қўллашлари зарур. Қанчалик ўқитувчи ўзининг илмий предметларини моҳиятини яхши билса, талабалар ҳам яхши билади, ўқитувчи қанчалик таълим ва тарбия жараёнининг умумий қонуниятларини чуқур билса, шундагина энг зарур бўлган методларини танлаб, унинг ёрдамида юқори самарали педагогик фаолият курсата олади.

Ўқитиш методи қатта педагогик аҳамиятига эга: у фақат талабанинг билим ҳажмининг қенгайтиришга қўмақлашибгина қолмай, талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиради.

Ўқитиш методини танлашнинг асосий мезони - бу унинг педагогик самарадорлиги, яъни ўзлаштирган билим сифати ва миқдори, ўқитувчи

талабага сарфлаган меҳнати ҳисобга олган ҳолда баҳолаш мумкин.

Қоидага қура танлов қуйидагича:

- 1 укув-тарбия жараёнининг мақсади, урганаётган у ёки бу предметнинг бошқа предметлар тизимидаги урнини амалга оширади; уқитиш методининг қулланиши - укув машғулотларининг мақсади бўлади;
- 3 предметнинг характериға қараб тайёрлаш ва ихтисослашув юз беради;
- 4 предметларнинг ихтисослашуви ва бошқалар;
- 5 укув материалларини характериға ҳам боглик бўлади. (Масалан: ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, конструкторлик ва бошқалар);
- 6 ишнинг ташкилий формалари (маъруза, амалий машғулот ёки семинарлар, лаборатория ишлари ва бошқалар);
- 7 урганишда фойдаланадиган укув қуролларининг ва дидактик воситаларнинг мураккаблиги ва компактлиги, характери, қуринишлари;
- 8 урганиш жараёнидаги конкрет шароитлар талабанинг факат индивидуал қобилиятларигина бўлиб қолмай, балки талабаларнинг физиологик ва психологик имқониятлари (масалан, машғулот жадвали, машғулот утқазишдаги шароитлар ва бошқалар).

Урганиш методини танлаш уқитувчини узи мутахассис сифатида, олим ва педагог тарзида уқитувчининг қобилиятиға ҳам боглик бўлади. Шуниси маълумки, уқитувчи учун универсал ва ҳар доим, ҳар вақт фойдаланиши мумкин бўлган методнинг узи йуқ.

Шунинг учун ҳам уқитувчи узи мустақил ургатиш методини танлайди ва қайси соҳада аниқ қуллашини белгилайди. Уқитувчи қанчалик узини предметини яхши билса, уқитиш жараёнининг педагогик-психологик қонуниятларини эғаллаган бўлса, ана шундагина уқитувчи энг самарали урганиш методини танлайди ва педагогик маҳоратини қурсатади.

2. Гуруҳ ва алоҳида талабанинг иқтисодий билимдонлик даражасини белгилашнинг методик асослари

Қуп йиллар давомида анъанавий уқитиш укувчиларни ахборотлар қабул қилиши икки даражада тузилган:

1. Билиш ва уни кайта айтиш яъни талабалар «нима?» ва «кандай?», деган саволларга жавоб беришга интиланлар, кисман у учинчи даражали тушунча булади.

2. «Нима учун?» деб куйилган саволни англаш-тушунишга утади. Аммо, худди ана шу учинчи даражада мантикий тушунча асоси юз беради, - деб таъкидлаган В.Г.Энштейн.

Маълумки, мухандисга унинг фаолиятида биринчи икки даража зарур бўлган. Лекин, бу факат утгандаги тажрибани кайтаришни билган холос, аммо ижодийлик учун албатта бу етарли эмас. Мухандис биринчи икки даражадан фойдаланиб, у ижодий ишлаган.

Худди ана шу билан укитиш йуналиши белгиланиши мумкин.

Худди ана шу шароитга муаммоли укитиш жавоб бериб, мураккаб вазифаларни ечишда укувчиларнинг онги ривожланади, урганиши фаоллашади, мустакиллиги ва ижодий тафаккури усади.

Ижодий фаолиятнинг умумий характеристикасининг асосий турлари инсоннинг ижодий жараёнида шундай сифатлар фойда буладика, кайсики у оригинал фикрлаш, муаммоларни кура билиш, янги шароитларда тезрок мулжал олиш, топиш қобилияти, интуиция ва шунингдек, махсулдорлигини курсатади. Муаммоли укитиш, муаммоли вазифалар, шунингдек укувчиларни урганишни машгулотдан фарқи шундаки, бунда масалани хал этиш учун янги усул излаш булмай, маълум бўлган урганиш методларини мустахкамлашдир. Шунинг учун муаммоли укитишни хал қилиш бу стандарт булмаган вазифаларга айтилиб, бунда талабалар янги билим, қуникма ва билишни узлаштириб олақилар. Бундай ҳолатда укутувчи билимни талабаларга «тайёр ҳолда» бермай, балки талабалар олдида муаммоли вазифаларини узлари уйлаб, излаб хал этишини қуяди. Бу уринда талабалар янги билимни олиш булмай, балки муаммони хал этишдир.

Шундай қилиб, муаммоли укитишнинг асосий тушунчаси - муаммоли вазият яратиш, яъни инсон учун масалан хал этишга унинг билим даражаси етарли булмайди.

Бу уринда билиш билан билмаслик уртасида карама-каршилиқ пайдо булади. Муаммоли вазият турли асосларга булинади: илмий билим соҳаси ёки предметлар (математика, физика ва бошқалар) соҳалар бўйича. Бундан мақсад яхшилиқ излаш муаммоси.

Ўқув муаммоли вазияти қўйидагича характерланади:

- 1 ўқитувчилар билан биргаликда ўқувчилар аниқлаган зиддиятлар типи;
- 2 муаммоларни маълум бўлган усуллар ордали ҳал этиш;
- 3 янги маълумотлар тадчиллиги ёки назарий моқўллар.

Муаммоли ўқитишнинг қўллаётган ўқитувчи фадат муаммоли вазиятнинг умумий таркибини билагина келмай, балки унинг типологияси, ўқитиш стратегиясини билиши ва зиддиятларини ҳал этиш усулларини ҳам эгаллаши керак.

Ўқитувчилардан ўқув материалларини қўллашда катта методик ишларни талаб қилади. Муаммоли ўқитиш янги вазифаларни ҳал этиш методлари, унинг йўллари, таҳлил этишнинг оригинал усулларини асослаш учун асос ва далилларнинг турли воситаларидан фойдаланиш зарур булади.

Муаммоли ўқитишга ўтиш учун қўйидаги амалий масалаларни ҳал этиш зарур:

1. Тарбияланаётган ва ривожланаётган мақадлар предметларини аниқ белгилаш ва унинг булим ва мавзуларни асослаш.
2. Урганилаётган илмий назария таркибини ва муаммоли мантидий таҳлил утказиш.
3. Урганалаётган масалалар ва вазифалар мажмуасини педагогик позиция билан муаммоларни аниқлаштириш керак.
4. Тупланган муаммоларни дайта куриб чидиб, уларни тизимлаш.

Муаммоли ўқитишга ўтишнинг объектив қийинчиликлар билан боғлидлиги. Бу муаммоли вазият «банки» ни тузиш ва ўқув материалларини саралаш, машгулотга тайёрланиш учун купрод вақт сарфланиши зарур. Шу билан бирга ҳар қандай материал ҳам муаммоли вазият яратиш учун асос бўла олмайди.

Ўқув материалларнинг муаммоли булмаган элементига радамлар билан аниқ информация ва миддор маълумотлари, фактлар, вақтлар, нормалари ва бошқалар тааллудли булади.

3. Иктисодий олийгохлардаги талабаларнинг билимдонлик даражасини белгилаш жараёнига рахбарлик қилиш Дастурий уқитиш

Дастурий ўқитиш предмети XX асрнинг эллигинчи йилларидан бошлаб, интенсив-жадал психологик илмий-таддидот ишига айланди. Дастурий ўқитиш учун ўқув материалларини унча катта булмаган дисмларга булиниши, маълум ҳаракатларни тартибли бажарилиши, ҳар бир дисмни бажарилиши буйича назорати, талабаларни жавобларни тўғрилиқ даражаси ҳадида маълумот-ахборотга эга булишини ифодалайди.

Бошқача қилиб айтганда, ўқитувчи билан талабалар уртасида дастурли ўқитишда «ўқитилаётган дурилма» жойлаштирилган булиб, дайсики унда билимни узлаштиришнинг бошқариш функцияси берилади. Ўқитувчи шахсининг талаба шахсини ривожлантиришга таъсири фадат бевосита булади. Анъанавий ўқитиш билан дастурий ўқитиш уртасидаги асосий фарқ, купинча ухшаш булишига дарамай, дастурий ўқитиш қисқа ва лунда булишидир.

Материалларни дастурлаш уни катъий системага солишни талаб қилади. Дастурий уқитишда танлов ёки конструктив жавоблардан фойдаланилади. Ҳар бир дастурий материал узига куйидагиларни кушиб олади:

1. Уқитиш мақсадини белгилаш.
 2. Дастур қимлар учун ишланишининг муҳимлиги.
 3. Уқитиш мақсади билан уқув предмети элементларини тула мослашуви.
 4. Омилларни тартибли ва тизимли булиши асосида ургатиш дастури тузилади.
 5. Дастурнинг биринчи вариантини тажрибада синаш ва уни тузатиш.
- Дастурий уқитиш - бу универсал метод эмас.

Таълимнинг моқўл тамойиллари.

Таълим методининг ривожда курснинг моқўл тузилишига ўтиш муҳим босқичдир. Таълимнинг барча формалари билан бир қаторда моқўл методи ҳам

предметларни фундаментал тушунишда муҳим рол уйнайди.

Одатда семестр маъруза курси 40-50 соатга булинса, курсдаги мавзулар 10-12 моқўлга булиниб, коллоквиум утказилади. Моқўл - мустикал таркибий бирлик булиб, айрим ҳолларда талаба барча курсни тингламай, фақат қатор моқўлларни эшитади ҳолос. Бунда ҳар бир моқўл дидактик ва методик материаллар билан таъминлайди, таълим жараёнидаги асосий тушунчалар, янгилик ва қуникмаларни узлаштириш зарур бўлади. Ҳар бир моқўл учун талаба уни урганишдан олдин қурғазмали материаллар билан таъминланади. Моқўл керакли адабиётлар руҳати билан ҳам таъминланади.

Ҳар бир талаба бир моқўл материални узлаштириб, бошқа моқўл бўйича узлаштиришга утади ва жорий назорат босқичига утади. Билим баҳоси учун янги, янада прогрессив тизимдан фойдаланилади. Талаба томонидан ҳар қайси жорий босқичда эришган барча натижалари, оралик ва якуний назорат бўйича балларда баҳоланади. Барча тупланган баллар жамланиб, талабанинг индивидуал индекси тузилади. Талабанинг максоди максимал балл туплашдир. Баҳонинг умумий максимал баллда жорий балл 30-35% беради, оралик 20-25%, амалий машғулот ва курс иши 25% гача туплайди. Имтихонда олган баллар улуши талабанинг укув меҳнатини умумий баҳоси, одатда 20 % дан ошмайди.

Бу тизим талабаларни ҳар қуни систематик ишлашга, уқиш жараёнида авангардчилигини оширишга ва имтихон топширишдаги тасодифлардан холи бўлади.

Таҷриба шуни курсатадики, қоидага биноан талабага имтихонга тайёрланиш учун вақт берилмайди, имтихон сессиясининг ўтиши тезлашади.

Таълимнинг моқўл методи афзалликлари қуйидагича:

- 1 укув жараёнининг барча қурилишлари ичида ҳар бир моқўл ва улар уртасидаги методик асослар таъминоти асосли қелишилганлиги;
- 2 курснинг моқўл тузилиши таркибининг ихчамлиги;
- 3 талабалар билимининг узлаштириш назоратининг самарадорчилиги;
- 4 талабаларнинг тезда табақаланиши;
- 5 аспирантурага номзодлар танлови қескин осонлашади;

6 маърузалар муддати анчагина кискариб, уқитувчи талабаларга бераётган зарурий билимларни узлаштиришда янги формаларни излаш ва уз соҳаси буйича етукли булиш ва бошқаларга рахбарлик қилишдан иборатдир.

Шуниси маълумки, ўқитишнинг моқўл тамойили биринчи босдичда жиддий ёндашишни талаб қилади. Моқўлни тузиш учун ўқитувчи предмет ҳажмини кенгайтирмасдан, балки уни қисқартириб, талабаларга бериладиган зарурий билимни тула таъмин этиши, фикрлаш методини шакллантиришни ҳам таъминлаб, мустақил равишда янгиликларни олишдан иборат.

Таълимнинг моқўл методи курснинг асосий масалалари буйича умумлашган ахборотлар олиш ва бунинг учун муаммоли маърузаларни ўқишга ундайди. Ўқилган маърузалар талабаларда ижодий добилиятларни ривожлантиришга йуналтирилиши керак.

Моқўл тамойилини тадбид этиш ўқув жараёнини ташкилий дайта дуришни талаб қилади: ўқитувчи ишларининг режалаштиришни узгартириш, уни тайёрлаш учун лаборатория базаларини ҳозирлаш ва шунга мос методларни ишлаб чидиш, билимларни текшириш назоратларини уюштириш ва бошқалар.

Назорат учун саволлар

- 1.Иқтисодий билимдонлик даражаси ва унинг курсаткичлари нималардан иборат?
- 2.Г уруҳ ва алоҳида талабанинг иқтисодий билимдонлик даражасини белгилашнинг методик асослари нималардан иборат?
- 3.Иқтисодий олий ўқув юртларидага талабаларнинг билимдонлик даражасини белгилаш жараёнига рахбарлик қилиш қандай кечади?
- 4.Муаммоли ўқишга ўтиш учун қандай амалий масалаларни ечиш зарур булади? Таълимнинг моқўл тамойиллари нима?
- 5.Таълимнинг моқўл методини афзалликлари нималардан иборат?

12-МАВЗУ.СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ

Режа

1. Юқори малакали кадрлар - радобатбардош идтисод асоси эканлиги.
2. Узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чидаришнинг интеграциялашуви.
3. Кадрлар тайёрлаш тизимида иктисодий тарбия ва ахборот таъминоти.

Таянч ибора ва тушунчалар: Юқори малакали кадрлар, радобатбардош иктисодиёт асоси, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чидаришнинг ихтисослашуви, иктисодий тарбия ва ахборот таъминоти, таълим стандартлари, профессионал таълим интеграцияси, халқаро интеграциялашув йўллари.

1. Юқори малакали кадрлар - ракобатбардош иктисод асоси эканлиги

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти **И.А.Каримов** кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида сўзлаган нуткида: «...Бизнинг дастуримизни асосий шароити юқори малакали, ҳар томонлама такомиллашган кадрлар тайёрлашдан иборат»,

- деб таъкидлаган. Худди ана шундай кадрлар умуман таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг, иктисодиётга ракобатбардош эканлигини белгилайди.

Саноати ва интеллектуал салоҳияти ривожланган мамлакатларнинг таълим тизимидаги бош мақсади - юқори малакали кадрлар тайёрлаш орқали ракобатбардош товарлар ишлаб чиқариш ва ракобатбардош хизматлар курсатишдир. Бу мамлакатлар иктисодий функциясида профессионал таълим жамият тараккиётида борган сари янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Профессионал таълим канча юқори бўлса, юқори малакали кадрлар тайёрлашда фан ва ишлаб чиқариш билан узаро ҳаракати янада кучли ва самарали бўлади.

А^Ш, Япония, Франция, Германия ва бошқа саноати ва интеллектуал салоҳияти ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни курсатмоқдаки, қайсики юқори сифатли ва ракобатбардош кадрлар тайёрлашнинг барча даражада таъмин қилиниши қуйидагилардан иборат:

1. Таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг яқиндан узаро ҳаракатига боғлиқлиги.

2. Турли типдаги таълим ташкилотлари ва профессионал таълим дастурлари фан, техника, технология ва иқтисоднинг энг сунгги ютуқлари асосида ишлаб чиқариш.

3. Профессионал таълим тизимининг иқтисодиётни оброули ва фойдали соҳасига айлантириш.

4. Таълим муассасаларини ҳозирги замон укув-методик адабиётлар ва моддий техника базаси билан таъмин этиш.

5. Профессионал таълим тизимида юқори малакали уқитувчилар ва мутахассисларни жалб қилиш.

6. Таълим жараёнини компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш.

7. Об'ектив назорат тизими ва кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолашни куллаш.

8. Психологик-педагогик тадқиқотларни ривожлантириш, улчаш ва интеллектнинг баҳолаш, шахснинг сифат ва қобилиятлар муаммолари бўйича, шунингдек, профессионал йуналиш муаммолари бўйича амалга ошириш.

9. Уқитувчиларни юқори даражали моддий ва ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш.

Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур юқорида санаб утилган хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳамда Ватанимиз тажрибаларини ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ҳаётининг барча соҳаларида беш тамойил сиёсати бўйича ислохотлар утқизиш назарда тутилган.

Миллий дастур стратегияси асосида юқори малакали кадрлар билан таъминлаш унинг ҳаётий циклнинг учта асосий босқичларига комплекс ёндашилган.

Биринчи босқичда кадрларга бўлган эҳтиёжларни прогнозлаштириш ва шахс, жамият талабларидан келиб чиққан ҳолда бозор иқтисодиётини ривожлантириш белгиланган. Бу уринда квалификация даражасининг усиб бориши белгиланади.

Иккинчи босқичда кадрлар тайёрлашни таъминлаш ва квалификация даражасини амалга ошириш.

Учинчи босқичда, профессионал фаолият соҳасида кадрлардан фойдаланиш, вақти-вақти билан малакани ошириш ва қушимча профессионал таълим ёки қушимча профессионал таълим доирасида квалификация даражасини таъмин этиш ва янгилаб туриш.

Миллий дастурнинг комплекс вазифаларида сифатли кадрлар тайёрлаш қароридан, энг муҳим вазифани ишлаб чиқиш ва профессионал таълимнинг барча погоналарида давлат стандарт таълим тизимини қўллаш. Таълимнинг стандарт тамойилларига бағишланган «рақобатбардош ва сифатли кадрлар тайёрлаш» дастури ишлаб чиқилган.

Рақобатбардош кадрларни тайёрлашни таъминлаш учун профессионал таълимда стандартлаштириш усиб, юксалиб бориши зарур. Унинг моҳияти юқори ва янги сифатли талаблари бўйича амалиётда эришилган нормаларга муносабати белгиланади. Усиб бораётган таълим стандартларида шундай талаб даражасида бўлиши керакки, қайсики унда тугатувчи мутахассислар фан, техника технология ва иқтисодиётда эришилган ютуқлар даражасига мос бўлиши зарур.

Профессионал таълимда стандартлаштириш комплекс бўлиши керак.

Биринчидан, ундаги узаро боғлиқлик даражасида кадрлар тайёрлаш ишчидан тортиб, то юқори квалификацияли мутахассисгача профессионал таълимнинг узлуксизлигини қамраб олиши зарур.

Иккинчидан, таълим стандарт комплекси мутахассиснинг ҳаётий циклининг барча босқичларини қамраб олиши ва уларнинг узаро яқиндан улар уртасидаги алоқаларни таъминлаши керак.

Ўзбекистон Республикаси таълим стандарти халқаро стандартлар базасида ишлаб чиқилган ва такомиллаштириш тугалланмокда, сифатли мутахассислар тайёрлаш ва мақсадга эришиш ягона ёндашиш таъминланмокда. Бу эса рақобатбардошли кадрлар тайёрлашда халқаро тажрибалардан фойдаланиш имконини яратмокда ва интеллектуал соҳада яқиндан ҳамкорлик

килишни ташкил этмоқда.

Таълим стандартларини курсатилган тамойилларга жавоб бериш даражасида ишлаб чиқиш, кадрларни квалитацион хактеристикасига асосланиб шахснинг эхтиёжини жамият ва ривожланаётган бозор иктисодиётини акс эттириши зарур.

Миллий дастурда таъкидлагандек, таълим стандартларини ишлаб чиқишда тараккий этган мамлакатлар тажрибасидан, фан, техника ва технологиянинг, иктисод ва маданиятда эришилган энг янги ютуқлардан фойдаланиши назарда тутилган.

Давлат таълим стандарти, таълим соҳасида давлатнинг ягона сиёсат элементи тарзида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган.

2. Узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви

Хозирги замон фан-техника революциясининг хактерли хусусияти-таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашувидир. Бу узи ривожланаётган тизим барча соҳалар буйича юқори малакали мутахассисларни такрор ишлаб чиқариш, бу уз навбатида радоватбардош фан ва ишлаб чиқаришни юксалтириб, янги илмий-техника ютудлари билан таъминлайди. Жаҳон тажрибасида интеграция - бу ўқув-илмий ишлаб чиқариш марказлари, комплекслари, технологик парклар ва бошқалар амалга оширилади.

Бунда юқори малакали мутахассислар, илмий таддидотлар утказиш ва уларни натижаларини саноатда қўллаш функцияси душилади. Бундай бирлашмаларда бош - ташкил этувчи звено булиб, университетлар хисобланади. Чунки, улар жамият эхтиёжлари асослари ўқув илмий-техник сиёсатини утказишга мос холда юз беради. Ўқув-илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларининг турли куринишлари фадат жамият ва идтисоднинг барқарор ривожланишидагина зарур булиб долмай, балки жамиятнинг ўтиш даврида хам, идтисод ва таълим тизими учун кадрлар учун хам интеграциялашув энг муҳимдир.

Ўзбекистон шароитида бундай лойихаларни амалга ошириш,

реализацияси фадатгина уларга мос норматив худўқий базалар ва молиявий-моддий сарфларгина эмас, балки ташкил қилинаётган ўқув-илмий ишлаб чидариш бирлашмаларининг психологик дайта дуриш компонентларини ҳам тузишни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлиснинг туддизинчи сессиясида қилган маърузасида кадрлар тайёрлаш асосий тамойилларини шакллантириш ва улар фаолиятини амалга оширишда «узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чидариш потенциалидан турли ўқув муассасаларида самарали фойдаланишни» - таъкидлаган эди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида («Профессионал таълим, фан ва ишлаб чидариш интеграцияси»), кадрлар тайёрлаш тизимини янги сифатли даражада интеграциялашуви қўйидагиларга асосланади:

1. Саноати ва интеллектуал ривожланган мамлакатлар ҳамда халқаро ҳамкорликда академик ва илмий-таддидот институтларининг сохаларини кенг жалб этиш билан барча даражадаги мутахассисларни малакасини ошириш ва дайта тайёрлаш ва шунга қизикдан корхоналар ҳамда ташкилотларни таълим жараёнига ҳамкорлик қилиш тажрибасига таяниш.

2. Талабалар таълими, илмий-таддидот, илмий ишлаб чидариш ва кичик инновацион фирмаларни ривожлантириш.

Профессионал таълим интеграцияси вертикали буйича:

Таълим муассасаларининг интеграциялашган академик лицей, профессионал коллежи ва бошқаларни ташкил қилиш. Бундай таълим муассасалари ижоат этади ва қўйидагиларни назарда тутди:

а) профессионал таълимнинг ташкилий ва методик изчиллигини таъмин этиш;

б) сохалар вазифасини хал этиш учун мақадли мутахассислар комплектини тайёрлашни амалга ошириш;

в) урта звено мутахассисларини тайёрлаш учун моддий техника базаларидан ва олий укув юртларининг профессор-укитувчилар таркибидан фойдаланиш.

Профессional таълим интеграциясининг горизонти буйича - йирик техника университетлари, илмий укув, илмий ишлаб чиқариш ва укув-ишлаб чиқариш бирлашмаларини ташкил этиш. Бундан мақсад рақобатбардош олий маълумотли профессионал таълим мутахассислари (бакалавр ва магистрлар), шунингдек, профессионал ишлаб чиқариш бирлашмалари, профессионал коллежи учун юқори малакали ишчи кадрларни тайёрлаш.

Бундай интеграция қуйидагиларга рухсат этади:

- 1 бирлашаётган олий укув юртлирининг моддий-техник, илмий ва педагогик потенциалдан, айниқса ҳудудларда, шунингдек маъмурий бошқариш аппаратлари сарфларини қисқартиришдан самарали фойдаланиш;
- 2 укув юртлирида академик ва таълим жараёни билан фан соҳаларини узаро боғлиқлигини таъмин этиш;
- 3 илмий ходимлар, уқитувчилар, аспирантлар ва талабалар биргаликда фойдаланиш учун тажриба экспериментал ва фундаментал тадқиқот базасини ривожлантириш;
- 4 укув жараёнида фойдаланиш учун фундаментал текшириш ахборотларини шакллантириш;
- 5 профессионал таълимнинг барча даражаларида давомли интеграцион тажрибани утқизиш.

Профессional таълимнинг вертикал ва горизонтал равишда интеграциялашганлиги буйича турли даражадаги рақобатдош мутахассисларни тайёрлаш учун укув-илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларини ташкил этиш.

Профессional таълимнинг халқаро интеграциялашув йўллари:

1. Саноати ва интеллектуал ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорликда таълим муассасаларини (университет, коллежлар, малака ошириш ва қайта тайёрлаш марказлари) ташкил этиш. Булар бозор ва халқаро муносабатлар, юқори ва фандор-фанли технология, экология билан боғлиқ бўлган мутахассислар йуналиши буйича булиши зарур.

2. Иқтидорли ёшларни саноати ва интеллектуали ривожланган мамлакатларнинг илгор таълим муассасаларида уқитиш.

3. Хорижий таълим муассасалари ва тадқиқот марказлари билан тўғридан-тўғри алоқалар урнатиш ва шу билан бирга талабалар, илмий изланувчилар, аспирантлар, докторантлар ва уқитувчилар алмашувини кенг йўлга қуйиш мақсадга мувофиқ бўлиши;

4. Республика таълим муассасаларини халқаро таълим ва илмий дастурларига қушиш.

Профессional таълим интеграцияси, фан ва ишлаб чиқаришнинг энг истикболли қуйидаги мутахассислар йуналишлари бўйича: химия, экология ва табиатни муҳофаза этиш, геология ва фойдали казилма бойликлар, тоғ ва нефт-газ ишлари, иссиқлик ва электроэнергетика, янги материаллар технологияси, самолётсозлик, метеорология, стандартизация ва сертификация, химия технологияси ва биотехнология, туқимачилик буюмлари технологияси, енгил саноат, архитектура ва қурилиш, агрохимия ва тупроқшунослик, агроинженерия ва бошқалар. Бу йуналишлар бўйича таълим муассасалари, академик илмий тадқиқот институтлар тармокдари, йирик корхоналар ва ташкилотлар мавжудлиги.

3. Кадрлар тайёрлаш тизимида иқтисодий тарбия ва ахборот таъминоти

Муस्ताкил Ўзбекистон Республикаси давлатчилиги асоси ва интеллектуал ҳамда илмий техникасининг ихчамлашуви, ҳаётда ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-сиёсий узғариши мазмунли ва бадиий даражаси бўйича янги сифатли адабиётлар яратишни талаб қилади. Шунингдек, кутубхоналар фаолиятини тубдан яхшилаш ва уқув юртлири кутубхоналари фондлари ва банкни шакллантириш зарур. Бошланғич, урта ва олий профессионал таълимни ҳозирги замон дарсликлари билан таъминлаш долзарб вазифа ҳисобланади. Шунингдек, тарбия масалалари бўйича адабиётлар ва уқувчи ёшларнинг маънавий такомиллаштириш, бунинг учун таълим соҳасида эришилган энг янги ютуқлар фан, техника, технология асосида янги уқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш. Шу билан биргаликда таълим жараёнининг профессионал таркибига мос бўлган ахборотларни давомийлиги ва узлуксизлигини таъмин

этиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг IX-сессиясида уқув жараёнининг ахборот билан таъмин килинишнинг муҳимлиги ҳақида: «Бизлар дарсликларни яратишни муқаддас ва прогрессив вазифа деб қарашимиз, дарсликни кимлар яхши ёзса, уларни жалб этиш» ни таъкидлаган эди.

Миллий дастурда навбатдаги вазифа уқув жараёнини ягона ахборот тизими яратиш масаласини ҳал этиш назарда тутилган. Бунда Республика ва хорижий мамлакатлар ахборот нашриёти ва рефератив-патент, таълим муассасалари кутубхона тармоклари ва илмий ташкилотлар, кутубхона фондлари маълумотларини ҳам қушитт мулжалланган. Шу билан боғлиқ бўлган кутубхона ва ахборот ташкилотларини ҳозирги замон компьютерлари, қулайтирувчи ва бошқа ташкилий техникалар билан жиҳозлаш зарур.

Миллий дастурнинг умумий йўналишига қура, уқув жараёнининг ахборот билан таъминлаш ва кутубхона ишларини такомиллаштириш учун:

Биринчидан, уқув ва методик адабиётлар, қурғазмали қуроолларни мазмунли ва сифатли жиҳозланиши психологик-педагогик ва санитар-гигиеник талаблар даражасида ишлаб чиқариш.

Иккинчидан, хорижий илмий ва методик адабиётларни амалдаги тизимлари бўйича келиб туриши, шунингдек, таълим, фан, техника ва технология, иқтисод ва маданият учун таълимнинг барча соҳалар масалалари бўйича даврий нашрни ташкил қилиш.

Учинчидан, маҳаллий аҳоли миллати бўлмаган шахсларни ўз она тилида, уларнинг зич яшаган жойларида керакли, уқув, илмий ва методик адабиётлар билан таъмин этиш.

Туртинчидан, халқаро компьютер ахборотлари тармоқларидан самарали фойдаланиш.

Бешинчидан, янги ўқув, илмий ва методик адабиётларни жаҳон талаблари даражасида ишлаб чидаётган (муаллифлар, таржимонлар ва тадризчиларни) моддий ва маънавий рағбатлантиришни ташкил қилиш.

Олтинчидан, кутубхоналар ходимларини мамлакатимизда хорижий марказларда дайта тарбиялаш ва малакасини ошириш, аттестациядан утказиш.

Еттинчидан, бозор муносабатлар шароитида кутубхоналар тизимини норматив-худўқий амал қилишини тартибини ишлаб чидиш ва амалга ошириш.

Назорат учун саволлар

1. Юқори малакали кадрлар - радобатбардош иқтисодиёт асоси эканлиги.

2. Узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чидаришнинг интеграциялашуви.

Кадрлар тайёрлаш тизимида иқтисодий тарбия ва ахборот таъминоти.

Профессионал таълим интеграцияси нима?

3. Миллий дастур бўйича ўқув жараёнининг ахборот таъминоти ва кутубхона ишларини такомиллаштириш учун қандай вазифалар амалга оширилади?

4. Авлоднинг гармоник ривожланишида иқтисодий тарбиянинг тутган урни,

13-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОНДА УЗЛУКСИЗ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Режа

1. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» да инсон омили.
2. «Маънавият ва маърифат» дастури ва унинг тарихий негизи.
3. Умуминсоний кадриятлар.

Таянч ибора ва тушунчалар: Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида инсон омили, маънавият ва маърифат дастури, умуминсоний кадриятлар, профессионал таълим, психологик-педагогик тадқиқотлар, мактабгача таълим, умумий таълим, умум профессионал таълим, инсон обриси, «Таълим тўғрисида» ги Қонун, умуминсоний кадриятлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш

Миллий дастури» да инсон омили

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури таълим-тарбия жараёнини ҳамма томонини стратегик мақадлардан бошлаб, то унинг ялпи аниқ дастурига, инсон омилига нихоят муҳим аҳамият қасб этади. Кадрлар тайёрлаш тизимида шахс бош субъект бўлиб, таълим хизматида истеъмолчи ишлаб чиқарувчи сифатида ифодаланади. Шахснинг ижодий гармоник ривожланишини шакллантиришда - узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш, давлат ва жамият қанолат бўлиб ҳисобланади.

Миллий дастурнинг амалга оширилишида бош натижа - бу билимдонлик ва шахснинг ишлаб чиқариш квалификацияси бўлиши зарурлиги таъкидланган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов узининг Миллий дастур буйича сўзида қуйидагиларни таъкидлайди: «Ҳақиқий билимдон инсонгина инсонни нималарга қодир эканлигини юқори баҳолайди, миллий қадриятларни сақлайди, миллий урпақни англашни эъзозлайди, эркин жамиятда яхши яшаш учун астойдил курашади, давлатнинг мустақиллиги учун курашади, жаҳон ҳамжихатлигида оброҳи уринни эгаллайди», - деб таъкидлаган эди. Шахснинг ишлаб чиқариш квалификацияси ва унинг жамғарилиши иқтисодни рақобатбардошлигини белгилайди, оқибатда шахснинг узини ва жамиятнинг умумий фаровонлигини таъминлайди.

Миллий дастурда инсон омилига асосан қуйидагича тизимли ёндашилган:

1. «Урганаётган педагог-педагог-оила-жамият-давлат - бу горизонтал халқа буйича».

2. Мактабгача таълимдан ва тарбиядан олий малакали кадрлар тайёрлашгача фан номзодлари, фан-докторлари - бу вертикал буйича.

Миллий дастурнинг инсон омили буйича режаси қуйидагича энг муҳим вазифаларни ҳал этишни қўлда тутди:

1. Уқиётганларни барча жаҳонларда миллий тикланиш ҳолати асосида маънавий ва маърифий таракқиёт тарзида бўлиши.

2. Психологик-педагогик тадқиқотларни ривожланиш муаммоларининг

бажарилиши, укиётган шахснинг кобилият сифатлари, шунингдек, мутахассисларнинг профессионал укиши ва меҳнат муаммолари.

3. Укиётганларнинг урганиш кобилиятларини ривожланиши ва уларнинг сифатсиз таълимдан химоялаш.

4. Иктидорли болалар билан ишлашни такомиллаштириш ва таланти ёшлар билан ишлашни кучайтириш.

5. Таълим тизимида кадрлар потенциалини саклаш ва такомиллаштириш, тарбиячи уқитувчи ва илмий ходимларнинг обрусини кутариш.

6. Таълим тизимидаги ходимлар, илмий кадрлар ва уқитувчиларнинг ҳуқуқий даражасини ҳамда иктисодий ва маданий билимини профессионал квалификация даражасига кутариш.

7. Таълим тизимидаги укиётган ходимлар, илмий кадрлар, уқитувчиларнинг давлат томонидан ижтимоий химоясини такомиллаштириш.

8. Таълимнинг ҳар бир босқичида инсон омили билан боғлиқ вазифаларни ҳал этиш назарда тутилган.

Мактабгача таълим ва тарбия:

- Болаларни оилавий тарбиялашда психологик-педагогик, методик ва моддий таъминотини ташкил этиш;

- Ҳрзирги замон методик ва кургазмали куролларни тайёрлаш ва ишлаб чиқариш, билимга кизиқишни ривожлантириш, энг муҳими боланинг соғлом ва психологиясини мустаҳкамлаш, маданий-эстетик эҳтиёжларини кондириш ва болаларда бошлангич меҳнат куникмаларини ҳосил қилиш.

Умумий таълим:

4. Ун икки йиллик умумий таълимни пулсиз давлат томонидан таъмин қилиш;

5. Жамият ва давлат ҳамда худўқий ва маҳаллий хусусиятлар эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда таълим тизими шаҳобчаларини ривожлантириш;

6. Бошқа миллат вакилларини уз она юртида доимий яшашларини умумий таълим олиш учун ташкилий ҳамда педагогик шароитларни яратиш;

7. Шахснинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, умумий таълимнинг куп варианты

ва кушимча таълим хизматларини йўлга солиш;

8. Ривожланиши етарли булмаган болаларни умумий таълим олиш учун шароитлар яратиш;
9. Психологик-педагогик марказлар ва укувчилар учун касб-хунарга йуналтиришни ривожлантириш.

Олий профессионал таълим:

1. Индивидуал урганиши, узи мустакил маълумотли булиш воситаларини ва унинг форма ва методларини ривожлантириш;
2. Талабаларнинг урганишини янги педагогик, технологик ахборот, тайёрлаш тизимининг моқўлларида фойдаланишни жадаллаштириш.
3. Талабалар, умумий таълим, илмий-тадқиқот, илмий-ишлаб чиқариш ва инновацион кичик фирмаларни ривожлантириш.
4. Таълимнинг масофавий уқитиш тизимини ривожлантириш.

Олий укув юртидан сунг профессионал таълим:

- Илмий тадқиқот соҳасида ва илмий педагогик кадрлар тайёрлашда талантли ёшларни қўллаб-қувватлаш фондларини ташкил этиш;
- Илмий-педагогик ва илмий кадрларни тайёрлаш тизимида хорижий мамлакатлар билан аспирант ва докторантлар алмашувини кенгайтириш.

Инсон омилининг обрўли булиш дастури

- 1 болалар ва укувчи ёшларни соғлом булишини таъминлаш;
- 2 маърифат ва маданият;
- 3 иқтидорли болалар ва талантли ёшларга эътибор бериш;
- 4 ёрдамга муҳтож болаларни уқитиш ва тарбиялаш;
- 5 кадрлар малакасини ошириш ва қайта тарбиялаш;
- 6 ижтимоий ҳимояни амалга ошириш.

Врачлар, тарбиячилар, педагогларни ҳар томонлама гармоник ривожланиши учун ушбу дастур «замин» ва «иклим» яратади.

2. «Маънавият ва маърифат» дастури ва унинг тарихий негизи

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мустакил Ўзбекистонни обрўли ривожини вазифасини белгилаб: «Давлатнинг келажаги

буюк, унинг келгуси фукароси маданияти, маълумоти ва маънавий бой булиши хакида гамхурлик этишни» таъкидлаган. Ушбу вазифа кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастурида уз ифодасини топди ва «Маънавият ва маърифат» дастурида алохида ёритилган. Ушбу дастурнинг максади - укувчиларни маънавий ва маърифий тарбиялашни самарали йўлидан фойдаланиш ва уларга мактабгача бўлган ёшдан тортиб, то умумий ва профессионал таълим олишнинг барча босқичларида узлуксиз давом этади.

Дастурда узаро боғлиқ бўлган ялпи стратегик вазифаларни хал этиш қўйидагилардан иборат:

- 1 Тарбиянинг маънавий ва ахлодий мохиятини урганиш ҳамда шахснинг таълим жараёнида вужудга келган илмий ва методик муаммоларини хал этиш ва такомиллаштириш;
- 2 Тарбиянинг маънавий-маърифий томонларини бошқариш жараёни тизимини такомиллаштиришдан иборат;
- 3 Ёшларда ватанпарварлик руhini шакллантириш, миллий гурурли булиши, она тилига бўлган самимий хурмат, тарихига хурмат, халқлар маданияти ва анъаналарига, интернационализмга хурматда булиш, тинчлик ва осойишталик учун масъулиятли булиш, дарияларни хурмат қилиш, меҳнатсевар, ишбилармонлик, қонунга итоат этиш;
- 4 Соғлом турмуш тарзининг мухитини яратиш;
- 5 Оила мудаддаслигини таъминлаш;
- 6 Ёшларни эстетик ривожланиши ва унинг утмиш авлодларимизнинг бой меросига, санъатига ҳамда жахон цивилизацияси ютудларига уйғунлашуви;
- 7 Келажаги буюк давлатни дуришга йуналтирилган фукаролик ва ижодий фаолликни шакллантириш;
- 8 Маънавий-ахлодий тарбиянинг ва маданий-одартув ишларини ташкилий ва методик жихатдан таъминлаш назарда тутилган;
- 9 Илмий-педагогик кадрлар, психологлар, мураббийлар ва медицина ходимлари маънавий-ахлодий тарбия ишлари буйича илмий, амалий адабиётлар методологиясини ишлаб чидиш;

10 Таълим муассасаларининг барча даражадаги босдичлари болалар ва ёшларни узлуксиз тарбиялаш дастурини миллий тикланиш гоёси асосида ва умуминсоний дадрийатларни англаган ҳолда идеалларга содидлик, мустақилликка, Ватанига, оиласига, атроф мухитга мухаббатда булишни амалга ошириш руҳида тарбиялаш;

11 Оммавий ахборот воситалари, маънавият ва маданиятни соғлом турмуш тарзини ташвидот-тарғибот қилиш;

12 Худудни химоя қилувчи ташкилотлар болалар ва ёшларни маданий худудларини шакллантириши.

Маънавий-ахлодий тарбиянинг ва одартув ишларининг тарихий илдизи узод утмишга бориб тадалади. Бу илдизлар ҳеч дачон, ҳар қандай ҳолатда ҳам, тарихда халқимиз бошидан кечган қийин ва мушкул инқирозли дамларда ҳам унутилмаслиги зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов маҳалланинг ҳозирги замондаги роли ва оила ҳадида: «Оила узининг тарихий-утмиш дадрийатларини йудотмаслиги» - бу оила диёфасида болага яхши тарбиячи, билим бериш, маълумот олиши, яхши касбга эга булиш, уйлантириш ва ҳаётга йўллаш кабиларни таъкидлаган.

Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида» ги Конунлари давлат ёшларни билимдон - тарбияли булишини кафолатлайди, деб курсатиб утилган.

Болалар ва ёшларни маънавий-ахлодий тарбиялашнинг муҳим манбаи - бу таълим ва унинг барча босдичларини гуманизациялашдир.

Таълимни гуманизациялаштириш укиётганларда жаҳон картинасининг яхлитлиги, маънавият ва маданияти юкори булиши ҳамда оламшумул фикрлашни шакллантиришга йуналтирилган. Миллий дастур қарорларида ҳозирги замон фан ютуқлари техника ва технологиядагина эмас, балки табиий фанлар, фалсафа, этика, политология, тарих, маданият, иктисодиёт, экология, ҳуқуқ ва бошқа фанлар асосида таълим стандартларини ишлаб чиқиш оркали вазифаларни ҳал этиш курсатилган. Маданий таълим, иктисодий, экологик ва

хукукий даражада таълим тизими ходимлари, уқитувчилар, илмий кадрлар малакасини ошириш оркали уларни ҳал қилиш назарда тутилган. Миллий дастурда шунингдек, таълимнинг ахборот таъминотини гуманизациялаштиришга катта эътибор берилади. Хрзирги замон мутахассисининг гуманитар билимларни кенг ва чуқур эгаллаши - унинг маънавий ва маданий даражасини юқорилигидан далолат беради. Агар мутахассис ахлокий жихатдан бошқан бошлаб махрум бўлган бўлса, у узига ва жамиятга ҳисобот беришга қодир бўла олмайди. Таълимни гуманизациялаш инсоннинг энг юқори социал кадр-қиймати ва унинг очилиши, турли таълим эҳтиёжларини қондириш ва умуминсоний кадриятларини таъминлаш, атроф муҳит ва инсон муносабатлари гармониясига йуналтирилган.

Миллий дастурда қурсатилган вазифаларни ҳал қилишда, уқув предметлари дастурларини ишлаб чиқиш оркали амалга оширишда инсон омили назарда тутилган.

Умуминсоний кадриятлар

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, мамлакатимизда катта узғаришлар юз берди. Жумладан, миллий кадриятларимиз қайта тиклана бошлади. Оллоҳга ҳамду санолар бўлсинки, 70 йилдан қупрок давр ичида унутилган кадриятларимиз аста-секин тикланиши, бу ҳам мустақиллик меваси-шарофати, десак ҳато қилмасак қерак. Ўзбек халқининг кадриятлари умуминсоний кадриятлар орасида алоҳида урин олади ва муҳим тарбиявий аҳамият қасб этади. Ҳаёт сарвари инсондир. Доно халқимиз кадриятлари орасида янги авлоднинг она қорнида пайдо бўлиши, дунёга қелиши ва қамолотга эришуви билан боғлиқлиги бағоят ибратлидир. Бу ҳақда қанчадан-қанча афсоналар, ривоятлар, ҳикматлар яратилган. Улар орасида халқимиз умумтаълим тарбияси, донишмандлиги, ахлоқ-оқоби қамулқам бўлган педагогик қарашлари - маънавий, ахлокий ҳамда рухий тарбияси, анъаналари ётади.

Халқимиз кадриятларида қарзанд тарбияси алоҳида урин олади. Қарзанд

тарбияси тўғрисида турли хил ривоятлар мавжуд бўлиб, ушбу ривоятлар заминидида катта ҳаётий ҳикмат ётади. Ривоятларда ёш оила фарзанд кутаётган лахзаларданок тарбия илмини урганиши зарур, деган муҳим гоё бор...

Назорат учун саволлар

1. Ўзбекистон Республикасида «Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ва унинг аҳамияти.
2. «Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури» да инсон омилини шарҳланг.
3. «Маънавият ва маърифат» дастури ва унинг тарихий негизи нимада?
4. Миллий дастурда ялпи стратегик вазифалар нималардан иборат?
5. Ўзбекистон Республикасининг «Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури» бўйича «Таълим тўғрисида» ги қонуннинг моҳияти нималардан иборат?
6. Умуминсоний қадриятларни шарҳлаб беринг.

14-МАВЗУ. ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯЛАШДА ОИЛА, МАКТАБ ВА МАҲАЛЛА ҲАМКОРЛИГИ

Режа

1. Тарбиявий ишларни амалга оширишда "Оила, маҳалла, билим юрти ҳамкорлиги" концепциясининг урни ва аҳамияти.
2. Оила ҷамиятнинг асосий бўғинидир.

Таянч ибора ва тушунчалар: Оила, ҷамият, тарбия, маҳалла, ватанпарварлик.

1. **Тарбиявий ишларни амалга оширишда "Оила, маҳалла, билим юрти ҳамкорлиги" концепциясининг урни ва аҳамияти**

Тарбия ҷараёни иштирокчилари саъй-ҳаракатларини бирлаштириш мақсадида 1993 йилда ишлаб чиқилган "Оила, маҳалла, укув билим юрти ҳамкорлиги" концепцияси ёшларни истиклол гоёларига садокатли, маънавий

баркамол, ватанпарвар этиб тарбиялашда кенг жамоатчилик фаолиятини мувофиқлаштириш борасида маълум дастуриламал булди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда қабул килинган таълим ва тарбия тўғрисидаги қатор меъёрий ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" бозор иқтисодиёти шароитларида муваффақиятли ишлай оладиган, мустақил фикрловчи кадрларни тайёрлашда оила, маҳалла ва уқув билим юрти нуфузини янада юкори поғонага кутаришни тақозо этади.

Зеро, таълим-тарбияни такомиллаштиришда ҳам давлат бош ислохотчидир, Президентимиз таъкидлаганиқек, биринчидан, ёш авлодга узлигимизни, мудаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг қуп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдига қўйилган олий мақад ва вазифаларни сингдириш;

- иккинчидан, жамиятимизда бугун мавжуд бўлган хурфикрликдан қатъий назар ёшларни жипслаштирадиган, халқимиз ва давлатимиз дахлсизлигини асрайдиган, эл-юртимизни энг юксак мақадлар сари чорлайдиган яғона гоё - миллий мафкурага садоқат руҳида тарбиялаш;

- учинчидан, ёшларни байналмилал жаҳон ҳамжамиятида, халқаро майдонда Ўзбекистонга муносиб ҳурмат уйғотиш истагида интилиш руҳида тарбиялаш;

туртинчидан, ёш авлодни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат, юксак одамийлик ва инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш;

бешинчидан, ёш авлоднинг улуг аждодларимизга муносиб ворислари, айни вақтда жаҳон ва қамоннинг умумбашарий ютудларини эгаллаш руҳида Ўзбекистонда талаба-ёшлари энг долзарб масалалардир.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг 3.2 бандида эса таълим олувчиларнинг ўқиши, турмуши ва дам олиши учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги вазифалар хал этилишида жамоатчилик бошқарувини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. Бу "Оила, ўқув билим юрти, маҳалла ҳамқорлиги" бугунги қуннинг маънавий, маърифий, мафкуравий, тарбиявий

зарурати эканлигини билдиради. Ёш авлодни маънавий - ахлодий тарбиялашда халқимизнинг бой миллий, маданий, тарихий анъаналарига, урф-одатларига ҳамда умумбашарий дадрийатларга асосланган самарали, замонавий педагогик технология ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилиши, шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устуворлигини таъминлаш; умумий ҳамда миллий педагогик маданиятни ошириш; мамлакатимиз фуқаролари орасида миллий мафкуравий тарбия ишларини такомиллаштириш "Оила, маҳалла, ўқув билим юрти ҳамкорлиги" Концепциясининг асосий мақсадидир.

Ўзбекистонда руй бераётган узгаришлар "Оила, маҳалла, ўқув билим юрти ҳамкорлиги" йуналишидаги шахс тарбиясида оила, ота-она, маҳалла, ўқув билим юртининг асосий вазифаларини мазмунан янгилаб, ҳаётга татбид этишни тадозо қилади.

2. Оила жамиятнинг асосий буғинидир.

Оила шахс учун унинг ижтимоийлашув жараёни руй берадиган, унинг ахлоки, дунёдараши асослари ва хоказолар таркиб топадиган дастлабки ва нихоятда муҳим аҳамиятга эга бўлган жамoadир.

Оила бошқа тарбиявий муассасалардан фарқли равишда одамнинг бутун ҳаёти давомида унинг барча томонларига, дирраларига таъсир курсатишга додирдир ва одатда таъсир курсатади. Оила тарбия вазифасининг бу улкан мидёси унинг мафкуравий ва психологик таъсир курсатишининг чудур узига хослиги билан уйғунлашиб кетади. Бу эса, уни олий даражада таъсирчан қилибгина долмай, шу билан бирга шахсни шакллантириш жараёнининг зарур бугинига ҳам айлантиради.

Оиланинг юксак тарбиявий имконияти шахслар ва ота-оналарнинг узига хос хусусиятлари: дон-дариндошлиги, муҳаббати, яқинлиги, ишончи, бурч хисси, обруилиги ва хоказолар билан таъминланади. Уз фарзандининг барча заиф ва кучли томонларини йургакдаги чоғидан биладиган, унинг калбидаги энг кичик ҳаракатни ҳам сезадиган ва тушунадиган, унга таъсир этишни билладиган онадан ва отадан яхшироқ ким ҳам уларни эзгуликка, меҳнатсеварликка, дустликка, муҳаббатга ургата олади!

имкониятлари тўғрисидаги барқарор тасаввурларни узгартириб юборади. Масалан, уч ёшлик болалар олимлар бир неча йил мукаддам тахмин қилганларига нисбатан анча чуқур идрок этиш қобилиятига эга, уч ёшли шахс ҳозир факат олти ёшли болалар қилган ва қилмаган нарсаларни билиши ва қилиши мумкинлиги қичкинтойни юришдан олдин сўзлашишга, она тили билан деярли барабар чет тилида гапиришга урганиши мумкинлиги ва ҳоказолар маълум бўлди.

Бундай билимларнинг йуклиги оилавий тарбияда қуплаб хатоларга олиб келади, гуруҳ раҳбари ота-оналар билан ишлашда буни ҳисобга олмай иложи йук. Бу жиҳатдан ота-оналарнинг шахсларни тарбиялашдаги қуйидаги қийинчиликлари ва хатоларини ажратиш курсатиш мумкин:

1. Ота-оналарнинг уз фарзандлари билан муомаласида эътиборнинг етишмаслиги. Яъни улар узлари, ишлари ҳақида кам сўзлаб берақилар, фарзандларининг укув билим юрти талабалар жамоасининг ҳаёти ҳақида, шахсининг қизиқишлари, унинг жамоат ишларига аралашадиган, ва ҳоказоларга жуда кам эътибор қаратақилар. Муомаланинг етишмаслиги фарзандларнинг ота-онадан узоклашишига олиб келади, катталарни шахсга янада фаолроқ таъсир курсатиш имкониятидан маҳрум этади.

2. Шахсларни меҳнат жараёнларига жалб этиш орқали уларнинг меҳнат тарбиясини шакллантириш. Бу борада фарзандларни меҳнатга жалб қила билмаслик, она уз ишга қумилиб, болаларни оилавий ишлардан, турар-жойлардаги юмушларда ва ҳоказолардан озод этиш оқибатида шахсда истеъмомчилик қайфияти, тайёрига айёрлик ҳолатлари доимий қуникмага, одатга айланади. Бунинг натижасида улар меҳнатга менсимай муносабатда бўлақилар.

3. Ота-оналар турмушида учраб турадиган салбий ҳолатларнинг мавжудлиги укув муассасасининг педагогик қуч-ғайратини йукка чиқаради.

4. Ота-оналар тарбиявий таъсирининг изчил эмаслиги - онда-сонда укишини текшириш, бирор нозуя иши учун жазолаши ва ҳоказолар ахлокий

иммунитет хосил булишига ёрдам бермайди.

5. Оилавий тарбиянинг асоси сифатида тақиклашлар системаси - ижобий намуна асосида тарбиялай билмаслик, шахс ҳаётини у ҳар доим турли ҳатти ҳаракатни машқ қиладиган тарзда ташкил эта олмаслик натижасидир. Бу система шахснинг катталар хоҳишига салбий муносабатини тугдиради, мустиқил шахс қамолати қусайтиради.

6. Ҳаракатларнинг қув қилим қурти қилан мувоқиклаштирилмаганлиги ёқи у қилан қамқор-қамнақас қулмаслик. Тарбияланувқида педагогга, қув қилим қуртига ишонқсизлик қайдо қулади ва қусиб қоради, бу эса, унинг қамқилиқларини тузатишни қийинлаштиради, педагогик қихатдан қаровсизлик қолатига олиб қелади.

7. Айрим ота-оналарнинг шахслар қлгайиб қориши қилан тарбиявий фоллиқни қусайтириб юқоришлари, бу эса, шахсларнинг ота-оналардан узоклашувига, қув қилим қуртига қизикиши қасайишига ва қоқазоларга олиб қелади.

8. Қарорлар қабул қилишда қечикиш шахс қатта бўлгандан қейин ақли қириб, тузалади деб қйлаш одатда узини оқламайди, қупинча қайта тарбиялашни талаб этадиган қихатлар педагогик қаровсизлик қолатига олиб қелади.

Қурсатиб қутилган қамқилиқлар қаторига ота-оналарнинг тарбия қсуллариини юзақи қилишлари, шахслар қлгайиши қилан қларни узқартиришни қилмаслик ёқи истамаслик қолатлари қуп қчрайди. Айниқса ота-она бирлигида, педагогик одоб, қидамнинг йуқлиги, фарзандларига бўлаолмаслик натижасида қлар ота-оналари турмуш-тарзининг маънавий томониға зид тарзда моддий томониға қизикиб қетиш қаби қолатлар юзаға қелади.

Ота-оналар қилан иш шакллари ва қсуллариини танлашни одатда, қурух рақбари уз шахсий тақрибаси, талабалари оилаларида вуқудға қелган узига қос қусусиятлар, ота-оналарнинг қилим ва тақрибаси, тарбия ишида юқорида қурсатиб қутилган қатолар ва қийинқилиқлар мавқудлиги, феъл-атвор, қамоасидақи муқит, ота-оналар қилан иш олиб қоришда тарқиб тоқган

анъаналар ва хоказолар ҳисобга олиб белгиланади, Таҷрибалар курсатишича, гуруҳ раҳбарининг ота-оналар билан ҳамкорлигининг оммавий, гуруҳ тарзидаги ва яққа тартибдаги иш шакллари оқилона бирга қушиб олиб бориш, бунда унинг мазмунида изчилликка риоя этиш орқали эришилади.

Назорат учун саволлар

1. Ҷамоа таркиби нималардан иборат?
2. Гуруҳ ва ҷамоа фарқи нимада?
3. Шахс шаклланишида ҷамоанинг урни нимадан иборат?

15-МАВЗУ. ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ҶАМОА ВА УНИНГ ШАХСНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ

Режа

1. Ҷамоа ҳақида тушунча.
2. Ҷамоанинг шаклланиш босқичлари.
3. Ҷамоанинг тарбиявий таъсири.

Таянч ибора ва тушунчалар: Ҷамоа, гуруҳ, тарбия, шахс

1. Ҷамоа ҳақида тушунча

Ҷамоа назарияси қоидаларига мувофиқ, уни яратиш методикаси ишлаб чиқилган. Унинг умумий асослари қуйидагилардан иборат: талаблар қуйиш, фаолларни тарбиялаш, укув, меҳнат, ижтимоий-сиёсий ва оммавий-маданий фаолиятдаги истикболларни ташкил этиш, соғлом ҷамоатчилик фикрини шакллантириш, ижобий анъаналарни яратиш ва қупайтириш.

Паст даражадан юқори даражагача борадиган йўл узод бўлиб, муайян қийинчиликларни бартараф этиш билан кечади. Айни пайтда ҷамоани шакллантириш юзасидан олиб бориладиган ишлар жуда қизиқарлидир. Бу гуруҳ раҳбарининг асосий ишидир.

2. Ҷамоанинг шаклланиш босқичлари

Ҷамоанинг ривожланиш даражасини белгилаш методикалари қуп. Унинг моҳияти у ёки бу ривожланиш даражасидаги ҷамоа норматив таърифини аниқ ҷамоа таърифи билан таддослашдан иборатдир, яъни: ижтимоий аҳамиятга эга

бўлган мақаднинг, педагоглар билан талабаларнинг биргаликдаги ҳар томонлама собитдадам фаолияти, узаро масъулиятли муносабатлари мавжудлиги; узини-узи бошқариш органларининг фаолияти ва хоказолар.

Талабаларнинг жамоа турмуш меёрлари ва қоидалари, интизом бузилишига муносабатларини кузатиб, жамоанинг ташкилий тузилиш таъсирчанлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Жамоа ривожланишининг дастлабки босдида талабалар тардод ҳолда бўлиб, уларда яққил фикр ва гуруҳ раҳбари таяниши мумкин бўлган таъсирчан фаоллар кузгаташланмайди. Шунинг учун бундай жамоада салбий ҳодисалар очид муҳокама қилинмайди, мустақил жамоа дарори дабул қилинмайди ва хоказо. Агар жамоа ривожланишининг иккинчи босдида бўлса, номигагина эмас, балки педагог ҳаракатлари қўллаб-дувватлайдиган ҳадидий ҳаракат қилувчи фаоллар бўлса, унинг айрим талабалари томонидан ва жамоа олдига муайян талаблар қўйишсини кузатиш мумкин.

Жамоанинг ривожланиш даражасидан далолат берадиган муҳим белгилардан бири - талабаларнинг биргаликдаги фаолиятга иштиёқи борлигида намоён бўлади. Гуруҳ раҳбари жамоанинг ривожланиш даражасини белгилаш учун талабаларнинг ҳозирги ва бўлажак ҳаётларида ижтимоий аҳамиятга молик мақадлари мавжудлигини билиши муҳим, яъни жамоанинг ҳаётӣ фаолияти истидболларини барча ёки айрим талабалар дабул қилишини ва бу истидболларнинг хусусияти қандайлигини билиб олиш зарур. Агар бўлажак шанбалик ёки байрам кечаси талабаларни қандайдир фаолиятга ундовчи водеа бўлса ва бу фадат айрим талабалар ва фаоллар учун аҳамиятли бўлса, жамоа ривожланишининг иккинчи босдида ҳадида гапириш мумкин.

3. Жамоанинг тарбиявий таъсири

Педагог гуруҳ билан ишлашнинг дастлабки босдида турли вазиятларга дуч келиши мумкин. Гуруҳда ҳадидий жамоа муносабатлари бўлмаслиги мумкин, бунда педагог ишни бошидан бошлашига тўғри келади. Қупинча бундай ҳолат янги шакллантирилган, «йигма» гуруҳларда, янги ишга тушурилган таълим муассасаларида дайт этилиши мумкин. Тўғри, бошқа

холларда ҳам шундай булиши, аввалги гурух рахбарининг куч-гайрати муваффадиёт келтирмаган булиши, таркиби узгармаган жамоа юқори курсдаги гурухларда ҳам шаклланмаслиги мумкин.

Иккинчи томондан, гурух рахбари гурух билан иш бошлар экан, ҳар доим ҳам ахил жамоа юзага келишининг бошланғич даври билан иш куради, деб мулжаллаб бўлмайди. Бошланғич ўқиш давларида купинча яхши гурух жамоалари шаклланади. Педагог бундай ҳолда жамоа фаолиятининг аввалги тажрибасини таҳлил этади ва унинг анча юқори ривожланиш даражасига мос деладиган тарбия методларини қўллайди.

Педагог жамоанинг кучли ва заиф томонларини англаш учун педагогик вазиятлар вужудга келтирилишини қўллайди. Лекин, бунда шуни эсда тутиш керакки, талаба камчиликларини ҳамманинг уртасида ошкора намоиш этиш уни маънан ҳалок этиб, калбини жароҳатлайди. Шундай вазиятларни вужудга келтириш керакки, улар салбий томонларни эмас, балки ҳар бир шахснинг одатдаги шароитда бошқаларга маълум бўлмаган ижобий томонларини очиб берсин

Гурух рахбари жамоа ривожланишининг аниқланган даражасига қараб тарбия усулларини танлайди. Бунда педагогларнинг ёши, узок йиллар давомида орттирган тажрибаларини ҳисобга олиш қўшимча шарт ҳисобланади. Бу ҳақда гапирмаса ҳам бўлади, чунки бу шарт педагогик принциплардан биридир. Шу билан бирга, ишни энди бошлаган педагог, айниқса гурух рахбари тарбия усулларини эмас, балки шаклларини танлашда уз тарбияланувчилари ёшини ҳисобга олиши муҳимдир. Бунда бир хил усуллар - талаблар, топшириқлар ва ҳоказолар турлича изоҳланади. Қўйи гурухларда купгина талаблар, қоидаларни тушунтириш, ҳатто айрим «зерикарли» вазифаларни бажаришга ургатиш купинча уйин шаклида утказилади. Кичик гурухларда тарбия шакллари анча жиддий, амалий тус олади, лекин имкони борича уларга усмирларда иштиёқ уйғотишга қодир бўлган романтик тус бериладн. Юқори гурухларда чуқур тушунтириш ишлари олиб бориш, ҳатто маънавий талабларни фалсафий асослаб бериш талаб этилади.

Жамоани шакллантиришнинг дастлабки босқичида гуруҳ раҳбаридан айникса куп шахсий куч-гайрат сарф этиш талаб этилади. Бунда, юкорида таъкидлаб утилганикек, вазият шундай булиши хам мумкин, яъни гуруҳ янги эмас, талабалар бир неча йилдан буён бирга укишлари, жамоа эса таркиб топмаган ёки «сочилиб кетган» булиши мумкин. Педагог хар кандай холда хам, уз утмишдошларининг хатоларини такрорламаслик учун вужудга келган вазиятни тахлил этади ва бунинг педагогик сабабларини аниклайди.

Куйилган вазифаларни хал этиш истикболга мулжалланган харакатларни тулик тассавур этшдан бошланади. Жамоа кандай босқичда турмасин, унинг олдида бир вақтнинг узида якин, урта ва узок истикболлар булиши керак. Тажрибалар курсатишича, талабаларнинг шахслараро муносабатлари жамоа тусини олмаган бошлангич босқичларда гуруҳ раҳбари талабаларнинг шахсий манфаатларига дахл киладиган якин истикболларни чамалаши ва руёбга чиқариш тўғрисида уйлашига тўғри келади. Якин истикбол сифатида одатда, куп тайёргарликни талаб килмайдиган, лекин шу билан бирга киска муддатли амалий муомала: экскурсия, маданий тадбир, шахар ташқарисига сайрлар кизикарли шоу тадбирлар танланади. Бу кичик тадбирларни тайёрлаш талабаларнинг фаол педагогик ёрдам остида муайян куч-гайрат сарфлашларини ва ташкилотчилик қобилиятларини намоён этишларини талаб килади. Бундай жамоа тадбирларини утказиш чогида фаол талабалар аникланади.

Шуни ёдда тўтиш мухимки, истикболлар (якин, урта, узок) жамоа ҳаёт фаолиятининг барча: укув, нжтимоий-сиёсий, меҳнат ва оммавий-маданий соҳаларни камраб олган булиши керак. Бундай ёндашув факат «кунгилочар» истикболларни олға суриш йўлидан бориш ҳавфидан ҳалос булишга ёрдам беради.

Назорат учун саволлар

1. Жамоа таркиби нималардан иборат?
2. Гуруҳ ва жамоа фарқи нимада?
3. Шахс шаклланишида жамоанинг урни нимадан иборат?

16-МАВЗУ.ИҚТИСОДЧИ –ЎҚИТУВЧИ МЕХНАТИ, БИЛИМИ ВА ЮҚОРИ МАЛАКАСИНИНГ НУФУЗИ

Режа

1. Укитувчи - бу мураббий-муаллим ва устоз эканлиги.
2. Укитувчи меҳнатининг нуфузли эканлиги.
3. Кадрлар тайёрлаш тизимида ижтимоий ҳимоя ва моддий таъминот.

Таянч ибора ва тушунчалар: Укитувчи меҳнати, билимлилик, юқори малакасининг нуфузи, укитувчи-мураббий, муаллим ва устоз, ижтимоий ҳимоя, моддий таъминот, иқтисодчи-укитувчи, педагогик маҳорат, педагогик таъсир, педагогик техника.

Ўкитувчи - бу мураббий-муаллим ва устоз эканлиги.

Укитувчи деганда, ҳар бир инсон беихтиёр узининг беғубор болалигини, жушқин ёшлик даврини, орзуларга тула мактаб йилларини, муаллим ва мураббийларини соғиниш ва ҳурмат эҳтиром туйғулари билан эсга олади.

Ислом Каримов

Укитувчи - бу гузаллик ва инсонийлик соҳибидир. Бу олийжаноб, шарафли касб эгалари ҳақида канчадан-канча донишмандлар узларининг энг яхши эзгу-тилак, истакларини ёзиб қолдирмаган дейсиз. Ҳаёт абадий экан, у аввало ёш авлод билан барҳаёт. Демак, авлод бор экан, унга таълим ва тарбия берадиган меҳри дарё, бағри кенг инсон - бу Укитувчидир.

Касблар ичида шохонаси ва фахр билан тараннум этиладиган касб - укитувчилик касбидир. Чунки, ҳаётда бирон соҳа йукки, унга укитувчининг бевосита ва билвосита қўшган ҳиссаси бўлмаса.

Укитувчининг билимдон, ақл-заковатидан, меҳр-муҳаббатидан баҳраманд бўлмаган инсоннинг ўзи бўлмаса керак. Бу ҳақда машҳур Абдурахмон Жомий:

«Жахонда булмаса муаллим агар, хаёт ҳам булмасди гузал бу кадар», - деб ёзган.

Укитувчи - ҳар қандай ҷамият тараққиётини ҳаракатга келтирувчи ғавқулудда қуч бўлиб, унинг мамлакат юксалишидаги урни ва роли бекиёсдир. Укитувчиларнинг билими, салоҳияти ва педагогик маҳорати ҷамият ривожини истикболнинг қафолатидир.

Биз Америка, Англия, Япония, Франция қаби давлатларнинг ниҳоят даражада ривожланганлиги ҳақида сўз юритганимизда, у мамлакатларда минг-минглаб юқори малакали укитувчилар ижодий меҳнат қилаётганлигига амин бўламиз.

Америка Қушма Штатларида ва бошқа қатор мамлакатлардан қучли укитувчиларни ёллаш учун маблағни аямайди. Улар орасида истеъдодли хитойликлар, ҳиндлар, покистонликлар ва бошқа миллат ҳамда элат вакиллари бўлиб, бу етук, барқамол укувчилар АҚДТнинг ақлий ривожини таъминлаб қелаяпти.

Бизда эса, афсуслар бўлсинки, аксинча. Четдан, яъни хорижий мамлакатлардан истеъдодли ва таҷрибали ўкитувчи-педагогларни ёллаш, ҳатто ҳаёлимизга ҳам келтирмаймиз.

Утган асрларда рус дворянлари уз болаларини ўқитиш учун Франция, Англия, Германиядан ўкитувчилар ёллашган, ёки уша давлатларда таълим олиш учун юборганлар. Аммо бизда бундай таҷриба деярли булмаган. Утмишда Файзулла Хуҷаевни отаси Англия ва Францияда билим олишга юборганлиги маълум ва бошқалар.

Ўкитувчи қадат мактабда ёки аўқиторияда эмас, балки ҳамма жойда - уйда ҳам, маҳаллада ҳам укитувчи, яъни зиё тарқатувчи бўлиб қолиши қерак...

Мабодо укитувчининг уз фарзандлари добилиятсиз, ўқувсиз ққдиб қолса, у ўқувчиларини уз болаларидек тарбия қилиб, ўқитиш имқониятига эга. Бу ўқувчилар унга фарзандларидек бўлиб қолиши мударрар. Улар бутун умри давомида узларининг одам бўлишида ўкитувчиларининг хизматини унўтишмайди. Боз устига, қерак бўлса, унинг фарзандлари-ю, дариндошларига

беминнат хизмат қилишади.

Ўқитувчилар уз болаларига, яқинларига, дариндошларига хар доим билим ва адл куникмаларини багишлаб юриши хам саодат, хам мажбуриятдир. У хеч булмаса, бир марта шанба ёки якшанба кунлари 1-2 соат яқинларини йиғиб, уларга хаётдаги янгиликлар, уз истеъдод ва добилиятини ривожлантириш йўллари, инсоф, диёнат тушунчаларининг мохияти хадида сухбатлар утказиб туриши, билимларини мустақил ошириб туришларига кумак бериши лозим.

Тажрибали ва омилкор педагог уз фикрларини олдиндан ёзма равишда тайёрлаб, дариндошлари ва идтидорли ўқувчиларга тардатгани мақадга мувофид булади. Бу шахсан Сизнинг мактабингиз булади, номингизни улуглайди, эъзозу хурматга сазовор буласиз. Дархақиқат, оила ва махаллада ўқитувчилик энг бахтли, хосиятли, шарафли касбдир.

Ўқитувчи хамма жойда адлли, билимли, зиё тардатувчи булиб дола олмаса, унинг билими ва махорати аста-секин пасайиб кетаверади. Шунинг учун ўқитувчи уз билганларини ёзиб бориши, доимо садлаш учун уларни кутубхонага топшириб, келажак авлодларга долдирса, айна муддао булади. Бу унинг номини абадийлаштиради.

Богбон кучат утдазса, 5-6 йилдан сунг унинг хосилидан тула бахраманд бўлганикек, ўқитувчининг меҳнати хам дарров билинавермайди, маълум вақтдан сунг ўқитувчи чеккан захматлари уз самарасини беради, хаммани хушнуд этади. Демак, у катта-кичик шогирдлари-ю, фарзандлари олдида хамиша эъзозда булади.

Маърифат маданияти донида-наслида бўлган ота-она, аввало, узи доимо билимини ошириб боришга, болаларига урناк булишга интилади. Фарзандларини хам шунга даъват этади. Шу сабабли маърифатли ота-она, аввало уз жигаргушалари учун ибрат, намуна, устоз-мураббий булишади. Муаллим-устоз эса барча замонлару маконлар ичра тенгсиз мутаъбар хазинадир. Юқорида айтганимиздек, хурмат-эъзоз хамиша унинг насибасидир. Президент ёхуд вазир буладими, қатъий назар, хамиша давранинг турида устозини утдазади. Адлли, добилиятли болаларни доимо тарбия қилиб, уз

мактабини яратади. Сийлови эса келажакда булади. Айнан шундай улут устозлар, Абу Райхон Беруний, ал Хоразмийларни, Абу Али ибн Синоларни, Мир Алишер Навоийларни ва бошқаларни тарбиялаб етиштиришган. Афсуски, хозир бу ҳақда етарлича уйлаяпмизми? Ёш истеъдодли, иқтидорли, талантли ёшларни излаб топиш, уларни комил инсонлар, қудратли ақл соҳиблари бўлиб етишишлари хусусида ҳамиша ҳам жиддий уйлаб қураяпмиз-ми? Ҳа, албатта энди бу ҳақда жиддий уйлаш имкониятлари яратилди...

1. Уқитувчи меҳнатининг нуфузли эканлиги

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев узлуксиз таълим тизими ислохотлари муаммолари ҳақида сўзлаб: «Бизлар уқитувчилар ва тарбиячиларнинг ҳаётий талабларини таъмин қилишимиз керак, уларни меҳнатларини рағбатлантириб, уларнинг нуфузли касбини эъзозлашимиз зарур». Яна давом этиб: «У муаммони ҳал этмай, усаётган авлоднинг тарбияси ҳақида гапиришнинг моҳияти йук», - деб таъкидлаган эди.

Уқитувчи ва тарбиячиларнинг меҳнати шунда нуфузли буладик, қайсики у қатъий уч нуктага таянган бўлсагина:

Биринчи нукта таянчи - бу авлодни гармоник равишда юксалтиришга тайёрлаш учун иқтисодий тараққиётга таяниб, малакали кадрлар тайёрлаш моддий ва ижтимоий таъминотга боғлиқ. Бу нукта таянчи «Ижтимоий ҳимоя» дастурида мулжалланган умумий йуналишда таълим соҳасида моддий таъминотни таъминлаш қуйидагича:

Биринчидан, давлат томонидан Республиканинг ягона уқув-илмий ишлаб чиқариш комплекси бўлган таълим тизимини барқарор ривожланиши ва амал қилишини иқтисодий ва социал қанолатини таъмин этиш.

Иккинчидан, уқитувчиларнинг моддий ва маънавий рағбатлантириш, профессионал малакасини ҳамда маданий-таълим даражасини ошириш, шунингдек меҳнат сифатини оширишни ташкил этиш.

Учинчидан, уқитувчилар ва илмий ходимлар, таълим соҳасидаги барча даражадаги ходимларнинг нафақа таъминотини такомиллаштириш.

Туртинчидан, таълим тизими ва унинг таълим муассасаларига бюджетдан

ташкари маблагларни жалб этиш учун шароит яратиш.

Бешинчидан, таълим соҳасидаги ходимлар, шунингдек аспирант ва докторларга моддий-техник ва бошқа имтиёзларни кенгайтириш ва такомиллаштириш.

Олтинчидан, таълим соҳасидаги ходимларга ҳар йили мураккаб меҳнат шароити учун компенсация тулаш ҳақида тавсияномалар, йўл ҳақи, даволаниш, меҳнат таътилига ва бошқаларга тайёрлаш.

Курсатилган дастурда, шунингдек моддий таъминот ва социал ҳимояни таълимнинг даражалари бўйича такомиллаштириш.

2. Кадрлар тайёрлаш тизимида ижтимоий ҳимоя ва моддий таъминот

Мактабгача таълим:

1. Кам таъминланган оилалар болалари учун таълим ва соғломлаштириш хизматлари дастурларини таъмин этиш.

2. Оиладаги болалар тарбиясига моддий, психологик-педагогик ва тиббий-маслахат ёрдамларини курсатиш.

3. Мактабгача муассасалар ходимларининг меҳнатга ҳақ туловини такомиллаштириш.

Умумий таълим:

1. Укитувчилар ва бошқа педагогик ходимлар меҳнатига ҳақ тулашни такомиллаштириш, сифатли курсаткичлари учун қушимча ҳақ тулашни киритиш, малакали категориялар уртасида ҳақ тулаш фарқини қупайтириш, укув-методик ва тарбия ишлари учун қушимча ҳақ тулашни ошириш.

2. Илмий даражали укитувчилар, унвон ва фахрий унвонларига қараб, меҳнатга ҳақ тулашни такомиллаштириш.

3. «Таълим аълоҳиси» унвони учун 30% гача иш ҳақини ошириш курсатилган.

Урта махсус ва профессионал таълим:

1. Укитувчилар, таълим ургатиш ишлаб чиқариш устозлари урта ва бошлангич таълим муассасаларига иш ҳақи тизимини жорий этиш.

2. Укитувчилар микдорининг йиллик юкламани 640 соатга кискартириш.

3. Ишлаб чиқариш таълим соҳаси мутахассислари меҳнат таътилини 36 иш кунигача узайтириш.

4. Урта махсус таълим муассасалари ва профессионал таълим уқувчиларининг калорияли озик-овқати ва унга имконият ташкил этиш.

Олий ва олий таълимдан сунгги таълим.

1. Таълим ходимларига бериладиган илмий унвон ва даража, фахрий унвон учун қўшимча ҳақ тулашни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

2. Илмий-педагогик стажи ва профессионал малакасини ошириши билан боғлиқ бўлган профессор-уқитувчилар таркибига иш ҳақи тулаш тизимини ишлаб чиқарилиши ва амалга оширилиши.

3. Талабалар ва докторантлар учун давлат томонидан имтиёзли кредитлар низомини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

4. Вилоятлардан келган талабалар ва докторантларни имтиёзли шароитлар асосида турар жой билан таъминлаш.

5. Уқувчилар, талабалар ва докторантларни уқиш, яшаш ва дам олишларида узларини узлари бошқариш тизимини ривожлантириш.

6. Бўлажак мутахассислар учун иш жойлари ташкил этиш, иш берувчилар учун имтиёзлар ишлаб чиқиш.

Иккинчи «нукта таянчи» - ўқитувчилар корпуси авлоднинг гармоник ривожланиши, унинг маълумотли ва профессионал малакали тайёрлаш учун маънавий жавобгарлиги. Бу жавобгарлик миллий дастурнинг бошдан-оёқ утади, таълим-тарбия жараёнининг барчаси мактабгача бўлган таълимидан ва олий уқув таълимидан сунгги билан тугайди.

Учинчи «нукта таянчи» - уқитувчилар корпусининг квалификацияси яъни, малакали булиши - бу соҳада Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов Олий мажлисининг IX-сессиясида таъкидлайди: «Биз шундай долзарб масала билан дуч келамизки, уқитувчининг узи ҳозирги замон билими, унинг таълимотини ва профессионал даражасини оширишни ҳал қилишни кечиктириб бўлмайдиган», - деб айтган.

Миллий дастурда: масалани самарали хал этиш дастур йуналишида кўрсатилган «Илмий ва педагогик кадрлар». «Кадрларни кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш», «Кишлоқ мактабларини ривожлантириш» ва бошқаларда курсатилган. Педагогик кадрлар янги таълим таркиби дайта тайёрлаш ва малакасини оширишга алохида эътибор даратилган: академик лицейлар, профессионал коллежлар, бакалаврлар ва магистрлар. Таълим таркибининг амалдаги бошлангич таълимга эътибор, дайсики авлоднинг фундаментал гармоник ривож, яъни боланинг адли, интеллекти, дунёдарашини шакллантиради.

Ўқитувчилар малакасини оширишда мустақил таълим олиш муҳим рол уйнайди. Чунки, биринчидан, бунда моддий ва маънавий омил узининг қизиқувчилик асосида эга. Иккинчидан янги моделнинг моддий-техника ва таълим тизимининг мерос булиб долган узлуксиз таълимнинг молдий-техник базаси мохияти хозирги замон талабига мос келмайди.

Миллий дастур узлуксиз таълим мазмунини жахон андозаларига мос келиш масалаларини параллел хал этиш ва янги таълимнинг моддий-техника таъминоти масалалари мохияти назарда тутди. Узлуксиз таълимнинг моддий-техника таъминотини такомиллаштиришнинг асосий йуналишлар қуйидагилар хисобланади:

1 барча турдаги таълим муассасаларининг ва ўқув-лаборатория базаларини ривожлантириш ва такомиллаштириш, шунингдек таълим тизимидаги муассасалар ва ташкилотлар талабини давлат таълим андозалари, янги иқтисодий, социал нормалари ва нормативларига мос келиши; таълим таркибидаги ўқув-методик адабиётлар ва ўқув кургазмали дуроллари давлат таълим андозалари талабига мос келиши;

2 барча типдаги таълим муассасаларини барча турдаги ва даражадаги хисоблаш техникалари ва таълимга мулжалланган дастурлар махсулотлари билан жихозлаш;

3 корхона ишлаб-чидариш ўқув-лабораториялари, илмий ва ўқувга мулжалланган ишлаб чидаришни жихозлаш, ўқув кургазмали дуроллар,

мебеллар ва инвентар, ўқув жараёнининг бошқа воситалар билан жихозланиши, шунингдек, бу корхоналарни қўллаб-дувватлаш ва имтиёзлар бериш;

4 капитал дурилишлар хажми, биноларни таъмирлаш ва таълим тизимини яратиш, барча турдаги таълим муассасаларини талаб даражасида уларни модернизациясини таъминлаш.

Хулоса килиб айтганда, хакикий уқитувчи-устозликнинг мохияти хаёт такозо этаётган, ахлокий фазилатларини ёш авлод онгига, эътиқодига, энг муҳими кундалик хатти-харакатига сингдира билишдадир.

Уқитувчилик касбига кадам қуйиш ниятида бўлган инсон аввало узига: шу касбни ардоқлаб севаманми? Калбимда шу касбга хавас ўти борми? Мен болажонларни яхши кўраманми? Бир умрга ана шу ниҳоят мураккаб, аммо шарафли касбнинг жозибали сеҳри билан яшай оламанми?, - деган саволларни бериб, ўз қалби билан гаплашиб олмоғи керак ва хулосаларга келиб олиши шарт.

Ўқитувчилик касбини эгаллаш учун кишида қобилият, маълум педагогик-психологик малака тайёргарлик булиши даркор. Инсонни эл-юрт хурматига сазовор этувчи яхши фазилатлардан бири - танлаган касбида садоқат билан ишлай билишдир. Касбда қўнимли бўлиш инсонни гўзаллаштирувчи зийнат бўлибгина қолмай, ишни унумли ҳал қилди. Танлаган касбда, бир ерда узок вақт ишлашда ҳикмат кўп. Доно халкимиз «Дарахт бир ерда кўкаради», - деб бежиз айтмаган.

Кискаси, ўқитувчи ёш қалб эгасининг дўсти ва йўл кўрсатувчи мураббийсидир. Афсуслар бўлсинки, ҳозирги даврда ўқиган бўлса ҳам, маданиятсиз, етарли тарбия кўрмаган, олмаган, феъл-атвори хунук, хаётдан орқада қолган, ёш авлод тарбиясига салбий таъсир курсатаётган ўқитувчилар ҳам учраб туради.

Устоз, Азиз дустим, ҳурматда бул, устозингдан ўзганда ҳам,

Илминг ошиб, иқбол қулиб харчанд сенга бокканда.

Булма мағрур унвонга сен, «Алломамиз» десалар ҳам,

Камтар булди алломалар минг ғоядан ошганда ҳам.

Дур-гавхардан ортик эрур оқил шогирд устоз учун,
Устозингнинг қадрини бил, бошинг кўкка етганда ҳам,
Ким тош отса устозига, булғай бадном ўлганда ҳам,
Сўнмагай устоз нури ою-йиллар ўтганда ҳам.

Талабаларни жамоада тарбиялаш гоёси уқитувчи, тарбиячилар томонидан муносиб кутиб олинди. Бу борада куплаб илмий-амалий кузатишлар амалга оширилди. Бу текшириш маълумотларига биноан, жамоа факатгина болаларда уртоклик, жамоатчилик ижтимоий фаолликни шакллантириб колмасдан, балки талабаларнинг атроф-мухитга нисбатан муносабатини белгилаб, унга ижтимоий йуналиш беради.

Жамоада тарбиялаш оркали болаларнинг асосий шахсий сифатларидан характер, иродани тарбиялаб бориш мумкин. Жамоасиз хар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялаш мумкин эмас. Жамоа хакидаги назария, шахснинг ривожланишидаги умумий конуниятларни очиб беради. Болаларнинг жамоага бирлашишларидаги манба ягона максаднинг борлигидадир. Шу максадга эришиш учун жамоа асосидаги фаолият ташкил килинади. Максаднинг бирлиги жамоа аъзоларига ягона, умумий карашларнинг шаклланишига олиб келади.

Жамият учун фойдали бир максад асосида бирлашган, контакт бирликка эга бўлган, уз манфаатини жамоа манфатига буйсундира оладиган шахслар уюшмаси жамоани ташкил килади. Демак, жамоа булиш учун учта талабга жавоб бериш зарур булади: жамият учун фойдали максад, бир-бирлари билан якин алокада булиш ҳамда узгалар манфаатини уз манфаатидан устун куйишдир. Ҳар бир болани алохида тарбиялаш оркали жамоани тарбиялашга * эришиш мумкин .

Назорат учун саволлар

1. Малакали иктисодчилар тайёрлашда уқитувчиларнинг урни ва роли нималардан иборат?

2. Укитувчи меҳнатининг нуфузли эканлигига таъсир килувчи омилларни сўзланг.
3. Иқтисодий тарбия жараёнида иқтидорли ва талантли ёшларни тарбиялашда укитувчиларнинг роли.
4. Укитувчи - бу мураббий - муаллим ва устоз эканлиги.
5. Укитувчиларни «Ижтимоий ҳимоялаш» таъминоти ҳақида нималар биласиз?

17-МАВЗУ. ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБА ШАХСИНИ ЮКСАЛТИРИШДИР

Режа:

1. Талаба шахси - булажак иқтисодчининг иқтисодий тарбия объекти эканлиги.
2. Маънавий-маърифий ахлокий тарбия тажрибасининг жамғарилиши ва булажак ишбилармонларнинг фикрлаш даражаси.
3. Иқтисодий тушунчаларнинг шаклланиши ва ишонч ҳамда унинг функцияларини ривожда қарор топиши.
4. Талаба шахси - булажак иқтисодчининг иқтисодий тарбия объекти эканлиги.

Таянч ибора ва тушунчалар: Талаба шахсини юксалтириш, маънавий-маърифий, ахлодий тарбия, иқтисодий тушунчалар, фикрлаш даражаси, позициялар, ички ва ташқи муносабатлар, шахс тарбиясига бўлган муносабатлар, шахснинг индивидуал хусусиятлари.

Талаба шахси - булажак иқтисодчининг иқтисодий тарбия объекти эканлиги

Жамоа тараққиёти жараёнида ҳамма ўқувчиларга жамоанинг тарбиявий таъсири ва муносабатлари бир хилда бўлишига дарамай, айрим талабаларга тарбия таъсири турлича бўлиши шубҳасиз. Бу эса икки омилга боғлиқ. Улардан

бири шахслараро тизим муносабатидир.

Ўқувчиларнинг шаклланишига шахслараро муносабатларнинг таъсири қандай? Жамоа ва шахс муносабатларининг асоси - бу инсон узини-узи англаш жараёнида бошқа кишилар билан мулодотда булишга интилади, узининг кимлигини билдириш билан узини шахс тарзидалигини ифодалайди.

Талаба олий даргохга келган биринчи куннинг узидаёд бошқа талабалар билан мулодотда булиши ва уларнинг ишончига сазовор булишга интилади. Ана шундай тарзда шахсий муносабатлар пайдо булади ва у узининг характери, мазмуни буйича турлича ривожланади: учрашувдаги мулодотлар қисқа ё узодрод булиб, бу тарбиявий режада ижобий ёки салбий икки томон манфаатига мос булиши ёки булмай, бир томонлама булиши ҳам мумкин.

Ўқув жараёнида манфаатлар умумий эканлиги билан боглид бўлган холда фаолиятнинг турли куринишларида мулодот ва дустликда 3-7 кишидан иборат микро гурухлар ташкил топади. Одатда хар бир гурухда бир талаба обрули ва уз таъсирини утказа билишлиги учун, у талаба лидер-сардор хисобланиб, унинг атрофида бошқа талабалар ҳам гурухга душилади.

Агарда жамоа хаётининг ташкилий даври чузилса, талабалар узларининг дустлар ва гурухий манфаатлар буйича бир неча микро гурухларга булиниб, жамоа муносабатлари ривож секинлашади. Бундай холатда энг мухими микро гурух лидери жамоага душилади. Микро гурух уз аъзоларига бахо бериш, хар бир хатти-харакатларини мухокама қилиш, умуман булар жамоа ривожига таъсир курсатади. Агар микро гурух манфаати жамоа манфаати билан мос келса, унда жамоа хаётини тулдириб, мазмунли, қизиқарли булишини таъминлайди. Борди-ю, микро гурух манфаати жамоа манфаатига зид булса, микро гурух аъзолари жамоага душилмайди.

Микро гурухлар узининг аъзоларини бахолаши, мухокама қилиши ва шунингдек, умуман жамоанинг ривожланишига таъсир курсатиши аниқ. Агарда гурух манфаати жамоа манфаати билан мос келса, у вақтда гурухлар жамоа хаётини тулдиради, турли-туман қилади, унинг янада мазмунли ва қизиқарли булишини таъминлайди. Хаётда купинча, агар микро гурух

манфаати жамоа манфаати билан мос келмай долса, унда жамоа хаётида микро гурух аъзолари датнашмай, узларини бетараф тутақилар.

Жамоанинг мувафаддиятли ишлаш шароитининг асослари: жамоанинг вазифасининг аниқ эканлиги, унинг мустақиллигини аста-секин ривожланиши, жамоа билан ишлаётган унинг давомчиси эканлиги, хар доим дайта сайланиши ва унинг обрусини педагоглар қўллаб-дувватлаши турган гап.

2.Маънавий-маърифий ах,локий тарбия тажрибасининг жам^арилиши ва булажак ишбилармонларнинг фикрлаш даражаси

Тарбия жараёнида талабаларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш услублари ва методлари купдир. Улар жумласига индивидуал турли топшириклар киради. Бу топшириклар турли-туман булиши мумкин, буларнинг хаммаси талаба шахсини шакллантиради ва булажак иктисодчиларни тайёрлайди.

Индивидуал топширик методларидан жамоа ривожининг куйи босқичларида фойдаланиш мумкин. Аммо у жамоа ривожининг учинчи босқичида энг самарали булади. Чунки, талабанинг мустакил бажараётган ишларига ёрдам бериш кучаяди ва унга тўғри баҳо берилади. Ана шундай тарзда талабада ижобий эмоция пайдо булади. Жамоа ривожининг учинчи босқичида талабаларнинг эркин бирлашуви - педагогика самарасидир.

Агар микро гурухлар манфаати жамоа манфаатига зид булса, бундай холатда уларнинг аъзоларига салбий таъсир курсатиб, душманликка айланади. Шу билан бирга хар бир талаба узининг дустлари орасида таъсирли ёки таъсирсиз, обрули ёки обрусиз булиб, жамоада унинг урни шаклланади.

Шахснинг бу урни унинг кайфияти, хохиш-истагини курсатади хаётий рухига таъсири булади. Хамма бу узгаришлар шахсга ва унинг ижодий тарбиясига таъсир курсатади. Маълумки, хар бир талаба шунинг учун хам жамоада узини курсатишга ва нималарга кодир эканлигини исботлашга харакат килади.

Талаба жамоа орасида канчалик обрули булса, яна хам обрули ва унга муносиб колиши учун интилади. Микро гурухда салбий йуналишда колган киши узига ишончи сусайиб, ундаги инсоний киёфа нохушлик томонга караб

шаклланади: бундай талабада манманлик, эгоизм, куркоклик, бошқаларни кунглини овлаш, мустикал эмаслик каби характерлар хукмрон булади. Жамоа орасидаги юкори холат шахснинг камолатига кумаклашиб, бундай холатларда педагог уларга ёрдам килиб, дустлари орасида уз урнини мустахкамлашга интилади.

Шундай килиб, талаба тарбиясининг ривожига факат жамоа муносабатларигина таъсир килиб колмай, балки шахслар уртасидаги, шунингдек шахснинг жамоадаги мавкеи хам таъсир курсатади.

Талабанинг тарбияга бўлган муносабатида туртта позиция белгиланган:

Биринчи позиция - укувчи тарбияга узининг тарбияланиши билан жавоб бериб, у кенг йуналишда боради, яъни бу конкрет педагогик таъсирида булади.

Иккинчи позиция - тарбияга ижобий муносабат. Талаба жамоа ва педагогларнинг барча талаб ва истакларини бажаришга харакат килади.

Учинчи позиция - мослашув. Талаба ич-ичидан педагог ва жамоа талабини кабул килмайди, аммо узининг ташки хулкени узгартириб, факат шароит ва мухитга мослашади. Лекин бундай холатда талабада ишонч ва ижобий сифатлар юз бермайди. Шароит узгариши биланок талаба яна узини аввалгидек ёмон тутди. Бу албатта жуда мураккаб психологик-педагогик воқеа булиб, унинг катор сабаблари мавжуд.

Туртинчи позиция - салбий одатлар ва хулкидаги куникмаларни сингдиришнинг кийинлиги булади. Бу албатта талабадан катта асабий тизим талаб килади ва у педагогга каршилиқ курсата бошлайди.

3. Иқтисодий тушунчаларнинг шаклланиши ва ишонч хамда унинг функцияларини ривожиди карор топиши

Педагоглар жамоага бўлган ички ва ташки муносабатларни фаркига бориб, уларни уч типга булақилар:

1. Качонки ташки муносабат ички муносабатга адекват булиб, ижобий фаол булса, жамоа талабига талаба итоат килади ва унинг фаолиятида фаол катнашади хамда унинг обриси учун курашади.

2. Качонки ташки муносабат ички муносабатга адекват булса, салбий

булади: талаба ошкора холда хулк нормаларини бажармайди, унинг фаолиятида иштирок этмай, жамоага карши туриб, тарбиявий таъсирга каршилиқ курсатади. Бундай муносабат жамоада кам учрайди. Яна ҳам бундай ҳолат камдан-кам учрайди, қайсики бундай шахс муносабати жамоага мослашиши, у шахснинг позицияси хулк нуктаи назаридан тўғри булади, жамоаники эса - нотўғридир.

3. Қачонки талабада жамоа ҳаётида иштирок этиш истаги бор экан, бироқ у узини курсата олмайди ёки узининг уялчанлиги билан ва ишончсизлик ва бошқа сабабларга қура суст-ижобий ҳолатда булади. Албатта суст-ижобий ҳолат - бу жамоа фаолияти ва манфаатларига эътиборсизлик оқибати ҳолос.

4. Тарбияга ва жамоага шахснинг муносабати педагогик таъсир шаклларни танлашга ундайди. Ҳар қандай ишончли машқми, муқофотми ё ҳуқм чиқариш методларидан фойдаланиш уҳта шаклда таъсир этиши мумкин: тўғри, эгри ва параллел.

Педагогнинг таъсири талабага тўғри формада бўлиши такозо қилади. Шу билан талаба педагог мақсади уни тарбиялаш эканлигини англайди. Агар талабани тарбияга муносабати салбий бўлса, у вақтда бундай тарбия формаси самарали бўлмайди. Бундай ҳолатларда тарбиянинг очик формаси эмас, балки унинг яширин формасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ булади. Яъни, параллел ёки эгри формаларидан фойдаланиш зарур булади. Параллел формасини таъсирини қуллаш авваламбор, бу жамоанинг тараккиёт босқичига боғлиқ булади, жамоа ривожининг биринчи-дастлабки босқичида параллел формасидан фойдаланиш жуда қийин кечади. Иккинчи тараккиёт босқичида параллел форма фаоллик орқали ташкил қилинади. Педагог фаолларнинг шахсга параллел таъсир этишини ташкил этиши мумкин, масалан, фаоллар аъзоларига танбех бериши ва хоказо. Педагог гуруҳ сардорига «гуруҳда тартибсизлик» мавжудлигини айтади. Бу сўз фаоллар томонидан қилинган тартибсизлик учун талаб этилган сигнал бўлиб хизмат қилади. Айрим кезларда педагог талаба фаоллари билан қимни хулқи жамоа манфаатларига зидлиги эканлиги ҳақида суҳбат ташкил этишга тўғри келади. Бундай ҳолатларда

педагог олдиндан фаоллар билан нималар хакида сухбат килиш, талабаларга нима айтишни келишиб олинади. Мақсад талабалардан килинган талаблар ва уларга яратилган шароитлар очик ойдин айтилади.

Муҳокама жараёнида педагог катнашади, агар жамоа кучли булса, педагог уларга ишониб эрта кетиши ва масалаларни талабаларнинг узи мустакил хал килишлари мумкин булади. Качонки фаоллар уюшган, бир огизли булса, педагогнинг умуман иштироки шарт эмас. Педагогсиз ҳам жамоа узи самарали ишлайди. Яна бир метод - жамоа тараккиётининг юкори босқичида параллел таъсир этишни ташкил килиш - жамоада тартиб учун масъулиятли аъзони тарбиялаш. Талабанинг узи дарсдан суродсиз кетиб долди. Педагог гурух сардорини жазолайди, жамоа эса уша талабага танбех этади.

Параллел форма таъсири тўғри таъсир қилишдан қатор афзалликларга эга.

Биринчидан, жамоа параллел форма таъсирида тарбияланувчига уз кучини утказиб, уни олга боришига кумаклашади. Шу билан бирга жамоа узи тарбиялайди: талабага қўйилган талаб тўғри булиши ва талабалар учун огох этади. Купинча тарбиянинг тўғри формаси қўлланиб, фадат тарбиячи обрусига таянилса, у вақтда жамоа ривожига халадит беради.

Иккинчидан, педагогнинг шахсга жамоа ордали бўлган мурожаати ижтимоий жараён булиб, унда талаба узининг тарбия объекти эканлигини сезмайди.

Учинчидан, тарбиянинг тўғри таъсири формасида тарбияланувчи билан педагог уртасида келишмовчилик пайдо булади, аммо параллел форма таъсирида булса, жамоа билан унда орасида келишмовчилик юзага келиб, бунда педагог мажора юзасидан дозилик қилади.

Шундай қилиб, педагогик таъсир формасини қўллашда шахснинг боғлидлиги: шахснинг тарбияга бўлган муносабатидан, жамоа ривожининг босдиқидан, педагогнинг шахс билан бўлган алодасидан, шахснинг индивидуал хусусиятидан боғлид булиши. Бундан ташдари, хар бир талаба узига алохида ёндашув талаб қилади. Шунинг учун авваламбор талабанинг индивидуал

хусусиятини инобатга олиш керак.

Назорат учун саволлар

- 1.Талаб шахси - булажак идтисодчининг иқтисодий тарбия объекти эканлиги.
2. Маънавий-маърифий ахлодий тарбия тажрибасининг жамгарилиши ва булажак ишбилармонларнинг фикрлаш доираси.
- 3.Иқтисодий тушунчаларнинг шаклланиши ва ишонч ҳамда унинг функциялари ривожда дарор топиши.
- 4.Талабанинг тарбияга бўлган муносабатларидаги қандай позициялари мавжуд.
5. Малакали идтисодчилар тайёрлашда давлатнинг гамхурлигини сўзланг.

18-МАВЗУ.ИШБИЛАРМОН ВА БИЗНЕСМЕНЛАР ТАРБИЯСИНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Режа:

1. Ишбилармонларни тарбиялашга мақсадли ёндашиш ва обру талабликдаги элементлар, тўсикларни енгиш.
2. Стандарт ва ижодкорлик.

Таянч ибора тушунчалар: Ишбилармонларни тарбиялаш, стандарт ва ижодкорлик, меҳнат тарбиясининг аҳамияти, педагогик этика, этика талаблари, педагогик этиканинг шартлари, талабага таъсир қилишнинг аҳамияти

1. Ишбилармонларни тарбиялашга мақсадли ёндошиш ва обрў талабликдаги элементлар, тўсикларни енгиш

Инсон тарбияси меҳнатда намоён бўлади ва унинг уз ишига ва у орқали жамиятга, кишиларга, предметларга ва меҳнат маҳсулотларига, шунингдек, меҳнат фаолияти жараёнига бўлган муносабатида куринади.

Бу муносабатда инсон хулки шаклланади ва унинг дунёкарашини

шаклланишига таъсир курсатади бундан ташкари, меҳнат жараёнида инсоннинг аклий қобилияти ривожланади, чунки, меҳнат жараёни меҳнатни ташкил этиш, режалаштириш, назоратни амалга ошириш, бошқариш ва бошқа қўлаб қўйиш вазифаларни аклий фаолият билан боғлиқ ҳолда масалаларни қўлаб қўйиш талаб этади.

Меҳнат жараёнида инсон узининг жисмоний қўчларини ривожлантиради, такомиллаштиради ва узининг ҳаракатини йўлга солади, шунингдек, сезги органлар ҳамакдорлик, ҳидамлик, ҳаракатини координация этиш, бу айниқса ишбилармонлар учун муҳимдир. Оқибат натижасида инсон меҳнати ижодий қўвонишни аниқлайди, узининг қўли билан ҳиройли предметлар яратади. Меҳнатнинг бу тарбиявий имқониятлари шахснинг ҳар томонлама ривожланишида меҳнат тарбияси муҳим омил бўлади. Аммо, лекин ҳар қандай меҳнатда ҳам бу имқониятлар бўлавермайди, мажбур этишдан озод бўлиши керак. Мажбурий меҳнат, жамоага мотивацияси бўлмаган меҳнат, инсонга қўниқиш ҳосил этмайдиган меҳнат инсоннинг ривожланишига ва тарбиясига таъсир қўратмайди.

Педагогик жихатдан тўғри ташкил этилган талаба меҳнати унинг узининг фаолиятига муносабати бўлибгина қолмай, балки бошқаларга ҳам, умуман жамиятга ҳам қўйдалигини шакллантиради. Талаба қўват меҳнатда шахс сифатида, қўваро сифатида умумий қўйдани шакллантиради. Меҳнат тарбиясининг мақсадлари, вазифалари ва мазмунини ҳозирги босқичда ишбилармонлар илмий-техника таракқиёти, шунингдек бозор муносабатларининг ривожланиши тенденцияси шароитларидан излаш зарур бўлади.

Меҳнат тарбиясининг асосий мақсади - шахснинг ҳар томонлама қамол топишидир. Ишбилармонларнинг тарбиясининг мақсади қўват меҳнатга бўлган муносабатини шакллантириш бўлибгина қолмай, балки уни қилимли, ақл ва маҳорат билан қўроллантириш, иқтисодчи қасбини танлагани учун қобилиятини ривожлантириш зарур.

Меҳнат тарбиясининг асосий вазифаси - талабаларнинг меҳнатга

психологик жихатдан ва амалий томондан ҳозирги замон бозор муносабати талабига мос равишда тарбиялаш иборат.

Мехнат тарбиясининг мазмуни

Мехнат тарбиясининг моҳиятини белгилашда ҳозирги замон ишлаб чиқариш характерида ва мехнат мазмуни ва талабларидан, ишбилармонлар меҳнатига бўлган талабларидан излаш лозим. Билингки, битмас туганмас ҳузур-халоват факат меҳнатдан келади. Ҳеч қачон, ҳеч қандай буюк иш меҳнатсиз юзага чиқмаган ва чиқмайди ҳам.

Канча ҳам билганда, уки эрта-кеч,

Билим тоғига чик, денгизини кеч.

Булма курук савлатингга махлиё ҳеч,

Мехнат машаккатисиз халоватдан кеч.

Олий укув юртидаги меҳнат тарбиясининг асосий мазмуни узида қуйидагиларни ифода этади:

1. Турли хил ишбилармонлар фаолиятига, меҳнат қилиш иштиёқиға қизиқиш ва севишни тарбиялаш. Тарбиясининг бу сифатларисиз меҳнат тарбиясини амалға ошириш мумкин эмас.
2. Талабаларда иқтисодчи меҳнатига бўлган уз истағи бўлган муносабатни тарбиялаш.
3. Талабаларни билимли, уддабуронли ва маҳорат билан қуроллантириш.
4. Талабаларда касбига бўлган қўзғалдишни тарбиялаш.
5. Олий укув юртидаги меҳнат тарбияси оиладаги тарбиядан узининг мақсадли характери билан фаркланади. Олий даргоҳда тарбия малакали педагоглар томонидан амалға оширилади.

Ишбилармонлар ва бизнесменлар тарбияси тасдиқланган дастурға мос ҳолда меҳнатға урганиш билан амалға оширилади. Олий даргоҳдаги тарбиянинг асосий вазифаси талабаларни ҳар томонлама ривожлантириш ва уларни меҳнатға тайёрлаш, уларни маънавий характери ва ҳуққ тамоҳилларига мос ҳолда тарбиялашдан иборат.

2. Стандарт ва ижодкорлик

Талабаларнинг кизикишини ҳисобга олган ҳолда ва ихтиёрий таълимларга асосланган ишда дустлик ва узаро ёрдам сифатларини шакллантиришдан иборатдир. Ишда меҳнатга бўлган ижодий муносабатни, мустиқликни, фаолликни, ижодий қобилиятни тарбиялаш зарурдир.

Педагогик этика. Этика сўзи грекча бўлиб - одат, удум, расм демакдир. Грекча, латинча, шунингдек қадимий грек тилларда аввал «порядок» - тартиб, «обучай» - одат, «қоида», «қонун», сунгра «маънавият» деб қўлланилмоқда.

Этика - бу фан маънавият ҳақидаги фандир. Педагогик этика эса - бу фан педагогик маънавият ҳақидаги фандир. Сўзсиз бу фан этикага асосланади. Оқиллик, тўғрилик, ҳайрихоҳлик, инсонпарварлик, одамийлик буларнинг барчаси инсон учун, инсон хоҳиши учун, инсон зоти учун.

Ҳозирги замон педагогикаси заминда давлат эмас, балки инсон тасвирланади ва бу албатта тўғри. Педагогик этика бу ҳали ёш фан бўлиб, мақсадли ўқув жараёни шароитида ўқитувчининг ҳуқуқ нормаларини ўрганади. У шубҳасиз, педагогика ва психология билан ҳамбарчас боғланган, педагогиканинг таркиби қисми - бу тарбия, таълим ва ўрганиш таълим ва тарбиянинг воситаси эканлиги. Ҳозирги замон педагогик этика таълими давримизнинг махсус хусусиятларини тадқиқ қилмоқда, бозор иқтисодиёти ривожланиши кишиларнинг дунёдарашига таъсир этмоқда, педагогларнинг ўзларида стереотип ўзгармоқда. Агар ўқитувчи янги шароитда эски методлардан фойдаланса, ундай педагог ўз-ўзидан четда қолади. Ўқитувчининг мураккаблиги шундаки, қайсики у янги технология асосида ўқитиши талаб этилади. Янги компьютерлар, ўқув дуроллари, дарсликларнинг ҳаммаси янги педагогика хизматида манзур бўлиб, педагогик этика таълимини ҳисобга олиши керак.

Шундай қилиб, педагогик этикада нозик ва мураккаб соҳа амал қилиб, педагог билан талаба ўртасида муносабат соҳасида ҳам инсонни хусусиятлари шаклланади.

Ҳақидий педагогда ҳеч дачон эътиборсиз дараш бўлмаслиги керак.

Педагог - бу инсон эътибор билан қўлод солиб, эшитишни билиши зарур, аммо бундай сифат ҳар кимда ҳам булавермайди. Ҳадидий педагог сезувчан, талабанинг психологик ҳолатини англаши, талабага мурожаатида дарҳол сезиши, унга реакция қилиш зарур. Ҳадидий педагог доимо талабага ёрдам қўлини чузади ва унинг талаб, эҳтиёжларига бефарқ дарамайди. Ҳаётнинг узи педагогик этикага талабларни қуяди: Яъни:

1. Бозор иқтисодиётининг ривожланиши таълим шароитини узгартиради ва ўқитувчи роли ҳам узгарди. Агарда авваллари ўқитувчининг бош роли ва моҳияти лектор бўлиб билими бериш бўлса, ҳозирда ўқитувчининг олий ўқув юрtdаги мажбурияти талабаларни ўқишга ургатиш, тушуниш фаолиятини ташкил эта билиш ва уларни бошқаришдир. Таълимнинг энг керакли шарти фикрлашни ургатиш. Бунинг учун зарурлиги қуйидагича:

1. талабаларни мустақил ахборотлар излаш ва кутубхоналарда ишлашга ургатиш;

2. ўқилган маърузани тушуниш, англаш, энг муҳими бош масалани ажрата билиш ва конспект тузишга ургатиш;

3. мустақил уз устида ишлашга ургатиш.

2. Педагогик этиканинг иккинчи талаби - ҳозирги замон меҳнатининг хусусиятларидан келиб чидади: талабалар вазифаларни ҳал этишда ҳамкорлик меҳнатда ечишга ургатиш зарурлиги, жамоанинг аъзоси бўлиши яъни талабани коллектив фаолиятида бажарувчи бўлиб етишга тайёрлаш кераклиги, ташкилотчи ва ташаббускор бўлиши.

3. Педагогик этиканинг учинчи талаби - талабаларни мутахассислик характериға тайёрлаш. Мутахассис режалаштиришга, жамоа фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришга, жамиятнинг ахлод нормаларига таянган ҳолда талабаларни булажак мутахассисликга, ҳаётга ва ишлаб чидаришга тайёрлаш лозим.

Инсониятнинг ахлодий кодекси моҳияти алладачонлар ташкил топган. Мана унинг асосий қоидалари:

1. Мулойимлик.

2. Инсонга бўлган эътибор.

3. Инсоннинг муваффақиятсизлигига ҳамдард булиш.

4. Ишчи ходимга ва бошқа кишилар буш вақтларига тежамли муносабатда булиш.

5. Мулоқотда купчилик учун ёки барча иштирокчиларга сўзининг тушунарли булиши.

6. Одамлар даврасида уринсиз кулгидан узини тийишга интилиш, чунки сиз худди унинг устидан кулган булманг.

7. Хулқда огир-вазмин булинг: ҳеч кимни, ҳеч қачон қурқита қурманг, айниқса қуч ишлатишга йўл қуйманг.

8. Атрофингиздагиларни осойишталиги ҳақида ғамхур булинг: узингизни ҳаракатингиз, сўзларингиз ва техник воситалар билан тинчлигини бузманг.

9. Инсонни қамситишга йўл қуманг, узгалар фикрларига ва дидига сабрли булинг.

10. Гапираётган кишининг сўзини булманг ва унинг фикрларини марок билан тингланг- эшитинг.

11. Сухбатдошингизга эътиборли булинг - узингиз гапиргандан қура, купрок ундан сурашга интилинг ва тингланг, асло унга узингиз ҳақидаги мавзунингизни кизикарли эканлигига мажбур қилманг.

12. Сиз қандай муҳим хизмат қурсатишингизга қарамасдан, ташаккур талаб қилмай, ёрдам беришга шошилиш керак. Яхшилик қайтишини қутмасдан, нима қилсангиз ҳам иштиёқ билан бажаришни қурсатинг.

13. Узингизни ташқи қуришингиз ҳақида ғамхурлик қилинг: билингки, узига эътиборсизлик ва искирт юриш, бошқа одамлар фикрини писанд қилмаслик - бу узига ҳурматсизлик шаклидир.

Умуминсоний қадриятларнинг мавжудлиги: ҳушмуомалалик ҳар қандай ижтимоий тузумда ҳаёт тоғи булиб қелган, тиз чуқмасдан, уринсиз қичқирмай, маъза қилиб жим булиш барча даврларда ҳам шундай шундай бўлган.

Турмуш тарзи - бу инсонни оиласидан олган бурч, уни болаларга бериш шундай бўлган ва шундай булиб қолади. Виждон - бу одобли инсоннинг асоси

булиб, у ҳам ҳар доим бўлган.

. Иккинчи шarti - уқитувчи билан аудитория уртасида тўғри узаро муносабатнинг урнатилиши ҳамда гуруҳдаги талабалар уртасида ҳам бунинг учун ягона маънавий нормаларга асосланган ҳолда умуминсоний кадриятлар тамойилларига таяниш - узиға ҳам бошқаларға, узиғадек, уйда ҳам, ишда ҳам ҳамжихатлик.

Уқитувчининг талабаларға таъсири ниятда катта, агар уқитувчи улар учун намунали була олса, талабаға у узини юрагини кисмини бера олса. Педагогик этикада уқитувчининг жамоадаги урни катта рол уйнайди. Энг мухими уқитувчи уз ролини ошириб юбормасдан ва ҳамкасблари ролини камситмасдан, у ҳамкасбларига ишончи ва уларға ҳам ишониши керак булади.

3. Мухитнинг кулайликлгини учинчи шarti - ҳар бир талабаға хайрихоҳлик муносабати. Уқитувчи мактабда шундай микроклиматни яратиш лозимки, барча укувчиларға бир хил эмас, балки ҳар бир укувчини хисобға олган ҳолда жиддий ва шу билан бирға уста, болалар психологиясига қараб муомалада булиши зарур.

4. Педагогик этиканинг туртинчи шarti - бу уқитувчининг талабалар билан буладиган учрашувидаги нуткий мулоқоти ёқимли булиши айна муддао.

5. Бешинчи шarti - бу ўқитувчининг узини диёфаси, ташқи куриниши ва аўқиториядаги мухитнинг узи, аўқиториянинг жихозланиши ҳам муҳим рол уйнайди.

Шундай қилиб, таълим учун ёдимли мухитни яратиш асосан ўқитувчининг уз қўлида эканлиги унутмаслик зарур. Таълимнинг муваффақиятини: қизиқиш, хайрихоҳлик, педагогик сабр-тодатли ва ижодий онгликни таъминлаши керак.

Педагогик этиканинг сунгги қоидаси - билим сифатини таъмин этиш. Сифатли билимнинг энг муҳим омилларидан бири - бу унинг тизимийлигидир. Ҳар қандай илмий назария уч дисмдан иборат: тушунча, асосий ҳолат ёки қонунлар ва натижа яъни, бунинг мазмунини тизимийлигидир.

Таълим этиканинг муҳим қоидаси - бу билимнинг фундаментал эканлиги.

Навбатдаги таълимнинг ўқитувчи этикасининг қондаси - бу таълим жараёнида талабаларни узлари билим олишга ва уни ижодий ривожлантиришга тайёрлаш билан қанчалик таъмин этилишини куришдир. Педагогик этика хар бир ўқитувчини уз предмети нуқтаи назаридан юқори малакали мутахассис тайёрлашга даратилиши керак. Буларнинг барчаси ўқитувчи олдига қўйидаги вазифаларни дуяди:

1. Ўқувчини ўқитиш учун аниқ материалларни танлаш: билими, уни амалда қўллаш, қўллашнинг мақсадини билиш, нима учун булажак мутахассисга зарурлиги.

2. Ўқувчиларнинг профессионал йуналиш олишни хисобга олиш.

3. Ўқув жараёнида имконияти буйича дархол предмет мохиятидан фойдаланиш, предметлараро алодадан фойдаланиш.

4. Охиргиси - педагогика витаминларсиз мақадга эришишда дувонч келтирмайди. Фавқулодда витамин «Ч» мухимдир.

Витамин «Ч» - софқиллик, сезувчанлик, инсонийлик.

Тажрибали педагог машгулотни албатта хушчақчақ-қизикарли утказди. Талабанинг кунглига-дилига йўл топа билади. Педагогик этика хар қандай холатда хам ўқув жараёнида талабаларнинг психологик холатини ўқитувчи хисобга олишга ундайди. Ўқитувчига хаммаси табиий булиши шарт, акс холда панд ейиши аниқ ва мумкин.

Инсонийлик тарбияда катта рол уйнайди. Эстетик тарбиянинг вазифаси - бу шахснинг эстетик асосларини шакллантиришга чорлайди (бунда шахснинг йуналиши ва қатъийлиги, дунёдараши, маънавий психологик сифатлари, сезиш ва одат).

Карл Роджерс - Америка психологи ва терапевти 1962 йилда шундай гоёни олга сурди, тарбиянинг олий-юқори мақсади - бу шахсга энг катта имконият бериш билан узини тула ва етарли даражада ифода этсин, узини ким эканлигини билдирсин.

Ўқитувчида талабага таъсир қилиш уч механизми мавжуд:

1. Уктириш ва юктириш - яъни, ўқувчи ўқитувчи уз аксини ифода этиш.

Бу механизм инсон ҳолатига ҳаяжонли таъсир қилади.

2. Таъсир курсатиш. Бу ҳам ҳаяжон асосида ҳаракат қилади, лекин удтириш ёки юдтиришдан фарқи, бунда инсон соғлом туради, унинг эрки эзилмаган бўлади.

3. Ишонтириш механизми. Бу механизм таъсир курсатиш механизми билан яқин боғлиқ бўлади. Чунки, ишонтиришнинг асосий воситаси бу жонли сўздир. Ишонтириш инсон мантикига унинг онгига таъсир қилади.

Ишонтиришда энг муҳими:

1. Асосий фикрни аниқ ва ишончли қилиб баён этиш, Сиз ҳақиқатдан ҳам талабалар уйлари ҳулоса қилиши билан боғлайсиз.

2. Ишончли, қарама-қарши бўлмаган далиллар келтириш.

3. Узига ишончли бўлиб, умид ифода этиш ва эҳтиётли бўлиш керак, албатта.

4. Уз фикрини аниқ ва очик айтиш ва шу билан аудиторияни узига тортиш - қаратиш лозим. Очик чехрали ва тўғри-оқил кишиларни ҳамма ҳам севади ва ҳурмат қилади.

5. Талабаларга текис ва манфаатли муносабат, тарбиячи-укитувчи шу билан фаркланадики, қайсики у талабаларни севади. Ҳақиқий педагог - юқори тарбияланган инсон, шунинг учун у мулоҳимлик ва хотамтойлиги ҳамда юқори талабчанлик билан уйғунлаштириб, зурлик ва мажбур этишини ман этади.

Назорат учун саволлар

1. Ишбилармонлар ва бизнесменлар тарбиясига мақсадли ёндашиш ва обрӯ талабликдаги тусикларни енгил.

2. Стандарт ва ижодкорлик тушунчалари нима?

3. Бизнесмен ва ишбилармонлар тарбиясининг асослари нималарда иборат?

4. Ишбилармонлар ва бизнесменларнинг асосий ахлокий Кодекси нималардан иборат?

5. Укитувчи томонидан талабага таъсир қилиш механизмини музланг.

6. Ишонтиришдаги энг муҳим бўлган жихатлар бешта ва уларни шарҳлаб беринг.

19-МАВЗУ: ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМНИНГ ТАШКИЛИЙ ШАКЛЛАРИ

Режа

1. Демократик турмуш тарзининг иқтисодий тарбия билан узвий боғликлиги.
2. Иқтисодий муносабатларга талабаларни тайёрлаш - фаол ҳаётий имкониятларни шакллантиришнинг зарурий шароити.
3. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий тарбия ва тарбия услублари.

Таянч ибора ва тушунчалар: Бозор иқтисодиёти, иқтисодий тарбиянинг зарурлиги, иқтисодий тарбия усуллари, иқтисодий тарбиянинг узвий боғлидлиги, маданий- маърифий онгни шакллантириш, ҳулд ва куникмаларни шакллантириш, жазо, рағбатлантириш, огохлантириш.

1. Демократик турмуш тарзининг иқтисодий тарбия билан узвий боғликлиги

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини кулга киритганлиги ва у халқаро микёсда тан олинганлиги шуни билдирадики, бундан буён Ўзбекистоннинг мустақил ташки ва ички сиёсатини узи олиб боради, ҳеч кимнинг воситачилигисиз узаро манфаатли муносабатларни урнатади. Республикани ҳақиқатан ҳам, унинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, халқнинг азалий турмуш тарзи, анъаналари, урф-одатлари ва куникмаларини, мавжуд бекиёс табиий бойликларини ҳар томонлама ҳисобга олиб, юксалтириш амалда мумкин бўлиб қолади.

Ўзбекистон заминида жуда улкан ва ноёб, ҳали ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилмаган минерал хом ашё ресурслари тупланган. Ҳозиргача республикада минерал хом-ашёнинг 95 тури борлиги аниқланган. Бу минерал хом ашёнинг 700 та кони мавжуд. Амалда, Менделеев жадвалидаги ҳамма минераллар республикамизда бор. 370 та кон ишлаб турибди. Шунингдек, республикада катта табиий энергия ресурслари - газ, нефт, гидроэнергетика

ресурслари ва кумирнинг мавжудлиги, Ўзбекистон иктисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Марказий Осиё минтақасидаги газ конденсати захираларининг деярли 74 фоизи, нефтнинг 31 фоизи, табиий газнинг 40 фоизи ва кумирнинг 55 фоизи Ўзбекистон улушига тўғри келади. Табиий газнинг аниқланган захиралари деярли икки триллион куб метрни, кумир - 2 миллиард тоннадан купрокни, нефт - 350 миллион тоннани ташкил этади. Табиий газ казиб олиш бўйича Ўзбекистон собиқ иттифок республикалари орасида учинчи уринда туради ва жаҳондаги газ казиб чиқарувчи унта энг йирик мамлакат каторига киради. Шунингдек, республикада гидроэнергетика ресурсларининг жуда катта манбалари ҳам мавжуд...

Ўзбекистон қиматбаҳо ва нодир металллар - соф олтин, кумуш, уран ва бошқа ноёб металллар захиралари ҳамда уларни дазиб чиқариш жихатидан ҳам ажралиб туради. Республикада 30 та олтин кони топилган, улардаги олтин захиралари турт минг тоннадан ошади. Казиб чиқариладиган олтиннинг умумий ҳажми жихатдан республика МДХ мамлакатлари орасида иккинчи уринда, жаҳонда - саккизинчи ўринда туради, аҳоли жон бошига олтин қазиб чиқариш жихатдан эса жаҳонда бешинчи ўринда туради. Ўзбек олтинининг сифати эса энг юқори жаҳон андозаларига мос келади, сунгги икки йил ичида ўзбек олтини уч марта халқаро совринни олишга сазовор бўлди.

Стратегик жихатдан муҳим бўлган бошқа рангли нодир металллар - мис, молибден, дургошин, рух (цинк), вольфрам, литий кабиларнинг захиралари ҳам куп.

Гил (каолин), дала шпати, шишабоп оддий кварц ва кварц-дала шпати думи, бетонит гили, фосфоритлар ҳамда минерал угитлар, чинни-фаянс идишлар ички ҳамда ташқи бозорда радоватбардошдир. Ўзбекистон дудратли қишлоқ хужалигига эгадир.

Мана бу юқорида таъкидланган фикрлар Ўзбекистон Республикасининг улкан салоҳиятидан далолат беради. Янгиланган жамиятнинг сиёсий ва давлат тузилиши инсонга унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзини

эркин танлаб олишини кафолатлаши керак.

Иқтисодий тарбия инсоннинг демократик турмуш тарзи билан узвий боғлидир. Демократик ҳаёт тарзи ва иқтисодий тарбия ўқувчининг ҳаёт позицияларини шакллантириш учун зарур бўлган шароитларни яратади. Бу ҳудўқий булмай, балки ҳадидий, жиддий иш булиши мумкин бўлади.

Мамлакатда ижтимоий йуналишларнинг узгариши билан боғлиқ бўлган турли мулкчилик шаклларига ажралиш, бозор муносабатлари, демократик дайт куришлар, шунингдек, дала ховлиларидан хусусий фойдаланиш, шаҳардан ташдаридаги бинолар, индивидуал меҳнат фаолиятининг ривожланиши, ижтимоий соҳадаги ва иқтисодий сиёсатдаги узгаришлар, айрим педагоглар иқтисодий тарбия марказининг узгариши ва у билан боғлиқ бўлган демократик турмуш тарзининг узгаришлари ажралиши ҳадидаги фикрларни айтмоддалар. Талабаларни иқтисодий муносабатларга тайёрлаш - фаол ҳаётӣй позицияларни шакллантиришнинг зарурий шартидир.

2. Иқтисодий муносабатларга талабаларни тайёрлаш - фаол ҳаётӣй имкониятларни шакллантиришнинг зарурий шароити

Жамият доирасида талабаларни иқтисодий муносабатларга тайёрлаш биринчи навбатда узига маданий-маърифӣй тарбияни қўшади. Маданий-маърифӣй тарбия - бу яратиш учун тартибли ва мақадли бўлган тарбияланувчи хулқини масъулиятли, жамиятдаги янги иқтисодий муносабатларга замон талаби даражасида мос булишини ифодалайди.

Маданий-маърифӣй тарбиянинг асосий вазифалари қуйидагилар:

1. Маданий-маърифӣй онгни шакллантириш.
2. Маданий-маърифӣй тарбия ва сезгини ривожлантириш.
3. Маданий-маърифӣй хулқ ва куникмаларни шакллантириш.

Олий мактаб - жамиятнинг таълим масканларидан биридир. Олий укув юртларида тарбиявий ишлар бир канча йуналишларда олиб борилади: сиёсий-гоявий, ҳукукий соҳа буйича, интернационал, меҳнат тарбияси, иқтисодий

сохада ҳам, маданий-маърифий, эстетик, экология, жисмоний тарбия сохалари буйича ва бошқалар.

Талабаларда илмий дунёкарашни шакллантириш, фаол ҳаётга, юкори дидли сифати, эстетик завкланишини ривожлантириш жисмоний тарбия ва ҳукукий маданият ва тарбиянинг бошқа қирраларини такомиллаштириш замон талабидир.

Патриотик - Ватанпарварлик тарбия - бунда ёшлар онгида Ватан туйғусини юксалтириш, Ватанга бўлган муҳаббатни уйғотиш, Ватан эрки, мустақиллиги ва уни ҳимоя қилиш, Ватан қудратини янада қучайтириш – булар бугунги куннинг долзарб масаласидир..

Интернационал тарбия - бу тарбия талабаларда интернационал характер ва руҳни англаш ҳамда ҷамиятни иқтисодий таракқиётини мустанкамлаш ва уни ҳимоя қилишда мамлакатимиздаги барча миллат ва элатлар манфаатлари ва мақсадларининг яққиллигини онгига сингдиришдан иборат.

Маданий-маърифий тарбия - бу талаба ёшларда ҷамият тамойилларига мос ва ҳос нормаларни сингдиришни қулайди. Талабаларда иқтисодий муносабатларга, меҳнатнинг якуний натижаларига доимо манфаатдор бўлишини шакллантириш зарурлигини тарбиялайди.

3. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий тарбия ва тарбия усуллари

Иқтисодий тарбия юкори малакали иқтисодчини шакллантиришга қаратилган. Талабаларнинг ҳукукий маданияти уларнинг ҳукукий онг даражасини оширишга, иқтисодий тафаккурни объектив борликни, иқтисодий ҳаётдаги воқеаларни билишга, қонунларни англашга, инсон фаолияти ва иқтисодий муносабатлар моҳиятини ақс эттириш билан иқтисодий маданиятни шакллантиришдир. Иқтисодий тарбияда қатор йуналишларни ажратиб қурсатади: иқтисодий қонунлар ҳаракати механизмини тўғри таракқий эттириш учун иқтисодий тафаккурни юксалтириш, иқтисодий маданиятни шакллантириш, ҷамиятнинг ҳозирги замон таракқиёти жараёнини англаш, давлат ва ҳусусий мулкка бўлган тегишли муносабатни тарбиялаш, ҳар бир

талабанинг меҳнат жараёнида ўз ўрнини ва жамиятдаги ролини тўғри англашга йўналтирилган.

Талабани иқтисодий тафаккур даражасини баҳолаш мезони - бу иқтисодий билимларнинг пухта билиши, воқеалар моҳиятини урганиш шакл ва мазмунини қўра билиш лозим. Иқтисодий тафаккурнинг ҳозирги стили фаолиятининг охириги натижалари, ҳужалик муаммоларини ҳал этишда тизимли, комплекс ёндашиш ва жамият бойлигига тежамкорлик билан муносабатда бўлишини тақозо қилади.

Тарбия методлари

Тарбиянинг умумий методи - бу маълум эркин тараккиётга, шахснинг масъулиятли ва ўз-ўзини ўрнини топа билишга қаратилган. Тарбиянинг анъанавий методига: ишонч, ўрнак бўлиш, таққослаш, танқид ва ўз-ўзини танқидлар қиради. Метод - юнонча атама бўлиб, айнан нимагадир йўл, усул орқали мақсадга эришиш йўлини билдиради. Метод, яъни усул ахборотни ўзатиш ва қабул қилиш характериға қараб:

1. Сўз орқали ифодалаш методи.
2. Қўрғазмалик методи.
3. Амалий, намуна методи.
4. Рағбатлантириш ва жазо методларига бўлинади.

Юқорида қелтирилган туртта методлар ўз навбатида қуйидаги гуруҳларға бўлинади:

Биринчи гуруҳ - сўз орқали ўзатиш, маслаҳат бериш, маълумотларни эшитиш орқали қабул қилиш, ҳикоя, маъруза, сўхбат ва бошқа методларға.

Иккинчи гуруҳ - кинофильмлар, тасвирий санъат ва бошқа қўрит орқали тарбиялаш методлари.

Учинчи гуруҳ - тарбия маълумотларини амалий меҳнат ҳаракатлари орқали бериш, ўрнак қўрсатиш, бошқаларни амалий меҳнاتини мисол қилиб қўрсатиш методлари.

Тўртинчи гуруҳ - ўқувчи талабаларнинг яхши баҳарган ишларини, ўртоқлари олдида ёки ота-оналар мажлисида маъқуллаш, миннатдорчилик

билдириш, иктисодий ёрдам, стипендияларни ошириш, мактов ёрликларини топшириш, суратларини «Хурмат тахтаси» га ёпиштириб қуйиш ва бошқа огзаки «Рахмат», «Баракалла» каби рағбатлантириш методларини киритиш мумкин.

Тарбиянинг рағбатлантириш методи иккига бўлинади:

1. Сиз буюрган ишга бурч ва масъулият билан ёндашганлигини рағбатлантириш.

2. Сиз буюрган ишга кизиқишини ва уни уддалай олганлигини рағбатлантириш.

Жазо - бу боланинг нотўғри қилган ишига узини иқроф қилдириш.

Агар бола ёки талаба Сиз огохлантормасингиздан ёки тушунтормасингиздан олдин уз хатосини тушунган бўлса-ю, сизга қилган хатосини айта олмай изза чекиб турган бўлса, уни жазолашга зарурат йук. Энди бу хатони қайтармайман, деган маънода Сизга қараяпти. Сиз унга бир марта имконият беринг. Аммо кейинги гал ҳам хато қилса ва уни тан олмаса, ундай ҳолларда қуйидаги жазо турлари қўлланилади:

1. Тушунтириш.

2. Танбех бериш.

3. Огохлантириш.

4. Қаттиқ огохлантириш.

5. Уялтириш.

Юкоридаги жазо турларини уқитувчи уқувчига юзма-юз, ҳеч кимнинг гувоҳисиз қўллади. Аммо гуруҳдош уртоклари ёки синфдошлари олдида изза қилай деб болани уялтурса, ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

Тарбия - ҳар бир инсоннинг ҳаётида яшаши жараёнида орттирган сабодлари ва интеллектуал салоҳиятларининг ижобий қуникмасини ўзгаларга бериш жараёнидир.

Тарбияланганлик нима?

Тарбия қўрган дегани - бу миллий урф-одатимиз мезонига қирмаган, ўзгаларнинг нафратини қўзғатадиган хатти-ҳаракатлардан ўзини тия билишлик.

Шунингдек, тарбияланган инсон доимо адолатли бўлади.

Адолат ўзи нима?

Адолат - бу ҳаётий масалаларни ахлодий ва ҳуқуқий нормаларига риоя этган ҳолда ҳал этишдир. Адолат тушунчаси билан боғлиқ бўлган жихатлар жуда кенг дамровли бўлиб, адолатли инсон, адолатли жамият каби тушунчалар шундай жихатлар жумласига киради.

Адолат тушунчасини Биринчи Президентимиз И.А.Каримов шундай изоҳлаган: «Адолат биз қураётган жамиятимизнинг мезони бўлиши керак», деб айтганлар. Бу тушунчани педагогика соҳасида қандай изоҳлаш мумкин эканлигини юқорида баён этдик.

Буюк Амир Темур ҳукмронлик қилган давр ва ундан кейин кечган жараёнлар адолатпарвар инсон учун ёрқин мисол була олади. Улуг аждодимиз юксак тараққий топган давлат барпо қилгани ва бу мамлакатда «Куч - адолатдадир» - деган бош шиор давлат сиёсатининг, жамиятнинг асоси бўлганини тарихдан биз яхши биламиз.

Ўқувчининг фаолияти ва ҳаёт тартибини белгилашни режим деб аташ дабул қилинган. Режим - бу тарбия ишининг доимий одими. Режим талабаларнинг бажарилиши - бу тарбиянинг самарали асосий шароитлардан бири, режим шахс одатларини мустаҳкам тез куниктиради. Тарбияланувчи меҳнат билан дам олишни тўғри алмаштиришга урганиб, иш ҳажмини белгилашга урганади, гигиена талабларини узлаштиради, идтисодда ишлаш малакасини олади. Режимга итоат этиш физиологик функцияга ижобий таъсир қилибгина долмай, балки катта интизомли бўлиш ролини уйнайди, маълум ҳулдга эга бўлишга ургатади, интизом талабаларни бажариш куникмалари ва билишга ёрдамлашади.

Зарурат бўлганда режим узгаради. У қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Тарбиячи ва унинг имкониятлари ҳамда добилиятлари мақадга мувофид булади ва шароитларга мослашади.

2. Мулжалланган муддатда барча фаолият турлари аниқ, мажбурий бажарилади.

3. Конкрет ва реал бажарилади. Бажариш зарурати бўлганда тарбиячининг узини ўқув юрти хаёти тартиблари режимида ишонтириш керак бўлади.

Шундай қилиб, бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий тарбия талабаларни ҳар дачонгидан ҳам купрод ва изчил тарбияланишларини тадозо этади. Зеро, иқтисодий тарбия талабаларнинг иқтисодий муносабатларга тайёрлашда фаол ҳаётий омил эканлигини ифодалайди.

Назорат учун саволлар

1. Демократик турмуш тарзининг иқтисодий тарбия билан узвий боғликлиги нимада?
2. Иқтисодий муносабатларга талабаларни тайёрлаш масаласи қандай ҳал қилинмоқда?
3. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий тарбиянинг узига ҳос жиҳатлари нималардан иборат?
3. Маданий ва маърифий тарбиянинг асосий вазифалари нималардан иборат?
4. Иқтисодий тарбияда қулланиладиган жазо турларини сўзлаб беринг.
5. Рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ва иқтисодий тарбия.

20-МАВЗУ.: ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАРНИ ТЕКШИРИШНИНГ РЕЙТИНГ ТИЗИМИ

Режа:

1. Талабалар билимини назорат қилишнинг рейтинг тизими.
2. Ўзбекистонда таълимни ислох қилиш тамойиллари.

Таянч ибора ва тушунчалар: таълим ислохоти, рейтинг баҳолаш имкониятлари, баҳолаш мезони.

Ҳозир урта махсус таълими соҳасида иқтисодий фанларни ўқитиш, иқтисодий таълим тарбия, ўзлаштирилган иқтисодий билимлар даражасини янги педагогик технологияларга суянган ҳолда ташкил қилиш, баҳолаш, иқтисодий фанлар бўйича янги ўқув дастурларини яратиш муҳим

муаммолардан биридир. Шу уринда айтиш керакки, иктисодий тарбия тизимини ишлаб чиқишда узлуксизлик, яхлитлик ва боғлиқликни таъминловчи «босқичли таълим» концепцияси тавсия этилди. Концепция негизда мактабгача таълим соҳасида узлаштирилган элементар иктисодий таълим тарбиядан иктисодий маданиятчилик даражасигача бўлган жараён эди. Бу жараён тарбияланувчиларга иктисодий тайёргарлик, иктисодий тафаккур, фикрга эғалик, иктисодий онг ва иктисодий маданиятчилик каби сифатларни камолга етказишни талаб қилади.

Маълумки, билимларни назорат қилиш ҳамда баҳолашнинг рейтинг тизимида утилгунига қадар урта махсус, касб-хунар таълимида укув жараёни фақат уқитувчининг маҳоратига асосланган бўлиб, билим олишни укувчининг фаоллиги, ижодий меҳнати асосида ташкил этишга имкон бермас эди, берилаётган билимлар микёси ошиб бораётган бўлса ҳам, укувчининг бу билимларни узлаштириш даражаси талаб доирасида эмас эди. Бу ҳол таълим жараёнига укувчиларни бир хил узлуксиз билим олишга ундайдиган, улар олган билимларни жаҳон талаблари даражасига етказиш имконини берадиган янги педагогик технологиялар ва таълим услубларини жорий қилишни тақозо этди. Шу мақсадда олий таълимдан сунг, урта махсус, касб-хунар таълими тизимида ҳам билимларни назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг амалиётига утади, унинг низоми қабул қилинди.

Рейтинг тизимида иктисодий билимларни қўп босқичли назоратини амалга ошириш ва баҳолашда асосий услублардан бири услубий жиҳатдан тўғри тузилган тестлардан фойдаланишдир. Тест синовларини ишлаб чиқишда услубиёт дидактик тестология назариясини ташкил этади.

Мисол, Америкада (Пристонда) тестлар ишлаб чиқиш сифатини аниқлаш, андозалаштириш ва услубиёт масалалари билан шугулланувчи «педагогик тестлаш хизмати»да 2300 нафар ходим фан докторлари ҳамда 200 нафарга яқин фан магистрлари фаолият қўрсатмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоиз, уқитувчи ўз шогирдларида рухий олами яратиш, унинг педагогик маҳоратига боғлиқ. Дарҳақиқат, ўртоқлик,

дустлик, ҳамкорлик, ҳамжихатлилик, садокат, меҳр_мурувват, касб танлаш имконияти, ватанпарварлик, миллий ифтихор, инсонпарварлик, хушмуомалилик, озодалик, покизалик, самимийлик, зийраклик, ташаббускорлик, инсофлилик, ростгуйлик, ор.номуслилик, андишалилик, катталарни хурмат килиш, соф мухаббатни кадрлаш, вазминлик, тўғрилиқ, миллатларни хурмат килиш, ҳар бир талабанинг маданиятидан чуқур урин эгаллаши лозим.

Масалан, Буюк Британияда, шундай баҳолаш натижасида фақат олий таълим муассасаларига уз фаолиятини қандай яхшилаш тўғрисида тавсиялар берилибгина қолмай, балки бюджетда ҳам айрим узгаришлар қилинади. Хусусан, бу мамлакатда мунтазам равишда барча олий таълим муассасаларни рейтинг баҳолаш утказилади ва бу тоифадаги университетлар гуруҳини миллий тенглаштириш жадвали нашр этилади. Юқори рейтингли ёки таълим сифати учун юқори бал олган олий таълим муассасаси қушимча. маблағ олади.

Япония тажрибасига назар ташлайлик. Бунда бюджет маблағни қаттиқ тежалишига қузимиз тушади. Таълим тизими мамлакат бюджети мажмуи учун нисбатан арзон тушади: япон ҳукумати ялпи миллий маҳсулотнинг 5,5-6,0%ни таълимга сарфлайди, бу рақам АҚШда 7,1%ни, Буюк Британияда 7,7%ни ташкил этади. Шунга қарамай япон уқувчилари ва талабалари қуп курсатқичлар буйича (таълим олишга тааллуқли) бошқа мамлакатлардаги уз тенгдошларидан устунлик қилақилар. Япония таълим тизимининг асосий афзаллиги иқтисодга-институционал узиға ҳослиққа боглиқ. Давлат ва ҳусусий шуъба нисбати ва таълим муассасаларини молиялаш узиға ҳос тарзда. Давлатга алоқадорсиз шуъбанинг аҳамияти бошланғич таълимдан олийсига томон ошиб боради.

2. Ўзбекистонда таълимни ислох қилиш тамойиллари

Республикаимизнинг истидлолга эришуви жамият ҳаётининг барча жаҳҳаларида шу жумладан таълим-тарбия соҳасида ҳам уз аксини топди.

Ўзбек педагогикаси тарихида бурилиш даври, янгилиниш даври

бошланди. Ўзбекистон Республикасидаги мустақил ҳуқуқий, демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги улкан ишлар инсон моҳиятини янгидан кашф қилишга, уни интеллектуал-амалий ривожланиши учун янги шарт-шароитлар яратиб берди. Бу ўз навбатида инсоният яратган маънавий-илмий бойликларга, инсоннинг узига янгича муносабат, ёндашувни юзага келтирди.

Президентимиз Ш. Мирзиёев айтганларидек: “Фуқаролар энди ижтимоий-иқтисодий жараёнларни иштирокчиси, бажарувчиси эмас, балки бунёдкори ва тадқиқотчиси. Бундай янгича ёндашиш албатта педагогика фанини кейинги ривожланишига катта таъсир курсатди. Энди педагогика фани фақат таълим-тарбия жараёнини назарий, методик-амалий таъминловчи эмас, комил инсонни шаклланишини, ривожланишини таъминловчи кенг соҳаларни уз ичига ола бошлади. Эндиликда педагогика фани уз олдига янгича фикрлаш, янгича тафаккур, миллий мафкуранинг кенг қамровли сифатларини шакллантириш вазифаларини қўйди. Шунинг учун ҳам янги таълим концепцияси қабул қилинди ва унда кейинги ривожланишларнинг барча йуналишлари қайта қуриб чиқилди. Қўп йиллар давомида педагогика сиёсатга хизмат қилиб келган ва маълум чегараланишларга амал қилишга мажбур бўлган бўлса, эндиликда у сиёсатдан холи бўлган ҳолда эркин фан сифатида уз ривожланишини давом эттириш имкониятига эга бўлди. Ўзбек педагогикаси уз миллий хусусиятларини ривожлантириш имкониятига эга бўлди.

Она тили, Ватан тарихи, географияси, миллий урф-одат ва анъаналар эътибордан четда қолиб, шахслар ота-боболар утмишидан беҳабар ўқитилар эди. Республикаимизнинг истидлолга эришуви натижасида ўзбек педагогикаси ижодий ва миллий йуналишда эътиборли узгаришлар касб этди. Бой миллий маданий мерос ва анъаналар эътибордан четда қолган илгор педагогик фикрлар Ўзбек педагогикаси уз урнини топи хамда уз вазифасини бажара бошлади. Янги мазмунли дарсликлар, услубий қўлланмалар яратишда миллий-маданий, тарихий адабиётлардан, материаллардан кенг фойдаланила бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 29 август қарорига

асосан “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни кучга кирди. “Таълим тўғрисида”ги қонуни таълим тизимини жиддий янгиланиши, ислох қилинишига асос бўлди. Олдинги қабул қилинган қонунлардан (1930, 1949, 1958, 1973, 1984 йиллар) фарқли улароқ, халқ таълими тизимини тузилишининг қуйидаги янги тамойиллардан жорий этилди:

- таълим-тарбиянинг инсонпарварлиги ҳамда халқчиллиги;
- таълим тизимининг узлуксизлиги ва изчиллиги;
- давлат таълим стандартлари доирасида ҳар бир кишига миллати, динидан қатъий назар таълим олиши учун имконият яратилганлиги;
- давлат таълим тизимининг илмийлиги ва дунёвийлиги;
- таълимда умуминсоний ва миллий-маданий дадрийатларнинг устиворлиги; - таянч (туддиз синф даражасида) таълимнинг мажбурийлиги;
- таълим стандартларини танлашда ягона ва табакалаштирилган ёндашув бўлишига асосланганлиги;
- таълим муассасаларида чет тилларини жиддий урганиш, дин тарихи, халқимиз тарихи, маданияти ва жаҳон маданиятини тарихи соҳасида билим олиш учун шароитлар яратилганлиги;
- таълим муассасаларининг турли сиёсий партиялар ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг таъсиридан хоилилиги;
- амалдаги қонунлар доирасида мулкчиликнинг барча шаклида таълим муассасаларининг тенг ҳуқуқлилиги;
- билимдонлик ва истеъдодни рағбатлантириш;
- тарбияланувчилар ва таълим олувчиларни ҳурматлаш;
- педагог шахсини, унинг ижтимоий мавқеини ҳурматлаш ва бошқалар.

Таълимни қуйидаги йуналишларда ислох, қилиш вазифалари белгилаб олинди:

- умуминсоний кадриятлар ва миллий маданият асосларини эътиборда тутган ҳолда таълим-тарбия мазмунини миллий мафкура, мустиқил Ватан туйғуси асосида узгартириш ва такомиллаштириш;
- таълим самарадорлигини тинмай ошириш, жаҳон андозалари даражасига олиб

чикиш;

-вариатив укув режалари, дастурлар, дарсликлар яратиш;

-билимдонлик ва истеъдодни куллаб-қувватлаш;

-илгор тажрибаларга, ижодкор устозлар тажрибасига суяниш;

-таълим-тарбияда бош ислохотчи бўлган педагог, тарбиячиларнинг янги авлодни тайёрлашга киришиш;

-таълим муассасаларининг моддий-техника асосини мутахкамлаш, таълимни компьютерлаштириш, укув жараёнига янги педагогик технологияни олиб кириш;

-таълим тизимини, бошқарув фаолиятини такомиллаштириш;

-ислох гояларини иложи борица вилоят, туман, укув муассасаси педагогик жамоаларига тезроқ етказиш, сингдириш, амалга ошириш:

Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси шуни курсатмоқдаки, каерда таълим ва тарбияга эътибор катта булса, уша ерда тараккиёт, юксалиш бор. Шунинг учун республикамизнинг истикболи узлуксиз таълимни кай даражада амалга оширилишига боғлиқ.

Назорат учун саволлар

1. Бахолашдаги асосий улчов нимада?
2. Таълим ислохотларини сўзлаб беринг.
3. Рейтинг бахолаш ва иктисодий тарбия.

21-МАВЗУ.: ИКТИСОДИЙ ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Режа:

1. Иктисодий фанларни уқитиш жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш.
2. Аниклаштирилган мақсадли дифференциал технология асосида иктисодий тарбияни уқитиш.

Таянч ибора ва тушунчалар: Педагогик технология, интерактив методлар, дарс жараёнида кулланиладиган услублар, технологиялар, иктисодий аниклаштирилган мақсадли дифференциал технология.

1. Иктисодий тарбияни уқитиш жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш

Янги педагогик технология-бу таълим ва шахснинг ривожланишига йуналтирилган педагогик жараённинг лойихаси. Янги педагогик технологияни асосий вазифаси - шахснинг ривожлантириш ва уқитиш жараёнининг усулларини ҳаётга татбиқ этишдир.

Янги педагогик технологияларни мезонлари: самарадорлик, бошқариш, кайталаш. Бошқариш уз ичига режалаштиришни, лойихалаштиришни, уқиш жараёнини диагностикасини қамраб олади. Самарадорлик уқув жараёнида аник шароитларда аник натижаларга эришишдир.

Фикрлар ҳужуми (аклий ҳужум)

Бу усулни мақсади: катта миқдордаги гояларни йиғиш, талабаларни айни бир хил фикрлаш инерциясидан холи қилиш, ижодий вазифаларни ечиш жараёнида дастлаб пайдо бўлган фикрларни енгитишдир. Бу усул А.Ф. Осборн томонидан тавсия этилган, Низомий номидаги ТДПУда инновацион янгича технологиялар маркази ҳам тавсия қилган усуллардан. Бу усулнинг асосий тамойили ва қонидаси баҳс иштирокчилари ишлаб чиққан гоялар танқидини мутлақ таққиллаш, ҳар қандай лўқма ва ҳазил мутоибани рағбатлантиришдир. Биз «Фикрлар ҳужуми усули»ни 10 - 15 талабалардан иборат гуруҳларда

утказдик. «Педагогика ва иктисодиёт», «Педагогикани бошка фанлар билан богликлиги», «Дидактика», «Дидактикани усуллари» ва хоказо мавзуларни утганда ишлатиш мумкин. Бу усулдан фойдаланишнинг муваффакияти куп жихатдан педагог машгулот рахбарига боглик.

Кластер технологияси

Бу усулнинг маъноси -фикрларнинг тармокланиши. «Кластер» технологияси - педагогик стратегия булиб, у укувчиларни бирон бир мавзуни чукур урганишларига ёрдам беради. Талабаларни мавзуга тааллуqli тушунча ёки аниқ фикрни эркин ва очик равишда кетма кетлик билан узвий богланган холда тармоклашларига ургатади.

Масалан, биз Ўзбек халқ педагогикаси мавзусини утганда «кластер» усулидан фойдаландик. Талабаларга «Ўзбек халқ педагогикаси» хакида билган ибораларни ёзишни илтимос киламиз.

Кейин эса хар бир иборага маънодош богланган сўзларни яна ёзишни сураймиз.

Мана кластерни куриниши:



Бу усул бирон мавзуни чукур урганишдан аввал талабаларнинг фирклаш фаолиятини жадаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат килиши мумкин. Шунингдек, утилган мавзуни мустахкамлаш, яхши узлаштириш, умумлаштириш ҳамда талабаларни шу мавзу буйича тасаввурларини чизма

шаклида ифодалашга ундайди.

Бумеранг технологияси

Ушбу технология бир машгулот давомида ўқув материалини чуқур ва яхлит ҳолатда урганиш, ижодий тушуниб етиш, эркин эгаллашга йуналтирилган. Биз бу усулни турли мазмун ва характерга эга бўлган мавзуларни урганишга фаркли булиб, уз ичига огзаки ёки ёзма иш шакллари камраб олади ҳамда бир машгулот давомида ҳар бир иштирокчининг турли топшириқларни бажариши, навбат билан талаба ёки педагог ролида чиқиши мумкин. Биз мавзу муаммоли, мунозарали, турли мазмунли бўлган мавзуларни утганда ушбу технологияни ишлатамиз. Масалан, «Педагогика - фан ёки санъатми?», «Педагогика маҳорат таъсир курсатиш усуллари ва бошқалар». «Бумеранг» технологияси танкидий фикрлаш, мантикини шакллантиришга имконият беради. Хотирани, ғояларни, фикрларни, далилларни ёзма ва огзаки шаклларда баён қилиш куникмаларини ривожлантиради.

Бу усул кулланганда, кундаланг сурок пайтида мунозарага киритиш мумкин эмас. Бу вақтда фақат саволлар берилади, мунозарага киришилмайди.

«Иқтисодчи» технологияси (авторлик)

Бу усул интерактив технология булиб, талабаларда фикрий боғлиқлик, мантиқ, хотиранинг ривожланишига имконият яратади, қандайдир муаммони ҳал қилишда уз фикрини очиқ ва эркин ифодалаш маҳоратини шакллантиради.

Масалан, иқтисодий ибораларни педагогик терминлар билан тўлдириш. Талабалар ибораларни тавсия қилишади: бизнес, тадбиркор, иқтисод, ҳисобот, статистика ва ҳоказо. Бир иборада тухтаймиз. Масалан, бу технология мураккаб кўп тармоқли, мумкин қадар муаммо характеридаги мавзуларни урганишга қаратилган.

Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, унда мавзунинг турли тармодлар буйича шарҳ берилади. Айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида нудталарда муҳокама этилади. Масалан, ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ҳамда зарарлари белгиланади. Бу интерактив технология тандидий, тахлилий, аниқ мантидий фикрлашни

муваффадиятли ривожланишига ҳамда уз гоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, химоя қилишга имконият яратади.

Веер технологияси умумий мавзунинг айрим тармодларини муҳокама қилувчи кичик гуруҳларнинг, ҳар бир датнашувчининг, аўқиториянинг фаол ишлашига даратилган.

Веер технологияси мавзуни урганишнинг турли босдичларида қўлланиши мумкин:

-дастлаб: уз билимларини эркин фаоллаштириш;

-мавзунинг урганиш жараёнида: унинг асосларини чуқур ўрганиб ва англаб етиш;

-яқунлаш босқичида: олинган билимларни тартибга солиш.

Ассосий тушунчалар қуйидагилар:

Аспект (нуқтаи назар) билан предмет, ходиса, тушунча текширилади.

Афзаллик - бирор нарса билан диёслангандаги устунлик, имтиёз.

Фазилат- ижобий сифат.

Нуксон-мукаммалликсиз, коидаларга, мезонларга мувофикликсиз.

Хулоса-муайян бир фикрга, мантикий коидалар буйича далилдан натижага келиш.

Таълимдан ташкари Веер технологияси тарбиявий характердаги қатор вазифаларни амалга ошириш имконини беради: жамоа, гуруҳларда ишлаш маҳорати; муаммолар, вазиятларни турли нуқтаи назардан муҳокама қилиш маҳорати; муросали қарорларни топа олиш маҳорати; ўзгалар фикрига ҳурмат; ҳушмуомилалик; ишга ижобий ёндашиш; фаоллик; муаммога диққатини жамлаш олиш маҳорати.

Машгулотнинг ишида «Блиц-ўйин», «Перекресток», «Муомала технологияси», турли иш ўйинлари технологияси кабилардан ҳам фойдаланилади. Масалан, «Агар мен... бўлсам» каби.

«Муомалали таълим», «Педагогик вазиятлар» технологияларига алохида эътибор бериш зарур.

«Иктисодичи - рахбар» технологияси

Масалан «Ўз-узини бошқариш» ёки «Рахбарнинг ташкилий қобилиятлари», «Замонавий тадбирлар шахси» деган мавзулар якунида биз «Иктисодчи - рахбар» деган янги усулдан фойдаланамиз. Хар бир талабага варақлар тарқатилади, уларда «Мен фирма директори» ёки «Мен ректор», «Мен тадбиркор», «Сиз банкир» ва ишларга якин мазмундаги савол-харақатлар ёзилган. Хар бир талаба узига тушган фаолиятни таърифлаб беради, мазмунини очиқ беради, қандай қийинишига гапириб беради. Жавоб берувчи талабага саволлар 5-7 ошмаслиги шарт. Охирида таҳлил қилинган образининг иш мазмуни шароитлари, харақатлари мавжуд бўлади.

Бу уйин - усул талабаларни ижодий, мустақил, образли фикрлашга ургатади. Иш режасини тузиш, танқидий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиради.

Психотехник уйинлар дидактик уйинларнинг узига хос хусусиятига эга бўлган тури ҳисобланади. Бу уйинлар уқув жараёнида керак бўлувчи малака, хотира, фикрлаш, диққат ва тасаввур қабиларни шакллантирувчи уқитиш усули ҳисобланади.

Психотехник уйинлар қупрод умумий малакаларни ривожлантиришга қаратилгандир.

Масалан, ўқув жараёнида билимларни тартиб-тизимга солиш уларни мустаҳкам эгаллашга ёрдам беради. Ахборотни тизимга солиш жараёнида талабадан диддат талаб этилади. Бунда талабага тартибсиз ҳолда ахборот тарқатилиб, уларни маълум белги асосида гуруҳларга ажратиш юклатилади.

Пресс-экспресс услубиёти асосида ташкил этилувчи уйинлар талабаларнинг билимларини мустаҳкамлашга ёрдам бериш билан бирга уларни ҳозиржавобликка ургатади. Бунинг учун ўқитувчи томонидан маълум мавзуга бағишланган ва қисқа жавоб талаб этувчи 10-15 та савол тузилиши лозим. Хар бир жавоб учун 2-3 сония ажратилади. Яъни талабалардан қисқа вақт ичида оғзаки жавоб бериш талаб этилади. Бу жараёнда талаба узи билган ахборот ичидан керакли жавобни тез топишни урганади.


Ақлий хужум методикасининг мохияти ҳам узига хос хусусиятга эга. Бунда берилган қисқа вақт ичида маълум муаммонинг ечимини топишга даратилгандир. Бу психотехник уйин дарс жараёнида ижодий ва андозасиз фикрлашни уйготади. Битта ёки бир неча гуруҳ ташкил этилиб, улар олқиларига муаммо қўйилади. Талабалар уз олдида қўйилган муаммони ечиш учун турли гоёларни илгари сурақилар. Ечим вариантлари қанча куп булса, танлаш жараёни шунчалик осон булади. Хар бир илгари сурилган гоёни атрофлича кўриб, кенгайтирилади ва улар орасидан энг тўғри гоёни муаммонинг ечими сифатида дабул қилинади. Муаммони ечиш вақти олдиндан белгилаб олинади ва унга қатъий амал қилинади. «Адлий хужум» ўйинни қийин вазиятлардан кутулиш чорасини тез топишга, муаммони кўра билиш чегараларини кенгайтиришга, фикрлаш бир хиллигини йудотишга ва кенг доирада тафаккур юритишга имкон беради. Бундан ташқари, жамоадаги муносабатлар ўзгаради. Курашиш кайфиятидан ижодий ҳамкорлик кайфиятига ўтилади ва гуруҳ янада жипслашади. Француз психологи Эдвард де Боно андозасиз фикрлашни ривожлантиришнинг ўзига хос усулларини таклиф этади.

Хар бир йўналишни ана шундай синчиклаб ўрганиш фикрлашни кенгайтиради ҳамда тўғри ечимни топишга ижобий таъсир курсатади. Муаммо анъанавий йўл билан ечилгач, айнан шу муаммони «ИСК» технологиясига куйиб ечими топилганда купинча талабаларнинг хулосаларини ўзгарганлигини гувоҳи бўламиз.

Яна бир психотехник ўйин технологиясидан мисол келтирамиз. «АВИ» яъни альтернатив, вариантлар, имкониятлар каби тушунчаларни англатади. Бу уйин муаммони хал этишда кабул килинган ечимни альтернативасини топиш,

вариантларини

кидириш



ва мавжуд имкониятларни ҳисобга олиш малакасини ҳосил қилишга қаратилган.

Муаммонинг бундай йўл билан таҳлил этилиши мавжуд бўлган воқеликни туликрок тушунишга, муаммонинг янги ечимларини топишга ёрдам беради. Талабаларнинг ижодкорлигини ва фаоллигини оширади. Турли хил иқтисодий муаммолар шу йўл билан таҳлил этилганда талабаларнинг билимини кенгайтириши ва чуқурлаштириши аниқланади.

2. Аниқлаштирилган мақсадли дифференциал технология асосида иқтисодий фанларни ўқитиш

1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида, мамлакатда ягона ва узлуксиз таълим тизимига асос солинди. Бу узлуксиз таълим тизими Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури билан мустаҳкамланди.

Юқоридаги ҳукукий ҳужжатларда таълим тизимининг барча

йуналишларини такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг асосий тамойиллари курсатиб утилди.

Шу маънода ташкил этилаётган маъруза ва семинар дарсларини утказиш ва улар учун замонавий дарс ишланмаларини яратишга эътибор берилди бошланди.

Аниқлаштирилган мақсадли дифференциал технологияда урта табақалаштиришнинг турли даражадаги кийинчиликлари: «А», «В», «С» дастурлари ажралиб туради.

Дастур куйидаги вазифаларни хал қилади:

-муайян даражадаги билим, малака ва қуникмаларни таъминлайди;

-таълим олувчиларнинг маълум даражадаги мустақиллигини таъминлайди.

«С» дастури таянч стандарт сифатида қайд қилинади. Уни бажариш орқали таълим олувчилар фан бўйича уқув материаллари, уни қайта тиклай олиш даражасида ушлаштирадилар. «С» дастури вазифаларини нисбатан кийин дастурга утмасдан олдин ҳар бир талаба бажара олиши лозим.

«В» дастури мавзунини қўллаш билан боғлиқ масалаларни ечиш учун зарур бўлган уқув ва амалий фаолиятининг умумий ҳамда узига хос усуллари билан эгаллашни таъминлайди. Ушбу дастурга киритилган қўшимча маълумотлар биринчи босқич материалларини кенгайтиради, асосий билимларни исботлайди, намоёниш этапи ва ойдинлаштиради, тушунчаларга амал қилиш ёки қўлланишини курсатиб туради.

«А» дастури талабаларнинг иқтисодий билимларини тула англаш, ижодий қўллаш даражасига қўтиради. Бу дастурда ижодий қўллаш истикболи тобора такомиллашиб боровчи маълумотлар, қўйиллаштирилган материаллар, уларнинг мантидий асосланганлиги жойлаштирилган.

Демак, юқоридагилар асосида дарс ўтиш услубиётини келтирамиз. Масалан:

«С» Дастур

Мавзу: Пул муомаласи.

Дарснинг мақсади: Талабаларга иқтисодиётда пул ва пул муомаласи, пул муомаласи қонуни, пулга бўлган талаб ва тақлиф қоби иқтисодий тушунчалар ҳақида маълумот бериш, уларда иқтисодий билим, қуникма ва малақаларни

шакллантириш.

Дарсинг бориши.

Ташкилий кисм: талабалар билан саломлашиб, аўқиториянинг умумий ҳолатини, талабаларнинг дарсга тайёргарлигини назорат қилиш, йўқлама қилиш.

Асосий кисм: Янги мавзу баёни бўлиб, у қуйидаги режа асосида ташкил этилади:

Пул муомала воситаси сифатида.

Пул муомаласи қонуни.

Пул муомаласини тартибга солиш усуллари.

Дарс жихозлари: Президент асарлари, буклетлар, фото альбомлар, жадвал ва графиклар.

Дарсда қўлланиладиган воситалар: компьютер, видео кузгу, проектор, мултимедия.

Дарс ўтишда қўлланиладиган услублар: оғзаки, кургазмали, амалий,, суҳбат, интервью.

Дарс ўтиш технологияси: аниқлаштирилган мақадли дифференциал технологияси.

Режада берилган ҳар бир савол ўқитувчи тамонидан атрофлича ёритилади. Тегишли материаллардан, методлардан, техник воситалардан фойдаланилади, ҳолосалар чидарилиб, мавзу умумлаштирилгач «В» дастурга утилади ва «В» дастур асосида қўшимча саволлар ишлаб чидади).

«В» Дастур

Пул массаси.

Миллий валютамининг муомаладаги ҳаракатини тартибга солиш чоратадбирлари.

Қўйилган қўшимча саволларни ўқитувчи тушинтириб утади. Бу саволлар олдинга «С» дастурдаги саволларни тулдиради. «В» дастурнинг муҳим жихати шундаки, унда қўйилган саволлар аниқ материалларга асосланади ва олинган маълумотларнинг тегишли адабиётлари қўйилади.

Қўшимча берилган саволлар муҳокама қилиниб, унга нисбатан ҳам мураккаб бўлган саволлар тузилади ёки қўшимча иқтисодий масалалар ҳам

берилиши асосида «А» дастурига утилади. (Биз «А» дастурни кенгрок килиб беришга ҳаракат қилдик).

«А» Дастур

Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти шароитида инфляцияни бартараф этиш йўллари. Бир йилдан сунг 1200 доллар олиш учун банкка йилига 20% қупайиш шарти билан қанча миқдорда пул қуйиш зарур.

Яқуний қисм: дарснинг ниясида қўлланган мавзу бўйича талабаларнинг саволларига қўйиладиган жавоб бериб, мавзунини умумлаштирилади ва қўйиладиган вазифа берилади. Қўйиладиган вазифа қўйиладиганининг ихтиёрида, вазифа бериладиган талабаларнинг индивидуал хусусиятларини инобатга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Мавзу бўйича таянч иборалар: пул, муомала, пул муомаласи, пул муомаласи қонуни, пул айланиш тезлиги, пулга бўлган талаб ва тақлиф, инфляция, инфляциянинг оқибатлар, миллий валюта, Марказий банк ва унинг вазифалари, қредит, молия.

Назорат учун саволлари

1 . Иқтисодий тарбияни қўйиладиган жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш йўллари ҳақида гапиринг.

2. Фикрлар ҳужуми (аклий ҳужум).

3. Кластер технологияси.

4. Бумеранг технологияси.

5. «Иқтисодчи» технологияси (авторлик).

6. Веер(елпигич)технологияси.

7. «Иқтисодчи - раҳбар» технологияси.

8. Аниқлаштирилган мақсадли дифференциал технологияга мисоллар келтиринг.

22-МАВЗУ.: ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ ВА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ

Режа:

1. Масофавий таълим уни ривожланиш босқичлари.

2. Масофавий таълим тизими афзалликлари, камчиликлари ва масофавий уқитишнинг техник воситалари.

Таянч ибора ва тушунчалар: Масофавий таълим ривожланиш босқичлар. мавжуд масофавий таълим тизимлар афзалликлари, камчиликлари, масофавий уқитишнинг техник воситалари. Интернет.

1. Масофавий таълим уни ривожланиш босқичлари

Масофавий уқитиш технологик усуллар мультимедия ва Интернет воситаларидан асосланган кенг фойдаланиш йўлида айрим объектив муаммолар ҳам мавжуд. Булардан энг асосийси, укувчилар учун керак бўлган укув материалларини, конунларини ва бошқа курсатмаларни кулланма килиб, компьютер дастурларини ишлаб чиқишдир. Бизнинг фикримизча, замонавий компьютер технологияларидан укувчиларга таълим бериш ва қайта тайёрлаш жараёнида кенг фойдаланиш, келажакда етук ҳамда юқори малакали мутахассисларни камол топтиради.

Масофавий уқитиш янги ва анча прогрессив бўлган уқитиш шаклидир. Бу усулни турли хил муассасаларига татбиқи, хусусан иктисодий, ижтимоий, ҳукукий соҳаларга татбиқи талаба ва уқитувчиларнинг илгор дунё илмий мактабларининг юқори сифатли укув услубий ишланмалари, замонавий ва сунги ахборотлардан қаерда булишидан қатъий назар тўғридан-тўғри фойдаланиш имкониятларини беради. Буларнинг барчасини эътиборга олган ҳолда олий ва урта таълим вазирлиги устоз фонди қиёфасида жаҳон институти билан олий таълимда масофавий уқитиш усули компонентларини татбиқ қилиш ҳақида қелишув тузилди.

Бундай лойиҳа нафакат, Ўзбекистон учун балки Урта Осиёнинг барча ҳудудлари ва Қозоғистон учун ҳам МДХ давлатлари учун масофавий уқитиш соҳасида жаҳон банки институтининг илгор лойиҳаларидандир.

Жаҳон банки лойиҳаси масофавий уқитиш тизимини ривожлантириш учун бошланғич майдон бўладиган масофавий уқитиш тармоқлари инфратузилмасини база элементларини яратиш масофавий уқитиш усулларини қуллаш соҳасини қенгайтириш ва масофавий уқитишни амалга оширувчи замонавий технологияларни ривожлантиришни қузда тутди.

Тошкент шаҳрида университетларда жаҳон банки лойиҳасини муваффақиятли кулланилиши унинг ҳаётийлиги ва юқори курсаткичга эришилганлигини тасдиқлади.

Олий ўқув юртлиридан 30 дан ортиқ етук ўқитувчилар танлаб олиниб, улар масофадан ўқитишлари бўйича дайтa тайёрланди. 2000 йилда жаҳон банки ташаббуси билан Москва ва Бишкекда ўқитиш марказлари ташкил этилиб, унга таклиф этилган дағнашчилар янги ўқув методологиясини масофадан режимни бошқариш ва электрон курслари методлари бўйича дайтa тайёрланди. Лойиҳанинг университет иштирокчилари учун иқтисодий йуналишлар бўйича масофавий ўқитиш тартибда машғулотлар утказиш учун техник база воситалари ташкил этилди, Интернетга уланиш йўллари изланмодда. Буларнинг барчаси берилган технологиялар турларининг катта истидболлари тўғрисида гапиришга имкон беради.

2. Мавжуд масофавий таълим тизимлар афзалликлари, камчиликлари ва масофавий ўқитишнинг техник воситалари

Масофавий ўқитиш асосида ўқитиш, жугрофий жихатдан узодда жойлашган мактаблар ва академик таълим учун мулжалланган эди. Лекин, замонавий ахборотлар ва телекоммуникация технологияларининг ривожланиши табиий таълим-тарбия жараёнини узод масофадан туриб амалга оширишга йўл очиб берди. Натижада, дистант услуби асосида ўқитиш, тез вақт ичида купгина мактабларда, ўқитишда янги услубларни қўллашга яна бир туртки булди. Масофавий ўқитиш асосида ўқитишнинг Халқаро Кенгашининг тахлиллари шуни курсатмоддаки, ҳозирги кунда жаҳонда 10 миллиондан ортиқ талабалар шу услуб асосида таълим олишмодда. А^Шда шу услуб асосида ўқитиш мақсадида янги ўқув марказлари барпо этилмодда. Шундай қилиб, улар миллий кадрларни замон талаби асосида тайёрлаш ва дайтa тайёрлаш афзалликлари мавжуддир.

Масофавий ўқитишнинг қўйидаги афзалликлари мавжуддир:

а) *Уқитишнинг ижодий мууити.* Мавжуд купгина услублар асосида ўқитувчи илм толибини ўқитади, ўқувчи эса фадат берилган материални ўқийди. Таклиф қилинаётган масофавий ўқитиш методи асосида эса ўқувчиларнинг

узлари компьютер асосида ахборотлар банкидан керак бўлган маълумотларни дидириб топади ва албатта узларининг тажрибаларини бошқалар билан яхши мулодотда булишини таъминлайди ва уз урнида меҳнат таълим олишини рағбатлантиради.

б) *Мустақил таълим олишнинг имконияти борлиги.* Масофавий ўқитиш асосида таълим бериш бошлангич, урта, университет сиртди-кечки ва малака ошириш босдиқларини уз ичига олади. Тайёргарлиги ҳар хил даражадаги инспекторлар узларининг шахсий дарс жадваллари асосида ишлашлари мумкин ва узининг даражасидаги талабалар билан мулодотда булиши мумкин.

в) *Иш жойидаги катта узғаришлар.* Масофавий ўқитиш асосида таълим бериш тури миллионлаб инсонларга ҳаммадан ҳам ишлаб чиқаришдан ажралмасдан таълим олаётганлар учун, қулай шароит яратиб беради. Бундай услуб асосида ўқитиш кадрларни тайёрлашда жудаям катта роль уйнайди.

г) *Ўқитиш ва таълим олишнинг янги ва унумли воситаси.* Статистик маълумотлар шуни курсатадики, масофавий ўқитиш асосида таълим бериш, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш каби унумлидир. Бундан ташқари, масофавий ўқитиш асосида таълим олиш университет томонидан қуйилган чегарадан ҳам четга чиқиб кетади. Бундай асосда таълим олаётган талабалар ёки ўқувчиларнинг бошқалардан устунлиги уларнинг энг яхши, сифатли материаллар ва ўқитувчилар билан таъминлашдир. Таълим бериш ва бошқариш услубиётига асосланган ҳолда, ўқитувчи аўқиторияда ўқитиш шартларидан холи булиши керақдир.

Масофавий ўқитишнинг ахборот - технологик асослари.

Ахборот технологияси - объект, жараён ёки ходисаларнинг ҳолати ҳақидаги янги маълумотларни олишда маълумотларни йиғиш усуллари, маълумотларни етказиб беришдан ва воситалар мажмуидан фойдаланиш жараёнидир. Ахборот технологиялари таълимий маҳсулотлар ва хизматлари ташкил этишда дастгоҳ ҳисобланади.

Таълимий маҳсулот - ўқув жараёнида татбиқ қилиш учун ифодаланган маълумотлар мажмуидир.

Янги ахборот технологияси - шахсий компьютерлари ва телекоммуникация воситалардан фойдаланувчи ахборот технологиясидир.

Жамиятни ахборотлаштириш- фукараларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжни ва уларнинг ҳуқуқларини амалга оширишни канот - лантиришдаги макбул шартларни, давлат ҳокимият органларини, маҳаллий уз.узини бошқариш органларини, ахборот ресурсларидан фойдаланиш ва уларни шакллантириш асосида жамоат бирлашмаларини ташкил этишни яратишнинг ташкиллаштирилган ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник жараёндир.

Таълимни ахборотлаштириш жамиятни ахборотлаштиришнинг муҳим элементларидан ҳисобланади.

Таълимни ахборотлаштириш куйидаги қулайликларга эга: жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳақидаги маълумотни ва билимларни олишга йўл очиб беришда; шахснинг интеллектуал ва ижодий қулайликларини ривожлантиришда; жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳаётида активлик оқимида малакасини оширишда фаолият фазосини тезкор узгартиришида; масофавий уқитиш узиб кетувчи таълимни ва самарасини оширишни таъминлашда; таълим маҳсулотларини ва хизматларини ишлаб чиқиш учун куйидаги информацион технологиялар қулланилади; гуруҳлаш, хиллаш, ҳисоблаш, маълумотларни агрегатлаш учун маълумотларни қайта ишлаш информацион технологиялари мулжалланади; масофавий уқитиш катнашчиларининг ҳаммасини информацион талабларини қондириш учун бошқарув информацион технологиялари мулжалланади; масофавий уқитиш катнашчилари ва компьютер узаро ахборот технологиялар мулжалланади; билимлар йигилган фанлар бўйича экспертларнинг маҳсулотларини масофавий уқитиш фойдаланувчилар томонидан олиш имқониятини берувчи эксперт тизимлар информацион технологиялари.

Жаҳон иқтисодий тизимларининг дунё микёсида умумий кенг тус олиши, жаҳондаги бир неча илғор мамлакатларни маълумотлаштириш жамоа босқичига қириши ва давлатнинг дунёвий иқсодиёт кенгашига олиб чиқиши учун Республикамиз Президенти томонидан қуйилган масалалар, шу билан бирга шартли бўлган «рақобатни» ҳамма тармоқларига қиритиш ва шу борада айниқса, давлатнинг Олий маълумот тармоғига қиритилиши бизнинг давлатни олий маълумот тизимининг рақобатчилик тўғрисидаги савол дунёвий бозорга фаол булиши турган гап. Берилган муаммонинг ечими асосийлардан бири, янги таълим технологияларини қиритиш, Республиканинг олий таълимда масофавий

укитиш услуби уз урнини эгаллаши керак. Дунёда масофавий укитиш услубини куллаш буйича жуда катта тажриба орттирилган, жумладан: энг зур тажрибали укитувчилар мутахассислар укитилаётган кишига индивидуал холда ёрдам бериши, талабаларни укишини хар хил услубда назорат қилиши, уқувчиларнинг билим савиясини баҳолаш йўллари туфайли талаба ва укитувчиларнинг уқиш сифатини ва меҳнат унумини оширади.

Масофавий укитиш услубини сифатли кулланишига сўзсиз қуйидаги йўлланмалар қиради.

Укитилаётган борликни марказлаштириш. Узимизни ва чет эл профессорларини, мутахассисларнинг билим ва тажрибаларини куллаш, энг яхши уқув қуроллардан фойдаланиш эътиборда тутати. Хар хил уқиш манбаларидан фойдаланиш, талабани ахборот билан таъминлаш, бу ахборот эса уз навбатида, бутун дунё мутахассислари билимларидан олинган, электрон кутубхонлардан олинган ахборотларни ишлатиш, шу ва яна бошқа билимларни бир дақиқада талаба ва укитувчилар ишлатиши мумкин.

Укитувчига талабни кучайтириш. Уқиш жараёнининг стандарт холда жамланиши, тушунарли холда укитувчиларнинг билим даражасини ошириши мажбурияти юклайди. Бу услублар уларнинг иш натижасини ва билим даражасини кутарилишига ёрдам беради.

Ойдинлаштирилган таълим бериш жараёнининг таъминланиши, узлуксиз мониторинг имконияти, уқув жараёнларининг тўғри назорат қилинишини ва бошқарилишини, олий ўқув таълим вазирлиги ва университет ходимлари томонидан билим савиясини текширилишини (ўқиш жараёнида талаба ва ўқитувчиларнинг ҳаракатларини назорат қилиш, бу ерда талабанинг фаоллиги ҳамда ўқитувчи ишининг унумлилиги, талабаларнинг аттестациядан утказиш амаллари ҳам қиради) таъминланишига олиб келади.

Ўқитувчиларнинг дайта тайёрлаш ва дайта ўқиш тизимлари самарадорлигини орттириш.

Укитиш турининг эгилувчанлиги. Қулай вақтда шугулланиш мумкинлиги, қўлай жойда ва қўлай тезликда, талабаларнинг билим дабул қилишининг хар хил шакллари қўллаш мумкинлиги, улар томонидан моделлаштириш ва кургазмали воситаларни жойида қўллаш, ахборот ҳамда билимларни етказишда

курғазмалилик, тасаввурлар шулардан ҳамда ўқитишнинг уйин шаклидан фойдаланиш.

Ўқитувчининг роли ва хилма-хиллик имкониятларини кутариш. Ўқитувчининг ўқувчига нисбатан шахсий ёндашишни хар хил шакллари кўллаш.

Хар бир талабанинг билим даражаси ва тайёргарлигига ҳамда унинг добилиятига мос равишда шахсий ёндашишини кўллаш мумкинлиги.

Ўқувчининг билим ҳамда таддидот мотивлари ва стимуллари ривожлантириш. Ўқувчининг ўқитувчига узаро мулодотидаги ишончсизлик хиссиётидаги психологик тусидларни йудотиш, талабанинг интеллектуал ва илмий имкониятларини, уз.узини ташкиллаштиришни ривожлантириш.

Ўқувчи шахсий фаолияти билан ўқитишни бирга олиб бориш.

Иктисодлилиги. Бу тизим ўқитишдаги кечикишларни камайитиришни таъминлайди. Ўқитиш хоналаридан фойдаланиш, йўл харажатлари ва таклиф қилишга малакали ўқитувчилар учун ишдан хад тулаш. Улар уз билимларини масофадан ўқитиш режимида узатишлари мумкин. Соглигининг холати, ижтимоий ва моддий таъминланганлигидан қатъий назар билим олишнинг кенг имкониятлари яратилиб ижтимоий тенглик яратилади.

Уқитиш доирасида мусобака мухитини расмийлаштириш. Масофадан ўқитиш технологияси бу - жамиятни ахборотлаштириш йўллари билан жипслашган булиб, масофавий ўқитишнинг техник воситаларини ахборотлаштириш тизимлари ва олий ўқув юртларида ўқитиш жараёнини автоматлаштириш тизимларини замонавий ахборотлаштириш технологиясини таъминлайди.

Масофавий ўқитиш усулидан фойдаланишнинг камчилиги - ўқитувчи ва талаба ўртасидаги бевосита мулоқот ва психологик бирликни чегараланганлигидир.

Хулоса қилиб олганда, масофавий ўқитиш тизими талабаларда таълим тизимидаги булаётган дунёвий ўзгаришлар, техник воситалардан фойдаланиш йўллари, унинг канчалик афзаллик томонларини ва шу билан бирга камчиликлари хакида маълумот беради.

Назорат учун саволлар

- 1.Олий таълим тизимида замонавий педагогик технологияларни кулланилишини тушунтиринг.
- 2.Замонавий информацион ва педагогик технологиялар асосида иқтисодий фанларни уқитиш йўллари айтинг..
- 3.Масофавий таълим ривожланиш босқичларини айтинг.
- 4.Мавжуд масофавий таълим тизимлар афзалликлари, камчиликларини ёритинг.
- 5.Масофавий уқитишнинг техник воситалари нималардан иборат?
- 6.ИНТЕРНЕТ ва унинг иқтисодий таълимдаги аҳамиятини айтинг.
- 7.Масофавий таълимнинг қулайликлари ҳақида гапиринг.
- 8.Масофавий уқитишнинг йўл-йуриклари нималардан иборат?
- 9.Олий таълимда қўлланиладиган интерфаол методлар ва уларнинг технологик хариталарига изох беринг.

23-МАВЗУ.: БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТ И. КАРИМОВ АСАРЛАРИДА ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ

Режа:

1. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш йўлининг танлаши.
2. Бозор иқтисодиётининг умумий тамойиллари.
3. Бозор иқтисодиётига ўтиш йўллариининг хилма-хиллиги ва Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос йўли таълимоти.
4. Ислон Каримов ишлаб чиққан беш тамойил-бозор иқтисодиётига ўтишнинг Ўзбекистон концепциясининг асоси.
5. Иқтисодий концепциянинг янги жиҳатлари.
6. «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асаридаги иқтисодий го.
7. И.Каримов асарларида ёшларни маънавий-интеллектуал тарбияси.

Таянч ибора ва тушунчалар: Инкироз, иқтисодий мулоҳаза, узвий маънавий- интеллектуал тарбия, бозор иқтисодиёти, иқтисодий тарбия.

1. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш йўлининг танлаши

2.

Бугун дунёнинг аксарият мамалакатлари бозор иқтисодиёти йўлидан бормоқда. Уларнинг ҳар бири ўз тарихий тараққиётининг маълум даврида ана шу йўлга бурилганлар ёки ана шу йўлдан бораётирлар.

Аслида, инсоният тарихи учун «бозор иқтисодиёти» деб аталаётган юксалиш йўли янгилик эмас, бир қанча давлатлар ва халқлар учун бу йўл бир неча асрдан бери давом этиб келмоқда. Бу йўл барқарор тараққиёт, юқори ўсиш суръатлари, фаровон ҳаёт ва ҳамжихатлик йўли эканлиги туфайли булса керакки, дунё халқлари бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш томон тобора купрод интиломларда. Жумладан, бизнинг мамалакатимиз ҳам мустақиллик туфайли ана шундай имкониятга эга бўлди. Бозор иқтисодиётига асосланган фаровон, демократик фуқаролар жамияти дуриш томон дақил одимланмоқда. «Энг муҳими, -деб ёзган эди Биринчи Президентимиз Ислам Каримов ўзининг илк илмий изланишлари маҳсули бўлган ажойиб асари «Ўзбекистон -бозор муносабатларига ўтишнинг узига хос йўли» рисоласида,-бизнинг бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуришдан бошқа йўлимиз йўқ. Тўпланган тажриба, илмий таҳлил (анализ) ва ақл-идрок шундан далолат бермоқда»

Шундай савол туғилиши табиий: бозор иқтисодиёти объективми, илмий асосланганми, бу йўлдан бориш охир-оқибатда ноҳуш оқибатларга олиб келмайдими, бу йўлдан бориш тарихан адашувчилик булмасмикин? Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтиш концепцияси муаллифи И.Каримов бу йўл тўғри, илмий асосланган эканлигини исбот қилди. Зеро, жаҳон тараққиёти тажрибаси, «илмий таҳлил, ақл-идрок» шу йўлдан борган ва бораётган халқлар ҳаёти сабод бермоқдаки, бу йўл тўғри, илмий асосланган, самарали бандлик ва фаровонликка олиб келадиган бирдан-бир ҳолис йўлдир. Буни қуйидаги ҳулосалар асослаб турибди:

Биринчидан, ҳозирда тараққий этган, барча иқтисодий-ижтимоий жаҳдаларда андоза, урнатилган мамалакатлар ҳаёти ва тажрибаси, уларнинг бугунги ҳақиқати исботсиз ҳақиқатдир. «Жаҳон цивилизацияси

ижтимоий тараққиётнинг сифат жихатдан янги йўллари ишлаб чиқди, тартибга солинадиган бозор иктисодиёти мана шу йўлга асос қилиб олинган» (И.Каримов);

Иккинчидан, кейинги йилларда юксак иктисодий усиш, саноат тараққиёти, ижтимоий фаровонликка эришиш намунасини курсатаётган Япония, Жанубий Корея, Сингапур, Тайван, Малазия, Бразилия, Аргентина, Чили каби мамалакатлар худди шу бозор муносабатлари йўлидан бориб юксакликка кутарилқилар, улар, уз навбатида, бозор иктисодиётига утқилар ва ўз тажрибалари билан ўтиш йўли назариясини ҳам амалиётини ҳам бойитмокдалар;

Учинчидан, бу йўл мамалакатда мавжуд бўлган миллий имкониятларни, ресурсларни энг самарали ишлатиш, энг юкори иктисодий натижаларга эришишга олиб келади, айнан бозор иктисодиёти ана шундай тежамли хужалик юритишни таказо этади ҳам. Ана шу туфайли ҳам ресурслари кам ёки чекланган мамалакатлар учун бозор иктисодиёти йўли энг мақбул хисобланмокда. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас;

Туртинчидан, бозор иктисодиёти ривожининг XX аср иккинчи ярми хусусияти шуни исбот қилдики, бу йўл аҳолиси тез кўпаётган, меҳнат ресурсларига бой, аҳоли зич жойлашган, иш кучи тупланган мамалакатлар учун айни муддао йўлдир. Зеро, бозор иктисодиёти ижтимоий бандлик шароитида ривожланишини таминлади, бу йўл аҳоли бандлигини таъминлашнинг энг мақбул ва қулай воситаларини сафарбар қилиш имкониятини ҳам беради.

Куришиб турибдики, бозор иктисодиёти йўлидан бориш барча давлатлар, халклар учун энг адолатли ва демократик тараққиёт йўлидир. Ўзбекистон ҳам инсониятнинг аксарият танлаб олиб ривожланиб боарётган бозор итисодиётини қуриш томон бориши объектив заруратдир. Бунда бозор иктисодиётига ўтишнинг умумий тамойиллари ва ҳамда республикаимизнинг узига хос хусусиятларига асосланган алохида ўтиш йўли концепциясини яратиш тарихий заруратга айланди.

3. Бозор иктисодиётининг умумий тамойиллари

Мамалакатимиз бозор иктисодиётига асосланган янги жамият куришга киришар экан, унинг куйидаги умумий тамойилларини инобатга олди ва уларга риоя килиб бормокда. Бозор иктисодиётининг чуқур моддий асосини товар ишлаб чиқариш, товар-пул муносабатлари ташкил этади. Бунинг маъноси-ишлаб чиқарувчилар, хужалик юритувчи барча субъектлар фаолияти товар муносабатлари билан белгиланади, бозор учун ишлаш, бозор талабларига мослашиб ишлаш, пировард мақсад-пулни қупайтириш, фойда олишдир. Демак, бозор иктисодиёти пировард мақсад-фойда олишни олдиндан қура билиш ёки ана шу ҳисоб-китоб билан ҳаракатни йўлга қуйишдир:

Бозор иктисодиётининг энг муҳим тамойилларидан бири нафакат иктисодиёт субъектларининг, шу билан бирга бутун жамиятнинг, унинг ҳар бир аъзоларининг товар ишлаб чиқарувчига айланишидир. Яъни товар ишлаб чиқарувчи бўлмай туриб, истеъмолчи бўлиши мумкин эмаслигидир. Бошқача айтганда, бозорга «қурук қўл» бориш билан эмас, балки товар ва хизматлар билан уни тўйинтиришдир. Бу билан бозор иктисодиётининг яна бир фазилати жамиятни мул-қулчиликка олиб борилади

Бозор иктисодиётининг яна бир ажойиб томойили бу истеъмолчининг ишлаб чиқарувчи устидан ҳукмронлигига олиб келишидир. Бундай шароитда товар ишлаб чиқарувчилар тақдири тулалигича истеъмолчилар, яъни халқ тасарруфига утади. Даромад (пул) эгаси ўзи истаган, ўзига ёққан товар ёки хизматни танлаб ва истаганича сотиб олиш имкониятига эга бўлади. Худди шу маънода, бозор иктисодиётини умуминсоний қадриятлардан бири десак бўлади. Худди мана шундай бўлгандагина инсон кадр-қиммати янада улугланади, у улуг мавжудотга ҳос турмуш тарзига бўлади;

Бозор муносабатларининг яна бир муҳим унсури-рақобат ва рақобатчиликдир. Бу тамойил бозорни шунчаки товарлар ва хизматлар массаси билан тулдириб қолмай, уларнинг сифати, истеъмол қийматини ҳам устуворликка қакиради. Албатта, бунинг учун рақобатчилик шароитни шакллантириш керак, рақобатбардош товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий асосларини яратмок даркор.

Биринчи Президентимиз И.Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» номли асарида бозор иқтисодиётининг ракобатчилик ва унга яратиладиган муҳит ҳақида жуда муҳим кўрсатмалар белгилаб берилган эди. Хусусийлаштириш айнан ана шу ракобатчилик муҳитини шакллантиришнинг моддий асоси сифатида таърифланиб, шундай дейилади: «Хусусийлаштириш давомида хал қилинадиган иккинчи муҳим вазифа-кўп укладли иқтисодиётни ва рағбатлантирувчи ракобатчилик муҳитини вужудга келтиришдан иборат.

Ракобатчилик муҳитини вужудга келтиришда хусусийлаштиришнинг иштироки турличадир. Энг аввало, бу мулкнинг давлат монополияси эканлигига барҳам бериш ва фаолиятнинг шунга ўхшаш турлари билан шуғулланувчи, хизмат кўрсатувчи, аммо мулкчиликнинг турли шаклларига-давлат, жамоа, акциядорлик, хусусий ва бошқа шаклларига асосланган кўпдан-кўп корхоналарни ташкил этишдан иборат...» (183 бет)

Рақобатчилик муҳитини яратишда диверсификациялаш, маъноси корхоналарга нисбатан алоҳида солиқ сиёсати ишлаб чиқиш ва юритиш, кичик ва ўрта бизнесни кенг миқёсда авж олдириш, ўрта ва катта корхонани акциядорлаштириш кишлоқ хужалигида мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган аграр тузилма яратиш қабилар хал қилувчи аҳамият касб этади.

Бозор иқтисодиётининг юқорида қайд этилган умумий тамойилларининг республикаимиз хусусиятларига боғлиқ тарзда тўлақонли ишлаши эса чуқур, кенг қамровли ислохотларни талаб этади. Бундай ислохотлар эса пухта ишланган илмий концепцияга асосланиши лозим.

4. Бозор иқтисодиётига ўтиш йўллариининг хилма-хиллиги ва Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос йўли таълимоти

Бозор муносабатларини шакллантириш Ўзбекистонни буюк давлатга айлантиришнинг, ўзбек халқини ўзининг тарихий буюклигини тиклашнинг, унинг ўз тарихий, илмий, маънавий, иқтисодий, салоҳиятига мувофиқ турмуш тарзини вужудга келтиришнинг бирдан-бир тўғри йўли, деб белгиланган бўлса-да, бундай янги иқтисодий тизимга тарихан қисқа муддатларда, қамрод захмат ва қийинчиликлар чекиб утиб олиш муҳим масаладир. Демак, мамалакатни

бозор иқтисодиётига олиб боришнинг илмий асосланган концепциясини ишлаб чиқиш зарурати тугилади. Бу заруратни англаш, унинг асосларини, тамойиллари, ўтиш воситалари ва асосий йуналишларини белгилаб олиш керак эди. Бу жуда катта илмий салохиятни, катта ҳаётий тажрибани, чудур тафаккурни, тарихий тараққиётни тўғри таҳлил эта билишни талаб этар эди. Ана шундай салохиятга эга бўлган тарихий шахс Оллоҳ томонидан халқимизга инъом қилинган эди. Бу тарихий шахс-Ислом Каримов эди. У миллатнинг энг қийин даврида, миллат тақдири белгилаб берилиши керак бўлган айти даврда мамалакат ва халқда раҳбарлидда келган эди. Янги жамият қуришнинг илмий концепциясини ишлаб чиқиш айнан ана шу тарихий шахснинг зиммасига тушди. Тула ишонч билан айтиш мумкинки, Ислом Каримов узига тарих юклаган ғоят оғир вазифани муваффақиятли уддалади, у жаҳонда андозаси йўқ бозор иқтисодиётига ўтиш концепциясини меъмори бўла олди. Бугун бу концепциянинг ғоят илмий асосланганлиги, унинг тўғрилиги ва ҳаққонийлигини жаҳон жамиятчилиги эътироф этмоқда.

Ислом Каримов ишлаб чиққан Ўзбекитоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш концепциясининг халқаро эътирофи турли халқаро анжуманларда қайд этилмоқда. Бунинг яна бир исботи унинг «Ўзбекитон-иқтисодий ислохатларини чуқурлаштириш йўлида», «Ўзбекитон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобларининг дунёнинг турли тилларига таржима қилиниб, оммавий нусхаларда чоп этилган.

Энг муҳими - бу концепциясининг ҳаётийлиги, ўз самаралиарини бераётганлиги, Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш суръатларининг тобора кўтарилиб бораётганлигидир, МДХ давлатлари ичида энг барқарор тараққиёт изига тушиб олганлигидир. Масалан, 1996 йилдан бошлаб ялпи миллий маҳсулотимиз ўсиш суръати 1,6 фоиз бошланиб, бу ўсиш суръати 2018 йилгача ўтган даврда ўртача 4-5 фоизни ташкил этмоқда. Иқтисодиётимизнинг айрим тармоқларидаги иқтисодий ўсиш суръатлари эса яна ҳам юқорида.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш концепциясини ишлаб чиқишда унинг муаллифи бозор иқтисодиёти ва ислохатларнинг негизини ташкил қилувчи йўллари хилма-хил эканлигига эътибор даратди, бу хилма-хил йўللар чудур урганилди, таҳлил қилинди, хулоса ва умумлашмалар ясалди. Масалан,

Америка, Француз, Япон, Немис, Лотин Америкаси, Жанубий-Шарқий Осиёдаги ёш ривожланаётган мамалакатлар моделлари мохияти очиб берилди. Ана шу андозаларни таҳлил этиш билан бирга уларнинг ижобий, биз учун яроқли томонлари аниқлаштирилди. Ана шу илмий таҳлил Биринчи Президент Ислом Каримовга қуйидаги хулосани чиқаришга асос бўлди: «Биз бошқа давлатнинг ривожланиши жараёнида тўпланган ва республика шароитига тадбиқ қилса буладиган барча ижобий тажрибалардан фойдаланиш имкониятни истисно қилмаймиз. Айни чоғда бирон-бир андозадан, хатто у муайян мамалакатда ижобий натижаларга олиб келган бўлса ҳам, кўр-кўрона нусха кўчириш мутлако номақбулдир..

Шу сабабли, бизнинг катъий нуктаи назаримиз жаҳон тажрибаси ва уз амалиётимиздан олинган жамики фойдали тажрибаларни рад этмаган ҳолда узимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараккиёт йўлимизни танлаб олишдан иборатдир...». бу ўзимизга хос йўл «халкимизнинг ҳаёт шартлари ва мусулмонча турмуш тарзининг миллий хусусиятлари, Шарқ маданий оламига мансублик», юртимизнинг бой табиий хом-ашё бойликлари, иқтисодий потенциалимиз, инсоний салоҳиятларимиз ва бошқа миллий асосларимизни ҳисобга олиниб ишлаб чиқилди.

Бу ҳақида И.Каримов шундай деган эди: «Бизнинг бозор муносабатларига ўтиш моделimiz республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини, анъаналар, урф-одатлар, турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олишга, ўтмишдаги иқтисодиётни бирёклама, бесўнақай ривожлантиришнинг мудҳиш меросига барҳам беришга асосланади».

«Мустақил ривожланишнинг ўтган даврини умумлаштириш ва таҳлил этиш ислох қилишнинг Ўзбекистон модели асосли ва тўғри булиб чиқди, деб айтиш учун тўла асос беради. Бугун уни халқаро иқтисодий ташкилотлар, жаҳоннинг қупгина мамлакатлари тан олмоқда. Энг асосийси-ҳаётнинг ўзи уни тасдиқламоқда» («Ўзбекистон XX1 аср бусагасида...» Т.,1997, 188-189 бетлар).

Ўзбекистон Биринчи Президенти И.Каримов ишлаб чиққан «Ўзбекистон йўли» Ватанимиз ва халкимизнинг узига хос салоҳияти ва хусусиятларига асосланган. Булар:

- 1) Миллий тарихий турмуш тарзининг узига хослиги;

- 2) Диннинг кишилар онгига ўчмас мухрланганлиги;
- 3) Демографик вазиятнинг узига хослиги;
- 4) Миллий таркибининг узига хослиги;
- 5) кулай сиёсий-географик мавкенинг мавжудлиги;
- 6) Табиий иклимнинг узига хослиги;
- 7) Мавжуд потенциалнинг хослиги.

(каранг. Бозор иктисодиёти назарияси ва амалиёти. Дарслик Т., 2000 , 99-100 бетлар).

Бирок, Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш йўли машаккатлардан, муаммолардан, зиддиятлардан холи йўлдир, дейиш ноурин. Бу ҳақда «Ўзбекистон модели»нинг ижодкори И.Каримов узининг иктисодиётга бағишлаган илк асарларидан биридаёқ алоҳида таъкидланган эди:

«Ўз истиклол ва тараккиёт йўлимиз-бу гул билан копланган йўл эмас, бу тоталитаризмдан холос бўлиш ва покланиш мафкуравийлик илллати етказган зиён захматларни бартараф этишнинг кийин, узок давом этадиган йўлидир. Бу жахон цивилизациясига кўшилиш, чинакам сиёсий ва иктисодий истиклолга эришиш йўлидир.

Бу йўлдан факат хакикий ватанпаргина, ўз мамлакати ва халкнинг такдири учун бутун калби ва юрагини бағишлаган, ўз манфаатларини республиканинг кудратли ва фаровон бўлишига эришиш мақсадларига бўйсундира оладиган, бунга ўзини куч-гайрати, ташаббуси, билими ва меҳнатини бағишлай оладиган кишиларгина юра олади» («Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли» Т., 1993 й. 127 бет).

Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, И.Каримов нафаккат «Ўзбекистон йўли» нинг назариётчиси, айни дамларда у ўз Ватани ва халкининг истиклол йўлидаги хакикий фидойиси, миллатни шу йўл тўғрилигига ишонтира олган дохийси ва уз оркасидан уларни собит эргаштира олган дарғаси булиб майдонга чикди.

5. Ислом Каримов ишлаб чиккан беш тамойил-бозор иктисодиётига ўтишнинг Ўзбекистон концепциясининг асоси

Концепция муаллифи Ислом Каримов кайд этган эдики, «Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишнинг узига хос йўлини яратиш учун замин йук

эмас. Шаркда одамлар азалдан савдо-сотик билан шугулланганлар. Шу боисдан, бу ерда бозор шароитида ривожланишнинг уз тарихий тажрибаси мавжуд». Муаллиф халкимизнинг уз миллий тарихий тажрибасига асосланиб узининг беш тамойилини яратди. Бу тамойиллар иктисодиёт таълимотлар тарихига хакикатдан хам янгилик булиб кирди.

Иктисодиётнинг сиёсатдан устунлиги тамойили. Собик социалистик жамиятда бутун ижтимоий хаёт, хужалик фаолияти хам «Сиёсат иктисодиётдан устун булади, устун булмаслиги хам мумкин эмас» деган коидага асосланган эди. Мамлакат иктисодиётининг тузилиши, миллий даромаднинг таксимланиши ва кайта таксимланиши, иктисодий сиёсат ана шу шиорнинг талабларига буйсундирилган эди. Бу сиёсат кандай окибатларга олиб келганлиги хаммага аён. Ана шу холатни чукур тахлил этиб, ундан керакли хулоса чикарган Биринчи Предизентимиз Ислон Каримов иктисодиёт ва сиёсат алохида- алохида ижтимоий муносабатлар экани, уларнинг хар бири уз конунлари билан ривожланиши, булар уртасидаги нисбатда иктисодиётнинг устуворлик килиши кераклиги хакидаги хулосага келди.

Бу коида иктисодиёт хаётнинг асоси эканлиги тўғрисидаги умумбашарий конуниятга асосланади. Зеро, кучли замонавий таркибий тузилишга, моддий, илмий ва ижтимоий асосга суянган иктисодиёт булмаса, мамлакат халкининг фаровонлиги хам, миллий хавфсизлиги ва тинчлиги, халкаро нуфузи хам булиши мумкин эмас. Шунинг учун хам мустикал миллий иктисодиётни барпо этиш, унинг таркибий тузилишини тубдан узгартириш учун харакат бошланди. Албатта, амалда иктисодиётнинг устуворлигини таъминлаш осон кечмайди, бу жуда чукур уйланган иктисодий сиёсат утказишни таказо этади

Халкимиз ва бутун дунё куз олдида миллий иктисодиётимизнинг моддий таянчи бўлган улкан корхоналар курилди ва курилмокда, хатто илгари булмаган иктисодиёт сохалари кад кутармокда. Бу «Ўзбекистон дунёга танилиши, хамкорлик ва жахон иктисодига кўшилиши» учун замин яратиш демакдир, бу иктисодиёт хақиқатан хам сиёсатга нисбатан устувор муносабат эканини амалда исботланиши демакдир.

Давлат бош ислох,отчи булишлиги тамойили. Бу тамойил, авало, умумбашарий дадриятлардан келиб чидади. Зеро, И.Каримов «Ўзбекистон бозор

муносабатларига ўтишнинг узига хос йўли» номли рисоласида ёзганидек, жаҳон тажрибаси иқтисодиётни давлат йўли билан тартибга солиб туриш зарурлигини кўрсатди; бунинг устига том маънода узини узи тартибга солиб турадиган бозор йўд, ҳамма даврларда давлат уз мавдеига кура иқтисодиётга таъсир этиб келган. Аммо бозор иқтисодиётига ўтиш барча мамлакатларда бир хил кечмаганидек, давлатнинг етакчилик роли ҳам ҳар хил кечади. Ўзбекистон ижтимоий жihatдан йуналтирилган бозор иқтисодиётини дуради, бунда давлат тартибга солиб турувчи роль уйнаши мударрардир.

Хуш, давлатнинг бош ислохатчи ва иқтисодиётни тартиблаштириб турувчи булишини нималар тадозо этади?

Бу саволга Президентимизнинг бир датор асарлари ва чиқишларида аниқ, тушунарли жавоблар мавжуд. Биринчидан, эски тузум парчаланган, янги жамият хали тула дурилмаган бир шароитда «иқтисодиётни бошқаришни қўлдан чидариб юбориш, унинг тараққиётини уз холига ташлаб қўйиш мумкин эмас»; иккинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш бошланган даврда республикамиз аҳолисининг турмуш даражаси нисбатан паст, у узини узи химоя қила олмайди. Бундай шароитда давлат керак, у ўтиш даврида аҳоли манфаатларини химоя қилиш учун миллий даромадни дайта тадсимлаш воситасида унга таянч булади; учинчидан, бозор иқтисодиётини дуриш гоят қийин вазифа, айнидса, иқтисодиёт ночор ва таркибий тузилмаси бирёдлама бўлган мамлакатда.

Бозор муносабатларининг дарор топиши даврида «давлат ислохатлар жараёнида фаол иштирок этиши, унинг ташаббускори булиши, ислохатни изчиллик ва катъийлик билан амалга ошириш шарт». Давлатнинг бу борадаги етакчилиги шундаки, у янги иқтисодиётга тезрод ва катта қийинчиликларсиз ўтишга ёрдам беради, ислохатларнинг асосий йуналишларини ишлаб чидади, ислохатларни амалга ошириш дастурини тузади ва уларни амалга оширишнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий воситаларини белгилайди. Ислохатлар концепцияси муаллифи Ислон Каримов бу масалада шундай катъий фикрни айтади: «.. давлат ислохат жараёнининг барча босдичларида етакчи уринда туриши, бу жараённинг марказида булиши шарт». Дарводе, бугун бу тамойилнинг нададар тўғри экани МДХ, давлатларидагина эмас, бугун дунё мидиёсида эътироф этмоддалар.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш тамойили. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич ўтиш тамойили тараққиётнинг эволюцион йўли эканини, бу зарурат эканини, бу бир қанча сабаблар билан боғлиқ эканлигини концепция муаллифи И.Каримов бир қанча далиллар билан асослаб беради. Биринчидан, Ўзбекистоннинг энг яқин тарихи собид социалистик тузуми, унинг истидболдаги тузуми билан-«бир-бири билан мутладо келиша олмайдиган икки хужалик тизимидир». Бунда эски иқтисодиётни такомиллаштириш эмас, балки тамомила янги хужалик юритиш тизимини барпо этиш талаб этилади. «Бу бир сифат ҳолатидан иккинчисига ўтишдир». Шунинг учун ўтиш вазифаларини бирданига амалга ошириб бўлмайди, у бир қанча босқичларни уз ичига олувчи нисбатан узок давр доирсида амалга ошади; иккинчидан, янги иқтисодий тизимни фармонлар ва қонунлар чиқариш билан куриб бўлмайди, бундай иқтисодиёт тегишли инфраструктурани ва ҳукукий базани яратишни талаб этади.

Президентимиз И.А.Каримов узининг Олий Мажлисининг иккинчи чакирик олтинчи сессиясида қилган «Адолат-қонун устуворлигида» номли маърузасида уқтирадики, «биз танлаган тараққиёт модели бозор иқтисодиётига таянган очик демократик давлат куриш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантирадиган янги ҳаёт барпо этиш ҳаракатларимиз», «бир томондан, қуп асрлик тарих буюк маданият, юксак миллий анъаналар, муқаддас қадриятларга, иккинчи томондан эса-жаҳон халқларининг энг илғор тажрибасига» асосланиши билан бирга қонунлар устуворлигига ҳам суянади. (қаранг. Ўзбекистон овози, 2001 й. 30 август).

Қонун устуворлиги тамойили шуни билдирадики, қабул қилинган Конституциямиз, барча бошқа қонунлар ҳеч истисносиз ҳамма томондан ҳурмат қилиниши ва уларга риоя қилиниши керак. Хар бир фуқаро нафакат қонунлар талабини билиши, уларга сўзсиз амал қилиши, балки бошқаларнинг ҳам қонунларга риоя қилишларини назорат қилмоғи демократик жамият куришнинг талабига айланади. қонунларнинг устуворлигини таъминлаш тамойилининг моҳиятини И.Каримов яна қуйидагича изоҳлайди:

«қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини қучайтириш, аҳолининг ҳукукий маданияти ва

хукукий онгини ошириш, фукароларни конунга буйсуниш ва хурмат рухида тарбиялаш-бу ривожланган бозор иктисодиётига асосланган чинакам демократик, хукукий давлат ва эркин фукаролик жамияти куришнинг нафакат мақсади, балки унинг воситаси, энг мухим шарти ҳисобланади» .

Кучли ижтимоий сиёсат Ислом Каримов асарларида ниҳоятда мукаммал ва атрофлича ишлаб чиқилган. Бу унинг бағри кенглиги, инсонпарварлиги, ҳар бир инсонга меҳрининг баландлиги, юксак одамийлик фазилатларига эга буюк шахс эканлигидан келиб чиқади. «Аҳолининг муҳтож табақаларини ижтимоий ҳимоялаш кечиктириб бўлмайдиган, энг устивор вазифа, амалий ҳаракатларнинг энг асосий қондаси бўлиб қолди ва шундай бўлиб қолади» деганда унинг ижтимоий ҳимоя тамойили ўз ифодасини топган эди.

Ислом Каримовнинг ижтимоий сиёсат концепциясида кенг қамровли ҳимоя механизми ишлаб чиқилган. Бу механизм бўғинлари асосан қуйидагилардир: ижтимоий ҳимоянинг хукукий базасини яратиш, аҳолининг ногир он, нафақадор, қўп болали ва қамбағал оилалари, уқувчи ёшларга, энг аввало, ёрдам бериш, иш билан вақтинча таъминланмаган кишиларга нафақа тулаш ва иш жойлари яратиш, маълум даврда баҳоларнинг эркинлашувини онгли тухтатиб туриш ва аста-секин баҳоларни бозор қонунларига мослашиб боришига йўл очиш, боқимандалик ва текис тақсимлаш иллатларини батамом тугатиш, пулнинг қадрсизланишини тухтатиш, иктисодий ислохотларни чуқурлаштириб бориш асосида иктисодиётнинг таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш (беvosита истеъмол буюмлари ишлаб чиқишга йўналтирилган иктисодиёт барпо этиш) ва бошқалардир.

Кучли ижтимоий ҳимоялаш концепцияси илмий жиҳатдан муаллифнинг бошқа соҳалардаги иктисодий таълимотлари билан қамбарчас боғлиқдир. Бу боғлиқликни, яъни бозор муносабатларини Ўзбекистонда барпо этиш-саклаш таълимотини шундай таърифлайди: «Самарали ижтимоий сиёсатни иктисодиётни барқарорлаштириш, таркибий ўзгаришлар, бозор муносабатларини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари билан ўйгунлаштириб амалга ошириб борган тақдирдагина ижтимоий соҳага йўналтирилган бозор иктисодиётини барпо этиш мумкин» .

Ислом Каримов таълимоти доимий ривожланиб ва бойиб боровчи

таълимотдир. Ўзбекистон Биринчи Президенти Ислом Каримов яратган бозор иктисодиётига ўтиш илмий таълимоти бошка иктисодий карашлар, гоёлар, таълимотлардан тубдан фарк килади. Бу унинг хаётийлигида, реаллигида, хозиржавоблик ва замонавийлигидадир. Бу шундан иборатки, Ислом Каримов иктисодий таълимоти узининг хакикийлигини ун йиллар, юз йиллар кутиб тургани йук. У Ўзбекистондаги бугунги туб ислохотларга сингиб борди, уларда мужассамлашиб бораётир. Бу хакда муаллиф шундай хулосага келди: «Мустакил ривожланишнинг утган даврини умумлаштириш ва тахлил этиш ислох килишнинг Ўзбекистон модели асосли ва тўғри булиб чикди, деб айтиш учун тула асос беради, бугун уни обрули халқаро иктисодий ташкилотлар, жахоннинг купгина мамлакатлари тан олмокда. Энг асосийси-хаётнинг узи уни тасдиқламокда» (Ўзбекистон XXI аср бусагасида..., 189-бет).

Президентимиз Ислом Каримов узининг Ўзбекистонда бозор муносабатларини шакллантириш илмий концепциясини мамлакатимизда олиб борилаётган кенг камровли ислохотлар натижалари асосида янги-янги коидалар билан бойитиб бораётир. У узининг юкорида кайд килинган машхур асарда уз концепцияси рўёбга чиқишининг воситаларини хам аниқлаштириб берди. Булар куйидагилардир:

биринчидан, инсон манфаатларини рўёбга чиқарувчи шарт-шароит яратиш оркалигина ислохотлар амалга ошади; хозирги шароитда «хар бир оила бой булса, давлат бой булади» деган коидага риоя килинса ислохотлар тезрок реал самара беради;

иккинчидан, «мамлакатда чинакам урта мулкдорлар синфи шаклланган тақдирдагина ислохотлар сезиларли самара беради, мулкчилик масалалари хал бўлади»;

учинчидан, «биз куп укладли иктисодиётни вужудга келтириш вазифасини қўймоқдамиз. Бунда устуворлик хусусий мулкка -кичик ва ўрта бизнесга берилади»;

тўртинчидан, қимматбаҳо қоғозлар бозорини ривожлантириш, пул маблағларини қимматбаҳо қоғозлар бозорига жалб этиш, акциялаштириш, фонд бозорида фаол қатнашиш;

бешинчидан, «Ишлаб чидаришни, идтислодиётда вужудга келтирилаётган

хуқуқий доирада ўзгартириб бориш». Энг асосийси шундаки, «бундай ўзгаришлар ислохотларнинг ўзига кафолат беради»;

олтинчидан, нодавлат сектордаги узгаришларга доимо катта аҳамият бериб бориш, қишлоқда бозор механизмларини ривожлантириш, деҳқонда сохибкорлик хиссини уйғотиш;

еттинчидан, иқтисодиётнинг худўқий тузилишини такомиллаштириб бориш, хуқуқий имкониятлардан самарали фойдаланиш;

саккизинчидан, республикани ҳаётий муҳим товарлар билан ўз миллий имконияти ҳисобига таъминлашга устуворлик бериб бориш ва бошқалар.

Юқорида илгари сурилган фикрлар шундан далолат берадики, Биринчи Президентимиз Ислон Каримов илмий таълимоти ХХІ асар бусагасида энг кучли иқтисодий таълимотлар сафидан муносиб ўрин олди. Зеро, унинг ҳаётий кули -булаётган узгаришларнинг илмий ишламаси эканлигида, узгаришлар билан ҳамоҳанглигида, ривожланиш билан бойиб боришда, халқ ҳаёти билан уйғунлашиб бораверишидир.

Биринчи Президентимиз И.Каримов томонидан ишлаб чиқилган бу беш тамойил ҳаёт синовидан утди. Амалий ислохотлар жараёнида, хусусан, ХХІ аср арафаси ва унинг дастлабки йилларида мамлакатимизнинг ривожланиши стратегияси, ислохотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги фаолиятимизни жадаллаштириш мақсадида бу тамойиллар Олий Мажлисининг 1-чақирик ХІV сессиясида қуйидаги олтита устувор йўналиш билан тўлдирилди:

1. Мамлакат сиёсати, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш;
2. Жамият маънавиятини янада юксалтириш;
3. Кадрлар масаласи муваффақиятли хал қилиш;
4. Халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор усиши, аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилиш;
5. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлаш;
6. Жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамалакатимиз хуқуқий яхлитлигини таъминлаш.

(И.Каримов. Ўзбекистон ХХІ асрга интилмодда. Т., Ўзбекистон нашр., 1999 й.).

Мустақил танлаб олинган ва белгилаб олинган устувор йуналишлар мамлакатимизда ишлаб чидаришинг равон тараққиётини таъминламодда, аҳоли турмуш даражасининг юксалишига олиб бормодда, жахон хамжамияти томонидан бу стратегик йўл эканлиги эътироф этилмодда.

6. Иқтисодий концепциянинг янги жихатлари

А) Иқтисодий усиш суръатлари масаласида

Биринчи Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон мустақил иқтисодий тараққиётининг илк давриларидаёд ишлаб чиққан миллий иқтисодий тараққиёт концепцияси кейинги йиллардаги асарларида, маърузаларида ва чиқишларида янги жихатлар ва янги тараққиёт даври хусусиятлари билан уйғунлашган ҳолда ривожлантирилиб борилган.

Юқорида келтирилган хулосаларни исботловчи далиллар жумласига қуйидагилар киради: яъни, Вазирлар маҳкамасининг 2000 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2001 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йуналишларига бағишланган мажлисдаги маърузасида, иқтисодий усиш масаласига доир мулоҳазасида яққол сезиш мумкин. Келтирилган маълумотларга қараганда, 2000 йилда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 40 фоизга, саноат ишлаб чиқариши ҳажми 6,4 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 3,2 фоизга қупайган. Истеъмол моллари ишлаб чиқариш 7,7 фоизга. Чакана товар айланиши 7,8 фоизга, аҳолига пулли хизмат курсатиш ҳажми эса-14 фоизга ортган («Ўзбекистон овози», 2001 йил 17 февраль).

Агар ушбу иқтисодий курсаткичлар бўйича иқтисодий усишни 1998-1999 йиллардаги усиш суръатлари билан таққосланса, 2002 йилдаги усиш курсаткичларидаги суръатлар биров пастроқ бўлганлигини сезиш қийин эмас. Бирок, бу 2000 йилдаги иқтисодий усиш суръатлари ҳақида ноқоиз хулоса чиқаришга ҳеч қандай асос бермайди. «Албатта,- дейилади Президентимиз маърузасида, - тез суръатлар билан ривожланиш катта аҳамиятга эга эканини ва бунинг фойдасини ҳеч қим инкор қилолмайди. Лекин барчамизга аён бўлиши керакки, ҳар қандай усиш курсаткичлари номигагина эмас, аввало, бундай усишлар иқтисодиётимизда юз бераётган таркибий узғаришлар, унинг изчил ва

баркарор ривожланиши учун хизмат килиши, халкимизнинг хаёт даражасини юксалтиришга олиб келиши лозим. Биз иктисодий усиш деганда, авваламбор, мана шу хакикатни тасаввур килишимиз табиийдир».

Биринчи Президентимиз И.Каримовнинг иктисодий ўсиш суръатлари борасида унинг илмий иктисодий концепциясини бойитган янги жихатлари куйидагилардир:

Биринчидан, жамиятимиз тараккиётидаги иктисодий усиш суръатлари иктисодиётимизнинг баркарор усиб бораётгани, бозор иктисодиётига ўтиш даврига хос таркибий узгаришлар, сифатий янгиланишлар жараёнини тавсифлайди;

Иккинчидан, бу давр усиш курсаткичлари халқ турмуш хаёти даражасига канчалик таъсир этаётганини ифодалайди;

Учинчидан, бугунги кундаги усиш суръатларига, гарчи уларнинг урни ва ахамияти катта булса-да, бу курсаткичларга хаддан зиёд махлиё булиш ярамайди.

Туртинчидан, «муайян даврдаги иктисодий фаолият натижаларига ва энг аввало, сифат курсаткичларига купрокъ эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади».

Юқоридаги хулосалар, Биринчи Президент И.Каримовнинг иктисодий усиш суръатлари борасидаги назарий фикрлари канчалик амалий кучга эга эканини, амалий хаётда узининг материаллашиб бораётганини яққол тасдиқлади.

Б) Иктисодиётдаги усишнинг экспортнинг усишига боғлиқ эканлиги хақида

Иктисодий тафаккурнинг илгариги тушунчасига биноан мамлакат иктисодий усиш даражасини, макроиктисодий салоҳиятининг усиш даражасини макроиктисодий курсаткичлар белгилар эди. Бирок, иктисодий тараккиёт концепциясининг Биринчи Президентимиз яратган тамойилига кўра, миллий иктисодиётнинг ривожланиш даражаси энқиликда мамлакат экспорт салоҳиятининг ортиб боришига бевосита боғлиқ булиб қолмокда. «Биз энг муҳим бир фикрни чуқур англаб олишимиз зарур, - дейди И.Каримов, - фақат шу асосдагина ишлаб чиқаришни техник жихатдан янгилаш масаласини халқ этиш мумкин».

В) Бозор иктисодиёти асосларининг яратилганлиги

Бозор иқтисодиётига ўтиш босқичма-босқич амалга ошириладиган мураккаб иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёндир. Мулкни давлат тасарруфидан чидариш ва хусусийлаштириш, хорижий инвесторларга қўлай шарт-шароитлар яратиб бериш, кичик ва урта тадбиркорликни йўлга қўйиш, банк ислохотларини утказиш борасида ишлар хатто халқаро миқёсда эътироф этилмоқда.

Биринчидан, мамлакатимизда таркибий узгаришлар ва аҳоли турмуш даражасининг ўсишига хизмат қилаётган иқтисодий ўсиш таъминланмоқда;

Иккинчидан, хужалик юритувчи субъектлар уртасидаги узаро туловлар анча яхшиланди. Масалан, 2000 йилда корхоналарнинг тулов муддати утиб кетган дебиторлик дарзлари 41 фоизга, кредиторлик дарзлари 58 фоизга қисқарди;

Учинчидан, 2000 йилда биринчи марта четга маҳсулот экспорт қилиш ҳажми ўсдики, бу иқтисодий ўсишимизнинг асоси бўлди;

Туртинчидан, 2000 йил учун белгиланган инвестиция дастурининг тулид бажарилганлиги иқтисодиётимиз бозор иқтисодиётининг юқори даражасига чидаётганини исботлади;

Бешинчидан, таркибий узгаришлар (беvosита экспорт қила олиш салоҳиятининг вужудга келтирилганлиги) энқиликда юртимизда иқтисодий ўсишнинг ҳал қилувчи омилига айланиб бораётир;

Олтинчидан, иқтисодиётдаги чудур ижобий силжишлар иқтисодий инфратузилма бугинларида ҳам ислохотларни чудурлаштириш имконини яратаётир;

Еттинчидан, халқ хужалигимизнинг салмодли тармоги бўлган қишлоқ хужалигида ҳам бозор муносабатларига ҳос бўлган хужалик юритиш шакллари-ширкат, деҳдон, фермер, кооператив, ижара, пудрат хужаликлари вужудга келтирилди. Энқиликда улар янги бозор иқтисодиёти шаклларининг юксак самарадорлигини курсатишга ҳаракат бошланди.

Г) Иқтисодиётни эркинлаштириш масаласида

Умуман олганда, инсоният, хусусан ҳар бир айрим инсон, аинидса, иқтисодиёт ва хужалик субъектларининг эркинлиги масаласи, ҳар доим долзарб бўлиб келган ва унинг руёбга чидиши гоят катта қийинчиликлар,

кимларнингдир манфаатларига зид бўлганлиги туфайли чудур зиддиятларга учраган. Бу масала бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ҳар қачонгидан ҳам долзарб вазифага айланди. Зеро, иқтисодий эркин бўлмай туриб иқтисодий ва ижтимоий манфаатлар руёбга чиқмаслиги аниқ.

Маълумки, иқтисодиётни эркинлаштириш мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш билан белгиланади. Ана шу маънода мулкни давлат эгалиги шаклидан бошқа мулк шаклларига шунчаки айлантирилиши асосий масала эмас. Масаланинг моҳияти, хусусий шаклдаги мулкнинг реализация қилиниши мазмунан шунга олиб келиши керакки, ундан олинаётган иқтисодий ва ижтимоий самара илгариги шаклдаги мулк самарасидан юқори бўлиши даркор. Шу маънода И.А.Каримовнинг қуйидаги сўзлари фикримизни тасдиқлайди: «Мулк шакли номигагина ўзгармокда, тармок идоралари, корхоналар маъмурияти ва раҳбарлари даражасидаги қаршилиқ ҳамда айрим ҳолларда мулкдорлар янги авлодининг ҳақ- ҳуқуқини ҳимоя қилаолмаслиги оқибатида меҳнатга муносиб рағбат ўзгармасдан қолмокда» («Маърифат», 16 февраль 2000 й.).

Иқтисодий эркинлаштириш мулкка эга иқтисодиёт субъектлари бўлмиш тадбиркорлар билан ҳам белгиланди. Шу маънода эркинлаштириш «бозор муносабатларига ҳос қудратли, ички омил» бўлади. Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг яна бир қучли жиҳати хорижий инвесторларни мамлакат иқтисодини қайта қуриш ва таркибий тузилмасини ўзгаришига хизмат қилишидир. Бу йўналиш ҳам қўшма корхоналар қурит, мавжуд хусусийлашган корхоналар акцияларини хорижий инвесторларга сотиш орқали амалга оширилади.

Президентимиз И.А.Каримов асарларида иқтисодиётни эркинлаштиришнинг бошқа жиҳатларини илмий асослаб беради. Бу ердаги асосий вазифа ана шу муносабатларни урганиш, мулоҳаза қилиш, идрок қилиш ва илгаш асосида ўз дунёқарашимизни, ўз муносабатларимизни билдиришдан иборатдир. Зеро, концепция муаллифи ҳаммамиздан мулоҳазали бўлишни, ўз мустақил фикримизга эга бўлишимизни қайта-қайта таъкидлаши бежиз эмас.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, миллий иқтисодиётнинг назарий-илмий, ўқув-амалий манбалари тобора кенгаймоқда. Бу эса, пировардида

ёшларнинг малакали мутахассис ва тадбиркор бўлиб етишишига пухта замин яратади. Чунки XXI асрдаги иқтисодиёт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг асосий манбаи ҳар томонлама камол топган шахслар ҳисобланади. Бу Конфуцийнинг «Энг катта севинч-илм олишда ва уни ҳаётга тадбиқ этишда» деган ўғити янги асрда янада тўлароқ ўз исботини топмоқда.

7. «Жахон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асаридаги иқтисодий ғоя

Мамлакатимизда баркарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар бугунги кунда узининг натижаларини намоён этмоқда. Жумладан, киска вақт ичида иқтисодиётда чуқур таркибий узгаришларни амалга ошириш, аҳоли даромадларининг усишини таъминлаш, самарали ташки савдо ҳамда инвестиция жараёнларини кучайтириш, кишлоқ хужалигини ислох қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини баркарор ривожлантириш, банк-молия тизими фаолиятини мустахкамлашда аҳамиятли ютуқлар қулга киритилди.

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи сезиларли даражада ва мунтазам ошиб бормоқда. Бунда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги, иқтисодий ислохотлар мақсади ва вазифалари, амалга ошириш йўллариининг аниқ ва тўғри курсатиб берилганлиги бош мақсад йўлидаги ютуқ ва марраларнинг салмоқли булишига имкон яратди.

Хозирги даврда дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёти узининг маъно-мазмуни жихатидан олдинги босқичлардан кескин фарқ қилади. Бунда энг асосий ва муҳим жихат - миллий иқтисодиётларнинг тобора интеграциялашуви ва глобаллашувининг кучайиб боришидир. Айни пайтда бу жараёнлар халқаро майдондаги рақобатнинг ҳам кескинлашувига, ҳар бир мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимоотидаги ўз мавқеини мустахкамлаш учун курашининг кучайишига ҳам таъсир қурсатади.

Жахон иқтисодиётига интеграциялашув ва глобаллашувнинг ижобий томонлари билан бир каторда маълум зиддиятли жихатлари ҳам мавжуд. Жумладан, турли мамлакатлардаги иқтисодий ривожланишнинг бир текисда

бормаслиги, дунё мамлакатлари уртасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жихатидан тафовутнинг, экологик таҳдидларнинг кучайиб бориши, турли мамлакатларда аҳоли сони узгаришининг кескин фаркланиши каби ҳолатлар жаҳон ҳужалигининг яхлит тизим сифатида барқарор ривожланишига тускинлик қилади. Шунингдек, мазкур жараёнларининг яна бир хусусиятли жихати - жаҳоннинг бир мамлақатида руй бераётган ижтимоий-иқтисодий ларзаларнинг муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам уз таъсирини утказиши ҳисобланади. Жаҳон ҳамжамияти бугунги кунда бошидан кечираётган молиявий инқироз ҳам айнан шу маънода глобаллашув жараёнларининг салбий оқибати сифатида намоён бўлади.

Шунга кура, биз мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истикболдаги чора-тадбирларини белгилашда жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олишимиз, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуқтаи-назаридан шакллантиришимиз ва уларни изчил амалга оширишимиз тақозо этилади. Бу борадаги чора-тадбирлар Президентимиз И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарларида кенг ва батафсил баён қилиб берилган. Асарда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш шакллари, қилиб чиқиш сабаблари, унинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири, мазкур инқироз оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар баён қилиб берилган. Шунингдек, мамлакатимиз меҳнаткашлари учун гоят мураккаб ва оғир бўлишига қарамай 2008 йилда эришилган ижобий натижа ва ютуқлар баҳоланиб, республикаimizдаги иқтисодий салоҳиятдан янада кенгрок фойдаланиш имкониятлари курсатиб берилган. Асарда Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўли сифатида 2009 йилга мулжалланган иқтисодий дастурнинг қуйидаги энг муҳим устувор йўналишлари белгилаб берилган:

- 1) мамлакатимизда қабул қилинган 2009-2012 йилларда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича инқирозга дарши дастурни амалга ошириш, шу асосда иқтисодий ўсишнинг узод муддатли барқарор суръатларини ва иқтисодиётнинг мувозанатли ривожланишини

таъминлаш;

2) таркибий узгартиришларни давом эттириш ва иқтисодиётни диверсификациялаш, бунини биринчи навбатда, халқаро сифат стандартларига жавоб берадиган, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган радобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йуналтирилган иқтисодиётнинг энг муҳим тармодларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш йўли билан амалга ошириш;

3) қишлоқ турмуши сифатини ва диёфасини тубдан яхшилашга, қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини жадал ривожлантиришга, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мадоми, урни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқишга, фермер хужалигини ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йуналтирилган узоқ муддатли, узаро чуқур боғланган чора-тадбирлар кенг комплексини амалга ошириш;

4) аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг турмуш сифатини оширишнинг энг муҳим омили сифатида хизматлар курсатиш соҳаси ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш;

5) мамлакатни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг энг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш;

6) банклар ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хужалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банкларидаги депозитларга жалб қилишни рағбатлантириш.

Биринчи Президентимизнинг ушбу асарларида белгилаб берилган Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ва мутаносиб ривожлантириш, жаҳон бозорларида мустаҳкам урин эгаллаш, шулар асосида изчил иқтисодий усишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш борасидаги вазифаларни тулид ва самарали амалга ошириш энг аввало жамиятимиз аъзолари томонидан уларнинг мазмун-моҳиятини теран ва чуқур англаб етилишини тақозо этади.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг тавсиясига кўра Биринчи Президентимиз И.Каримовнинг

«Жахон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарларини талабалар томонидан чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, унда кўрсатиб ўтилган долзарб масалаларнинг туб моҳиятини англаш, 2009 йилга мулжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йуналишларини билиш мақсадида мазкур махсус курснинг жорий этилганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Олий таълим тизимида махсус курсни ўқитишда профессор-ўқитувчилар ҳамда талабаларга амалий ва услубий жихатдан кумаклашиш мақсадида ушбу ўқув қўлланма тайёрланди. Ўқув қўлланма Биринчи Президентимиз асарининг мазмуни ва таркибий тузилишидан келиб чиддан ҳолда 2 та бўлимдан иборат ҳолда ёзилган. Бунда асарда баён этилган масалалар ва муаммоларнинг мантикий изчиллиги тулик ҳисобга олинган.

8. И.Каримов асарларида ёшларни маънавий-интеллектуал тарбияси

Ўзбекистан мустақилликка эришган даврда миллий мафқурани шакллантириш, ёшларни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш энг муҳим вазифалардан бўлиб қолмоқда. Чунки, давлатнинг асосини маънавий ташкил этади: маънавиятига эътибор бермаган давлатнинг келажаги ҳам бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов «Барқамол авлод Ўзбекистон келажагининг пойдеворидир» номли маърузасида таъкидлаганиқек «Бизнинг мамлакатимизда узимизнинг маънавий кадриятларимизни, таълимнинг миллий тизимини такомиллаштириш, ҳамда унинг миллий асосларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда».

Ёшларни мустақил билим олишга ургатиш бугунги куннинг энг муҳим ва долзарб вазифаларидан биридир. Шунинг учун ҳам Биринчи Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқида: «Факатгина чинакам маърифатли одам инсон кадрини, миллий кадриятларни, бир сўз билан айтганда, узини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жахон ҳам жамиятида узига муносиб, обрули урин эгаллаш учун фидойилик билан курашиш мумкин», деган эди. Шу уринда таъкидламок лозимки, бугунги кунда ёшларни маънавий-интеллектуал рағбатлантиришнинг аҳамияти каттадир. Маънавий интеллектуал шакллари

сифатларини замонавий усулларда аниклаш тарбиявий жараёнга самарали узгартиришлар киритади. Уқувчи—ёшларнинг, талабаларнинг маънавий—интеллектуал шаклланиш сифатларидаги ютук ва камчиликларни рағбатлантириш тизими, тарбия мазмуни, усуллари ва ташкилий шаклларини яхшилашга мос кузатишлар киритиш лозим. Уқувчи ва талабаларнинг билимини, ақлий ҳолатларини назорат қилиш ва баҳолаш давлат миқёсидаги муҳим аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга, назорат ва баҳолаш жараёни уқувчи билимга бойитишга, улар шахсини ривожлантиришга ва тарбиясига таъсир қурсатади.

Назорат учун саволлар

7. Маънавий-интеллектуал тарбия деганда нимани тушунасиш?
8. Иқтисодий тарбиянинг фундаменти деганда нималарни тушунасиш?

24-МАВЗУ.: ПРЕЗИДЕНТ Ш. МИРЗИЁЕВ АСАРЛАРИДА ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ

Режа:

1. Илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат, спорт соҳаларини ривожлантириш иқтисодий жараёнларни жадаллаштиришнинг муҳим омилдир
2. Миллий ғоя - куч-қудрат манбаи.
3. Ўзбек тили - миллий ўзлигимиз, бебаҳо маънавий бойлик ва буюк қадриятдир.
4. Миллий тарбия аҳамиятини ёшлар дунёқарашида шакллантириш

Таянч ибора ва тушунчалар: интеллект, иқтисодий мулоҳаза, узвий маънавий-интеллектуал тарбия, рақамли иқтисодиёт, масофавий таълим, иқтисодий тарбия.

1.Илм-фан, таълим-тарбия , маданият ва санъат, спорт соҳаларини ривожлантириш иқтисодий жараёнларни жадаллаштиришнинг муҳим омилидир

Таълим – таракқиёт босқичидаги энг муҳим тизим. Жамики ўзгаришлар, янгиланишлар бевосита таълим ривожи билан боғлиқ. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ибораси билан айтганда, «Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз»

Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда академик илм-фаннинг ролини кучайтириш, илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, илғор илмий ютуқларни амалиётга жорий этиш, жойларда илмий мактабларни мустаҳкамлаш ҳамда тегишли ҳудудий ва тармоқ муам-моларини ҳал қилишда уларнинг фаол иштирокини таъминлаш, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга жалб қилиш, халқаро миқёсда мамлакат илм-фани нуфузини ошириш масалалари бугунги куннинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади.

Фанлар академиясининг фан йўналиши бўйича 3 та бўлими ва Навоий бўлими ташкил этилди, Ўзбе-кистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолияти йўлга қўйилди. «2017–2021 йилларда илмий тадқиқот муассасалари инфратузлмасини мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури» қабул қилиниб, бу соҳада тизимли ишлар амалга ошрилмоқда.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фан ва таълим соҳаларини ри-вожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари сифатида илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, илм-фан ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали меҳназимларини яратиш,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони // «Халқ сўзи», 2017 йил 30 декабрь.

олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этишга жиддий эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда таълим-тарбия масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Биз «Тарбия гўдакликдан бошланади», деган ҳикматли сўзга амал қилиб, таълим-тарбия соҳасидаги ўзгаришларни унинг энг қуйи босқичи – мактабгача таълим тизимидан бошладик. Қиёслаш учун айтиш мумкинки, сўнгги икки йилда юртимизда болалар боғчалари сони 1 минг 400 тага етди»¹. Давлатимиз раҳбари томонидан кейинги даврда таълим-тарбия тизимини мутлақо янги босқичга кўтаришга хизмат қиладиган бир неча муҳим фармон ва қарорлар қабул қилинди. Президентимизнинг 2017 йил 30 сентябрда қабул қилинган қарорига мувофиқ, юртимизда биринчи марта Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди. Қисқа даврда ушбу тизимда туб ўзгаришлар амалга оширилди, 980 дан ортиқ боғча қурилиб, ишга туширилди. Бу масканларда таълим-тарбия ишлари энг илғор усул ва воситалар ёрдамида олиб борилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаб ўтганидек, «Давлат-хусусий шериклик асосида барпо этилаётган хусусий мактабгача таълим масканлари сўнгги бир йилда икки баробар кўпайди ва 568 тани ташкил этмоқда. Яна мингта шундай боғча очиш бўйича амалий ишлар бошланган» . . Албатта, мактабгача таълим ўсиб келаётган авлоднинг келгусида жамиятга фаол қўшилиб кетишига пойдевор яратади.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 30 сентябрда қабул қилинган «Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мактабгача таълим тизимини ягона узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини сифати-да янада такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ҳамда моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик ва жисмоний ривожлантирувчи замонавий дастур ва технологияларнинг таълим-тарбия жараёнига жорий этилиши уларнинг мактабга тайёргарлик даражасини тубдан оширишга хизмат қилмоқда. Қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим

вазирлиги қошида Ахборот ва педагогика технологияларининг инновацион маркази, Ихтисос-лаштирилган лойиҳа-изланиш институти, Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инженеринг компанияси, Мактабгача таълимни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди.

Ислохотлар амалга оширилган йилларда умумий ўрта, шунингдек, ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш, 12 йиллик мажбурий таълимга ўтиш натижа-ларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳозирги ўрта махсус, касб-хунар таълими тизи-ми бугунги кун талабаларига жавоб бермаслигини ва тубдан ислох қилишга муҳтож эканлигини кўрсатади. Ушбу соҳадаги мавжуд муаммоларни тизимли ҳал этиш, илғор хорижий мамлакатларнинг тажрибаси асосида касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш, малакали ва меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлаш самарадорлигини ошириш учун шарт-шароитлар яра-тиш, аҳоли барча қатламларининг эҳтиёжларини ҳисобга олиш ва бандлигини ошириш мақсадида 2018 йил 25 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълим тизимини, тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.¹

Ушбу Фармон билан: 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб мажбурий умумий ўрта таълим узлуксиз 11 йил-лик таълим негизида амалга оширилмоқда. 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб касб-хунар коллежларига ўқишга қабул қилиш умумий ўрта таълим мактабларининг 11-синф битирувчилари ҳисобидан, ихтиёрийлик асосида, тегишли мутахассисликка (касбга) эга бўлиш учун 6 ойдан 2 йилгача бўлган таълим муддатларида амалга оширилиши йўлга қўйилмоқда.

Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт ва йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги бос-қичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ. 2017, 124-б.

¹ *Шавкат Мирзиёев.* Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир // «Халқ сўзи», 2018 йил 8 декабрь, № 253 (7211).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // «Халқ сўзи», 2018 йил 26 январь.

Бугунги кунда мамлакатимизда 9,7 мингта мактабда 5,2 миллион ўқувчи таълим олади, ўқув-тарбия ва бошқарув жараёнида 450 мингдан зиёд ходим меҳнат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 17 июль куни умумий ўрта таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилишида ўқитувчининг ижтимоий маъқеини ошириш зарурлигини алоҳида таъкид-лади. Дунё тажрибаси ҳам бунни тасдиқлайди. Мисол учун, Жанубий Корея, Япония, Германия, Канада каби давлатларда ўқитувчининг маоши мамлакатдаги ўртача ойлик-дан 1,5 баробар кўп. Мамлакатимизда эса ўқитувчининг маоши умумий ўртача ойлик-нинг атиги 79 фоизини ташкил этади.²

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 14 августда қабул қилинган «Ёшларни маъна-вий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чоратadbирлари тўғрисида»ги қарори ўқитувчи-педагогларнинг орзу-умидларини ўзида тўла мужассам этган ҳужжат бўлди. Бошланғич ва юқори синф ўқитувчиларининг маошлари тенглаштирилди. Ҳар бир инсон яхши шароитда ишлагиси келади. Шу маънода, бугун ўқитувчилар учун барча қулайликлар яратилипти. Очиги, ўқитувчини уй-жой билан таъминлаш, уларга автокредитлар ажратилиши жуда катта эътибор маҳсули бўлди. Қарорга биноан, ҳар йили қишлоқ ва шаҳарларда намунавий лойиҳалар бўйича қурилаётган арзон уй-жойларнинг бир қисмини халқ таълими тизимида меҳнат қилаётган педагог ходимларга 20 йил муддатга, 3 йиллик имтиёзли давр ҳамда биринчи 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз ставкаси билан ва кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки-нинг қайта молиялаш ставкаси миқдорида дастлабки баҳолаш даражаси 10 фоиз бўлган ипотека кредити сифатида берилиши яна бир ғамхўрлик намунасидир. Шунингдек, «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури доирасида уларнинг оила аъзоларига иссиқхона ташкил этиш, қорамол, парранда сотиб олиш ва тадбиркорлик фаолияти учун 3 йиллик муддатга, 6 ойлик имтиёзли давр билан, йиллик 7 фоиз ставкаси миқдорида кредитлар ажратилиши ўқитувчиларнинг жамиятдаги маъқеини оширишга хизмат қилади.

Таълим-тарбия тизимини мутлақо янги босқичга кўтариш мақсадида 2018 йил 5 сентябрда давлатимиз раҳбарининг «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, шунингдек, қатор қарорлар қабул қилинди. 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб мактабларда фаолият олиб бораётган 450 мингдан зиёд педагог ва раҳбар ходимларнинг маоши оширилди. Улар учун махсус давлат мукофоти таъсис қилинди. Ўқитувчини бошқа ишларга жалб этиш, мактабларда асоссиз текширувлар ўтказиш амалиётига чек қўйилди.

2019 йилдан бошлаб мутахассис ўқитувчиларнинг оширилган ойлик иш ҳақи миқдори 54 фоизга, олий тоифали педагогларники эса 64 фоизга етказилди. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида 2018 йилда умумий ўрта таълим мактаблари, 16 минг нафар олий маълумотли ёш кадр билан тўлдирилди. Қарийб 13 минг нафар эркак ўқитувчилар мактабларга қайтишди.¹ Президентимизнинг 2018 йил 5 сентябрда қабул қилинган «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони таълим соҳаси тараққиётида янги уфқларни очиб берди. Фармон билан халқ таълими муассасаларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, моддий-техник ва ўқув-методик базасини мустаҳкамлаш, нодавлат умумтаълим мактаблари тармоғини янада ривожлантириш, ишлаб турган пенсионер ўқитувчиларга пенсияларни тўлиқ миқдорда тўлаш йўлга қўйилди. «Замонавий мактаб» давлат дас-турини тайёрлаш белгилаб олинди.

Таълим тизимининг кейинги босқичи – олий таълим соҳасида ҳам улкан ислоҳотлар олиб борилмоқда. 2018 йилда юртимизда халқаро талабларга жавоб берадиган олий таълим тизимини яратиш бўйича кенг қамровли ишлар қилинди. 2018 йилда мам-лакатимизда жами 13 та янги олий таълим муассасаси, жумладан, Самарқандда «Ипак йўли» туризм халқаро университети, Россия Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси «Миллий технологик

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // «Халқ сўзи», 2018 йил 26 январь.

² Ўқитувчининг ижтимоий мавқеини ошириш ўқувчи камолотининг бош омилidir // «Халқ сўзи», 2018 йил 18 июль.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 25 сентябрдаги Фармони билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида «Эл-юрт умиди» жамғармаси ташкил этилди. Ушбу жамғарма чет элларда фаолият кўрсатаётган салоҳиятли ватандош олимлар, мутахассислар ва экспертларни Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларга фаол жалб этишга, шунингдек иқтидорли ёшларнинг ривожланган мамлакатларда таълим олиши, етакчи халқаро институтлар ҳамда хорижий ташкилотларда малака оширишига кўмаклашади. 2018 йилда илк бор халқаро тажрибалар асосида олий таълим муассаса-ларининг миллий рейтинги яратилди, таълим ва илмий тадқиқот жараёнлари таҳлил қилинди. Мазкур таҳлил соҳада қатор муаммо ҳамда камчиликлар борлигини кўрсатди. Хусусан, олий таълим муассасалари қабул квотаси қамрови умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига нисбатан 7-9 фоизни таш-кил этади. Бу кўрсаткич Россияда 74 фоиз, Корея Республикасида 96 фоиздир.²

2018 йил 18–19 октябрь кунлари биринчи маротаба «Янги иқтисодиёт учун янги кадрлар» мавзусида Ўзбекистон – Россия таълим форуми ўтказилди. Унда Россиянинг етакчи олий таълим муассасаларининг 80 дан ортиқ ректори иштирок этишди. Ушбу форум якунида россиялик ҳамкорлар билан таълим ва илмий фаолиятга оид 114 та шартнома ҳамда битимлар имзоланди. Жумладан, Ўзбекистонда Россиянинг 6 та нуфуз-ли олий таълим муассасаси филиали ва 2 та факультет очилиши, 52 та қўшма таълим дастури жорий этилиши назарда тутилди. Ҳар бир келишув бўйича йўл хариталари ишлаб чиқилган. ЎзМУ, БДУ, ФарДУ, Ўз ФА ва бошқа Ўзбекистон олий ўқув юртлари ва илмий муассасалари Россия олий таълим муассасалари билан битимлар имзолади. «Вернадский – Улуғбек» лойиҳаси бўйича қўшма илмий мактаблар яратилди. Вер-надский университети илмий-маърифий Консорциумлари билан 2019–2021 йилларда маданий-гуманитар соҳада ҳамкорлик дастури имзоланди.

¹ Халқ таълими тизимини ривожлантириш бўйича ислоҳотлар натижадорлиги таҳлил қилинди // «Халқ сўзи», 2018 йил 3 ноябрь.

² Жадал ривожланаётган иқтисодиёт учун замонавий кадрлар керак // «Халқ сўзи», 2018 йил 25 октябрь.

Президентимизнинг 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли исло-ҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори олий таълим тизимидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, таълим сифа-тини янада юксалтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Мазкур ҳужжатга кўра, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ҳамда идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 мартга қадар 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида «талабанинг ўзлаштириш даражаси профессор-ўқитувчилар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони» тамойилини жорий қилишнинг аниқ меҳназмларини белгилаш бўйича тегишли чора-тадбирларни кўриш вазифаси топширилди.

Президентимизнинг маданият ва санъат соҳасига доир ташаббусларини амалга ошириш бўйича ҳам муайян ишлар бажарилди. Ўзбек миллий мақом санъатининг ноёб намуналарини кенг тарғиб қилиш, уни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, ёш авлод қалбида миллий мумтоз санъатимизга ҳурмат ва эҳтиром туйғуларини камол топтириш, турли халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маърифий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда кенгайтириш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 6 апрелда «Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2018 йил 6–10 сентябрь кунлари Шаҳрисабзда 73 давлат вакиллари иштирокида биринчи Мақом санъати халқаро форуми бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчилари ва меҳмонларнинг фикрига кўра, ушбу анжуман жаҳон маданиятининг мулкига айланган ноёб ўзбек миллий мақомини сақлаш ва ривожлан-тиришга катта ҳисса қўшади.

Белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, профессионал муסיқа санъати мав-қеини кўтариш, бастакорларнинг эркин ижод қилиши учун зарур шароитларни яхшилаш каби долзарб масалалар қаторида соҳага энди қадам қўйган ёш композиторлар, бастакорлар ва муסיқашунослар тарбиясига катта эътибор қаратилмоқда. « Ижодий баркамолликка интилиш» мавзусида улар

билан учрашув-дебатлар ташкил этилди. Турли тадбир ва концертларда ёшларнинг ўз ижодий ишлари билан иштирок этишларига имконият яратилди.

Ўзбек мумтоз ва фольклор санъатининг ўзига хос ижро мактаблари ва анъаналари-ни асраб -авайлаш ва ривожлантириш тизими яратилди. Ўзбек миллий мақом санъати маркази ва музейи ташкил этилди. Ҳар икки йилда бир марта Халқаро мақом санъати анжумани ҳамда Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг ўтказилиши ноёб ме-росимизнинг нуфузини жаҳон миқёсида ошириш йўлида муҳим амалий қадам бўлди. Айти пайтда миллий маданиятни янада ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли камчиликлар мавжудлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрда «Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди ва бу соҳага эътибор янада кучайтирилди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган халқчил, адолатли, инсон манфаатларига қаратилган сиёсат кўплаб соҳаларда ўзининг ижобий натижаларини бермоқда

Миллий иқтисодиётнинг ривожланишини баҳолаш мезонларидан бири сифатида иқтисодий ўсиш кўрсаткичи қабул қилинган. Ушбу кўрсаткич муайян давр мобайнида реал ЯИМ ҳажмининг ўтган даврдагига нисбатан ошиши, тўлиқ бандлилик шароитига мос келувчи потенциал ишлаб чиқариш даражасининг узок муддатли кўпайиши тен-денциясини англатади. Шунинг ҳисобга олганда, Ўзбекистонда аҳоли турмуш даража-сини ошириш, ижтимоий муаммоларни ечиш, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги иқтисодий ва сиёсий мавқеини мустаҳкамлашга эришиш ва макроиқтисодий барқарор-лик ва иқтисодий ўсишни таъминлаш, иқтисодий ислохотлар стратегиясининг асосий мақсади қилиб белгилаб олинган.

Шу нуқтаи назардан, мамлакатимиз Президентининг Парламентга Мурожаатномасида иқтисодиёт тизимини соғломлаштириш ҳамда иқтисодий ўсишни юқори суръатла-рини таъминлаш мақсадида қуйидаги масалаларни ҳал этиш лозимлиги қайд этилган:

➔ очик иқтисодиёт, соғлом рақобат, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш учун зарур шароитларни яратиш;

- ➔ иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий секторни жадал ривожлантириш орқали янги иш ўринларини кўпайтириш;
- ➔ иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш;
- ➔ «яширин» иқтисодиётга қарши курашиш, унинг ҳажмини кескин қисқартириш;
- ➔ валютани эркинлаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, барқарор монетар сиёсатни амалга ошириш;
- ➔ иқтисодиётни ривожлантиришга доир стратегик вазифаларни рўёбга чиқаришга қодир малакали кадрларни тайёрлаш.

Ушбу масалаларни самарали ҳал этиш, бизнинг фикримизча мамлакатимизда эришилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш билан бирга юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга кенг имкониятлар яратади.

2.Миллий ғоя - куч-қудрат манбаи

Миллий ғоя – миллий ўзликни англаш. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, куч-қудрат манбаи бўладиган, одамларни муайян мақсад сари ишонтириб, сафарбар этадиган миллий ғояни янада ривожлантириш билан боғлиқ. «Хусусан, миллий ўзлгимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим»¹. Олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий ғояни ривожлантиришимиз зарур.

Миллий ўзликни англаш – ҳар бир миллат (элат)нинг ўз -ўзини реал субъект, му-айян моддий ва маънавий бойликларнинг эгаси, ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва давлатга мансублигини ҳамда манфаатлар ҳамда эҳтиёжлар умумийли-гини тушуниб етишни англатади .

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // «Халқ сўзи»,

2018 йил 29 декабрь.

Сукрот: «Ўзини англаган инсон ўзи учун нима фойдали ва нималарга қодирлигини яхши тушунади. У қўлидан келадиган иш билан шуғулланиш асносида эҳтиёжини қондиради ва саодатга эришади. Ҳар қандай хато ва бахтсизликлардан холи бўлади. Бунинг натижаси ўлароқ, у ўзга одамларни қадрлай олади. .

Имом Ғаззолий: «Оллоҳни англашдан аввал ўзни англамоқ жоиз».

Августин (илоҳиётчи): «Ғафлатда ётган халқни уйғотмоқ учун унинг тарихини уйғотмоқ керак».

Чингиз Айтматов: «Ўз тарихини билмаган халқ манқуртга айланади». Унинг «Асрга татиғулик кун» асарида босқинчилар тарафидан бошига туя териси ёпилиб, қуёшда терининг сиқуви оқибатида хотирасидан айрилиб манқуртга айланган одам ҳақида ҳимоя қилинади. Шунингдек, унинг Мухтор Шохонов билан суҳбатларида манқуртлик, садизм, «зомби»лик ҳақида ҳикоя қилинади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида «Ўтмишга биринчи баҳо, албатта, ҳолисона, энг муҳими, турли мафкуравий қарашлардан холи бўлиши зарур». Қонхўр одам «Куч – адолатда», дейиши мумкин эмас. Амир Темур бобомиз айтганларидек, «Адолат билан жаҳон гулшани обод бўлади». Адолат бўлмаса, дунё зимистон бўлади, ҳаётда ҳеч қандай маъно-мазмун бўлмайди.¹

Ҳақиқатан ҳам, ўзликни англаш ўз тарихини билишдан бошланади. Биз халқни номи билан эмас, балки маданият, маънавияти орқали биламиз. Ўзбек халқининг илиги тўқ, бақувват, биз ўзбеклигимиз билан фахр ва ғурурланамиз

Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлидан қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. 447-б.

Буюк аллома ва адибларимизга эътибор

Фарғона номини бутун дунёга таратган Аҳмад Фарғоний бобомизнинг ўн иккинчи асрдаёқ лотин ва яҳудий тилига таржима қилинган «Астрономия асослари» китобини эслаш кифоя. Улуғ алломанинг лойиҳаси асосида Нил дарёси сувининг сатҳини ўлчайдиган ўта ноёб иншоот – «Миқёси Нил» Мисрда ҳанузгача сақланиб келмоқда. Ёки яна бир улуғ аجدодимиз – Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асари неча юз йиллардан буён бутун мусулмон дунёсида ислом ҳуқуқи бўйича асосий қўлланма бўлиб келаётгани барчамизда ғурур ва ифтихор уйғотади. Ана шундай буюк зотларнинг қолдирган бебаҳо меросини чуқур ўрганиш, уларнинг қадамжоларини обод қилиш, хотирасини абадийлаштириш бўйича биргаликда қилган ишларимиз барчамизга мамнуният етказди.

Буюк аллома ва адибларимиз, азиз-авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак.

Фарғона аҳлига хос барча эзгу фазилатларни ўзида мужассам этган улуғ инсонлар ҳақида фикр юритганда, атоқли шоир, давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Қаҳрамони, Эркин ака Воҳидовни эҳтиром билан эслашимиз табиийдир. Ўзининг дурдона асарлари билан адабиётимиз хазинасига бебаҳо ҳисса қўшган, халқимизнинг маънавий оламини, миллий ғурур-ифтихорини юксалтириш йўлида унутилмас хизмат қилган бу улкан ижодкоримизнинг хотирасини абадийлаштириш, ижодий меросини чуқур ўрганиш, ёшларимизга етказиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Машҳур шоиримиз Эркин Воҳидов бир шеърида «Таърифнинг битмоққа, халқим, мингта Фирдавсий керак » деган-ларидек, Самарқанднинг шону-шуҳратини, унинг қадимий тарихи ва бетакрор мадани-ятини тараннум этиш учун одам албатта ё зўр шоир ёки зўр олим бўлиши керак.

Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг «Уммон ортин ёритди илк бор, Берунийнинг ақл машъали» деган сатрлари беихтиёр ёдга тушади. Ўзбекистон ёшларининг «ақл машъали» ҳали кўп бор дунё аҳлини ҳайратга солиб, ҳаммани қойил қолдириши аниқ.

Буюк Алишер Навоий бобомиз: «Ота-онага жисмингни, жонингни фидо қилгин, уларнинг бирини қуёш деб билсанг, бирини ой деб билгин», деб ёши улуғ инсонларга, хусусан ота-оналаримизга иззат-хурмат кўрсатишга барчамизни даъват этганлар.⁴ Чиндан ҳам, ҳаётимизга файз бағишлаб келаётган мухтарам кекса авлод вакиллари эъзозлаш, уларнинг ҳаётини мазмунли қилиш, умрларини имкон қадар узайтириш – барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Ёш авлод тарбияси ҳақида гапирганда, Абдурауф Фитратнинг фикрларига ҳар биримиз, айниқса, энди ҳаётга кириб келаётган ўғил-қизлар амал қилишлари зарур. Мана, улуғ аجدодимиз нима деб ёзганлар: «Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-хурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб ҳорликка тушиб, бахтсизлик юкини топиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва кул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ».

Барчамизни яхшилик, тинчлик ва бағрикенгликка чорлайдиган муқаддас Ислом динининг ҳақиқий қадриятларини кенг тушунтиришга кўмаклашиш зарур, деб ҳисоблайман.

Шу мақсадда Самарқанд шаҳрида Ислом ҳамкорлик ташкилоти кўмагида буюк муҳаддис, пайғамбаримиз Муҳаммад салоллоҳу алайҳи вассалламнинг энг ишончли ҳадислар тўплами, яъни муқаддас Қуръони Каримдан кейинги ўринда турадиган китоб муаллифи Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилмоқда. Ушбу марказ фаолияти миллатлараро ва маданиятлараро мулоқотга кў-маклашади, деб ўйлаймиз.

Азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси мар-казининг ташкил этилиши «Жаҳолатга қарши – маърифат» шиори остида кураш олиб боришга имконият яратилди.

Шавкат Мирзиёев. Буюк келажакимизни мард ва олий жаноб халқимиз билан бирга қураимиз.

– Т.: «Ўзбекистон», 2017. 45-б.

Демак, Президентимиз ташаббуси билан Самарқандда Имом Бухорий илмий марказида ҳадисшунослик, Имом Мотуридий маркази қошида Калом илми, Фарғонада – Марғиноний марказида Ислом ҳуқуқи мактаби, Бухорода – Баҳоуддин Нақшбанд марказида Тасаввуф, Қашқадарёда Абу Муин Насафий марка-зида Ақида илми мактаблари ташкил этилди.

Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият

Миллий ғоя ва юсак ҳуқуқий маданият - мамлакат тараққиётининг кафолати. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият қонун усутуворлигини таъминлаш ва қонунчиликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ишлар самарадорлигини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда ҳуқуқий билимларини ошириб боришнинг замонавий усуллари жорий этиш, шунингдек, аҳолини, айниқса, ёшлар-ни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 9 январда «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Фармонда жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш «Шахс – оила – маҳалла – таълим муассасаси – ташкилот – жамият» принципи бўйича тизимли ва узвий ташкил этилиши баён этилган.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2017 йил 28 июлда қабул қилинган «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги қарори билан Республика Маънавият ва маърифат маркази ташкил этилди. Ушбу марказнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган асосий вазифаларда, хусусан, миллий ғояни юртимизда яшаётган барча миллат ва эллатлар, ижтимоий тоифа вакиллари ўртасида кенг тарғиб этиш, бунёдкорлик руҳини ялпи ижтимоий ҳаракатга

Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлидан қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. 124–125 бетлар.

з Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони // «Халқ сўзи», 2019 йил 10 январь

айлантириш, эртанги кунга ишонч туйғуларини кучайтириш бўйича вазифалар белгиланди. Худди шунингдек, 2018 йил 16 апрелдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўрисида»ги Фармонда ҳам «Жаҳолатга қарши маърифат ғояси» илгари сурилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабр-даги Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек, янги авлод кадрларини, янги сармоядорлар синфини тайёрлаш учун Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича кучли миллий ғоя, миллий дастур керак».

Яна бир инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат борки, фуқароларда ҳам ислохотларга нисбатан дахлдорлик ҳисси шаклланиши керак. Ана шундагина кўзлаган мақсадларимизга эришиб, олдимизга қўйилган вазифаларнинг тўлиқ уйдасидан чиқамиз. Бу жараёнда кучли ва таъсирчан жамоатчилик назоратининг ўрни бекиёсдир. Шу мақсадда, 2019 йилдан бошлаб «Жамоат фикри» порталини ишга тушуришга қарор қилдик. Жамоат-чилик назоратини амалга оширишда оммавий ахборот воситалари ғоят муҳим ўрин тутди.

3.Ўзбек тили -миллий ўзлигимиз, бебаҳо маънавий бойлик ва буюк қадриятдир

Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятдир.

Туркий тилларнинг катта оиласига мансуб бўлган ўзбек тилининг тарихи халқимизнинг кўп асрлик кечмиши, унинг орзу-интилишлари, дарду армонлари, зафарлари ва ғалабалари билан чамбарчас боғлиқдир.

Аждодларимиз, ота-боболаримиз айнан она тилимиз орқали жаҳонга ўз сўзини айтиб келганлар. Шу тилда буюк маданият намуналарини, улкан илмий кашфиётлар, бадиий дурдоналар яратганлар.

Ўтмишда ўлкамизни босиб олган турли ёвуз кучлар аввало ўз тилимиздан, тарихимиз ва маданиятимиздан, дину диёнатимиздан жудо қилишга қайта-қайта уриндилар. Улар эл-юртимиз бошига қандай азоб-уқубатлар, кулфат ва мусибатлар солгани тарихдан яхши маълум.

Аммо жасур ва матонатли халқимиз ҳар қандай оғир синовларда ҳам ўз озодлиги ва истиқлоли учун мардона курашди. Бу йўлда беҳисоб қурбонлар берди. Ҳар қандай зулм ва зўравонликларга қарамасдан, ўз она тилини – миллий ғурурини сақлаб қолди. Нафақат сақлаб қолди, балки уни ҳар томонлама ривожлантириб, бугунги авлодларга безавол етказиб берди.

1989 йил 21 октябрь санасини “Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилинган кунсифатида эслашимиз ўринлидир.

Бу муҳим ҳужжатнинг қабул қилинишида фидойи ва ватанпарвар зиёли, кенг жамоатчиликнинг қатъий шижоати ҳамда Биринчи Президентимиз мухтарам Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг сиёсий иродаси катта ўрин тутди.

Ўзбек тили давлат тили сифатида халқимизни бирлаштирадиган, жамиятимизни улуғ мақсадлар сари сафарбар этадиган қудратли куч бўлиб майдонга чиқди. Айни вақтда у Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги сари қўйилган биринчи дадил қадам эди.

Мамлакатимизнинг Асосий қонуни – Конституциямизнинг ўзбек тилида яратилиши унинг нуфузини янада юксалтирди.

Юртимиз бўйлаб ва халқаро майдонларда она тилимизда янграётган Давлат мадҳияси ҳам қалбларимизда Ватан туйғусини жўш урдиради.

Ўзбек тили ўтган йиллар давомида мамлакатимиздаги юздан ортиқ миллат ва элат вакиллариини ўзаро боғлайдиган меҳр-оқибат тилига айланди.

Барчамизга яхши аёнки, она тили – миллат маънавиятининг мустаҳкам пойдеворидир. Улуғ маърифатпарвар Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойинаи ҳаёти – бу унинг миллий тили ва адабиётидир.

Шу маънода дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашни мақсад қилиб қўйган ҳар қайси давлат аввало ўз халқининг миллий тили ва маданиятини асраб-авайлашга, ривожлантиришга интилади.

Бугун жонажон Ўзбекистонимиз “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган устувор ғоя асосида ўз тараққиётининг янги босқичига дадил қадам қўймоқда.

Ҳозирги кунда ўзбек тили давлат тили сифатида сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётимизда фаол қўлланмоқда, халқаро минбарлардан баралла янграмоқда.

Давлатимиз томонидан маънавий ҳаётимизни янада ривожлантириш, жумладан, таълим-тарбия ишларини замон талаблари асосида ташкил этиш, маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини такомиллаштириш, китобхонлик маданиятини ошириш бўйича қабул қилинган ўнлаб фармон ва қарорлар ўзбек тили равнақига бевосита хизмат қилмоқда.

Она тилимиз ва миллий адабиётимизни улуғлаш, унинг бой хазинаси, таровати ва нафосатини ёш авлодимизга етказиш мақсадида юртимизда атоқли шоир ва адибларимиз номларидаги ижод мактабларини ташкил этдик. Муҳаммад Ризо Огаҳий, Исҳоқхон Иброт, Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ибройим Юсупов, Ҳалима Худойбердиева, Муҳаммад Юсуф номидаги ижод мактабларида энг аввало ўзбек тили ва адабиётини, бадиий ижод сирларини чуқур ўрганиш учун барча шароит яратилмоқда.

Ҳозирги вақтда ўзбек тилида сўзлашувчилар сони жаҳон миқёсида 50 миллион кишига яқинлашиб қолди. Бу она тилимизнинг дунёдаги йирик тиллардан бирига айланиб бораётганидан далолат беради.

Ўзбек тили Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Германия, Франция, Швеция, Россия, Украина, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Туркия, Афғонистон, Озарбайжон, Тожикистон, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон каби давлатларнинг 60 га яқин университети ва 100 дан зиёд мактабида ўрганилмоқда. Ўзбек тили ва адабиёти бўйича илмий

изланишлар олиб бораётган чет эллик олим ва тадқиқотчилар сони йил сайин кўпаймоқда.

Давлат тилини ривожлантиришга қаратилган ишларнинг мантикий давоми сифатида “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон қабул қилинди.. Унга биноан “Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилинган куннинг улкан тарихий ўрни ва аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, 21 октябрь санаси юртимизда “Ўзбек тили байрами куни” деб белгиланди.

Глобаллашув шароитида миллий тилимизнинг софлигини сақлаш, унинг луғат бойлигини ошириш, турли соҳаларда замонавий атамаларнинг ўзбекча муқобилини яратиш, уларнинг бир хил қўлланишини таъминлаш долзарб вазифа бўлиб турибди.

Она тилимиз – миллий маънавиятимизнинг битмас-туганмас булоғидир. Шундай экан, унга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас инсоний бурчимиздир.

Доно халқимиз “Тил билган – эл билади” дейди. Бу борада буюк боболаримиз ибрат ва намуна кўрсатганлар. Хусусан, Мусо Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Маҳмуд Замахшарий, Алишер Навоий каби улуғ аждодларимиз ўнлаб тилларни пухта билганлари учун ҳам жаҳон илм-фанининг юксак чўққиларини забт этганлар.

Бугунги кунда юртимиздаги таълим масканларида инглиз, рус, немис, француз, испан, итальян, араб, форс, турк, хитой, япон, корейс, хинд ва урду тиллари чуқур ўқитилаётгани бу анъаналар давом этаётганининг ёрқин ифодасидир.

Биз ёшларимизнинг жаҳон тилларини эгаллашга бўлган улкан қизиқиш ва интилишларини ҳар доим қўллаб-қувватлаймиз.

XX аср бошида олти тилли – ўзбек, араб, форс, хинд, турк ва рус тилларида луғат тузган Исҳоқхон Ибратнинг мана бу ҳикматли сўзларини эслатмоқчиман: “Бизнинг ёшлар албатта бошқа тилни билиш учун саъй-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўтиё қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат – бу ватаний ишдир”.

Айни пайтда аҳоли, айниқса, ёшларимиз турли маълумотларни асосан Интернет ва ижтимоий тармоқлардан олмақда. Бинобарин, она тилимизни жозибали ва қизиқарли тарзда тақдим этиш, бунинг учун ўзбек тилининг компьютер дастурларини, онлайн дарсликлар, электрон луғатларни яратиш керак. Интернет имкониятларидан тўлиқ фойдаланиб, ўзбек тилини кенг тарғиб этиш бўйича ишларимизни кучайтиришимиз лозим.

Давлат тили масаласи миллий ғоямизнинг асосий тамойилларидан бири бўлиши зарур. Ёш авлод қалбига она тилимизни болаликдан сингдириш мақсадида таълимнинг барча босқичларида ўзбек тилини замонавий ва инновацион технологиялар асосида мукамал ўргатишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Токи, болаларимиз ўзбек тилида равон ўқийдиган, равон ёзадиган ва теран фикрлайдиган инсонлар бўлиб етишсин.

4.Миллий тарбия аҳамиятини ёшлар дунёқарашида шакллантириш

**Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот,
ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат
масаласидир.**

(А. Авлоний)

Мактаб – бу ҳаёт-мамот масаласи, келажак масаласи, дея таъкидлади, мамлакатимиз раҳбари. Бу масалани давлат, ҳукумат ва ҳокимларнинг ўзи ҳал қилолмайди. Бу бутун жамиятнинг иши, бурчига айланиши керак. Мактабни ўзгартирмасдан туриб, одамни, жамиятни ўзгартириб бўлмайди.

Президентимиз атоқли француз адиби Виктор Гюгонинг: “Мактаб очган одам бамисоли қамоқхонани ёпгандек гап”, деган ҳикматли иборасини мисол келтирди. Бу нима дегани? Мактаб, таълим, тарбия бор жойда болалар ёмон йўлга кирмайди, жиноят содир этмайди. Демак, қамоқхоналарга зарурият қолмайди.

Мактаб жамоаси иштирокида – иқтисодиёт, ҳуқуқшунослик фанларини ўқувчиларга чуқурроқ ўргатиш лозим, турли тадбирлар уюштириш орқали дунёқарашни шакллантириб бориш зарур.

Бундан ташқари, давлат раҳбарининг, диний уламоларимизнинг ҳам мактабларда маърифат, бағрикенглик, одоб ва ахлоқ илмларини, Имом Бухорий, Термизий, Мотрудий, Накшбанд каби улуғ аجدодларимиз маънавий меросини ўргатиш мақсадга мувофиқ, деган фикрлари ўринлидир. Бугунги ўқувчи фақат дунёвий эмас, балки таълим-тарбияни ҳам ўргансалар билимлари ва эътиқодлари мустаҳкам бўлади.

Зеро, улуғ аллома аждодимиз Абу Райҳон Берунийнинг: “Одамлар билмаган нарсаларига душманлик кўзи билан қарайдилар”, деган сўзлари бежиз эмас. Машҳур немис шоири ва мутафаккири Гётеннинг “Қонунларни қанча кўп ва яхшилаб ўқисак, уларни бузишга вақтимиз қолмайди”, деган фикри замирида ҳам катта маъно яширин. Чунки билимли, ўқимишли одам маданиятли бўлади. Маданиятли одам қонунларни бузмайди, демак, жамиятда ўз-ўзидан жиноятчилик камаяди. Билимсиз кишиларнинг кўнгли хурофотга мойил бўлиши ҳам ҳаётда кўп бора ўз исботини топган. Шу боис мактабнинг, таълим ва тарбиянинг аҳамияти беқиёс. Болаларимизга чуқур ва сифатли билим бериш билан бир қаторда қонунлар ва одоб-ахлоқни, дину диёнат ва маънавиятни мактаблардан бошлаб пухта ўргатиш жуда муҳим.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Президент Ш. Мирзиёв “Тарбия” фанини яратиш ва ўқитиш ташаббуси билан чиқди. Мактаблардаги маънавий-тарбиявий ишларни янгича асосда ташкил этиб, “Миллий ғоя”, “Одобнома”, “Динлар тарихи”, “Ватан туйғуси” каби фанларни бирлаштирган ҳолда, ягона “Тарбия” фанини жорий қилиш зарурлиги қайд этилди. Бу жараёнда дастлаб бўлажак янги фаннинг асосини, биринчидан, ўзбек тилини билиш, иккинчидан, халқ оғзаки ижодини чуқур ўрганишни ташкил этиши лозим. Чунки, халқ оғзаки ижоди миллий ғоя ва тарбиянинг муҳим асосидир.

Халқ оғзаки ижодида ватанпарварлик, адолат, миллатпарварлик, инсонпарварлик, юртсеварлик, эл-юртни ҳимоя қилиш, Ватанга садоқат ва муҳаббат каби хислатларни ўзида жамлаган миллий дунёқарашнинг асосий унсурлари ўз мужассамини топган. Халқ оғзаки ижоди миллий ғурур, ор-номус ва кадр-қиммат, вафо ва садоқат, жасорат ва матонат, олижаноблик ва саховатпешалик, бағрикенглик ва ҳалоллик каби фазилатлар сандиғи. Ўзбек халқ оғзаки ижоди ёдгорликлари – бизнинг ҳам тарихий, ҳам маънавий, ҳам маданий, ҳам ҳуқуқий меросимиздир.

Бугунги кунда мамлакатимизни инновацион ривожлантириш, 2030 йилга қадар Глобал инновация индексида илғор 50 мамлакат қаторидан жой эгаллаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида эса худди шу даврга бориб ўқувчилар билимини баҳолаш бўйича PISA халқаро дастури рейтингида Ўзбекистоннинг жаҳондаги етакчи 30 та мамлакат қаторидан жой эгаллаши мақсад қилиб қўйилган.

Президентимиз таъкидлаганидек, Ўзбекистон таълим-тарбия, илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт.

Инсон ва жамиятнинг мавжудлигини таъминлайдиган кадриятлар миллий тарбия туфайли, аجدодлардан аста-секин тадрижий равишда авлодларга ўтади. Миллий тарбия атамаси кенг ва тор маъноларда ишлатилади. Кенг маънода, у инсон шахсини шакллантиришга, унинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий, маданий, маърифий ҳаётда фаол иштирокини таъминлашга қаратилган барча маънавий таъсирлар, тадбирлар, ҳаракатлар, интилишлар йиғиндисини англатади. Бундай тушунишда миллий тарбия фақат оила, мактаб, болалар ва ёшлар ташкилотларида олиб бориладиган тарбиявий ишларни эмас, балки бутун ижтимоий тузум, унинг етакчи ғоялари, адабиёт, санъат, кино, радио, ТВ, ОАВ ва бошқаларни ҳам ўз ичига олади.

Шунингдек, кенг маънодаги миллий тарбия таркибига бу соҳада таълим ва маълумот олиш ҳам киради. Тор маънода, миллий тарбия муайян шахснинг маънавий ривожи, дунёқараши, ахлоқий қиёфаси, эстетик диди ўстирилишига йўналтирилган педагогик фаолиятни англатади. Буни оила ва тарбиявий муассасалар ҳамда жамоат ташкилотлари амалга оширадилар.

Бизга маълумки, ҳар қандай тарбия таълим билан чамбарчас боғлиқ ҳолдагина мавжуд бўлади. Чунки, таълим ва маълумот олиш жараёнида шахснинг фақат билими кўпайибгина қолмай, балки маънавий-ахлоқий сифатлари қарор топиши ҳам тезлашади. Ана шу сабабдан ҳам ота-боболаримиз

кадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равақининг энг асосий шарт ва гарови деб билганлар.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов таъкидлагани каби, “Таълим-тарбия онг маҳсули, лекин айна вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни, халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди. Шу боис бу соҳада юзаки, расмий ёндашувларга, пухта ўйланмаган ишларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Мактаб, таълим-тарбия масаласи давлат ва жамият назоратида бўлиши асосий қонунимизда белгилаб қўйилган.

Шу билан бирга, бу кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг иштироки ва қўллаб-қувватлашини талаб қиладиган умуммиллий масаладир... Бу ҳақда фикр юритганда, мен Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт-ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидир” деган чуқур маъноли сўзларини эслаш кифоя. Буюк маърифатпарвар бобомизнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам биз учун шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарб аҳамият касб этади”.

Мухтасар қилиб айтганда, охириги йилларда таълим-тарбия соҳасида амалга оширган, кўлами ва моҳиятига кўра улкан ишларимиз биз кўзлаган эзгу ниятларимизга эришиш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этиш, ёшларимиз, бутун халқимизнинг маънавий юксалиши йўлида мустаҳкам замин яратди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Миллий тарбия ҳар қандай жамият ва мамлакат ҳаётида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Чунки, унинг ўсиши ва таракқиёти учун моддий ва маънавий бойликлар ишлаб чиқариш тўхтовсиз равишда юксалиб бориши лозим. Бунинг учун ёш авлод ушбу бойликларни яратишда ўз аجدодларидан юқориқ даражага кўтарилмоғи даркор.

Ёшларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан тўғри тарбиялашда замонавий медицина, педагогика, психология фанлари тавсияларини ҳар қайси

оилада жорий қилиш, айниқса, зарур. Ҳар бир оила, ота-она, энг аввало, бола тимсолида шахсни кўриши, унинг учун шахсга тегишли барча ҳуқуқ ва эркинликлар таъминлаши борасида ўзининг масъул эканлигини доимо ҳис этиб туриши ниҳоятда муҳим. Миллий тарбияда миллий ғояга, миллий ғурурни юксалтиришга хизмат қиладиган тимсоллар, рамзларнинг ҳар бири – катта бир дарслик, кучли тарбия воситаси ҳисобланади. Бундан ташқари, буюк аجدодлар таваллуд саналарини нишонлаш ҳам маънавий ва тарихий аҳамиятга эга. Бундай маросимларни ўтказиш орқали ёшлар янги қадриятлар асосида тарбияланадилар, улар қалбига тарихни англаш ва қадрлаш, ўтмишга ҳурмат билан ёндашиш, уларни асраб-авайлаш, шу халққа мансублиги билан ғурурланиш туйғулари сингдирилади.

Умуман олганда, ёшларнинг этник қиёфаси миллатнинг бугунги миллий тарбияси, менталитети, маданиятининг ўзаро диалектик муносабати воситасида шаклланади. Маънавий жиҳатдан яхши тарбия олган шахс ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз масъулияти билан онгли равишда, озод ва ҳур фикрли инсон бўлиб яшайди.

Ҳозирги замон ёшлари қалбида замон тарбияси масаласи

Одамзот фарзандини боқиб ва таълим бериб улғайтириш, вояга етказиш учун қилинадиган меҳнат ва ғамхўрликка тарбия дейилади.

Тарбия шахс онгини муайян жамиятнинг мақсат ва вазифаларига мувофиқ равишда таркиб топтириш ва ривожлантириш жараёни, кишиларнинг ижтимоий иқтисодий ва маданий ҳаётда фаол иштирок этиришга қаратилган барча таъсирлар мажмуидир. Тарбиянинг асосан 2 та тури бор: Оила тарбияси ва ижтимоий тарбия.

Оила тарбияси оилада ота-оналар, бобо ва бувилар умуман ёши улуглар томонида болаларни тарбиялашади.

Ижтимоий тарбия орқали ўтмишнинг моддий ва авлоднинг ворисийлиги таъминланади: ўсиб келаётган ёш авлод ўтмиш тажрибаларини ўзлаштириб, уни янада бойитди.

Умуман олганда, тарбиянинг анъанавий ва замонавий усуллари кўп: шожиравий

тарбия, диний тарбия, харбий тарбия ва ҳукукий тарбия. Тарбия ҳақида ҳикоялар мисол килишимиз мумкин: бир одам фарзандлик бўлгач, маслаҳат сўраб улуғ алломанинг ҳузурига келибди ва сўрабди: “Ҳазратим мен уч кун бўлди фарзанд кўрдим, унинг тарбиясига қачондан бошлаб киришганим маъқул?” Аллома бошини сарак-сарак килиб жавоб берибди: “Сиз уч кунга кечиқибсиз, бола тарбиясини туғилишидаёқ бошлаш лозим эди”. Бу ҳикоя заминида ҳам бола тарбиясига киришдан олдин тарбиячининг ўзи ҳам тарбияланган бўлиши керак, деган маъно мужассам. Бундай ахлоқий фалсафа халқимиз онгига, турмиш тарзига чуқур сингиб кетганки, биз уларнинг бугунги кунда ҳам ҳар бир оила ҳаёти мисолида кўришимиз мумкин. Японлар энг яхши сармоя – келажак авлод камоли учун сарфланган сармоя деб ҳисоблар эканлар. Бизнинг мамлакатимизда ҳам соғлом ва баркамол авлод тарбияси учун сафарбар этилаётган барча имкониятлар ҳам буюк келажак йўлида сарфланаётган бебаҳо сармоядир, дейишимиз мумкин.

Маълумки, ҳозирги кунда ҳукуматимиз томонидан фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзларининг ҳар бир маърузаларида фарзандларимиз тарбиясига бефарқ бўлмасликка, уларни турли ёт ғоялар ва бузғунчи оқимларнинг даъватига алданиб қолмасликка ҳамда миллатимиз ва юртимиз шаънини кўкка кўтаришга даъват этмоқдалар. Президент 2017 йилнинг 10 ойи мобайнида ёшларимиз томонидан содир этилган турли жиноятларга батафсил тўхталиб ушбу жиноятлар сони 22000 га етганлигини минг афсуслар билан алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Шунингдек ўқувчи ёшларимиз ўртасида профилактик текширувлар ўтказилганида, уларнинг ёнидан турли хилдаги ўткир тўғли қуроллар топилгани эса ҳар биримизни фарзандларимиз тарбияси борасида чуқур мулоҳаза юритишга даъват этади. Айниқса, Америка Қўшма Штатларида содир этилган террорчилик ҳаракатида иштирок этган ўзбек фарзанди Сайфулло Соиповнинг қилган хунрезлиги болажон халқимизнинг шаънига доғ бўлиб тушди. Ота-боболаримиз бежизга миллатнинг шаънини кўкка кўтарадиган ҳам фарзанд, ерга урадиган ҳам фарзанд”, деб айтишмаган экан.

Шу маънода Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов: “Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша эзгу-орзу ва интилишлар билан яшайди”, деб айтган сўзлари фарзандларимиз жамиятнинг бирламчи бўғини эканлигини исботлайди.

Яна, биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, “Бугунги кунда оддий бир ҳақиқат барчамиз учун аён бўлиши керак. Олдимизда турган энг улуғ мақсадларимиз – мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятида қандай ўрин эгаллаши ҳам – буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир”.

Ҳақиқатан ҳам, фарзанд тарбияси ҳаётий зарур масаладир. Ҳар бир оиладаги тарбия фарзанднинг гўдаклик давридан бошланади, фарзанд эса ҳаётининг кўп қисмини ота-онасининг бағрида ўтказади.

Умуман, ҳар қандай оиланинг мустаҳкамлиги, оилавий тарбиянинг таъсирчанлиги ва самарадорлиги кўп жиҳатдан оилада қарор топган ўзаро муносабатларга, уларнинг маънавий-ахлоқий иқлимига боғлиқ. Зеро, Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) нинг Ҳадиси шарифларида айтилганидек: Ота-оналарнинг фарзандларига қолдирадиган энг катта мероси уларга берадиган таълим-тарбияси, гўзал одоби ва ахлоқидир.

Шарқ мутафаккирлари ҳам фарзанднинг оиладаги тарбияси хусусида ўз асарларида жуда кўп тўхталиб ўтганлар. Жумладан, буюк аллома ва мутафаккир Абу Али ибн Сино ўзининг “Донишнома” асарида фарзанд тарбияси учун аввало ота-она масъуллигини таъкидлайди. Шу билан бирга аллома ўз асарида ота-онанинг илмли, фозил ва дунёқарашлари кенг бўлишликларини алоҳида уқтириб, фарзанд тарбиясидан масъулиятлироқ иш йўқлигини баён қилади.

Абу Али ибн Сино ўз асарида фарзандни гўзал хулқли, жисмонан соғлом қилиб камол топтиришда ота-она шахсий намуна бўлиш кераклигини келтириб ўтади: “Фарзанд тарбиясида энг аввало оила ҳаётини тўғри йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки оилада катта ёки кичик нарса бўлмайди. Ҳамма нарса,

хатто, энг оддий бўлиб кўринадиган оилавий муносабатлар ҳам фарзандга таъсир кўрсатади. Айниқса, ватанпарварлик, ростгўйлик, самимийлик, садоқатлилиқ ва ширин суҳан бўлиш фарзанд камолотидаги муҳим ҳаётий воситалардан биридир.”

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, юқорида тилга олинган тарбия шакллари аналга оширишнинг устувор йўналишларидан бири – аввало оналарнинг маънавий билим савиясини ошириш, уларда соғлом тафаккур ва замонавий дунёқарашни шакллантиришдир. Бу эса ҳар бир ота-онанинг ўз фарзанди олдидаги, эл-юрт олдидаги бурчини тўғри англашни, инсоннинг дунёга келиши ва камол топиб ривожланишига оид бўлган қонуниятларни пухта билишни, оилавий муносабатлар доирасида миллий урф-одат ва анъаналаримизнинг энг нодирларини турмушга сингдириш орқали фарзандларимизда миллий қадриятларимизга, Ватанимизга бўлган меҳр-муҳаббатни уйғотишни, шунингдек уларни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган ҳамда турли нотўғри йўлларга кириб қолмайдиган баркамол авлод қилиб тарбиялашни тақозо этади.

Мавзу бўйича қисқача хулосалар

МУСТАҚИЛ ИШЛАШ УЧУН МАВЗУЛАР

- 1.«Иқтисодий тарбия назарияси» фаниқаги янги педагогик узгаришлар ва уларни хусусиятлари.
2. Иқтисодий тарбия назарияси, унинг мақсади, методи ва тамойиллари.
3. Талаба шахси иқтисодий тарбиянинг объекти эканлиги.
4. Мулкый тарбиянинг иқтисодий тарбияга таъсири.
5. Бозор иқтисодиёти даврида иқтисодий тарбиянинг узига хос хусусиятлари.

6. Талаба шахснинг ривожланишига иқтисодий тарбиянинг роли.
7. Иқтисодий тарбиянинг методологик асослари нималардан иборат?
8. Марказий Осиё мутафаккирларининг асарларида иқтисодий тарбия.
9. Иқтисодиётни юксалиш тарихи ва унинг шахсни шаклланишига таъсири.
10. Иқтисодий тарбия жараёнида зарур бўлган уйғунлик йўллари ва уларнинг таъсири.
11. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида иқтисодий тарбия жараёнининг узлуксизлиги.
12. Иқтисодий билимдонлик - иқтисодий тарбиянинг асоси эканлиги.
13. Радобатбардош кадрлар тайёрлаш ва иқтисодий тарбия.
14. Малакали идтисодчилар тайёрлашда ўқитувчиларнинг роли ва урни.
15. Бизнесмен ишбилармонлар тарбиясининг асослари.
16. Тарбия жараёнида иқтисодий тарбиянинг шаклланиши.
17. Адлий тарбиянинг иқтисодий тарбияга таъсири.
18. Кадрлар тайёрлашда иқтисодий тарбиянинг роли ва урни.
19. Ахлодий тарбия ва унинг иқтисодий тарбия билан боғлидлиги.
20. Иқтисодий тарбияда нон ва унинг урни.
21. Экологик тарбияда иқтисодий тарбиянинг тутган урни.
22. Ўзбекистон Республикасининг юксалишида иқтисодий тарбиянинг роли нималардан иборат?
23. Худўқий ва иқтисодий тарбиянинг узаро боғлидлиги.
24. Ёш авлоднинг гармоник ривожланишида иқтисодий тарбиянинг тутган урни.
25. Жисмоний тарбиянинг иқтисодий тарбия билан боғлидлиги нималардан иборат?
26. Иқтисодий тарбия жараёнида эстетик тарбиянинг роли.
27. Бозор иқтисодиёти даврида иқтисодий тарбиянинг роли.
28. Меҳнат тарбияси - иқтисодий тарбиянинг пойдевори эканлиги.
29. Иқтисодий тарбиянинг услубий асослари нималардан иборат?
30. Марказий Осиё донишмандлари асарларида иқтисодий тарбиянинг ривожланиши.
31. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида иқтисодий тарбиянинг ахамияти.
32. Ўқитувчи меҳнатининг нуфузли эканлигига таъсир қилувчи омиллар.
33. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишда шахс, оила ва жамиятнинг роли.
34. Узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чидаришнинг интеграциялашуви.
35. Кадрлар тайёрлаш тизимида ижтимоий ҳимоя ва моддий таъминот.
36. Юқори малакали кадрлар - радобатбардош иқтисодиёт асоси

эканлиги.

37. Иктисодиётда маданий-маърифий тарбиянинг асосий вазифалари ва воситалари.

38. Кадрлар тайёрлаш тизимида иктисодий тарбия ва унинг ахборот таъминоти.

39. Иктисодий билимдонлик даражаси ва унинг курсаткичлари нималардан иборат?

40. Демократик турмуш тарзининг иктисодий тарбия билан узвий боғликлиги.

41. Иктисодий тушунчаларнинг шаклланишида ишонч функцияларининг қарор топиши.

42. Умуминсоний кадриятларнинг иктисодий тарбияга таъсири.

43. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» да инсон омили ва унинг иктисодиётга таъсири.

44. Мулкий тарбиянинг моҳияти ва аҳамияти нималардан иборат?

45. Иктисодий тарбиянинг услубий асослари.

46. Алишер Навоий асарларида иктисодий қарашларнинг шаклланиши.

47. Узлуксиз таълим тизимининг янги моқўллари нималардан иборат?

48. Аҳмад Дониш асарларида иктисодий тарбия назариясининг ривожлантирилиши.

49. Абу Али ибн Сино ва таълим-тарбия.

50. Абу Наср Фаробий асарларида таълим-тарбия масалалари.

51. Иктисодий тарбия жараёнида иктидорли ва талантли ёшларни тутган урни ва роли.

52. Мирзо Азим Соми асарларида иктисодий тарбия ва педагогика масалалари.

53. Иктисодий тарбияда психология ва педагогиканинг роли.

54. Мухаммад Икром ибн Абдусалом ва Абдурауф Фитрат асарларида иктисодий ғоялар.

55. Абдурахмон Жомий асарларида иктисодий тарбия масалалари.

56. Захриддин Мухаммад Бобурнинг илмий-адабий меросида ахлокий ва эстетик тарбия масалалари.

57. Тарбия одобномаси - иктисодий тарбиянинг пойдевори эканлиги.

58. Шахс тушунчаси ва унинг тарбия субъекти эканлиги.

59. Дайта тарбиялаш ва унинг муаммолари.

60. Ҳукукий тарбиянинг мақсади, воситалари ва методлари.

61. Ҳукукий маданият ва ҳукукий тарбиянинг узаро боғликлиги.

62. Эстетик тарбиянинг моҳияти, вазифалари ва фойдаланиш методлари.

63. Меҳнат тарбиясининг мазмуни, мақсади ва вазифалари.

64. Меҳнат тарбиясининг психологик ва педагогик асослари.

65. Малакали иктисодчилар ва улардан самарали фойдаланиш - Ўзбекистон Республикасининг раънақи эканлиги.

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

- 1.«Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. - Т.: Шарқ, 2001. Олий таълим меъёрий хужжатлари. 3-18 бетлар.
- 2.Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. - Т.: Шарқ, 2001, Олий таълим меъёрий хужжатлари. 18-52 бетлар.

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва қарорлари

- 1.«Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори. // «Халқ сўзи» газетаси, 2005 йил 3 июн.

3.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

1. «2010 йилгача бўлган даврда урта махсус, касб-хунар таълими тизими педагог ва муҳандис педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастури» ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги 400-сонли Қарори.

2. «Урта махсус, касб-хунар таълими тизими учун дарсликлар ва уқув адабиётининг янги авлодини яратиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 341-сонли Қарори.

3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1.Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т.: Ўзбекистон., 2009.-56 б.

2.“Инсон манфаатларини устиворлигини таъминлаш- барча ислохот ва узғаришларимизнинг бош мақсадидир” И.А.Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи., 2008 йил. 8 феврал

3. Каримов И.А. Мамлакатимиз таракқиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. // «Халқ сўзи» газетаси, 2006 йил 25 феврал.

4. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. // «Халқ сўзи» газетаси, 2006 йил 11 феврал.

5. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиyatни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. - Т.: Ўзбекистон, 2005. - 92 б.

6. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. - Т.: Ўзбекистон, 1999.-453 б.

7. Каримов И.А. Барқамол авлод орзуси. - Т.: Шарқ, 1999.- 235 б.

4.Ўзбекистон Республикаси Вазирликларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари

8.Ўзбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирлигининг “Олий таълимга оид меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 2000 йил 22 сентябр 251-сонли буйруғи.

9.Ўзбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирлигининг “Ижтимоий гуманитар фанлар бўйича маъруза матнларини тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида”ги 2000 йил 19 июн 176-сонли буйруғи.

5.Дарслик ва уқув қўлланмалар

8. «Қуръони Қарим» Т., 1992

9. «Ҳадислар» 2-жилд, Т., 1997

10. «Муҳтассар» -Т.,1995

11. «Авесто»- Т., «Шарк» матбаа нашриёт компанияси 2001.
12. А.Г.Худакормова «История экономических учений» част-2, Учебник, под.ред. М.МГУ 1994
13. Абу Ал Ибн Сино «Тиббиёт достони» Т., 1990
14. Авлоний А. Танланган асарлар- Т., 1998
15. Авлоний А. Туркий Г улистон ёхуд ах,лок. Т., 1997 й.
16. Алишер Навоий «Махбуб ул кулуб» Т., 1993
17. Амир Темур «Темур тузуклари» Т., 1992
18. Амир Темур ва Шарк иктисодий мероси. (Амир Темур тавалўқининг 660 йиллигига бағишланган илмий назарий анжуман материаллари. Масъул мух,аррирлар: проф А.Сотволдиев ва проф ^.Йўлдошев)
19. Ашуров А. «Авесто»дан колган мерослар- Т., 2000 й.
20. Ашуров А. Дунё динлари тарихи- Т., 2001 й.
21. Бех,будий М. Танланган асарлар- Т., 1998
22. Бозор иктисодиёти назарияси ва амалиёти. Академиклар С.Ғуломов ва М.Шарифхужаевларнинг умумий таҳрири остида Дарслик, Т., «Укитувчи» 2000
23. Бозор иктисодиёти назарияси Т., 1993
24. В.А. Жамин «История экономияеских учений» част-1 Учебник, М.МГУ 1989
25. «Всемерная история экономической мусли» М., 1987
26. Жабборов И. «Зардуштнинг илк юрти» «Халк сўзи» газетаси 1994 й., 29 июнь.
27. Жахон иктисодиёти. Маърузалар матни., 1994
28. З.М.Борур «Бобурнома» Т., 1989
29. «Иктисодий таълимотлар тарихи» Т., «Фан». 1997
30. «Иктисодий таълимотлар тарихи» ТДИУ Т., 1992
31. Иброхимов Н. «Ибн Битута ва унинг Урта Осиёга саёхати» Т., 1993
32. Ижтимоий йуналтирилган бозор иктисодиёти Т., 1996
33. Йўлдашев ^Қ, Муфтайдинов Қ. Иктисодий таълимотлар тарихидан Т., 2000
34. Йўлдашев ^Қ, Муфтайдинов Қ. Иктисодий таълимотлар тарихи Т., 2002
35. Йўлдашев Қ., Муфтайдинов К «Иктисод илми асослари» А.,1996
36. Йўлдашев Қ., Муфтайдинов К «Иктисодий билим асослари» 2-нашри. Т., 1999
37. Йўлдашев Қ., Муфтайдинов К «Иктисодий билим асослари» А.,1996
38. Кодиров А. «Иктисодиёт назарияси» Т, 2001
39. Курс экономической теории. Учеб.пос. 1993
40. Макконел К.Р. Брю С.Л. Экономикс М., «Республика» 1992
41. Азизхужаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик махорат.Тошкент. ,2003.
42. Фаберман Б.Л,Мусина Р.Г, Жумабоева Ф.А.Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари.Т-2002.
43. Авлиёкулов Н. Замонавий ўқитиш технологиялари.Тошкент 2001.й.
44. Беспалько В.П.Слагаемые педагогической технологии.М.:Педагогика 2000г.
45. Селевко С. Современные образовательные технологии. Москва

1998.

46. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлод. -Т.: 1996.

47. Хужаев Н,Хасанбоев Ж,Мамажонов И, Мусахонова Г.Янги педагогик технологиялар. Ўқув қўлланма Т, ТДИУ.- 2007. 180 б.

48. ХакимоваМ,Хужаев Н, Ахмедов Д. Педагогик технологиялар.Ўқув қўлланма Т, ТДИУ.- 2007. 166 б.

49. Расулова Ш. Абдуллаева Р. Педагогическая этика. Ўқув қўлланма Т, ТДИУ.- 2007. 134 б.

Интернет сайтлари

- 1.www.glef.org. Джордж Лукасинг Таълимнинг фонди.
2. www.newhorizons.org. Таълимнинг янги уфдлари.
3. www.rhecherswithoutborders.org. Чегарасиз ўқитувчилар.
4. www.thelearningweb.net. Таълим тармоги.
5. www.inetlibrary.com. Интернет-кутубхона

Электрон дарслик ва уқув кулланма.

Г. Очилова. “Педагогика” дарслик. Т. 2005 й.

www.ppf.uni.udm.ru

www.ppf.uni.udm.ru

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
Иктисодий тарбиянинг максоди ва вазифалари	5
«АВЕСТО» асаридаги иктисодий тарбия масалалари	16
Кадимги дунёдаги иктисодий тарбия	33
Ислом динидаги иктисодий тарбия.....	39
Уйғониш даври Урта Осиё мутафаккирлари асарларидаги иктисодий тарбия.....	58

Амир Темур ва темурийлар давридаги иктисодий гоёлар.....	71
Иктисодий тарбия қонуниятлари, тамойиллари ва методлари	86
Бозор иктисодиёти ва иктисодий тарбия	90
Мулкий тарбия - иктисодий тарбиянинг асоси эканлиги	94
«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида иктисодий тарбия.....	98
Иктисодий тарбия мезонлари ва услубий асослари	103
Сифатли ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ва иктисодий тарбия	108
Ўзбекистонда узлуксиз иктисодий таълим тизими	114
Иктисодий тарбиялашда оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги	119
Иктисодий тарбия жараёнида жамоа ва унинг шахсий шакллантиришдаги урни	122
Иктисодчи-уқитувчи меҳнати, билими ва юқори малакасининг нуфузи ...	125
Иктисодий тарбия жараёнида талаба шахсини юксалтириш	131
Ишбилармон ва бизнесменлар тарбиясининг педагогик асослари.....	136
Иктисодий таълимнинг ташкилий шакллари.....	142
Иктисодий билимларни текширишнинг рейтинг тизими.....	147
Иктисодий тарбия жараёнида ЯПТ лардан фойдаланиш	151
Иктисодий тарбия ва масофавий таълим.....	160
Биринчи Президент И. Қаримов асарларида иктисодий тарбия.....	166
Президент Ш. Мирзиёев асарларида иктисодий тарбия.....	166
МУСТАКИЛ ИШЛАШ УЧУН МАВЗУЛАР	182
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	185

